

SHARQSHUNOSIK
ВОСТОКОВЕДЕНИЕ
ORIENTAL STUDIES



2

2022

ILMIY JURNAL
ISSN 2181-8096



SHARQSHUNOSLIK
ВОСТОКОВЕДЕНИЕ
ORIENTAL STUDIES

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI ILMIY JURNALI

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА ВОСТОКОВЕДЕНИЯ

SCIENTIFIC JOURNAL OF THE TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF ORIENTAL STUDIES

№ 2, 2022



Журнал Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси
рўйхатидан қайта ўтган (№ 02-0053, 26.09.2014 й.) – ISSN 2181 – 8096

Бош муҳаррир – Рихсиева Гулчехра Шавкатовна
филология фанлари номзоди, доцент

Таҳрир хайъати

Д. Сайфуллаев	<i>тарих фанлар доктори, доцент (бош муҳаррир ўринбосари)</i>
Д. Мухиддинова	<i>филология фанлари доктори (масъул котиб)</i>
А. Маннонов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Р. Ходжаева	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Ш. Шомусаров	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Қ. Омонов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
У. Мухибова	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Х. Хамидов	<i>филология фанлари доктори, доцент</i>
Б. Абдухалимов	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
А. Ходжаев	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
М. Исҳоқов	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
А. Дониёров	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
Х. Файзиев	<i>тарих фанлари номзоди, доцент</i>
Р. Жумаев	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
Н. Абдуллаев	<i>сиёсий фанлар доктори, доцент</i>
Ш. Ёвқочев	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
А. Ваҳобов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Р. Абдуллаев	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
И. Мавланов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Д. Пўлатова	<i>фалсафа фанлари номзоди, профессор</i>
Р. Баҳодиров	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Э. Иззетова	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Г. Глизон	<i>АҚШнинг New Mexico университети профессори</i>
А. Шоназарова	<i>АҚШнинг Колумбия университети профессори</i>
Оно Масаки	<i>Япониянинг Цукуба университети профессори</i>
Ли Жи Ин	<i>Корея Республикасининг Ханжук чет тиллар университети профессори</i>
В. Месаамед	<i>Исроилнинг Қуддус университети профессори</i>
А. Гурер	<i>Туркиянинг Анқара университети профессори</i>
А. Воробьев	<i>Россия Фанлар академияси, Шарқшунослик институти катта илмий ходими</i>
Г. Авда	<i>Миср Араб Республикасининг Хелвон университети профессори</i>
А. Тохир	<i>Миср Араб Республикасининг “Ал-Ҳивар” сиёсий тадқиқотлар маркази директори</i>
Ли Синьвэй	<i>Хитой Халқ Республикасининг Шэньси университети профессори</i>
Х. Байдемир	<i>Туркиянинг Отатурк университети профессори</i>

Нашрга тайёрловчилар:

Ж. Исмоилов, А. Зиёдов, Л. Хамдамзода, Ҳ. Сулаймонова

Журнал докторлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши
лозим бўлган илмий наشرлар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий
Аттестация Комиссияси томонидан киритилган.

e-mail: nashriyot@tsuos.uz

web-site: www.tsuos.uz

**МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS****АДАБИЁТШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ //
LITERATURE STUDIES**

<i>Ходжаева Р.</i> Образы и мотивы арабо-мусульманской литературы в литературе и искусстве западной Европы и России	5
<i>Мухиддинова Д.</i> Замонавий араб ёзувчиси Жамол ал-Ғитоний ижодида кундалик жанри.....	12
<i>Махаммадходжаева У.</i> XX аср Ҳинд адабиётида гендер тенглиги масаласи.....	24
<i>Муродова Д.</i> Пак Вансоннинг “Шунча Шингани ким еган?” романида миллат муаммосининг бадий талқини	29
<i>Абдуганиева Н.</i> Волшебные сказки Индонезии и их формулы.....	42
<i>Джалилова Ш.</i> О категория имени существительного в народно – песенных текстах на Авадхи	54

ТИЛШУНОСЛИК // ЯЗЫКОЗНАНИЕ // LINGUISTICS

<i>Тўлагонова Ш.</i> Стереотип бирликларда маъно кўчиши ҳодисаси.....	60
<i>Юнусова Н.</i> Синхрон таржимада стратегия ва тактикалар	70
<i>Жўраева М.</i> «Ал-Фавоиду-з-Зиёийя» ва «Кофия» асарларида феъл туркумининг ёритилиш принциплари	79
<i>Ғисаров Ф.</i> Уйғур тилидаги доривор ўсимликлар номларига ҳос лексикологик хусусиятлар	90
<i>Умарова М.</i> Таом номларига оид реалиялар ва уларнинг Урду ҳамда Рус тилларига таржималари хусусида	97
<i>Қудратов А.</i> Синхрон таржимани ўрганиш тарихидан	105

**МАНБАШУНОСЛИК ВА ТАРИХШУНОСЛИК // ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ
И ИСТОРИОГРАФИЯ // SOURCE STUDIES AND HISTORIOGRAPHY**

<i>Худайбердиев А.</i> Политика Италии и Великобритании в Йемене между двумя мировыми войнами	114
<i>Абдуллаев У.</i> Амир Темурнинг яқин шарқ сиёсатидаги илк натижалар	128
<i>Зокиров Б.</i> XIX асрда Ўрта Осиёга ташриф буюрган хориж сайёҳларининг асарларидаги топонимлар аҳоли этноижтимоий тарқибини ўрганишда манба сифатида.....	136
<i>Мавланов И.</i> Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистонда давлатни иқтисодий бошқариш тизимининг айрим жиҳатлари	143
<i>Ходжимуратова Д.</i> Эрон ташқи сиёсати генезиси ва эволюцияси	160



ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА СИЁСАТ //
МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ И ПОЛИТИКА //
INTERNATIONAL RELATIONS AND POLITICS

<i>Абдуллаев Н.</i> Суриянинг сиёсий трансформацияси хусусиятлари.....	169
<i>Бобохонов А.</i> Технологическое развитие КНР как новый фактор формирования китайской «мягкой силы»	179
<i>Абдурасулов Ж.</i> Афғонистон иқтисодиётини тиклашдаги тўсиклар ва истикболлари	190

ФАЛСАФА // ФИЛОСОФИЯ // PHILOSOPHY

<i>Ахмедова С.</i> Специфика проблемных аспектов теории познания в китайской философии	202
--	-----



АДАБИЁТШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ // LITERARY STUDY

ХОДЖАЕВА РАЪНО

Доктор филологических наук, профессор, ТГУВ

Образы и мотивы арабо-мусульманской литературы в литературе и искусстве западной Европы и России

Аннотация. Настоящая статья посвящена проблеме взаимосвязи и взаимовлияния литератур, которые рассматриваются как важный фактор культурного развития народов. В частности, в ней прослеживается знакомство европейцев через переводы с богатой литературой на арабском языке, приобщение к ее историческому и художественному опыту, образам и мотивам.

Опорные слова и выражения: арабская литература, концепция мировой литературы, европейская литература, литературный процесс, взаимодействие, доисламская поэзия, касида, исламская литература.

Аннотация. Ушбу мақола халқлар маданият тараққиётининг муҳим омилли булган адабиётларнинг ўзаро алоқалар ва ўзаро таъсирланиши масалаларига бағишланган. Жумладан унда европаликларнинг араб тилида яратилган бой адабиёт билан таржималар орқали танилиши, униг тарихий ва бадий тажрибасигаа ёндоишиши, тимсоллари ва сиймоларидан баҳраманд бўлиши кузатилади.

Таянч сўз ва иборалар: араб адабиёти, жаҳон адабиёти концепцияси, европа адабиёти, адабий жараён, ўзаро таъсир, исломгача шеър, қасида, ислом адабиёти.

Abstract. The present article is dedicated to the problem of interconnection and mutual influence of literatures, which are reviewed here as an important factor in the cultural development of peoples. In particular, it traces the acquaintance of Europeans with the rich literature in Arabic through translations and familiarization with its historical and artistic experience, images and motifs.

Keywords and expressions: Arab literature, the concept of world literature, European literature, literary process, interaction, pre-Islamic poetry, qasidah, Islamic literature.

Арабская литература имеет глубокие древние корни, Ужу в 5–6 века нашей эры так называемая джахилийская (доисламская) поэзия проходила период расцвета и стала для арабов эталоном красоты языка поэзии, мерилем метрики, выработав на долгие века эстетические идеалы и художественные критерии. Сохранились имена приблизительно 125 доисламских поэтов, среди них такие выдающиеся как Имру- Кайс, Антара, Тарафа, Зухайр и др. Образы и мотивы древнеарабской поэзии привлекали и вдохновляли литераторов всего мусульманского мира, понимающего арабский язык. Западный мир познакомился с образцами этой



литературы намного позже благодаря переводам, которые особенно усилились в 18 – 19 веках в связи с бурным развитием ориенталистики в Европе. Великий немецкий поэт и мыслитель Иоганн Вольфганг Гёте был хорошо знаком с арабской литературой, с персидской и тюркоязычной поэзией. Исследования и переводы востоковедов открыли перед ним удивительный мир древнего арабского поэтического искусства в стихах Антары, Имру-л-Кайса и других поэтов раннего средневековья. И что примечательно, в этом мире его особенно очаровали стихи поэта-изгоя Сабита Ибн Суфйана, более известного под прозвищем “Тааббата Шарран”, т.е. буквально “Тот, кто носит подмышкой зло”, имеется в виду сабля. Этот гордый поэт был изгнан из племени за свою непокорность и упрямство. Он в одиночку кочевал по пустыне, проявляя чудеса храбрости и доблести, но мог при случае напасть с целью грабежа. Гёте оценил его независимый вольный дух и перевел его самую известную касиду, где арабский поэт описывает свою судьбу одинокого скитальца, выбившегося из коллеи привычной коллективной племенной жизни. “Чтобы дышать воздухом Востока — писал Гёте в своих “Анналах” в 1915 году - “я обратился к арабскому языку и стал изучать его. Стал исследовать “Муаллакаты”, т.е. лучшие образцы древнеарабской поэзии [3, !0]. Для него история любви арабского поэта аль-Амири, прозванного Медждуном к красавице Лейли стала “образцом безграничной любви, вновь усвоенный чувством и воображением”. Но Гёте знал истории и других знаменитых влюбленных пар мусульманского Востока. Таких как Юсуф и Зулайха, Фархад и Ширин Сулайман и Балкис, Рустам и Рудоба, и что вызывает удивление, даже историю отчаянной любви бедуинского поэта Джамиля к Бусейне (у Гёте Ботейна). Он упоминает о них в своём знаменитой “Западно-восточном диване” в главе под названием “Ишк” .

Старость идёт , но любовь их верна—

Это Джамиль и Ботейна [3].

Это предание не столь распространено за пределами арабского мира, но, как это видно, привлекло внимание Гёте. Но более всего из древнеарабской поэзии европейцев привлекал образ Антары . Антара—выдающийся арабский поэт доисламской эпохи (525 – 608), один из авторов “муаллакатов”. Он был сыном шейха племени, но родился от темнокожей рабыни, что сказалось на его более низком сословном положении в племени. И хотя поэт отличался храбростью и верностью, защищал честь племени, он получил отказ, когда просил руки Аблы, девушки, которую любил и которой посвятил почти все свои стихи. Вокруг личности Антары сложилось много легенд и преданий. Ему посвящен народный роман “Сират Антара” (Деяния Антары), собранный и записанный учеными-филологами. Он был переведен на европейские языки и издан в 32 томах в Лондоне, Париже, Вене, Лейдене, Лейпциге и других центрах ориенталистики. Известный русский композитор





Н. Римский-Корсаков написал свою симфонию “Антар” по мотивам легенды об Антаре. Во Франции под руководством художника Этьена Дине сформировалась школа художников-ориенталистов, в творчестве которых были сильны арабские мотивы, среди них была и художница Диана Ричмонд, создавшая множество экспозиций с картинами на тему “Антар и Абла”.

Ислам как великая монотеистическая религия в истории человечества и его священная книга “Коран” оказали значительное влияние на мировую культуру в целом. Примерами ярко иллюстрирующими такое воздействие являются произведения А.С. Пушкина, М.Ю. Лермонтова, Л.Н. Толстого, И.А. Бунина и других великих деятелей русской литературы. Известно какое влияние оказал Священный Коран на творчество великого русского поэта А. С. Пушкина, написавшего цикл философских стихотворений “Подражания Корану”, в которых поднял тему пророчества, истинной веры, заблуждений человеческого разума. Поэт видит в Коране источник правды, чистоты и добра. Вдохновившись священным Кораном классик русской литературы, лауреат Нобелевской премии по литературе И.А. Бунин написал более 30 стихотворений, навеянных темами, сюжетами и образами Корана (Камень, Тень птицы, Тайна, Закон, Чёрный камень Каабы и др.). Стилизация под отдельные сур и стихов Корана, поэтические отклики на его мотивы содержатся и в произведениях многих западноевропейских литераторов, например в “Западно-восточном диване” Гёте или множество исламских отсылок в произведениях Чарльза Диккенса.

Великие мыслители Маварауннахра и Хорезма внесли большой вклад в развитие арабоязычной научной и художественной литературы. Богатая арабоязычная литература этих регионов Центральной Азии способствовала в IX – XII вв. дальнейшему развитию духовно-общественной мысли его народов и мощному культурному подъёму, получившему название первого этапа мусульманского Ренессанса. Блестящие учёные края Абу Бакр аль-Хоразмий, Ибн Сина, Махмуд аз-Замахшари и многие другие сочетали в своём творчестве научные изыскания с литературной деятельностью. Именно в этот период были созданы шедевры художественного наследия—выдающиеся литературные памятники, вошедшие в арсенал мировой литературы.

Знаменитый учёный филолог Абу Бакр аль Харазмий (934—993) на литературном поприще прославился своими «братскими посланиями» — «расаиль ихванийя» [7]. Этот жанр вошел в арабскую литературу с распространением диванов-канцелярий, где секретари обменивались не только официальными письмами, но и посылали друг другу дружеские послания, в которых описывали разные события, обменивались разного рода шутками, делились своими проблемами. Со временем это дружеское письмо превратилось в своеобразный жанр прозы, написанный в виде письма



мнимому адресату. Абу Бакр аль-Хоразми был мастером таких писем, написанных на высоком художественном уровне. Через эти письма просачивается дух эпохи, они содержат описание исторических личностей, дают ценные сведения о социально-общественной и литературной среде. Некоторые послания наполнены похвалой, другие имеют дидактический характер, наполнены советами к власти имущим, призывами к справедливости. Литератор не опасается выступить с резкой критикой пороков или вступить в острую литературную полемику. Кроме книги посланий «Расайль ал-Хоразми» Абу Бакр аль-Хоразми оставил после себя поэтический диван, который дошел до наших дней

Великий мыслитель Ибн Сина (980—1037) в основном известен как автор медицинских и философских произведений. Но он плодотворно трудился и на поприще литературы, создавая художественные произведения в различных поэтических и прозаических жанрах, а также писал литературоведческие исследования. Его знаменитый трактат по грамматике «Альфия» был написан в форме стихов в размере ражаз. Он творил в таких поэтических жанрах как касыда, рубаи, газель, китъа и др. Его медицинские поэтические трактаты назывались уржузами, т.е. написанные размером ражаз, и они получили большое распространение во всем мире, к ним написано много комментариев, они специально изучались в медицинских учреждениях.

Что касается лирических стихов Ибн Сина, патриотические мотивы в них сливаются с интимной лирикой, где радостные нотки от радости свидания с возлюбленной сменяются горестными раздумьями от разлуки.

Из прозаических произведений наибольшую известность получила повесть «Хайй ибн Йакзан». Мы не ошибёмся, если заметем, что это произведение оказало влияние на литературу всего мира. Его герой путём самостоятельного получения знаний и упорного труда добивается большого духовного совершенства и жизненных высот. У него вырабатывается твёрдое убеждение, что только путём самопознания и совершенствования с помощью науки и знаний можно противостоять мракобесию и невежеству. Эта повесть носит философский характер, а его герои несут в себе определенные символы, без их освоения трудно понять смысл повести.

Повесть оказала влияние на многих литераторов в мусульманском мире как, например, на арабского философа и знаменитого медика ХII в. в далёкой арабской Андалусии на юге Испании—Ибн Туфайла. Повесть вдохновила его на написание романа под тем же названием «Хайй ибн Йакзан», также получившую большую известность, в том числе и на Западе. Сюжет романа несколько изменен, его герой на необитаемом острове, оставшись один, добивается самоусовершенствования и знаний, приобретает жизненный опыт в познании законов природы, в изучении вселенной. Хайй стремится исправить людей, научить тому, что сам познал из общественных



законов жизни и основ мироздания, но люди не могут подняться до высот его умозрительного мышления. Разочарованный герой возвращается на свой необитаемый остров и продолжает развивать свой духовный мир и жизненный опыт. Этот процесс познания, описанный Ибн Туфайлом увлекательно и поэтично, вылился в своеобразный гимн человеческому разуму и труду. Строй фабулы романа тяготеет к философской притче о том, как совершенствуется человек в поиске истины. Роман, пропитанный нравственно-эстетическими взглядами Ибн Сина, оказал влияние на арабскую и западную философию и литературу. Под его влиянием в Европе даже появился жанр «воспитательного романа», ярчайшим примером которого является «Робинзон Крузо» - знаменитый роман английского писателя Даниэля Дефо, воспевающий созидательный труд и познание.

Другая повесть Ибн Сина «Соломон и Ибсал» поднимает такие нравственно—этические проблемы как искренность в чувствах, верность, преданность, воля и т. д., и осуждает предательство, несправедливость, насилие и другие пороки. Эта повесть также наполнена аллегориями, как и третья повесть «Юсуф». Ибн Сина одним из первых в литературе обратился к кораническому сказанию о Юсуфе, чей образ обрисован как образ человека, умеющего обуздать свои чувства, ставящего выше всего разум и познание. Каждый из героев повести олицетворяет ту или иную черту характера, что позволяет говорить о литературной интерпретации знаменитого коранического сказания.

Четвертая пьеса Ибн Сины «Ат—Тайр» несколько отличается от первых трех. Она повествуется от имени птицы, которая является символом души, субстанцией духа, в то время как тело – субстанция материи. Органическое слияние двух субстанций приводит к совершенствованию, к познанию истины. Эта философская повесть оказала большое влияние как на литературу народов Центральной Азии, так и на литературу всего мусульманского Востока. Повесть переведена на многие языки, у неё много литературных интерпретаций. Среди этих интерпретаций самые известные произведения двух великих литераторов-мыслителей — «Мантик ат-тайр» Фаридуна Аттора и «Лисан ат-тайр» Алишера Навои.

Научный мир знает выдающегося филолога из Хорезма Махмуда аз-Замахшари по его таким научным трудам как «Аль-Муфассал», «Мукаддимату-ль –адаб», «Асас аль-балага», «аль Кашшоф» и др. Но аз-Замахшари плодотворно занимался и литературным творчеством. До нас дошел его обширный поэтический диван. Среди прозаических художественных произведений известны такие произведения как «Макамат аз-Замахшари (Макамы аз-Замахшари), «Атвак аз-захаб» (Золотое ожерелье), «Навабиг ал-калим» («Изящные афоризмы»), «Рабиъ-уль-абрар ва нусус –ль-ахйар» («Весна праведных и речи лучших»). Они известны востоковедам и переведены на немецкий, французский, английский,



турецкий и другие языки мира. Эти произведения аз-Замахшари в основном носят нравственно-этический характер, содержат небольшие назидательные истории, поэтические вкрапления, пословицы и поговорки. Арабский язык аз-Замахшари является образцом литературного арабского языка, а поэтика его произведений может послужить эталоном арабской поэтики. Макамы аз-Замахшари написаны саджем-прекрасной рифмованной прозой, что является доказательством того, насколько аз-Замахшари – этот великий мыслитель из Хорезма, блестяще владел арабским литературным языком [8].

Следует отметить, что известные труды ученых и литераторов, созданные в одном конце мусульманского мира рано или поздно становились достоянием читателей в другом его конце благодаря копиям переписанной рукописи. Что касается западного мира, наибольшую роль в ознакомлении Европы с мусульманской культурой сыграла Андалусия, как называли арабы завоёванную ими часть Испании, куда арабы проникли в начале 8-го века и был создан Кордовский эмират.

К концу X века Кордовский эмират распался на мелкие княжества, из которых дольше всех просуществовал Гранадский халифат до конца 15 века. Испания долго боролась за освобождение своих южных владений, и ей это удалось в результате Реконкисты - борьбы за освобождение.

Долгое пребывание арабов в Испании имело своим последствием создание блестящего синтеза арабо-испанской культур, влияние которого испанцы ощущают и по сегодняшний день. Хотя на начальном этапе литераторы арабской Андалусии целиком придерживались традиций восточно-арабской литературы, то с распадом Кордовского эмирата, образованием множества разрозненных арабских княжеств и формированием таких культурных центров как Кордова, Севилья, Валенсия, Гранада, Толедо и др. наметились новые тенденции в андалусском искусстве и литературе. Наряду с исконными традиционными жанрами поэты обратились к испанской тематике. Если в начале в испанской поэзии преобладала тема утерянной арабской родины, то теперь она сменилась темой любви к Андалусии Сохранилась сущность традиционных жанров-мадха(прославления), риса(элегии), но в васфе-описании произошли большие изменения. Поэты перестали описывать пустыню, подражая восточным арабским поэтам, но зато теперь они поэтично описывали природу Испании, её сады и парки, площади и дворцы и что было совершенно новым для арабской поэзии – корабли и моря. Так в поэзии знаменитого андалусского поэта Ибн Зайдуна мы видим традиционные поэтические мотивы, но с другой стороны – много испанских элементов— природа Испании, описание великих городов Андалусии, среди них его любимого города Кордовы, где процветали наука и искусство.

Изменилась и лирика, в ней наметились две тенденции — платоническая и эпикурийская. Описание вина, пиршеств, весёлых застолий —



излюбленная тема андалусских поэтов. С конца XI века, когда испанцы стали отвоёвывать захваченные арабами города, в поэзии появились печальные ноты- элегии-риса, плач по утерянным городам, исчезнувшим династиям. Только вторжение из Северной Африки берберских племен и переход власти в их руки остановило на некоторое время борьбу испанцев за освобождение своих земель—реконкисту.

Андалусская литература, несомненно, составляет весомую и своеобразную часть в истории средневековой арабской культуры. Однако мировое значение андалусской литературы, как и всей арабо-мусульманской культуры в Испании, определяется не только её арабо-испанским колоритом, но и той особой посреднической ролью, которую она сыграла между Востоком и Западом. Прежде всего через Андалусию в Европу вливались усвоенные арабами древнегреческие, древневосточные и собственно арабо-мусульманские культурные традиции, способствующие развитию европейской науки и мысли в века, предшествующие эпохе Ренессанса в Европе.

Мусульманская цивилизация имела очень большое влияние в средневековой Европе и что важно, это влияние принадлежит не только арабам, но и различным народам всего мусульманского мира. Через Испанию и юг Франции из мусульманской Испании в Европу хлынул поток научных знаний, литературы и философии, с которыми она не была знакома. Таким образом, многие элементы европейской духовной и материальной культуры средневековья и Возрождения – Ренессанса восходят к арабо-мусульманской средневековой культуре. Эти тенденции наблюдались в 11-13 веках, а до этого Европа находилась в состоянии духовного упадка в период темного средневековья, в то время как арабская Испания – Андалусия переживала расцвет своей культуры – науки, искусства и литературы.

Что касается собственно художественной литературы, можно проследить влияние арабской строфической поэзии на поэзию провансальских трубадуров, на появление в ней рифмы, которая до этого отсутствовала, на схожесть тематики, особенностей метрики и т.д.

В Испании в последние года заметно усилился интерес к своему прошлому в период правления арабов и к арабо-мусульманской культуре, о чем напоминают и многочисленные архитектурные памятники в виде дворцов, рабатов, мечетей, медресе и других формах мусульманского наследия.

Литература:

1. Луков Вл.А.История литературы. Зарубежная литература от истоков до наших дней ,Академия.М.2005.

2. Ориентальная проза И.Бунина и духовно-эстетическое наследие народов Востока. Фан.Т. 1988





3. Гёте И.В. Западно-восточный диван. Наука. М.1988
- 4.Суворов М.Н. и др. Средневековая литература мусульманского мира. Санкт-Петербург .Президентская библиотека.2015
- 5.Дьяков Н.Н. Арабская культура и арабистика в Испании. Журнал «Вестник» Сан-Петербургского университета. 2006. Сер.9, вып. 3
- 6.Якушева Г.В. Тысяча лет культуры Востока. Ч.1 Арабская литература.М.2014
- 7.Аль-Хоразмий Абу Бакр. Расаил Абу Бакр ал-Хваразми. Матбуат «аль-Жаваиб», Кунстантинийа, 1297х.
- 8.Аз-Замахшарий Абу-л-Касим Махмуд, Макамат аз-Замахшари, Дар ал-китоб ал –илми. Бейрут. Ливан, 1982.

МУХИДДИНОВА ДИЛАФРУЗ

Филология фанлари доктори (DSc), доцент ТДШУ

Замонавий араб ёзувчиси Жамол ал-Ғитоний ижодида кундалик жанри

Аннотация. Бизга маълумки, мемуар – хотиралар, эсдаликлар бўлиб, “муаллифнинг ўтмишида ўзи бевосита иштирок этган ёки шохиди бўлган воқеалар ҳақидаги хотиралар баён қилинувчи адабий асар. Мемуар асарлар ўзининг баён йўсини, воқеаларни сюжетли тарзда берилмаслиги, вақт тартибига риоя қилиниши, фактографиклик хусусиятлари билан кундаликларга, материалнинг ҳаққонийлиги ва тўқиманинг йўқлиги жиҳатидан ҳужжатли-тарихий очерк, илмий биографияларга яқин туради. Жамол ал-Ғитоний ижодида кундалик жанри унинг ижодий фаолиятининг бошидан бошлаб мавжуд бўлган. Албатта, бу кундаликларда ҳозирда бўлаётган воқеалар билан бирга ўтмишида бўлиб ўтган тарихий воқеалар синкретлашиб (аралашиб), бунга “янги мавж” оқими таъсири ҳам сезиларли таъсир этиб, адиб янги услуб, янги мавзу қидириб топиши орқали ўзига хос услубни яратган. Жамол ал-Ғитоний Мисрзамонавий адабиётининг машҳур ёзувчиларидан бўлиб, у Нажиб Маҳфузнинг шогирди ва давомчиси бўлган. Унинг энг машҳур асарлари: “аз-Зайнл Баракат”, “Рисалатун фил важди ва-с-сабаба” романларидир. У XX асрнинг 80-йилларда “Ар-Рафийй”, “Рисалатун фил важди ва-с-сабаба” романларини яратган. Охириги романида Ўзбекистонда келиб олган таассуротлари, мисрлик зиёлининг руҳий инқирози ва сафар давомида шу инқироздан чиқиши ўз аксини топган. Миср халқ меросини замонавийлаштиришига ҳаракат қилиб, ўз ишларида халқ оғзаки ижоди хислатларини қайтадан яратади, тарихий манбалар, кундаликлар ва ҳужжатлардан ҳамда ислом – сўфийлари асарларидан фойдаланди. Лекин буларнинг ҳаммаси фақат замонави тасвирлаш учун, шахс ва жамият, инсоний ҳис-туйғулар ва ўй-хаёлларнинг ўзаро муносабатларини очиб бериши учун материал ҳисобланади.

Таянч сўз ва иборалар: дневник, мемуары, письмо, суфизм, «новая волна», синкретизм, народное наследие, исторический источник, новый стиль



Аннотация. Как мы знаем, мемуары - это воспоминания, литературное произведение, где автор описывает воспоминания о событиях, в которых он сам непосредственно участвовал или был свидетелем в прошлом. Мемуарные произведения стоят близко к документально - историческим очеркам, научным биографиям с точки зрения их изложения, отсутствия систематичности в сюжете событий, соблюдения порядка времени, характеристик дневника, достоверности материала и отсутствия вымышленности. Дневниковые записи в творчестве Джамали аль-Гитани существовали с самого начала его творческой деятельности. Конечно, в этих дневниках исторические события в прошлом были синкретизированы наряду с сегодняшними событиями, и в результате значительного влияния течения "новая волна", писатель создает свой новый стиль, путем поиска специфического стиля, внесения новых тем. Джамаль аль-Гитани был одним из известных писателей египетской литературы, учеником и продолжателем Наджиба Махфуза. Его самые известные произведения - романы "Аз-Зайнил баракат", "Рисалатун Фил вайди" и "С-сабаба". В 80-е годы XX века он создал романы "Ар-Рафий", "Рисалатун Фил вайди и С-сабаба". В последнем романе отражены впечатления, полученные в Узбекистане, раскрывается психический кризис египетской интеллигенции и пути выхода писателем из этого кризиса во время путешествия. Писатель пытается модернизировать народное наследие Египта, воссоздает особенности устного народного творчества в своих произведениях, используя исторические источники, дневники и документы, а также труды исламских суфиев. Но все это лишь материал для описания современности, раскрывающий взаимоотношения личности и общества, человеческие чувства и фантазии.

Опорные слова и выражения: дневник, мемуары, письмо, суфизм, "новая волна", синкретизм, народное наследие, исторический источник, новый стиль.

Abstract. As we know, reminiscences are considered to be memoirs, a literary work where the author describes recollections of events in which he himself directly participated or witnessed in the past. Memoir works are close to documentary - historical essays, scientific biographies in terms of their presentation, lack of systematicity in the plot of events, observance of the order of time, the characteristics of the diary, the reliability of the material and the absence of fiction. Diary entries in the works of Jamal al-Ghitani have existed since the very beginning of his creative activity. Of course, in these diaries, historical events in the past were syncretized along with today's events, and as a result of the significant influence of the "new wave" current, the writer creates his new style by searching for a specific style, introducing new themes. Jamal al-Ghitani was one of the famous writers of Egyptian literature, a disciple and successor of Najib Mahfouz. His most famous works are the novels "Az-Zainil barakat", "Risalatun Phil vaidi" and "S-sababa". In the 80s of the 20th century, he created the novels "Ar-Rafiy", "Risalatun Phil vaidi and-S-sababa". The last novel reflects the impressions received in Uzbekistan, reveals the mental crisis of the Egyptian intelligentsia and ways out of this crisis by the writer during the trip. The writer tries to modernize the folk heritage of Egypt, recreates the features of oral folk art in his works, using historical sources, diaries and documents, as well as the works of Islamic Sufis. But all this is just material for describing modernity, revealing the relationship between the individual and society, human feelings and fantasies.



Keywords and expressions: diary, memoirs, letter, Sufism, "new wave", syncretism, folk heritage, historical source, new style.

Кириш. Мақсад ва вазифалар. Мазкур мақолада замонавий араб ҳикоянависилигида “кундалик” жанр хусусиятлари тҳлил қилинган.

Усуллар. Мақолада қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик таҳлил методлардан фойдаланилган

Натижалар ва мулоҳаза. Бизга маълумки, мемуар – хотиралар, эсдаликлар бўлиб, “муаллифнинг ўтмишда ўзи бевосита иштирок этган ёки шохиди бўлган воқеалар ҳақидаги хотиралар баён қилинувчи адабий асар. Мемуар асарлар ўзининг баён йўсини, воқеаларни сюжетли тарзда берилмаслиги, вақт тартибига риоя қилиниши, фактографиклик хусусиятлари билан кундаликларга, материалнинг ҳаққонийлиги ва тўқиманинг йўқлиги жиҳатидан ҳужжатли-тарихий очерк, илмий биографияларга яқин туради. Жамол ал-Ғитоний ижодида кундалик жанри унинг ижодий фаолиятининг бошидан бошлаб мавжуд бўлган. Албатта, бу кундаликларда ҳозирда бўлаётган воқеалар билан бирга ўтмишда бўлиб ўтган тарихий воқеалар синкретлашиб (аралашиб), бунга “янги мавж” оқими таъсири ҳам сезиларли таъсир этиб, адиб янги услуб, янги мавзу қидириб топиш орқали ўзига хос услубни яратган. адиб 1945 йил 9-майда, яъни иккинчи жаҳон уруши тугаган кун кичик амалдор оиласида Мисрнинг юқори Соҳаг вилоятининг ал-Гухайна қишлоғида таваллуд топди. Лекин унинг ёшлик ва ўсмирлик даври мамлук ёдгорликлари сақланиб қолган эски Қоҳиранинг Жамалийя деган маҳалласида ўтди. Жамалийя ва унга яқин бўлган Хусайнийяда Алининг ўғли Хусайннинг масжиди бўлиб, кейинчалик унинг асарлари кўпгина қаҳрамонлар билан юз берган воқеалар мана шу ерда кечади. Жамол ал-Ғитоний ўзининг ўсмирлик йилларини эслаб шундай дейди: “Ёзма тарих билан менинг танишишим эрта бошланди. Хусайн бошланғич мактабидан таҳсил олган давримда доимо ҳозирда ҳам мавжуд бўлган ва ал-Асхар масжидидан унча узоқ бўлмаган шайх ал-Тухамийнинг китоб дўконига борар эдим...”¹ Ал-Ғитонийнинг аксарият асарлари қайта-қайта нашр этилган ва дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган. Лекин унинг бадиий адабиётдан кўра адабий ва илмий қизиқишлари кенгрок. У ислом архитектураси билан қизиқиб, Қоҳира масжидлари, уйлари, ёдгорликлари ҳақида жуда кўп мақолалар ва тадқиқотлар нашр этган ва кейин уларни “Қоҳиранинг минг йиллик хислати” (1983) ва “Қоҳира кўчалари” (1984) китобларига жамлаган. У Марокаш, Судан, Ироқ, Туркия ва Венгрия мусулмон ёдгорликлари ҳақида ва мусулмон Миср тарихи бўйича жиддий мақолалар ёзган. Ундан ташқари, унинг репортажлари ҳақида иккита китоб ҳам чоп этилган. Ал-Ғитоний “миллий адабий меросдаги жанр ва услубий хусусиятларни замонавий романларга татбиқ

¹ Жамол ал-Ғитоний. Таҷрибати фи китабат ал-қисса... //ал Хилал. 1977. № 3. –Б. 58-59.



этиб, қадимги анъанавий жанрлар (сийра, мақома, ҳикоят, сафарнома, ёзишув, тарихий хроника ва бошқалар)га мослаш ҳаракатини кучайтирди”¹

Жамол ал-Ғитоний Мисрзамонавий адабиётининг машҳур ёзувчиларидан бўлиб, у Нажиб Маҳфузнинг шогирди ва давомчиси бўлган. Унинг энг машҳур асарлари: “аз-Зайнил Баракат, “Рисалатун фил важди ва-с-сабаба” романларидир. У XX асрнинг 80-йилларда “Ар-Рафийй”, “Рисалатун фил важди ва-с-сабаба” романларини яратган. Охириги романида Ўзбекистонда келиб олган таассуротлари, мисрлик зиёлининг руҳий инқирози ва сафар давомида шу инқироздан чиқиши ўз аксини топган. Миср халқ меросини замонавийлаштиришга ҳаракат қилиб, ўз ишларида халқ оғзаки ижоди хислатларини қайтадан яратади, тарихий манбалар, кундаликлар ва ҳужжатлардан ҳамда ислом – сўфийлари асарларидан фойдаланди. Лекин буларнинг ҳаммаси фақат замонани тасвирлаш учун, шахс ва жамият, инсоний ҳис-туйғулар ва ўй-хаёлларнинг ўзаро муносабатларини очиб бериш учун материал ҳисобланади.

Жамол ал-Ғитоний ижодида кундалик жанри унинг ижодий фаолиятини бошидан бошлаб мавжуд бўлган. Албатта, бу кундаликларда ҳозирда бўлаётган воқеалар билан бирга ўтмишда бўлиб ўтган тарихий воқеалар билан синкретлашиб (аралашиб) кетган ва “янги мавж” таъсирида, янги услуб, янги мавзу қидириб топиш орқали ўзига хос услубни яратган. Шахсий кундаликларнинг айнан мана шу белгилари уни бадиий адабиётда қўлланишини белгилаб беради. Кундаликлар воқеаларни баён этиш шакли сифатида энг аввало, уни ёзган одамнинг бутунлай очиклиги, фикрларнинг самимийлиги ва ҳис-туйғуларнинг турли хилдалиги билан намоён бўлишидир. Бундай хислатлар кундаликка интим оҳангдошлик, лириклик, ҳаяжонли интонация беради ва бундай хислатлар билан бошқа адабий жанрларга тенглашиш қийиндир.

Кундаликнинг адабий аҳамияти унинг шаклида ёзилган асар доирасидан анча четга чиқади. Кундалик, одатда, янги ёзилган воқеаларни ва муаллиф дунёқарашининг атроф муҳитга ва ўзига нисбатан самимийлигини сақлайди.

Жамол ал-Ғитонийнинг “аз-Зайнил Баракат” кундалиги адибнинг бу кундаликда берган маълумотига кўра, шу номли роман ёзилганидан 25 йил ўтгандан кейин, яъни 1996 ёки 1997 йилда ёзилган. Бу ҳақида адиб шундай ёзади:

“Мана шундай қилиб олтмиш тўққиз ва етмишинчи йиллар ўртасида ёзган ривоятимнинг дастлабки уруғларини эка бошладим. Қоҳирада биринчи бор “Руз Юсуф” журналида нашр қилдим, бу тахминан 25 йил давомида нашр қилинди. Ёзувчи бир қанча босқичларни босиб ўтади, худди

¹ Мубаракова Д.А. Жамол ал-Ғитоний ва Суналлох Иброҳим ижодида Миср “янги роман” хусусиятларининг инъикоси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация Автореферати. –Тошкент. 2011. –Б. 12.



бирма-бир, босқичма-босқич ўсаётган бир ўғил кабидир. Ёш йигит бўлди, улғайди, одамлар орасига аралашди, у учун ўз ота-онасидан алоҳида бўлган ҳаёти ва ўзига хос олами бўлади”.

Бу сўзлардан шуни англаш мумкинки, адибнинг “аз-Зайнил Баракат” романи бир неча бор қайта-қайта нашр қилинган. “аз-Зайнил Баракат” кундалигини муаллиф нима учун бундай номлагани бизга маълум эмас, чунки кундаликнинг фақат биринчи қисмида, яъни бошида Зайний ҳақида сўз юритилади ва у шундай бошланади:

“Шайх Муҳаммад Аҳмад бин Ияс ал-Ҳанафий ал-Мисрий ёзган тарихнинг охирида давлатлар ўзгарди, ҳолатлар умуман алмашиб кетди. Миср икки денгиз (қизил ва оқ)ни ва икки ҳарам (Байтул-Ҳарам ва ал-Ақсо)ни ўз ичига оладиган мустақил Султонликдан Усманий давлатининг пойтахти Остонага бўйсунувчи вилоятга айланди. Миср тарихи зулмат қаърига кириб кетади ва биз бу ҳақида тўлиқ беш асрни батафсил баён қилган шайхим Ибн Ийёс ёзганларининг охирида ўқиймиз. Тарихнинг охирида, охирги сатрларда шундай дейди: “Сўнг чоршанба (Зул-Ҳижжа 922 ҳижрий)да Қози Барокот бин Мусо ёзишича, Қоҳирада асрдан кейин ҳар бир нарса ўз ҳолича қолсин, авом халқ ва савдогарларнинг барчаси эрталабдан Улуғ Ҳасаба ва Улуғ Захиранинг нозири Қози Барокот бин Мусонинг уйига келишлари айтилиб жар солинди. У эса бу вақтда Ҳасабада эди, бундан кўпгина кишилар хурсанд бўлди...”. Тўсатдан “Бадоиъ уз-Зухур (“Камёб гуллар”) тугаб қолди, тарихини ёзаётган вақтда Ибн Ийёсни ажал олиб кетган кўринади”.

Ғитоний Миср қаҳрамони аз-Зайнил Баракат шахсияти ҳақида ўзининг илиқ сўзларини билдириб, уни “султонлик давридаги биринчи киши, умуман ҳар хил янги давлатлар соясида ҳам биринчи киши” эди, деб тарифлайди.

“аз-Зайнил Баракат” кундалигида муаллифнинг ёзишича, “аз-Зайнил Баракат” романини Яҳё ал-Илмий исмли рассом сценарийлар ёзиш учун мутахассисларга берган, романдаги воқеаларга хулосалар ёзган. Ундан ташқари, мамлуклар асрини яхши билган адиб ва танқидчи Муҳаммад Саййид Ийд аз-Зайнил Баракат ҳақида дарслик ёзган. Муҳаммад Саййид Ийд уч йил давомида сценария ёзиб, Яҳё ал-Илмий ва Мамдуҳ ал-Лайсийлар биргаликда уни телевизор сериалига айлантиришга муяссар бўлганлар. Албатта, бу нарсани амалга ошириш осон кечмади. Бу ҳақида Ғитоний шундай ёзади:

“Ўтган бир йил давомида Яҳё ал-Илмий ҳамкор тараф билан бирга жуда катта маблағ сарфлади. Шунингдек, катта тажриба ва ўз заковатлари билан танилган рассомлардан Набий ал-Ҳалфавий, Аҳмад Бадий, Рушвон Тавфиқ, Фаруқ ар-Рошидий, Отиф Тантовий ва бошқаларни меҳнати ҳам катта. Мен уни Миср телевиденияси Миср ва араб адабиётида намунали адабий матн сифатида тақдим қилишига умуман умид қилмайман. Ваҳоланки, ўтган



йиллар давомида қиссани, сценарийни, сўзлашув тилини ва умуман мавзуни тўлалигича оғзаки тақдим қиладиган билан иш олиб борди, буни бажара оладиган иқтидорларни бир қўл бармоғи билан санаш мумкин...”

Жамол ал-Ғитоний Миср телевидениясининг жаҳон андозаларига тенглашаётганлиги, маданиятнинг ривожланиб бораётганлиги ҳақида сўз юритиб, яна Зайнийга қайтиб, унинг қисмати билан узоқ шуғулланганлиги, Ибн Ийёс унинг охири нима бўлганини зикр қилмаганлиги, роман кундалик ёзилган вақтга қадар ўн тўртта тилга таржима қилинганлиги ҳақида баён қилиб, 1984 йил ноябрда бир китоб сотиб олгани, у китобнинг номи “Миср Усманийлар даврида Соъиднинг ўрни” деб аталиб, уни Искандария Университетининг доктори Салоҳ Ҳарийдий ёзганлиги, уни ўқишга киришиб, куйидаги сатрларга дуч келганини баён қилади:

“Тўсатдан, тарихчи Муҳаммад бин Аби ас-Сарур ал-Бақрийнинг “ал-Латоиф ар-Раббоний” (“Раббоний ҳадялари”) китобидан нақл қилиб келтирган аз-Зайнининг ниҳоясини ўз ичига олган иккинчи фаслдаги сатрларга дуч келдим. “Соъид Усманийларга қарши бошқа бир исённинг гувоҳи бўлди. Уларга қаршилиқ кўрсатишда биринчи бўлганлар иқлимларнинг ҳокимлари сифатида гавдаланди, улар Жаним ас-Сайфий Баҳна ва Файюмни очувчиси, Ийнол Ғарбий (томонни)нинг очувчиси, асосан 929 ҳижрийда Хойирбек ўлими кетидан Мустафо Пошшо ҳокимлигини билдиради. Султон Салим у охрида вафот этди, тахтни ёш бола эгаллади. Иккиси ҳам фурсатдан фойланди ва Шарқий томонга қараб юриб, Қоҳира ва Сурия ўртасидаги алоқани узиб қўйди. Мустафо Пошшодан олдин жўнатилган аз-Зайнил Баракат воситачилик қилмоқчи бўлди, лекин Ийнолга қарши унинг хиёнати фош бўлгач, ундан интиком олди...”

Мана шу юқорида ўқиган воқеалардан кейин Ғитоний Зайнийни Соъид қатл қилган, деб айтади. Лекин адиб бу воқеаларни қандай кечгани, қаерда бўлганини билмайди.

“аз-Зайнил Баракат” кундалиги етти қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмдан кейинги олтита бўлим ҳафта номлари билан ажратилган. Фақат биринчи қисмда аз-Зайнил баракат ҳақида сўз юритилиб, қолган қисмлар турли воқеаларга бағишланган. Бу кундаликни ўқир эканмиз, унда кундаликлар каби ҳозир ва яқин орада юз берган ва ҳали совимаган воқеалар билан бир қаторда, адибни ўша кундалик ёзилган кун уни ҳис-ҳаяжонга солган воқеалар баён этилганлиги шоҳиди бўламиз. Адиб кундалик ёзилган кун воқеаларига бағишланган замон масалаларига кенг ўрин бериб, кундаликка ўзига хос бадиий ифода берган. Масалан, кундаликнинг “чоршанба” деб номланган иккинчи қисмида ёзувчи кўрган-кечирганлари, ҳис қилган ва эшитганларини олинган таассуротлар совумасиданоқ қайд этади. Бу қисм шундай бошланади:

“Ахборот Вазирлиги Миср Сунъий йўлдошини ишга тушириш учун ҳисса қўшиш ҳақида Миср ахборот агентлиги эълон қилди. Миср



маданиятини фазовий каналлар орқали қувват топишини, янги шакл ва мазмунга эга бўлшига умид қиламан. Бу узоқ гапиришни талаб қиладиган мавзу бўлиб, мен унга қайтмоқчи эмасман. Албатта, орзу – араб маданиятини мустаҳкамлаш ва уни қувватлантиришдир. Араб тили вақт ўтиши билан йўқолишидан ва эътиборсизланишидан кутқаришда, ҳозирда араб оламининг асосан, Шимолий Африкадаги баъзи қисмларидан узилиб қолишидадир. Бунда Миср бош маъсулиятни ўз зиммасига олишида, телевизор бош ва муҳим воситадир. Демак, ... Миср Сунъий йўлдоши биз кутаётган ваунга муваффақият тилайдиган улкан қадам экан”.

Кўриб турганимиздек, “аз-Зайнил Баракат” кундалиги ёзилган ўша 1996-1997 йилларда Миср Сунъий йўлдошини ишга тушириш ҳақида хабарлар эълон қилинган ва бундан таъсирланган адиб, ўз ички кечинмаларини, ўй-хаёлларини, ҳис-ҳаяжонларини ҳали совимасдан қаламга олган.

“аз-Зайнил Барокат” кундалигининг “жума” деб номланувчи қисми ўзига хос лирик ҳис-ҳаяжон билан ёзилган бўлиб, унда адибнинг кундалик ёзилган кунги ва анча аввал ўтган кундаги руҳий ҳолати тасвирланган. Бу қисм шундай тасвирланади:

“Денгизга хожатманд бўлдим, менда тўсатдан кучли тўхтатиб бўлмас, отилиб чиққан ва хоҳиш сари ундовчи истак пайдо бўлди. Худди бир яширин овоз мени чақираётгандек эди. Билдимки. Мен ўша онда хафа эдим, тавсифини билмайдиган сирли бир гўзалликка хожатманд эдим. Хоҳишим йиллар ўтиши билан ортиб борар эди, мен тавсифлашга ожиз бўлган шундай бир мусифа эшитишни қаттиқ истадим, бу борлиқ қаъридан отилиб чиқувчи мусиқа бўлиб, денгиз уни ваҳий қиляпти ва мен ундан ажралишим мумкин эмас”.

Бизнинг назаримизда, адиб бу сатрларни ёзганида, Искандариянинг Шарқий Мино қирғоғига яна бориш ҳақидаги туйғулари билан тўлган ва шу сабабдан шу сатрларни ёзган. Ёзувчилар одатда, таъсирчан бўладилар, нималардандир илҳомланадилар, нималардандир ранжиб хафа бўладилар. Адиб “мен ўша онда хафа эдим” дейди. Балки, у ўз кайфиятини кўтариш учун денгизга, океанга бориш, куёш ботишини кўриш, қадимги қалъаларни томоша қилиш, шамол ва денгиз овозига қулоқ солиш, ҳайратланарли ёруғлик, мовий қояларни кўришни истаётгандир. Балки, у умидсизлик руҳи пайдо бўлганида ҳам у ерда ётган ахлатларга эътибор бермасдан ўз руҳиятини жамламоқчидир. Лекин нима бўлганда ҳам, адиб “жума” деб номлаган кун, қандайдир ҳиссиётларга берилган кун эди. У мана шу ҳиссиётларни бадиий ифодалашдан ўзини тиёлмаган.

“аз-Зайнил Баракат” кундалигининг тўртинчи “шанба” деб номланувчи қисмида адиб ўттиз беш ёшли хаттот йигит Ҳомид ал-Увайд ҳақида сўз юритади. Унинг бу санъати ажойиб санъатлардан эканлиги айтиб, Қоҳиранинг қадимий бинолари, масжидлари пештоқ ва деворларига катта



маҳорат билан ёзилган шеър, оятлар ҳақида мисол келтириб баён этади ва шундай дейди:

“Ёзув санъатини сақлаб қолиш маданий заруриятдир. Бу ердан адабиёт хабарлари газетасида ёзув (хаттотлик)нинг пайдо бўлиши ва ундан намуна нашр қилиш йўлга қўйилди. Ҳомид ал-Увайд ёзувлари ўзининг гўзаллиги ва ажойиблиги билан ажралиб туради, улар унинг ичидан тошиб чиққан бир руҳий ҳиссиёт”.

“аз-Зайнил Баракат” кундалигида “шанба” номи икки қисм кетма-кетликда келган ва иккинчи “шанба” қисмида адиб ватан, инсонийлик, ватан учун курашган жангчилар, Мисрнинг ички ва ташқи сиёсати, жаҳон сиёсати, дипломатия ҳақида сўз юритади. Дунёда содир бўлаётган уруш, зиддиятларни ҳал қилишда, ядровий қуроолларни йўқ қилишда Мисрнинг ўрни ҳақида гапириб, шундай дейди:

“Қоҳирада дунё йиғилиши (конференция)ни ташкил қилишга киришиш мумкин, унга арбоблар, олимлар ва сиёсий шахслар чақирилади, шиори эса “тинчлик ва башариятни сақлаб қолиш йўлида ядровий қуроолларга қарши” бўлсин”.

Кўриб турганимиздек, Жамол ал-Ғитоний сиёсатчи бўлмаса-да, дунёда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ эмас. У ўз ватанининг ҳақиқий фидокори, ўз халқини ва дунёнинг бошқа халқларини севувчи халқпарвардир. У сиёсий воқеаларни, яъни замона масалаларини бадиий ифодалар экан, бундан ягона бир мақсадни, яъни тинчликни, бутун дунёдаги тинчликни шиор тарзида олға суради.

“аз-Зайнил Баракат” кундалигида “якшанба” деб номланган олтинчи қисмида Ғитоний Қоҳирада жойлашган осори атиқалар ҳақида сўз юритади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ғитоний ислом архитектураси билан қизиқиб, Қоҳира масжидлари, уйлари, ёдгорликлари ҳақида жуда кўп мақолалар ва тадқиқотлар нашр этган ва кейин уларни “Қоҳиранинг минг йиллик хислати” (1983) ва “Қоҳира кўчалари” (1984) китобларига жамлаган. Шунинг учун бўлса керак, “аз-Зайнил Баракат” кундалигида ҳам мана шу масалаларга яна бир бор қайтади. Адиб Қоҳиранинг мана шу қадимий ёдгорликларидан руҳланади, умидсизлик, хафагарчилик кунларида мана шундай жойларга келиб ором, куч-қувват олади. Бу ҳақида у шундай дейди:

“Ал-Мақризий Қоҳиранинг ўртаси, яъни унинг умуртқа суяги ва нерв томирдир. Асрлар оша унга гуруҳ-гуруҳ бўлиб келган чет элликлар ва сайёҳларнинг маркази. Мен учун бу кўча юрагимдаги артерия қон томирлари, руҳимдаги бир йўлдир. Кўпгина кунларим ва йилларим унда ўтади. Тўсатдан келган кулфатлардан, кетма-кет келган хафагарчиликлардан, баъзи ҳолатларимни ўзгартириш ёки алмаштиришга ожиз қолганимда вужудга келадиган умидсизлик тўлқинларидан қочадиган жойларимдан биридир”.



Адиб бу кўча ҳақидаги фикрларини давом эттирар экан, бу кўчада қанча воқеалар содир бўлганини, кўча куннинг ҳар бир қисмида ўзига хос ўзгаришга киришини, ундаги ҳар бир нарса, ҳатто тошлар ҳам қанчадан-қанча тарихий воқеаларни шоҳиди бўлганини баён қилиб, бу кўча ва ундаги осори атиқаларни ҳозирги замонда сақланиш ҳолати яхши эмаслиги қайғуриб гапиради. У бу ёдгорликларни асраш ва сақлаш учун Қоҳира ҳокими Умар Абдулохурга, ёдгорликлар ҳайъати аъзоси Абдулҳалим Нуриддинга ўзига хос равишда таклиф ва мулоҳазалар билан мурожаат қилади. Бу билан у ўз кундалигида ўзини ташвишга солган замон масалаларини, қайғурган ҳолатларини бадиий ифода этади.

“аз-Зайнил Баракат” кундалигининг охириги “сешанба” деб номланган еттинчи қисмида Жамол ал-Ғитоний адабиёт мавзуида сўз юритиб, адабий танлов, мусобақа ҳақида фикрлар билдириб, ўзи ҳам Ан-Наср журнали билан биргаликда уюштирган мусобақа ҳақида баён қилади ва бу танлов ҳақида шундай дейди:

“Ан-Наср журнали билан бир мусобақани ташкиллаштиришдаги иштироким шахсиятимда кўп ҳиссиётларни уйғотди. Ўтган вақт давомида танланган адиб ва тақризчиларни ўз ичига олган ҳакамлар ҳайъатидаги сафдошларим билан бирга ўқидим. Унда ғолиб чиққан йигирмата қиссани нашр қилишга жой ажратишларини қанчалик орзу қилдим. Лекин улардан бирини қисқа келтириш билан кифояланаман. Аммо, матннинг ўзи Ан-Наср журнали ва Адабиёт хабарларида нашр қилинади. Қачон бир яхши асарни ўқимокчи бўлсам, шеригимдан менга уни ўқиб беришини талаб қиламан, гоҳида уларга уни қисса қилиб айтиб бераман”¹.

Жамол ал-Ғитоний кундаликнинг бу қисмида ўзига ёққан “Аби” (“Отам”) қиссасида инсонийлик руҳида ёзилган чиройли қисса қисса бўлиб, бу вақтга қадар бундай қиссани ўқимаганлигини айтиб, қиссанинг асосий мавмунини баён қилади.

Жамол ал-Ғитонийнинг “Олийжаноб халифа” ҳикояси ҳам кундалик – мемуар жанрида ёзилган. Бизга маълумки, мемуар – хотиралар, эсдаликлар бўлиб, “муаллифнинг ўтмишда ўзи бевосита иштирок этган ёки шоҳиди бўлган воқеалар ҳақидаги хотиралар баён қилинувчи адабий асар. “Мемуар асарлар ўзининг баён йўсини, воқеаларни сюжетли тарзда берилмаслиги, вақт тартибига риоя қилиниши, фактографиклик хусусиятлари билан кундаликларга, материалнинг ҳаққонийлиги ва тўқиманинг йўқлиги жиҳатидан ҳужжатли-тарихий очерк, илмий биографияларга яқин туради”².

Адибнинг “Олийжаноб халифа” асарини ҳам кундалик, ҳам мемуар деб айтсак хато бўлмайди. Чунки Ғитоний бу асарида кундаликларга хос бўлган муаллифнинг кўрган-кечирганлари, ҳис қилганларидан олинган

¹ Жамол ал-Ғитоний. “Қувтул уйун”. –Қоҳира. 1998. –Б.

² Куронов Д. Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Тошкент. 2010. –Б. 168.



таассуротларни совумасданоқ қайд этмайди, балки анча олдин бўлиб ўтган воқеа ва ҳис-туйғуларни унда баён этган. Бизга маълумки, кундаликларни мемуар адабиётга тегишлилиги ҳақидаги масала мемуар ва кундаликлар ўртасидаги фарқ ва тафовутларни белгилаб беради. Ёзишмалар, хотира дафтарлари, хотиралар, автобиографиялар ва ниҳоят, мемуар кундаликлар мемуар адабиётнинг типик жанрларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, мемуар ва кундаликлар ўртасида аввалдан умумийлик мавжуд бўлиб, кундаликларда ҳам мемуарларда ҳам муаллиф ўзи иштирок этган ва ўз кўзи билан кўрган воқеалар ҳақида сўз юритади.

Жамол ал-Ғитонийнинг “Олийжаноб халифа” сида ҳам муаллиф кундаликларга хос равишда ҳафта кунларини қайд этиб, ўзи иштирок этган ва ўз кўзи билан кўрган воқеалар ҳақида сўз юритади. Масалан, бу кундаликнинг “шанба” деб номланган бош қисмида муаллиф олийжаноб Халифа ҳақида сўз юритади, бу шундай бошланади:

“Олийжаноб халифа кутмаган чоғимизда келар ва аксинча, биз интизор бўлиб кутганимизда келмасди. Дўстимга уни ўқув хонамга кириши гўё шахтам қадамлар билан кириб келаётган кишилар каби эшик ёки деразадан бўлишини айтардим. Ўша кишилар сувни устида юришар, масофани эса фазода босиб ўтишар эди, олийжаноб халифанинг рўпарамда ҳақиқий мисрлик сўзлаган юз ифодалари билан қараб турганини, унинг доимий табассуми батамом бўлмаган йиғи билан аралашиб кетганини кўрардим. Унга жимгина назар солиб турардим, у гоҳо табассум қилар, гоҳо ўтирар, адабиёт хабарлари учун чизган плакатини чемоданидан оларди. У ўз фанининг ҳақиқий устози эди, қадимги Фиръавн санъатининг сир-асрорларини, обида ва мақбараларнинг ранглари, юз ифодаларини, суратларини, калхат, каптар ва улардан катта кўрикчи чиқадиган тоғ бургутлари бўлмиш ҳақиқий мисрлик кушларнинг садоларини, қибтий санъатининг жавҳари бўлиб ҳисобланган сир-асрорларни ёддан биларди”¹.

Ушбу парчадан кўриб турибмизки, Ғитоний Халифанинг олийжаноб инсон эканлиги, у санъатшунос бўлиб, ҳақиқий мисрлик, ҳақиқий устоз ва самимий инсон эканлиги ҳақида сўз юритмоқда. Адиб Халифа ҳақидаги ўз таассуротлари ва фикрларини баён этар экан, 1967 йилдаги июн воқеалари ҳақида сўз юритиб, шундай ёзади:

“Июнь ҳаробаларидан сўнг мавломиз ва саййидимиз Хусайнниг масжиди ижарага топширилиди, уйимиз хавфсиз, тинчлик билан таъминланган пок қабристоннинг яқинида жойлашганди. Вайронагарчилик юз бераётган кунларнинг бирида ерга ёзилган гилам ва тўшакларни супуришга қарор қилдик, кейин девор тепасига осилган чиройли лавҳлардаги чангларни артишни бошладик. У нафас олгандек расм чизар, фақатгина ўзига мамнун бўлган ва ҳис қилган нарсанигина чизарди... Лекин

¹ Таржималар битирув малакавий иши муаллифиники.



мен унинг плакатларидан тушундимки, албатта у ушбу ватаннинг сирини етказган ва айтган оз кишидан бири эди”.

Жамол ал-Ғитоний ўзининг барча асарларида 1967 йил июнь воқеаларини ҳақида оз бўлса-да гапириб ўтади. “Олийжаноб Халифа” кундалигида ҳам биз шу нарсани кўрамиз. Ёзувчи Халифанинг ҳали ҳеч бир суратлар кўргазмасини ўтказмаганлиги ва уни намойиш этолмаганлигини Миср учун мудҳиш бўлган мана шу июнь воқеалари туфайли деб билади. Юқоридаги парча охиридаги сўзларга диққат қаратсак, муаллиф Халифани олийжаноб деб айтишида ўзига яраша нақл борлигини, яъни бу инсон расом сифатида ўз ватанини севиши, унинг суратлари асосан ватан ҳақида эканлигини билдирмоқда.

“Олийжаноб Халифа” кундалигида “якшанба” деб номланган қисмида ҳам Ғитоний бир қанча ёзувчиларнинг асарлари ҳақида, қачонки бирон бир китоб ўқиса, ўзини бахтиёр сезиши ҳақида сўз юритиб, бу ёзувчилар асарида ватан туйғуси, уруш даҳшати ва унинг иштирокчилари ҳақида сўз юритади ва шундай ёзади:

“Урушни шоҳиди бўлган кимсанинг ҳақиқий тажрибага таянган воқеалар билан ҳикоя қилинади, муаллифи Фатҳий Эмбабе ҳимоядаги янги олинган аскар эди. Сен ўқиган энг чиройли ҳикоядаги уруш иштирокчиси ва жонли тажриба асосида ва мен собиқ корреспондент бўла туриб энг муҳим нарса, жонли тажрибани бошқалардан кўра кўпроқ ҳис қилиши илгари сурилди”.

Кўриб турганимиздек, Ғитоний яна 1967 йил июндаги воқеалар ҳақида сўз юритмоқда. Адибнинг автобиографиясидан маълумки, у бу вақтда газета корреспонденти бўлиб ишлаб, урушнинг даҳшатли воқеаларидан хабардор бўлган.

Жамол ал-Ғитоний “Олийжаноб Халифа” кундалигининг “сешанба” деб номланган қисмида Қоҳира кутубхоналари ҳақида сўз юритади ва бу қисмни шундай бошлайди:

“Ўтган йиллар давомида бир неча ишчилар иштирок этган ва Қоҳира кутубхонасига асос солган ишчилар ҳозирги вақтгача давом этмоқда. Албатта мен Қоҳира кутубхонасини барпо қилишлик ва уни куришлик савобли амаллардан деб эътироф қиламан. Ҳар бир кутубхона келажак учун бойлик бўлиб ҳисобланади. Мана шу кутубхонани эслашликда давомий бўлади ва у маърифат таратувчи бўлади. Унга фақат маърифат эгасигина эгалик қилади”.

Адиб бу қисмда Шавқий биносида бошланғич мактаб кутубхонаси, Ҳусайнийя мактабидаги тайёрлов кутубхонаси, Ал-Азҳар кутубхонаси, асосий эшикда оммавий кутубхона борлиги ҳақида ҳам ўзига хос маълумот беради ва ўзи ҳам оммавий кутубхонага шн тўрт ёшидан бошлаб борганлиги, биринчи борганида ҳаяжонлиги ва китоблар билан ҳақиқий дўстлашиш шу ердан бошланганлиги қайд этади. Ундан ташқари муаллиф, Андалусия иморатини эслатувчи, Нил дарёсига чўзилган, кенг ва чиройли,



меъморий санъатлар билан безатилган ва мана шу қаср (қаср 1984 йилда 96 ёшида вафот этган қироличага тегишли бўлиб, ўлим чоғида ушбу қасрни кутубхона ёки музей каби санъат дурдонаси мақсадида хусусийлаштирилишини васият қилган) даги Қоҳира кутубхонаси ҳақида сўз юритади.

Шундай қилиб, Жамол ал-Ғитонийнинг “Олийжаноб Халифа” кундалигида муаллифнинг ўзи кўрган-кечирган, шоҳиди бўлган воқеалар тизими акс эттирилган бўлиб, бу кундалик ёзувчининг ўз ватани ва ватандошларига бўлган муносабати, яъни уруш воқеалари туфайли қайғуриши, урушнинг даҳшати, қатор ёзувчиларнинг ватан ҳақидаги асарлари, Мисрнинг олийжаноб ватанпарвар ва инсонпарвар одамлари, олимлари, Қоҳира кутубхоналари ва умуман Миср боғлиқ унинг хотира ва мулоҳазалари баён этилган. Адиб ёзувчи, ватанпарвар сифатида ўз ватани ва ватандошлари тақдиридан қайғуради ва ўз ҳис-туйғуларини, мулоҳазаларини мана шу кундаликлар орқали намоён этади. Кундаликда муаллиф ўй-фикрлари баёни, изҳорларидаги самимият, муносабат ва баҳо ифодасида ҳаққонийлик кузатилади. Худди шу нарса кундаликка ҳужжатлилик даражасида ишонарлилик бахш этади. “Олийжаноб Халифа” кундалигида кўпроқ муаллифнинг шахсий реаллиги, унинг ўзи билан бевосита боғлиқ воқеалар акс эттирилган. Уларда олам ва одам, ҳаётнинг маҳияти, бирон бир конкрет ҳаётий масала юзасидан мушоҳадалар ифода этилган. Мазкур хусусиятлар туфайли ёзувчи юритган кундалик адабиётшунослик учун, айниқса, биографик йўналишдаги тадқиқотлар учун беқиёс манбага айланган. Бундан ташқари, ушбу кундалик бадиий ният ижроси учун жуда қулай имкониятлар яратган бўлиб, бадиий адабиётда муҳим композицион унсур сифатида ўз ифодасини топган.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, Жамол Ал-Ғитонийнинг “аз-Зайнил Баракат” кундалиги адибнинг бу кундаликда берган маълумотида кўра, шу номли роман ёзилганидан 25 йил ўтгандан кейин, яъни 1996 ёки 1997 йилда ёзилган. Ёзувчи бу кундаликда аз-Зайнил Баракат, Мисрда Сунъий йўлдош-ни ишга тушириш ва телевидения зарурияти, Искандариянинг Шарқий Мино соҳиллари, хаттотлик санъати ва унинг роли, ўз замонасининг муҳим ва долзарб сиёсий, ижтимоий муаммолари, Қоҳирада жойлашган осори атикалар ва уларни сақлаш масалалари, адабий танлов, мусобақа натижалари ҳақида бу кундаликни ёзган вақтдаги таассуротлари, ҳиссиётлари, туйғулари, қайғуришлари, рухий ҳолати, ўй-фикрлари, тақлиф ва фикр-мулоҳазаларини акс эттирган бўлиб, бу нарсаларнинг барчаси замон масалалари билан боғлиқ тарзда бадиий ифода этилган. Бу кундаликни ўқир эканмиз, унда кундаликлар каби ҳозир ва яқин орада юз берган ва ҳали совимаган воқеалар билан бир қаторда, адибни ўша кундалик ёзилган кун уни ҳис-ҳаяжонга солган воқеалар баён этилганлиги шоҳиди бўламиз.



МАХАМАДХОДЖАЕВА УМИДА

ўқитувчи, ЎДЖТУ

XX аср хинд адабиётида гендер тенглиги масаласи (Махадеви Варма ижоди мисолида)

Аннотация. Ушбу мақолада Махадеви Варма ҳикояси тахлили орқали аёлнинг ҳаётда тутган ўрни, унинг ўзига хос қарашлари, фикрларини хинд аёли образи мисолида талқин этишига ҳаракат қилинган. Шу жумладан икки муҳим омил мавжуд бўлиб, назария ва амалиётдан иборатдир. Назария бўлмаса амалиёт бўла олмаганидек, амалиёт эса назариясиз мумкин бўлмайди. М.Варма ўз мақоласида яшашни шу икки омилга асосланишни кўрсатиб ўтган.

Таянч сўз ва иборалар: образ, миссионер, инқилоб, тажриба, жамоавий, индивидуал, прогрессив.

Аннотация. Данная статья посвящена исследованию творчества Индийской писательницы Махадеви Вармы на примере рассказа “Живое искусство”. Автор статьи на основе проведенного анализа предпринимает попытку осмыслить роль женщины в общественной жизни Индии, на примере образа индианки раскрывает уникальное мировоззрение и отношение к семье, детям индийских женщин. При освещении сюжета рассказа автор статьи показывает, что, по мнению М.Вармы, в жизни есть два важных фактора – это теория и практика. Как не может быть практики без теории, так и не может быть теории без практики, в произведении М. Вармы утверждается мысль о том, что выживание основывается на этих двух факторах.

Опорные слова и выражения: образ, миссионер, революция, опыт, коллективный, личность, прогрессивный.

Abstract. This article analyzes the story of Mahadevi Varma and tries to explain her unique views and opinions on the role of women in life in the example of the Indian woman. Two important factors, including theory and practice. Just as there is no practice without theory, there is no theory without practice. In his article, Varma argues that survival is based on these two factors.

Keywords and expressions: image, missionary, revolution, experience, collective, individual, progressive.

Ҳинд адабиёти бепаён денгизга ўхшайди. Бу денгизга қай сохилдан яқинлашманг, у ўзига хос мавж, жўшқин ҳаракат ва тароватга эга эканлигига гувоҳ бўлади киши. Бу улкан уммон XX асрда ҳам асло ҳаракатдан тўхтагани йўқ. Ҳинд адабиётида ҳам хотин-қизлар образи жуда катта аҳамиятга эга. Маълумки, аёл образи орқали қадимда инсоннинг турли хис-туйғулари, орзу-умидлари ва ҳаётини мақсадлари ифода этилган.

Ушбу мақолада Махадеви Варма ҳикояси тахлили орқали аёлнинг ҳаётда тутган ўрни, унинг ўзига хос қарашлари, фикрларини хинд аёли образи мисолида талқин этишига ҳаракат қилинган. Аввал Махадеви Варма ҳақида қисқача маълумот бериш мақсадга мувофиқдир.

XX асрнинг машҳур ва истеъдодли хинд шоираси, ёзувчиси, таржимон Махадеви Варма 1907 йил зиёлилар оиласида туғилган. У Индурадаги ма-



халлий миссионерлик мактабида тахсил олган ва санскрит тили, инглиз тили ва расм чизиш кабилардан сабоқ олган. 1919-йилда Аллохободдаги коллежга ўқишга кирази ва 1932-йилда Аллохобод университетининг санскрит тили бўйича дипломни қўлга киритади.

Махадеви Варма ёзувчи, мухаррир, ўқитувчи бўлиб ишлади. Аллохободдаги Прайог махила видяпитхга (Аёллар мактаби) қўшган хиссаси ўша давр учун инқилобий ҳодиса бўлган. 1932 йилдан “Чанд” (“Ой”) номли аёллар журнаliga рахбарлик қилади. У бир неча шеърлар тўпламини нашр эттирган насрда ижод қилган ва болалар учун бир қанча қизиқарли китоблар ёзган.

Махадеви Варма XX асрда Ҳиндистоннинг энг кўзга қўринган аёлларидан бири эди. Адиба мустамлака даврида ҳам кўплаб адабий мукофотлар билан тақдирланган. 1956 йилда Ҳиндистон Ҳукуматининг “Падма Бхушан” номли олий мукофоти билан тақдирланган. 1979 йилда у Бутун Ҳиндистон адабиёт академиясининг биринчи аёл аъзоси бўлган. 1991 йил 16-сентябрда Ҳиндистон Федерал почтаси унинг сурати туширилган почта маркасини чикарган.

Ҳар бир асарни тасвирлашда ва ҳар бир нарсани яратишда иккита муҳим қисм мавжуд. Бири иккинчисиз тўлиқ бўлмайди, чунки тажрибасиз билим исботсиздир, билимсиз тажриба асоссиздир - шунинг учун ҳар бир фаннинг, амалий санъатнинг бир қанча қисми бўлиши зарур. Ва ҳар бир амалий санъат фақат ўзига хос фаннинг издоши бўлиш орқали муваффақият қозонади. Бу иккиси шунчалик нисбийки, бирини билиш учун иккинчисини ўрни ўта муҳим.¹

Фан нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, иккита муҳим омил мавжуд бўлиб, назария ва амалиётдан иборатдир. Назария бўлмаса амалиёт бўла олмаганидек, амалиёт эса назариясиз мумкин бўлмайди. М.Варма ўз мақоласида яшашни шу икки омилга асосланишини кўрсатиб ўтган.

Агар биз ранглар ва уларнинг аралашмалари ҳақида билсак, бўёқ мойқаламлари ҳақида ҳамма нарсани тушунсак, лекин бу билимларни ҳеч қачон тажрибага қўлламасак, расмга оид билимларимиз тўлиқ бўлмай қолади. Худди шундай, агар биз бу билимсиз рангларни қўллашга ҳаракат қила бошласак, унда бизнинг уринишимиз ҳам муваффақиятсиз саналади. Рассомликни мукамал уддалаш ва муваффақиятли рассом бўлиш учун биз у билан боғлиқ билимларни билишимиз ва фойдаланишимиз керак. Бошқа санъат турлари учун ҳам худди шундай бўлади.

Агар диққат билан қарайдиган бўлсак, дунёда яшаш ҳам шундай бир санъат бўлиб кўринадики, унда юқоридаги иккала восита ҳам бўлиши керак. Баъзи тамойилларни билиш жамоавий ва индивидуал ривожланиш учун қанчалик зарур бўлса, бу тамойилларни тегишли вақтда ишлатишни билиш ҳам шунчалик зарур. Тамойилни тушунмай, уларни ўринсиз ишлатишда давом этаверсак, маънони тушунмай қилган ишимиз маъносиз бўлиб қолади.

¹ ममता कालिया। बीसवी सदी का हिंदी महिला-लेखन : खंड-3, साहित्या अकादमी, नई दिल्ली 2015, पेज 441



Урф-одатларимизда ҳаёт учун зарур бўлган тамойиллар шундай формулага сингиб кетганки, уни тажрибасиз аниқлаштириб бўлмайди, фойдали ҳақиқат тамойилини билганимиздан кейин ҳам ўзимизни ривожлантира олмаймиз, жамиятга ҳеч қандай яхшилик қила олмаймиз. Агар биз уни кўп вазиятларда, турли жойларда ва аниқ пайтларда қўллаш орқали унинг асл маъносини англамагунимизча, унинг аслий кўринишини билишга овора бўлмасак ҳам бўлади.

Бир гуноҳ сизнинг ҳаётингизни сақлаб қолган ёлғон, унинг зўравонлигига сабаб бўлган ҳақиқатдан афзалроқ бўлади, золим хўжайиннинг ноҳақ амрига қарши чиққан одам садоқатлироқ, зулм қилган золимни кечирган киши эса садоқатлироқ бўлади. Ғазабланган инсон эса дунёга кўпроқ яхшилик қилишга қодир бўлади.

Бугунги кунда яшаш санъатини билмаслик мусибати бутун мамлакат бўйлаб, айниқса, бу мусибат туфайли чеккан азобларни кўтариб омон қолганидан фахрланадиган аёллар кам учрайди. Мамлакатимизда инсониятга шунчалик катта эътибор берилганки, баъзан ҳатто уни ривожлантириш воситалари ҳам бизга ноодатий занжирдек туюлади. Агар биз асрлар давомида фақат фойдасиз тамойил юкини ўз зиммамизга олган ҳолда сушлашиб келаётган бўлсак, бу бизнинг айбимиздир. Агар биз ҳаётимизни жонли ва фаол қилмоқчи бўлсак ва ҳаёт ҳақидаги билим ва кўникмаларимизни йўлга қўймоқчи бўлсак, унда бизнинг ҳаётимиз, шубҳасиз, санъатнинг мукамал намойишидир.¹

Ушбу фикрларга қўшимча қилган ҳолда шунини айтиш мумкинки, ҳозирги замонда хотин-қизлар масалаларида муҳим бўлган муаммолардан бири аёлларнинг ўз замонига, жамият муаммоларига муносабати масаласидир. Гендер муаммолар сирасида аёлларни жамиятдаги тўлақонли ҳаётини ва иштирокини таъминлаш, уларнинг турли ижтимоий эҳтиёжларини, яъни таълим олиш, ишлаш, оила қуриш, оналик ва болалик муҳофазаси, мулкка эгалик қилиш, жамият сиёсий ҳаётида қатнашиш ҳуқуқи каби ўнлаб долзарб масалалар мавжудки, уларнинг мажмуи замонавий, дунёвий ва демократик жамият тушунчасини беради.

XX аср адабиётида аёл образининг кенг миқёсда турли ижодкорлар ижодига тўлақонли ва асосли равишда кириб келиши кузатилади. Бу даврдаги ижод қилган барча прогрессив аёл ёзувчилар ижодида аёл образига, яъни ўз бошидан ўтказган воқеаларни баён этиш орқали ўз даврининг муҳим ижтимоий ва сиёсий муаммолари ечимига интилиш, шу жумладан аёллар муаммоларига жамият эътиборини қаратиш, аёлнинг инсон сифатида янги руҳда қадрланиши, аёлнинг жамият ва эркаклар томонидан ҳар қандай ҳўрланишига қарши курашиш, аёл ички дунёси ва руҳиятини ўрганишга эътибор кучайди.

¹ ममता कालिया। बीसवी सदी का हिंदी महिला-लेखन : खंड-3, साहित्या अकादमी, नई दिल्ली 2015, पेज 46



Масалан, машхур Ҳинд ёзувчиси Ушадеви Митранинг аксарият асарлари хотин-қизлар тақдирига бағишланган. Бу ҳикояларда омадсиз севги, мажбурий никоҳ ва унинг оқибатлари, аёлларнинг ижтимоий ва моддий тенгсизлиги, аёллар тақдирига ачиниш, аёлларнинг ҳаёт зарбаларига дош беролмай мағлуб бўлишлари, аёл киши тақдиридаги турли психологик жараёнлар кўрсатилади. Мамта Калия, Мира Сикри, Сушма Беди, Хомавати Деви ва кўпгина аёл ижодкорларнинг ҳикояларида феодал тартиб интизом таъсири остида эзилган, миллий урф-одатлар исканжасидан чиқиб кета олмаган оддий аёллар тақдири кўрсатилади.

Умуман олганда, XX аср ҳинд адабиётининг ҳар бир вакили аёллар мавзуига мурожаат қилган ва замонавий жамиятда аёллар тақдири бўйича ўз фикр мулохазаларини билдириб ўтишни ўзининг ижодкор сифатида мажбурияти ва вазифаси деб англаган. Шу боис, XX аср ҳинд адабиётида бадиийлик жиҳатидан мукамал ишланган, миллий руҳни ўзида ёрқин намоён этган, шу билан бирга хотин-қизларнинг умумбашарий муаммолари даражасига кўтарилган асарлар яратилди. Бу асарларнинг кўпчилиги дунё тилларига таржима қилинди.

Оиланинг бир аъзосига нисбатан бошқа бир аъзоси ёки аъзоларининг мунтазам давом этиб келувчи, такрорланиб турувчи зўравонлик асосан оила ичида рўй беради. Статистик маълумотларга қараганда, оиладаги зўравонликлардан кўпроқ аёллар ва қизлар азият чекадилар. Эркаклар эса аксарият ҳолларда оиладан ташқарида бошқа эркаклар томонидан зўравонликка дуч келади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бутун дунёда ҳар учинчи аёл (35%) ҳаёти давомида у ёки бу турдаги зўравонликка дуч келади.¹ Бу бутун жаҳонда мавжуд бўлган ўта долзарб муаммолигини исботловчи статистик маълумотдир.

Ҳаётда тўғри иш қилишдан ўзимизни тўхтатиб, оёғимизга кишан солиб, уни бошқаришни қийинлаштирдик, шунинг учун бугун мақсадга эришиш истагини унутсак нега ҳайрон бўлишимиз керак.

Айни пайтда ҳинд аёлининг ўзига хос фазилати нимада, у ҳеч бир мамлакатнинг инсон маъбудасига айлана олмайди. Унинг сабр чегараси тугайди. У ўз турмуш ўртоғи билан энг оғир синовларни кулгу билан энгиб ўтади. Ўз мақсади йўлидаги тўсиқлардан кўрқмайди. У инсонларнинг худбинлигини бир лаҳзада йўқ қилиб, ўзгаларнинг бахти учун ўзини қурбон қилиб, ўзидан воз кечишга тўғри келади.²

Аввалдан ҳинд аёли жамиятда жуда кўпгина таъйиқларга учраб келган. Масалан, аёлнинг турмуш ўртоғи вафот этса, уни ҳам бирга тирик ҳолатида ўтга ташлаш, эри вафот этган аёл бирор бир маросимларга бориш таъқиқланган. Камдан кам аёллар жамиятда ўз ўрнини топган десак хато бўлмайди. Ҳозирги кунда бу масала бир мунча бартараф этилган. Лекин чекка қишлоқ худудларида бу одатлар хали-хануз сақланиб қолган.

¹ <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/violence-against-women>

² ममता कालिया। बीसवीं सदी का हिंदी महिला-लेखन : खंड-3, साहित्या अकादमी, नई दिल्ली 2015, पेज 49



XIX-XX аср чегарасида аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш масаласи долзарблашади ва фаол ҳаракатлар бошланади. Аслида эса бу мавзу анча олдин ҳам кун тартибига қўйилган, хатто 1791-йилда Олимпия де Жукнинг бутун дунёга машҳур “Аёл ҳамда хотин-қиз фуқаро ҳуқуқлари декларацияси” номли китоби нашр этилади.¹

Дунёни англаган хотин-қизлар ҳозирги бир вақтда фидойкор она, олижаноб рафиқа, меҳрибон опа ва итоаткор қиздир. Уларни қурбонлик, фидойилик ва меҳр номи билан атасак тўғри бўлар, лекин улар бу ғайритабиий фазилатлари билан ҳаётда яшаш санъатини билишмайди.

Бугун ҳинд аёли ҳам жонсиз жасад каби бегуноҳдир. Урф-одатлар уни фалаж касаллигига ўхшатиб қўйган, шунинг учун у ўз бахти ва қайғусини ҳатто ҳаракат билан ҳам ифода эта олмайди. Бундан ташқари, бундай мақтовни тинглаб, улар энди буни ўз динининг муҳим қисми деб ҳисоблай бошлади. У ҳаётни тўлиқ ривожлантиришга қодир, лекин у маълум бир вазиятда улардан тўғри фойдаланишни билмайди ва уларнинг маъносини тушунмайди.

Айнан тамойиллар, аёлни равнақ топиши учун эмас балки ҳаётда олға давом этишини тўхтатиб қўгандек аслида.

Ҳинду жамияти озининг эски ақидаларини сақлаб келмоқда ва бунга жавобан ҳеч ким бир нима демайди. Асрлар ўтмоқда, ўзгаришлар вақт тўлкинларидан мавж ураяпти, вазиятлар ўзгармоқда, лекин жамият аёлга фақат қулликдан бошқа ҳеч нарса бермади. Бундай сукунатда бўлишлик ҳаётнинг эмас, балки ўлимнинг зийнати бўлиши мумкин. Албатта ўлимда ҳам гўзаллик бор, лекин у ҳаётдаги бўшлиқни тўлдиролмайди!

Шарқ мамлакатларида хотин-қизлар ҳаракати XIX аср охирларидан шакллана бошлади. Араб шарқида Суриядан Варда ал-Язичий биринчи феминист аёл бўлди. Мана шу даврда хотин-қизларнинг журналлари: Мисрда “ал-Фағат” (“Қиз бола”), “Фағат уш-Шарқий” (“Шарқ қизи”) чиқа бошлади. Туркияда хотин-қизлар ҳаракати аъзолари “Талейи нисван жамияти” (Аёллар тақдири жамияти) ташкилотини туздилар ва махсус хотин-қизлар журналинини чиқара бошладилар. Ҳиндистон, Хитой, Индонезияда хотин-қизлар миллий-озодлик ҳаракатида тобора кенг иштирок этадиган, таълим олиш ҳуқуқини талаб қиладиган бўлдилар.²

Аста-секин, аёлни боғлаб турувчи ижтимоий, диний ва иқтисодий қурилмалардан тузилган восита шу қадар тўлиқ ва муваффақиятли ишга тушдики, аёл у эрда омадли ишчи сифатида кўрина бошлади. У жуда ақлли, унинг ишидан ҳеч ким камчилик топмаган. Бугун, машиналар асрида, биз бу эски, аммо кучли қулликка барҳам беришимиз керак. Инсонни эмас, балки унинг инсонийлигини йўқ қилинаётгани, унинг қадри-қиммати ва обрўси топталиб бораётгани жуда аянчлидир.

¹ N. Qosimova, N. Alimova. Gender va media. O‘quv qo‘llanma. T., 2021, 56-бет

² N. Qosimova, N. Alimova. Gender va media. O‘quv qo‘llanma. T., 2021, 12-бет



Ҳар бир қиз ўзганинг уйида ўзини бегона ҳисоблайди ва у эрга боришни хоҳламасликнинг ўзи гуноҳдир. Никоҳ бозорида у тарозига ўхшайди, бу тарози икки томондан тенг равишда эгаллайди, аммо унинг руҳий ўсиши учун ҳеч бир нарса йўқ. У ўз қобилияти, санъатини фақатгина эри учун ижро эта олади. Аёл на ўз ҳаётдаги мақсадини, на жамият томонидан белгиланган қонунга ўз фикрини билдиришга ҳақли эмас, унинг учун ҳаёт бу – эркак ва унинг авлодлари учун ҳам шундай бўлади, аёл киши ўз ҳаққини сўраш зарурати борлигини ҳам хис этмайди. Атроф-муҳит ҳам уни шундай итоаткорлик учун тақдим этгандай. Агар уй бекаси ўз бурчини ихтиёрига кўра қабул қилган бўлса, бу унчалик ҳам муҳим эмас.

Инсон юқори мавқени ўз олдига мақсад қилади, ва аксинча, одамийликдан чиқиш ҳайвон тоифасига киришдир. Бир ҳолат одамдан юқори бўлса ҳам фаол эмас, иккинчиси ундан пастроқ бўлиш инсониятнинг оғриқли нуқтаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам инсоннинг тўлиқ ривожланиши иккала ҳолатда ҳам мумкин эмас. Жамиятимизда эркак ўз худбинлиги учун инсонийлик доғи бўлса, аёл нодонлиги туфайли эътибордан узоқда бўлиб қолади – шу туфайли ҳар икки инсон ҳам ҳаёт йўлини ривожлантира олмайди. Асл мақсад, инсоний ҳамдардлик, фаоллик, меҳр-муҳаббат янада қадрлашдир.

Ҳаёт йўлини гўзал ва мазмунли бўлишини хоҳлайдиганлар ривожланиш учун шароит яратишлари керак. Ер юзида яқка ўзи турган бу дарахт бўрон зарбига худди бўрондек бардош бера олади, у мева ҳам беради, ўз илдизига таянган, бақувват ривожланган ва кучли бўлади. Бу эркин муҳитда нафас олади. Бугун маънавиятимиз ер қаърига ёйилган бўлса-да, амалдаги ҳаётимиз бузилиб бормоқда. Ҳаётда фақат ҳаёлий жаннатда юриш эмас, балки дунёнинг тиконли йўлини очиш керак. Ташқи ва ички юксалиш нисбий бўлмагунча яшаш тарзимиз шундай давом этаверади.

МУРОДОВА ДУРДОНА

ўқитувчи, ТДШУ

Пак Вансонинг “Шунча шингани ким еган?” романида миллат муаммосининг бадий талқини

Аннотация. Замоновий корейс адабиётларда долзарб масалалардан бири- миллат муаммоси замоновий корейс адабиётларда ўз ўрнига эга адиба Пак Вансо ижодида етакчилик қилади. Адиба Пак Вансонинг автобиографик руҳда яратилган қатор асарлари, жумладан мазкур мақолада таҳлилга тортилган “Шунча шингани ким еган?” романида ҳам фуқаролар урушининг барча иллатлари фош қилинади. Адиба Пак Вансо фуқаролар урушининг салбий оқибатларини бир оила мисолида очиб берган бўлса, фуқаролар уруши мавзусига биринчилардан бўлиб тўхталган адиб Чхве Инхун ўз асарларида миллат муаммосини “Майдон” рамзида очиб беради. Ижодкорлар урушини



турли кўринишида таҳлил қилинган бўлиши-да, улар қаламига мансуб асарларда муштарак мавзу бўлган бўлинган миллат муаммоси устунлик қилади. Хусусан, мазкур асарларда учта гоё мавжуд бўдиб, адиба бу гоёларни ўз оиласи мисолида очиб берса, адиб Чхве Инхуннинг “Майдон” асарида бўлса бу уч гоёни уч майдон рамзида берилиши билан тавсифлидир. “Шунча шингани ким еган?” романи адиба Пак Вансонинг болалик хотираларига, “Майдон” романи адиб Чхве Инхуннинг уруш ҳақидаги ўсмирлик хотиралари ҳамда оиласи билан кўрган-кечирганлари, шунингдек ҳарбий хизмат давридаги воқеаларга асосланиб ёзган. Чхве Инхун ҳам, Пак Вансо ҳам ҳар бири ўзининг услуби билан ажралиб туради, аммо уларнинг асарларини муштарак мавзу “уруш” ва “бўлиниш” масаласи бирлаштириб туради. Уруш даври воқеаларига гувоҳ бўлган адиба Пак Вансо ижодидан “Шунча шингани ким еган?” ва адиб Чхве Инхун қаламига мансуб “Майдон” асарлари нафақат бадий балки тарихий қимматга эга бўлган бебаҳо асарлардир.

Хусусан, XX аср замонавий корейс адабиёти янги мавзу- фуқаролар уруши ва унинг салбий оқибатлари билан характерлидир. Мазкур даврда ижод қилган ҳар бир ижодкор миллат муаммосини ўз қарашлари билан баён қилади. Пак Вансонинг “Шунча шингани ким еган?” ва Чхве Инхуннинг “Майдон” романларидаги миллат муаммосининг бадий талқини мазкур мақолада таҳлилга тортилган.

Таянч сўз ва иборалар: Пак Вансо, “Шунча шингани ким еган?”, Чхве Сохе, “Қочқиннинг мактуби”, Чхве Инхун, “Майдон”, “махфий хона” (“밀실”), “майдон” (“광장”), “бетараф мамлакат” (“중립국”).

Аннотация. Одной из самых актуальных проблем современной корейской литературы является проблема *natsui*, во главе которой стоит Пак Вансо, писатель, занимающий видное место в современной корейской литературе. Ряд автобиографических произведений Пак Вансо, в том числе «Кто съел так много черепицы?» роман также разоблачает все пороки Гражданской войны. Пак Вансо описывает негативные последствия гражданской войны на примере семьи, а Чхве Инхун, один из первых, кто обратился к проблеме гражданской войны, раскрывает проблему *natsui* в своей работе с символом «Квадрат». Хотя создатели по-разному анализировали войну, преобладает проблема разделенной *natsui*, которая является общей темой в написанных ими произведениях. В частности, в этих произведениях присутствуют три идеи, и эти идеи писатель раскрывает на примере своей семьи, а в произведении писателя Чхве Инхуна «Квадрат» эти три идеи представлены символом трех полей. «Кто съел так много черепицы?» Роман основан на детских воспоминаниях писателя Пака Вансо, роман «Квадрат» основан на воспоминаниях юности писателя Чхве Инхуна о войне и его семье, а также о событиях его военной службы. И Чхве Инхун, и Пак Вансо различаются по стилю, но их творчество объединяет общая тема «войны» и «разделения». «Кто съел так много черепицы?» а произведения «Квадрат» написанные писателем Чхве Инхун, представляют собой бесценные произведения исторической ценности.

В частности, для современной корейской литературы XX века характерна новая тема - Гражданская война и ее негативные последствия. Каждый художник, творивший в этот период, своими взглядами выражает проблему *natsui*. В статье анализируется художественная интерпретация проблемы *natsui* в романах Чхве Инксунна «Квадрат» и Пак Вансо «Кто съел так много черепицы?».



Опорные слова и выражения: Пак Вансо, “Кто съел так много черепицы?”, Чхве Сохе, “Письмо от беженца”, Чхве Инхун, “Квадрат”, “секретная комната” (“밀실”), “поле” (“광장”), “нейтральная страна” (“중립국”).

Abstract. One of the most pressing issues in modern Korean literature is the problem of the nation, led by Pak Vanso, a writer who has a place in modern Korean literature. A number of autobiographical works by Pak Vanso, including “Who eat so much shingle?” the novel also exposes all the vices of the Civil War. Pak Vanso describes the negative effects of the civil war on the example of a family, while Chhve Inhun, one of the first to address the issue of civil war, reveals the problem of the nation in his work with the symbol “Square”. Although the creators have analyzed the war in different ways, the problem of a divided nation, which is a common theme in the works they write, prevails. In particular, there are three ideas in these works, and the writer reveals these ideas on the example of his family, while in the work of the writer Chhve Inhun “Square” these three ideas are represented by the symbol of three fields. “Who ate so many shingle?” The novel is based on the childhood memories of writer Pak Vanso, the novel “Square” is based on the memories of the writer Chhve Inhun’s adolescence about the war and his family, as well as the events of his military service. Both Chhve Inhun and Pak Vanso each differ in their style, but their work is united by a common theme of “war” and “division”. “Who ate so much shingle?” by Pak Vanso and “Square” which were written by the writer Chhve Inhun, are priceless works of historical value.

In particular, modern Korean literature of the twentieth century is characterized by a new theme - the Civil War and its negative consequences. Every artist who has created in this period expresses the problem of the nation with his own views. In this article is analyzed the artistic interpretation of the problem of nation in work of Pak Vanso’s novel “Who ate so much shingle?” and Chhve Inhun’s novel “Square”.

Keywords and expressions: Pak Vanso, “Who ate so many shingle?”, Chhve Sohe, “Letter of the fugitive”, Chhve Inhun, “Field”, “neutral country” (“밀실”), “area” (“광장”), “secret room” (“중립국”).

Кириш. Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама чуқурлашиб, бугунги кунда ўзаро муносабатларнинг 30 йиллиги муносабати билан қатор тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Корейс халқининг ан’анавий урф одатлари ва миллий маданияти жозибасига мамлакатимиз илмий жамоатчилигининг қизиқиши кучайиб бормоқда.

Корейс ва ўзбек халқининг дўстона муносабатлари муносабатлари узоқ мозийга бориб такалади, бу эса ўз узидан битмас-туганмас маданий мерос тарихини ўрганиш, унинг мохиятини ёритиб бериш вазифасини кун тартибига кўяди. Шу нуктаи назардан олиб караганда, корейс маданиятининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган бадий адабиёт, хусусан, XX аср адабиёти алоҳида аҳамият касб этади. Бадий асарларда ўз аксини топган XX асрларга хос бўлган фуқаролар уруши ва унинг салбий оқибатлари, миллат муаммоси, ижтимоий зиддиятлар, адабий-маданий ҳаёт ходисаларни илмий жихатдан ёритишга зарурат сезилади.



Мақсад ва вазифалар: XX аср корейс насрининг долзарб муаммоларидан бири фуқаролар урушининг адиба Пак Вансо қаламига мансуб “Шунча шингани ким еган?” романи мисолида очиб бериш, шунингдек, адиб Чхве Инхуннинг “Майдон” асари билан умумий жихатларига тўхталиб ўтишдан иборат.

Усуллар: Маколани ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, бадиий асарни комплекс таҳлил қилиш, таснифлаш методларидан фойдаланилган.

Корейс халқи учун фуқоралар уруши ҳеч қачон унутилмайдиган, абадиятга дахлдор ҳодиса. Узоқ давом этган мустабид замонлардан сўнг қўлга киритилган мустақиллик халқ кутган натижани бермади. Аксинча халқ кучли давлатлар қўлида пароканда бўлди, миллатнинг икки хил мафкура остида бўлиниб кетиши оқибатида ака-укалар бир-бирига ўқ узишди. Уруш нима сабаб содир бўлгани, мафкуравий бўлиниш учун асосий омил бўлиб хизмат қилган ҳодиса мавҳум бўлиб қолди.

Кутилмаган ҳужум ва отишмалар сабаб кўп оилалар яшаш жойларини тарк этишга мажбур бўлишди, яқинларини йўқотишди ва қайси жамиятда яшаётганликларини англаб етишмади. Уруш бегуноҳ инсонлар умрига зомин бўлди. Уруш инсонларни худбин қилди, бир-бирига бўлган ишончини йўқотди, инсон йиртқич жонзотга айланди. Натижада одамлар рухий ва жисмоний азобларга дучор бўлишди. Халқ билан бирга мана шундай оғрикли ва азобли ҳаётни бошидан кечирган ёзувчилар ўзларининг қарашларини ва урушга бўлган муносабатларини қоғозга туширишди.

Кимдир тарихий, кимдир автобиографик асарлар яратди, содир бўлган воқеаларга турли воситалар орқали мурожаат қилди. Ёзувчи ҳам ана шу халқнинг бир фарзанди сифатида замон аҳволига ачинди, халқ учун қуйинди, айниқса бир инсон фарзандининг қўлидаги қурол ўз жигарига ўқталгани уни ташвишга солиб қўйди. Шу сабабли фуқоралар уруши даврига бағишланган асарлар корейс адабиётида алоҳида ўрин тутди.

Уруш даври воқеаларига гувоҳ бўлган адиба Пак Вансо насрида “уруш” мавзуи муҳим саналади. Бу ҳақида адибанинг ўзи шундай фикр билдириб ўтган:

“Мен яратган асарларнинг машҳурлиги шундаки, у объектив воқеликка асосланган, шунинг учун ҳам у кечагидек равшан, жонли ва ишончли. Хотиралар вақт ўтиши билан ўз-ўзидан унутилади, тарихга айланади, мен 25-июн¹да содир бўлган хотираларни ёдга олишдан чарчадим, аммо бошқа иложим йўқ...”

Ёзувчи бу хотиралар асосида асар яратишга ҳаракат қилди, аммо узоқ вақт иккиланди. Уруш жароҳатлари битмаган, ҳали-ҳануз қон томиб тургани

¹ Koreya urushi boshlangan sana (1950-yil)



боис, бу қон адибага тинчлик бермади. Жароҳатлар битмай туриб, “қонни тўхтатиш” учун адиба қўлига қалам олди:

“박완서는 삶의 곡절에서 겪은 아픔과 상처를 반드시 글로 쓰고야 말겠다는 생각으로 고통의 시기를 살아냈다. “이것을 기억했다가 언젠가는 글로 쓰리라.” 숙부와 오빠 등 많은 가족이 희생당했으며 납치와 학살, 폭격 등 죽음이 너무나도 흔한 시절이었다. 이름 없이 죽어간 가족들을 개별적으로 살아 숨 쉬게 하는 것이 처음 글을 쓴 목표였다”¹.

“Жароҳатим битиб кетади, деб хавотирландим. Нимадир ёзиб “қонни тўқишим” керакка ўхшади. Чунки бу менинг шахсий жароҳатим эмас, балки уруш сабаб шавқатсизларча парчаланган барчамизнинг жароҳатимиз эди. Уруш жароҳати – миллат жароҳати”.

Шу сабабли адиба ўз насрида асосий мавзу сифатида уруш ва бўлиниш масаласини илгари сурди. Пак Вансонинг ҳикоя ва романларида уруш ҳаётнинг абадий эмаслигини яна бир қарра ёдга солади. Уруш оқибатида юзага келган вазият башариятнинг яширин ҳақиқатини кашф этиши учун имконият бўлиб хизмат қилганини алоҳида кўрсатади. Шу сабабли адиба ўз асарларида урушга бир фалокат тарзида ёндашиб, аслида инсонни қайта кашф этади.

Пак Вансонинг “Шунча шингани ким еган?” романи болалик хотираларига бағишланган. Романнинг муқаддимасида муллик шундай ёзади:

“자화상을 그리듯이 쓴 글. 이런 글을 소설이라고 불러도 되는 건지 모르겠다. 순전히 기억력에만 의지해서 써보았다.

쓰다 보니까 소설이나 수필 속에서 한두 번씩 우려 먹지 않은 경험이 거의 없었다. 그러나 그때그때의 쓰임새에 따라 소설적인 윤색을 거치지 않은 경험 또한 없었으므로, 이번에는 있는 재료만 가지고 거기에 맞춰 집을 짓듯이 기억을 꾸미거나 다듬는 짓을 최대한 으로 억제한 글쓰기를 해보았다”².

“Асар худди автопортретдек ёзилган. Буни роман деб атаса ҳам бўладими, билмайман. Фақат хотирамга суянган ҳолда ёздим. Роман ёки очерк каби асарлар ёзаётганимда хотирамга мурोजаат этмаган ҳолатлар деярли бўлмаган. Бироқ ҳар сафарги мурोजаатда хотирам романга хос жило бериш жараёнидан ўтар эди”.

Романни яратишда унинг ҳажми ва мувозанатни сақлаш учун хотира материалларидан тўғри фойдаланиш кераклигини англаб етган адиба нутилган хотиралар оралигини табиий равишда боғлаб кетиш учун

¹ Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 많던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 2-3 bet.

² Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 많던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 36 bet.



тасаввур кучига таяниб иш кўради, хотиранинг аниқлигига шубҳаланган ёзувчи “...хотира дегани ҳар бир кишининг тасаввури эканлигини англаб етдим” дейди.

Адиба романининг аввалги асарларидан фарқли жиҳати илк бор ўзини бош қахрамон сифатида чизишидадир. Шу ўринда муаллиф ўзини бош персонаж сифатида комил инсон даражасида тасвирлашдан йироқлашиш қанчалик қийин бўлганлигини таъкидлайди. Машаққатлар эвазига дунёга келган романда 1940-1950-йиллардаги ижтимоий ҳаёт, унутилаётган қадриятлар, оила мавқеининг пасайиши, илк мустақиллик йиллари, уруш олди воқеалар, инсон қалби каби даврнинг ўткир муаммолари акс эттирилган.

12-бобдан иборат романнинг дастлабки 8 боби адибанинг болалик хотиралари билан боғлиқ бўлса, 9-бобдан бошлаб уруш олди ҳодисалари тасвирланади. Кутилмаганда уйга бир тўда йигитлар бостириб кириб, уйдаги барча нарсаларни синдира бошлашидан япон ҳукуматига барҳам берилгани аён бўлади. Безориларга ўхшаш бу болалар мустақкам дарвозани ҳам синдиришаётганида йигитлардан биттаси даврвозага қистирилган тахтача¹ни юлиб олиб, улоқтириб юборади. Шу кунга қадар буvasи қазо қилганига қарамай на амакиси, на акасининг бу тахтачани ўзгартиришга ҳадди сиғмаган эди.

Йигитлардан биттаси Япониянинг барбод бўлгани, улар эса адибанинг оиласини японларга шерик оила деб ҳисоблашларини билдирди. Ҳатто исм-фамилиясини ҳам ўзгартирмаган оила қандай қилиб японларга шерик бўлишига оила аъзоларининг ақли етмасди. Йигитларнинг бу ҳаракати адоватли зўравонликдан кўра, истибдоддан кутилган, шу кунга қадар эзилган кучларнинг тантанасига ўхшарди. Аслида яқин кунларга қадар япон маъмуриятида меҳнат бўлими бошлиғи сифатида фаолият юритган амаки сабаб оилага шундай муносабатда бўлишган эди.

Тез орада Кесонг шаҳрига биринчи хориж – Америка кўшини кириб ўрнашди. Мамлакат аҳолиси кўшин аскарларини томоша қилашарди. Уларнинг чапиллатиб сақич чайнашлари, аёлларга кўз қисишлари, кўринган ёш болаларни кўтариб, кучишлари ғайритабиий кўринарди. Шу билан бирга “японларга шерик бўлган ватан хоинларини жазолайлик”, “фалончини сўзсиз қўллаб-қувватлаймиз”, “фалончига мутлоқ қаршимиз” каби шиорлар турар жой бинолари, маҳкама деворларини “безай” бошлади. “Еркинлик”, “демократия”, “халқ” каби ажойиб сўзлар янгради.

Тез орада Кесонгга Америка кўшини 38-параллел нотўғри чизилиши оқибатида кириб келганлиги учун унинг ўрнига собиқ СССР кўшини кириб келди:

¹ Koreyada har bir amaldor xonadoni darvozasiga uy sohibining ismi-sharifi tushirilgan taxtachacha ilib qo'yish qadimdan rusum bo'lgan. Taxtachada xonadonning qaysi sulolaga tegishliligi ma'lum bo'lgan.



“...미군이 진주하기 전부터도 개성에 미 군이 들어올지 소련군이 들어올지 예측을 할 수가 없 을 만큼 삼팔선이 아슬아슬하게 지나가고 있다면서 과연 어느 쪽이 들어오는 게 유리할까 흥미롭게 예상 도 하고 논쟁도 하는 소리를 여러 번 들었지만 삼팔선 이란 추상적인 선이 현실적으로 어떤 구속력을 갖게 될지는 아무도 몰랐다. 들어올 때와는 달리 미군은 소 문도 없이 사라지고 소련군이 주둔을 하자 세상이 갑 자기 흥흥해졌다”¹.

“...38-параллел деган мавҳум чизиқ амалда қандай кучга эга эканлигини ҳеч ким билмасди. Америка қўшини кириб келган вақтдагидан фарқли равишда миш-мишсиз ғойиб бўлди ва СССР қўшини ўрнашгач, дунё тўсатдан алғов-далғов бўлиб кетди”.

Темирйўл орқали шимолдан жанубга кетаётган пиёда одамлар сони кундан-кунга кўпая бошлагани одамларнинг уруш олтидан мажбурий ҳарбий хизматдан ёки ночорликдан бошқа юртларга кетишга мажбур бўлганлигидан далолат беради. Шу ўринда адиба япон аннексиyasi даврида яшаб ижод қилган ёзувчи Чхве Сохе қаламига мансуб “Қочқиннинг мактуби” ҳикоясини келтириб ўтади. Пак Вансо адиб ўз ҳикоясида тасвирлаган воқеаларнинг ҳаётдаги тасдиғини ўз кўзим билан кўрдим, деб ёзади. Шу кунга қадар ўқиган асарларини ҳаёлот дунёсига мансуб деб ўйлаган адиба кўз ўнгида содир бўлаётган ҳикоя сюжетини ташкил этувчи воқеаларнинг қанчалик ҳаётга яқинлигидан нафратланади, бу мутлақо ҳаётгий ҳақиқат эканлигидан ҳатто кўрқув пайдо бўлганини таъкидлайди.

Оила зудлик билан пойтахтга кетиши керак эди. Чунки Кесонгда қолиш кундан-кунга хавфли эканлиги маълум бўлиб қолди. Сеулга кетиш учун анча ри² масофани пиёда босиб ўтига тўғри келади. Чунки СССР армияси жануб томонга ҳаракатланадиган поезд йўлини ёпиб қўйган эди. Барча пиёдалар Ядари³ кўприги томон ҳаракатланарди. Сеулга қатнов йўли ёпилгани боис бошқа чора йўқ эди. Ядари кўпригининг бир томонида СССР, иккинчи томонида Америка қўшини постда турган.

Даставвал йўловчиларнинг ўтиши чекланмаган ва ҳужжатлари текширилмаган. Атрофга тарқалган миш-мишлар сабаб аёллар ўзларини ночор кўрсатиш мақсадида бошларига кир сочиклар ўраб олишган, хориган

¹ Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 많던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 267-268 bet.

² Ri – masofa o‘lchov birligi

³ Yadari – tuya ko‘prik. Koryo davlati gullab yashnagan davrda uzoq Arab davlatlaridan savdogarlar kelib, tuyasini shu yerga bog‘lab qo‘ygani sabab kelib chiqqan nom. Bu Kesong shahri odamlarining eng yaxshi ko‘rgan joyi. Bu hududda tug‘ilgan bolalarning barchasi Yadari ko‘prigi tagidan olib kelingan, degan jummalarni ko‘p eshitishgan. Yoshligida ko‘p yig‘lagan adibaga kattalar “bu Yadari ko‘prigi tagidan olib kelinganmi”, deb tanbeh berishgan.



ва ёшини катта қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишган. Ядари кўприги ўртасида ҳам ўша маш'ум 38-параллел чизиғи чизиб қўйилган эди.

Кўприкдан ўтаётганда барчани титроқ босарди, барчанинг ёдига Япония мустамлакаси давридаги ҳарбийлар тушарди. Аммо бу ерда ҳар икки томон ҳарбийлари йўловчилар (қочқинлар)ни кузатиб туришарди, холос. Ҳар бир кишининг хаёлидан 38-параллел чизиғи нима ва у қандай экан, деган фикр ўтарди.

Пойезд тўхтайдиган жойга келишиб, кейин унга қандай қилиб чиқишганини муаллиф шундай тасвирлайди:

“출입문보다 창으로 타는 사람이 더 많았다. 닫힌 창은 우리를 부수었고 이미 많은 유리창이 부서져 있었다. 엄마가 나를 들어 유리창을 통해 안으로 밀어 넣었고 누군가 안에서 끌어당겨 주었다. 나도 밖 에 남은 엄마를 필사적으로 도와 안으로 끌어들었다”¹.

“...Ешикдан кўра ойнадан поездга чиқаётган сони кўп эди. Улар ёпилган ойналарни синдирар, кўпчилик ойналар эса аллақачон синган эди. Онам мени кўтариб, ойнадан ичкарига итарди, ичкаридан кимдир тортиб олди. Мен ҳам жон-жаҳдим билан таиқарида қолган онамни тортиб, ичкарига киришига кўмаклашдим”.

Бу мамлакатда бетартибликлар бошланганидан далолатдир. Инсонлар марказ шаҳар – Сеулга қараб ҳаракатланишмоқда, аммо олдинда уларни нима кутиб турганидан беҳабарлар. Ҳамманинг кўзида кўркув, бир-биридан ҳадиксираган одамлар Сеул шаҳрига етиб келмасдан поезддан тушиб қолиши, олдинда барибир хатар борлигидан далолат беради.

Сеулга етиб келган бош персонаж мактабга қатнай бошлади. Мактабда япон миллатига мансуб ўқитувчиларнинг биттаси ҳам кўринмас, япон тили ўқитувчиси энди корейс тилидан сабоқ берарди. Қизиқарли жиҳати, корейс тилида китоблар мавжуд эмас, ўқувчиларнинг оғзидан япон сўзлари тушмас, уларни ўз она тилида гапиришга ўргатиш эса худди хорижий тилни ўргатишга ўхшарди.

Япон ҳукумати шошилинича Корея ҳудудларини тарк этишганида, кўп нарсалар қатори, китобларни ҳам ташлаб кетишга мажбур бўлишган эди. Қолдирилган китоблар атторлик моллари билан биргаликда сотиларди. Мана шу имконият сабаб, бош персонаж “Жаҳон адабиёти тўплами” китобига эга бўлди. Китобда “Граф Монте-Кристо”, “Илохий комедия”, “Фауст” каби асарлар жамланган бўлиб, муаллиф барча асарларни ўқиб чиқишга муваффақ бўлди.

Мана шу китоблар қаторидан Лев Толстой асарлари ҳам ўрин олди. Эски китоблар дўконидан бу китобларни айнан адибанинг акаси сотиб олиб келган эди:

¹ Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 많던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 273-274 bet.



“다 주었는데 갈색표지의 장정이 하도 엄숙하여 도저히 읽어낼 것 같지 않은 인상부터 받았다. 그러나 『안나 카레니나』 『전쟁과 평화』 『부활』 등 톨스토이의 중요한 장편들은 그 후 오랫동안에 걸쳐서 이긴 하지만 여러 번 거듭해서 읽고 또 읽은 나에게 매우 중요한 문학이 되었다”¹.

“Жигарранг муқоваси салобатлигидан асло ўқий олмайман, деб ўйлагандим. Бироқ шундан сўнг Толстойнинг “Анна Каренина”, “Уруш ва тинчлик”, “Қайта жонланиш” каби романларини узоқ вақт давомида бир неча мартаба қайта-қайта ўқиғач, адабиёт қадрдонимга айланди”, деб ёзади.

Муаллиф жуда ҳам кўп китоблар ўқишга муваффақ бўлган, бир ўқиган китобини қайта ўқимаган, аммо Толстойнинг асарларини қайта-қайта ўқиган. Бунга сабаб аввал асарлар қийин туюлган, тушуниши ҳам бироз мушкул бўлган, аммо асар ичида “тушунарсиз” бир нарса унинг эътиборини тортган. Ва ниҳоят бу саволнинг жавобини топган адиба шундай дейди:

“...또 읽다가 차츰 재미를 느끼게 되고, 무엇 보다는 성격 묘사의 묘미에 최초로 매료당했기 때문 이라고 생각한다”².

“...борган сари қизиқиш кучайди, энг қизиқарлиси адибнинг характер тасвирлаш жозибасига мафтун бўлган эдим...”.

Мустақиллик эришган мамлакатга гоҳ Америка қўшини, гоҳ СССР қўшини кириб келар, ҳар сафар Кесонг шахри бир сўллар, бир ўнлар қўлига ўтарди. Ва ниҳоят шаҳар жанубга қарашли эканлиги тасдиқланди.

Акасининг биринчи аёли вафот этгач, у таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Ҳар куни кечаси унинг хонасига нотаниш одамлар йиғилишар, нималарнидир муҳокама қилишар, пойтахт ҳукуматини кескин ва қўпол танқид қилишарди. Бу фикрлар қоғозга туширилар ва одамларнинг уйлари деворларига, телеграф устунларига ёпиштирилар эди. Синглиси акасини машҳур инсон бўлади, деб ўйлаган умидлари пучга айланди. Акаси қайси ғоя тарафдори эканлигини адиба ўзини худди ғурури топталгандек ҳис қилди.

Мана шу эпизодни киритиш орқали адиба бир оила вакилларининг орасида турли ғоя тарафдорлари пайдо бўла бошлагани кўрсатади. Айнан ана шу воқеалар сабаб она ва бола ўртасида зиддият юзага келади. Онаси фарзандларини яхши кўрган, уларни саводхон қилиш учун ҳатто катта келинлик бурчини ҳам ўтамаган, қайнона-қайнотанинг қаршилигига қарамай Сеулга кўчиб келган эди. Ўғли қўллаб-қувватлаган ғояни “хавфли”

¹ Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 많던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 278 bet.

² Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 많던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 278 bet.



деб ҳисоблар, агарда ўғли қўлга тушса шавқатсиз қийноққа солинишини биларди.

Бу ғоя миллий кадриятларнинг бузилишига олиб келди. Жумладан, она учун сўллар вакилларининг бир-бирига, ҳатто ота-онасига “ўртоқ ота, ўртоқ она” деб мурожаат қилишлари тушунарсиз эди:

“너무도 간단하고 단호한 결정에 식구들이 다들 손 갈질을 멈추고
엄마의 입만 쳐다보았다”¹.

“Бироқ онам бу ғоя оилани ҳам, инсоннинг ўзини ҳам жувонмарг қилади,
деб, ўз фикрида қатъий эди”.

Сингил икки ўт орасида қолди: онанинг ёнини олсинми ёки акаси тараф бўлсинми? Оилавий муҳит хотиржам бўлмай қолди, бош персонаж мактабга ҳам қатнагиси келмай қолди. Чунки мактабда ҳам ҳамма ҳар хил фикр билдирар, “иттифоқ”лар кўпайиб кетган эди. Бош персонажнинг ҳатто яқин дўсти ҳам йўқ эди, турли фикр, турли ғоя тарафдорлари ҳатто “дўстлик” тушунчаси ҳақида унутган эдилар. Аслида бу одамларнинг орасида кенг тарқалиб кетган ишончсизлик белгиси эди.

Адибанинг энг яқин дўстлари бу – китоблар бўлиб қолди. Даставвал ғоявий курашлар ҳақида асарлар ўқиган бўлса, мустақилликдан сўнг корейс адабиётига – бадий асарлар ўқишга қизиқиши кучайди. Бу орада мактабда синфлар уч йўналишга бўлинди: гуманитар, табиий фанлар ва оила ишлари. Муаллиф гуманитар йўналишни танлади, бу унинг кўп китоб мутулаа қилиши билан боғлиқ эди. Гуманитар фанлар синфига янги раҳбар келди ва у романнавис Пак Но Кап эди.

1950-йили адиба Сеул университетининг санъат ва табиий фанлар факултетига ўқишга кирди. Бир неча кун маъруза тинглаб улгурмаган талабалар 25-июннинг даҳшатли воқеаларига гувоҳ бўлишди:

“등교하면서 가로수를 꺾어서 철모와 군용차를 시퍼렇게 위장하고
미아리고 개 쪽으로 이동하는 국군을 보고 비로소 섬뜩한 전쟁의 현장감을
느꼈으나 남들이 하는 대로 씩씩하게 박수도 치고 만세도 불렀다”².

“Ўқишга бораётганимда шлем ва ҳарбий машиналарни синдириб олинган
дарахт шохлари билан ниқоблаган ҳолда Миари довони томон
ҳаракатланаётган Жанубий Корея қўшинини кўриб, ниҳоят ҳақиқий
қўрқинчли уруш воқелигини ҳис қилган бўлсам-да, бошқаларга қўшилиб
“яшасин” дея қичқирдим”.

Университетда ҳолат бошқача эди, қизларга уйларида кетишга рухсат беришди, йигитлар эса митинг уюштиришди. “Талабалар ватан мудофаа отряди” номидан шимолга бориш, мамлакатни бирлаштиришга чорламоқчи

¹ Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그
많던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 329-330 bet.

² Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그
많던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 337-338 bet.



бўлишди. Митинг иштирокчилари матнини ва улар бақир-чақир қилиб айтаётган шиорлар бош персонаж қалбига таскин бера олмади.

Мана шу фикрлар адиба билан замондош, уруш йилларида таржимон бўлиб ишлаган, қатор асарлар муаллифи, ўзи ҳам гоҳо Шимолда, гоҳо Жанубда истикомат қилишига тўғри келган Чхве Инхуннинг “Майдон” романида ҳам учрайди. “Майдон” романини Чхве Инхун уруш ҳақидаги ўсмирлик хотиралари, оиласи билан кўрган-кечирганлари, ҳарбий хизмат давридаги воқеаларга асосланиб ёзган. Роман фуқаролар уруши даври ҳақида ёзилган илк асарлардан бири бўлиб, адиб ўз фикр-мулоҳазаларини мустамлака даври ёзувчиларидан фарқли равишда очик-ойдин баён этган. Биринчидан у асар яратишда таъқиқланган мавзуга қўл урган, иккинчидан, уни бу йўлдан ҳеч ким қайтара олмаган. 1960-йил апрел ҳаракатлари ёзувчига янги куч бағишлади.

Роман бош қаҳрамони Мёнг Жун “шахсий ҳудуд” ва “майдон” бирлашган нуқтада фаровон жамият бўлади, деган фикрга келади. Зероки, “шахсий ҳудуд” соғлом фикрни англатса, “майдон” жамиятни англатади. Мёнг Жун назарида соғлом жамият хотиржамлик ва фаровон келажак калити эди.

Уруш булути борган сари мамлакатни куршаб олган, тинимсиз отилаётган замбарак ўқларининг овозидан одамлар саросимига тушган, кўпчилик қочоқликка кетиш ҳаракатига тушишган эди. Адиба оиласи ҳам қочоқликка кетишга тайёр, аммо акадан дарак йўқ эди. Тун бўйи барча оила аъзолари иссиқ бўлишига қарамасдан пахта кўрпага ўраниб ўтиришди. Бу худди уларни замбарак ва бомба парчаларидан асровчи ягона йўл эди.

Фақат она пахта кўрпага ўранмади, у тинимсиз дарвоза ташқарига қатнаб ўғлини кутди, унга замбарак ва бомба овозлари ҳам, таъсир қилмас эди. Фикру-ёди ўғлида, унинг қайтиб келишини интизорлик билан кутарди. Аммо тонг отгач, кутилмаганда амаки олиб келган маълумотга кўра “дунё ўзгарган” эди. Бу Шимолий Корея кўшинининг кириб келганидан дарак эди.

Она саросимида қолди: наҳотки ўғли илгари сурган ғоя, ҳаётини хатарга қўйиб олиб борган кураш фаолияти, сўллар тарафида бўлгани – тўғри йўл тутган бўлса. Ҳатто қизи ҳам озгина вақт бўлса-да, сўллар ғоясига мойил бўлгани тўғри бўлса. Бу вақтда Шимолий Корея кўшини полисия маҳкамасини эгаллаб, аллақачон “жаҳолатпарастлар”ни жазолашга киришган эди.

Она қизидан нафратлана бошлади:

“또 그놈의 정조관념인가. 정말로 어찌볼 수 없는 엄마였다. 하늘의 해와 달처럼 명명백백하고도 오직 두 개밖에 없는 이데올로기 말고 따로 신봉할 게 있는 엄마가 우스꽝스러워 보였다”¹.

¹ Pak Vanso. Ki manton shinganin nuga ta mogisilka. (chu) Tosochulpan segesa 2012. [박완서. 그 많던 싱아는 누가 다 먹었을까.(주)도서출판 세계사, 2012.] 345-346 bet.



“Яна ўша лаънати фазилат туйғусими? Чиндан ҳам онамни тушуниб бўлмас эди. Осмондаги қуёш билан ойдек жуда равшан ва фақат иккита бўлган гоядан ташқари бошқа гояга ишонувчи онам кулгули кўринди”.

Яна Чхве Инхуннинг “Майдон” романига қайтамиз. Романда “махфий хона” (“밀실”), “майдон” (“광장”), “бетараф мамлакат” (“중립국”) каби бир нечта рамзий маъно англатувчи иборалар учрайдики, асарнинг бадиий-ғоявий мазмунини англашда уларнинг ўрни бекиёсдир. Бу ерда учта ғоя мавжуд, адиба ҳам ўз оиласи мисолида мана шу учта ғояга ишора қилади.

Кутилмаганда ака уйга бир тўда маҳбуслар билан кириб келди. Булар акаси билан ҳамфикр сўллар тарафига қарашли инсонлар эди. Сеулга кириб келган Шимолий Корея халқ кўшини, энг аввало, қамалган сиёсий жиноятчиларни озод қилган эди. Алмаштиришга бошқа кийими бўлмаган маҳбусларнинг либоси “ифтихор” белгисига айланди. Аммо аканинг сўлларга ҳам, ўнларга ҳам ишончи қолмаган эди.

Она уларга овқат тайёрлар экан, барибир қандайдир бир кўрқув уни тарк этмасди. Яқиндагина “япон ҳукумати” тарафдорлари деган тамгадан кутилиб улгурмаган оилани яна қандай “тақдир” кутиб тургани номаълум эди. Шу билан бирга ўғли ҳам Жанубий Корея ҳудудида яшаб туриб, сўллар ғоясини илгари сурган вақтда тез-тез яшаш жойини ўзгартириб туришган эди.

Аннотация. Ушбу мақолада қадимги туркий битиглардаги стереотип бирликларнинг маъно хусусиятлари ҳақида сўз боради. Мазкур бирликларнинг фаоллиги улар ташиётган маъно билан боғлиқ. Стереотип бирликларда маъно кўчиши ҳодисаси учрайди. Кўчма маъно айрим сўзлар асосида юз бермайди, бу бирликлар бутунича, яхлит сўзлар таркибининг барчаси йигилиб мажозий маънога хизмат қилади. Шу билан бирга айрим бирликларда полисемия ҳам кузатилади. Стереотип бирликларнинг бу хусусияти тил материали сифатида фразеологик бирликларга ўхшаб кетади. Мақолада Стереотип бирликлар таркибидаги лексемаларнинг номинатив ва коннотатив маънолари ёритиб берилган.

Таянч сўз ва иборалар: Қадимги туркий тил, туркий битиглар, стереотип бирликлар, сема, кўчма маъно.

Аннотация. Вданной статье рассматриваются семантические особенности стереотипных единиц в письменные памятники. Активность этих единиц зависит от значения, которое они несут. Феномен смещения значения происходит в стереотипных единицах. Переносное значение не возникает на основе определенных слов. Эти единицы в целом, весь состав целых слов, объединяются и служат переносному значения. Полисемия также наблюдается в некоторых единицах. Эта особенность стереотипных единиц напоминает фразеологизмы как языковой материал. Изучаются номинативные и коннотативные значения лексем в составе стереотипной единицы.

Опорные слова и выражения: Древнетюркский язык, древнетюркские письменные памятники, стереотипные единицы, сема, переносное значение.

Abstract. This article discusses the semantic features of stereotypical units in old turkic text's. The activity of these units depends on the meaning they carry. The phenomenon of meaning shift occurs in stereotypical units. The figurative meaning does not occur on the basis of certain words. These units as a whole composition of the whole words, come together and serve a figurative meaning. Polysemy is also observed in some stereotypical units. This feature of stereotypical units resembles phraseological units as linguistic material. The nominative and connotative meanings of lexemes are studied within the stereotypical units.

Keywords and expressions: old Turkic language, old Turkic text's, stereotypical units, sema, figurative meaning.

Кириш. Дунё туркологлари томонидан қадимги туркий битиглар борасида адабиётшунослик ва тилшунослик жиҳатидан салмоқли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кейинги йилларда қадимги туркий битиглардаги стереотип бирликлар юзасидан айрим фикрлар ўртага ташлана



бошлади. Бироқ аксар тадқиқотларда уларга адабий анъана маҳсули сифатида қаралган. Мавжуд илмий ишларда стереотип бирликлар турдош ҳодисалар билан умумлаштириб ўрганилган. Стереотип бирликларни тилшунослик аспектида, хусусан, маъно кўчиш хусусиятларини ўрганиш бирликларнинг ифода имкониятларини очиб беришга хизмат қилади.

Методлар. Мақолада кўтарилган муаммони ёритишда қиёсий-тарихий, семантик-стилистик, анализ-синтез, каби таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Натижалар ва мулоҳаза. Маълумки, маъно кўчиши ҳодисаси кўпинча тилнинг лексик бирликларида учрайди. Бу ҳодиса фразеологизмлар учун ҳам ҳосилдир. Баъзан контекст талаби билан бадиий матнлар синтактик бирликларида маъно кўчиши содир бўлади. Қадимги туркий битигларда кечган стереотип бирликларда ҳам маъно кўчиш ҳодисаси кузатилади.

Маъно билан боғлиқ фикрлар баёнида сўз семантик структураси, ундаги денотатив ва коннотатив маънолар тўғрисида гапирилади. Масалан, А.Ҳожиёвнинг «Тилшунослик терминлари изоҳли луғати»да шундай изоҳ бор: «Коннотатив маъно денотатив маънога кўшимча равишда экспрессив, услубий муносабат кабиларни ифодаловчи маъно (оттенка); денотатив маъно ажратилгандан кейин ҳосил бўладиган айирмага тенг маъно»¹.

Тилшуносликда маъно кўчиш ҳодисаси ва унинг турлари, масалан, метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик кабиларнинг лингвистик хусусиятлари юзасида кўплаб тадқиқотлар бажарилган. Масалан, ўзбек тилшунослигида Т.Алиқулов² ҳамда М.Миртожиев³ ларнинг монографик ишлари маъно кўчиши ҳодисасига бағишланган тадқиқотлардир.

Айрим ишларда коннотатив маънонинг синтактик ёки грамматик бирликларга ҳос эмаслиги айтилади, аммо ўзбек тилшуноси Р.Кўнғуров «Тилшуносликда коннотация ҳодисаси лексик бирликларга ҳос деган фикрларни учратамиз. Ҳақиқатда эса бу ҳодиса синтактик конструкцияларга ҳам ҳосилдир»⁴ деб тушунтиради.

Стереотип бирликларнинг фаол қўлланишидаги асосий омил ҳам улар ташиётган дастлабки маъно эмас, кўчма маънолар эканлиги ойдинлашади. Масалан, *tün udimadim, küntüz olurmadim* стереотип бирлигидаги сўзларнинг маъноларини кўриб чиқайлик:

Tün – куннинг бир қисми, қуёш ботганидан анча кейин то тонг отгунича бўлган вақт;

udimadim – инсоннинг физиологик ҳолатини англатади;

¹Ҳожиёв А. Тилшунослик терминлари луғати. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 51.

²Алиқулов Т. Ўзбек тилида полисемантик отлар: филол.фан.номз ... дисс. – Т., 1966.

³Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Т.: Фан, 1975; ўша муаллиф. Ўзбек тили семасиологияси. – Т.: Мумтоз сўз, 2010.

⁴Кўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Т.: Фан, 1980. – Б. 24.



küntüz – куннинг қуёш чиққиши ва ботиши оралиғидаги пайт;

olurmadim – инсоннинг физиологик ҳолатини англатади.

Стереотип жумланинг номинатив маъноси инсоннинг тунда ухламаганлиги, кундузи эса дам олмаганлиги англашилади. Матнда эса бундай мазмун қуруқ ахборот тарзида тушунилади, шу боис ўқувчи эътиборини тортмайди.

Жумладаги коннотатив маъно унинг стереотип бирликка айланишига хизмат қилган. Бунда *tün* ва *küntüz* сўзлари узлуксиз вақт, *udimadim* ва *olurmadim* эса ҳаловатсизликни англатишга хизмат қилган. Ушбу ҳаловатсизлик маъносини англатишда жумладаги ҳар бир сўзнинг ўз улуши бор.

Стереотип бирликларда ҳам маъно кўчиши айрим сўзлар асосида юз бермайди, бу бирликлар бутунича, яхлит сўзлар таркибининг барчаси йиғилиб мажозий маънога хизмат қилади. Айни хусусият фразеологик бирликларда ҳам шундай:

Ҳосила маъно бир сўзнинг муайян лексик маъносидан юзага келади. Агар сўз бирон сўз билан бирикиб, бирикма маъносини ҳосил қилар экан, унинг компонентлари бўлган сўздан ҳосила маъно излаш тўғри бўлмайди. Чунки бирикмада фразеологик маъно бўлиб, у бутун бирикма таркибидаги ҳамма сўзлар учун умумийдир. Улар бутунлигича бир тирик жон ҳисобланади¹.

Шуниси ҳам борки, стереотип бирликдаги лексемаларнинг мавжуд семаларидан айримларининг бирлашуви етказилмоқчи, назарда тутилмоқчи бўлган маъно учун хизмат қилади. Масалан, *tün udimadim*, *küntüz olurmadim* бирлигидаги сўзлар семаларини кўриб ўтайлик:

1. *Tün* лексемасида «сутка»нинг бир неча соатдан иборат «қисми», «қоронғу», «пайт», «ухлаш вақти» (дам олинадиган) семалари мавжуд.

2. *Küntüz* лексемасида «сутка»нинг бир неча соатдан иборат «қисми», сутканинг «ярми», «ёруғ», «пайт», кундалик «машғулот», «вақт» семалари бор.

3. *Udimadim* лексемасида «машғулот», «ҳолати», «дам олмаслик» семаларига эга.

4. *Olurmadim* лексемасида «машғулот», «ҳолати», «дам олмаслик» семаларидан тузилган.

Сўзлар ўртасидаги семантик боғланиш классема деб юритилади². Шу маънода *udimadim*, *olurmadim* сўзларининг бирикувида ҳам айнан классема иштирок этган. Стереотип бирликда «дам олмаслик» семалари боғланиши натижасида кўзда тутилган маъно юзага келади. Бу ўринда *tün* ҳам ўзининг «ухлаш вақти» семаси билан юқоридаги сўзларга классема бўла олади. Шу ўринда *küntüz* сўзининг қайси семаси боғлиқлик ҳосил қиляпти деган, савол

¹Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Т.: Mumtoz so‘z, 2010. – Б. 81.

²Бу ҳақда қаранг: Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Т.: Mumtoz so‘z, 2010. – Б. 14-20.



туғилади, чунки унда «дам олиш» маъноси йўқ. Буни мантиқан изоҳлаш мумкин. Юқорида таъкидлангандек, кундузи турли машғулотлар билан банд бўлинади, ана шулар орасида тин олинади. Стереотип бирликнинг биринчи компонентида «тунда дам олмаганлик» таъкидланяпти. Физиологик жиҳатлар инсонни тунда дам олмаса, кундузи дам олиши кераклигини тақозо қилади.

Бундан ташқари *tün* ва *küntüz* сўзлари бирлик шаклида кўплик маъносини ифодалаган ва бу – ўша давр тили учун одатий ҳолат. Натижада, ақлан тасаввур қилиш қийин бўлган «тунлари ҳам, кундузлари ҳам дам олмаслик» маъноси воқеланган. Ушбу жумлани биз фақат мажозий маънода қабул қила олишимиз мумкин бўлади. Бу маъно эса «бирор мақсад йўлидаги хузур-ҳаловатсиз»ликни англатади.

Tün ва *küntüz* сўзлари кетма-кет қўлланиб, «дам олинмайдиган» узлуксиз вақтни англатиши бошқа ифодаларда ҳам учрайди:

Ünik meni küçäyür,
Tün-kün turup yığlayu.
Kördi közüm tawraqin,
Yurti qalip ağlayu.

Айтмоқдаки: севги менга азоб бераётир, кеча-кундуз йиғлайман; кўзларим унинг йироқлашганини кўрди, кетида юрти [яъни уй-жойи] йиғлаб қолди¹.

Маъшуқа ҳажрида қийналган ошиқ ўзининг изтиробларини мазкур мисралар орқали баён этмоқда. «*Tün-künturup yığlayu*» жумласидагитүн-kün бирикмаси узлуксиз давом этаётган вақтни англатмоқда. Кўпинча, инсон бир нарсанинг ўй-ташвишига тушганда, ўз кечинмаларини мазкур бирикма орқали ифодалайди. Шеърда лирик қаҳрамон туну кун (давом этаётган вақт) фақат йиғлайди. Бу бирлик орқали баъзи ўринларда қувончли ҳолатлар ҳам акс эттирилган.

Яна бир мисол:
İwriq başı qazlayu,
Sağraq tolu közläyü,
Saqinç quji kezläyü,
Tün-kün bilä sewnālim.

Айтмоқдаки: Ивриқ [май идиши]нинг боши ғоз кабидир, қорни [май турадиган қисми] кўз (косаси) каби тўлган. Қайғуни унинг тагига кўмайлигу, кеча-кундуз севинайлик².

Дўған Аксан ўз таснифида стереотип бирликлар таркибида *tünlü künlü* (туну кун)ни ҳам келтиради. Изоҳида ҳозирги Туркия туркчасидаги *geceli gündüzlü*, *gece gündüz* бирикмаларини кўрсатади¹.

¹Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. Нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи: Қ.Содиқов. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2017. – Б. 413.

²Ўша асар. – Б. 53.



Турфондан топилган васикалар тадқиқида Қ.Содиқов мавжуд стереотип бирликларга эътибор қаратади. Стереотиплардаги маъно кўчишини эса қуйидагича очиқлайди:

Васикаларда кечган *örü tayqa, qudi quumqa barsar* жумласини кўзда тутадиган бўлсак, бу жумлада «шимол» ва «жануб» тушунчаси йўқ. Ундаги *örü tay* – «юқори тоғ» ҳамда *qudi quum* «қуйи қум» ифодаси «тўрт томон; ўзи истаган ер» маъносида; «юқори тоққа (борадимми), қуйи қумга борадимми», яъни «истаган ерида; ҳамма ерда» англамида келган...

Ушбу мисолимиздаги *örü tayqa, qudi quumqa barsar* бирикмасидаги *örü tay* – «юқори тоғ» ҳамда *qudi quum* – «қуйи қум», уларни ўзаро қаршилантириш йўли билан бадий санъат ҳосил қилинмоқда; «юқори тоққа (борадимми), қуйи қумга борадимми» деган маънода, яъни «истаган ерида; ҳамма ерда» англамида келган. Фикрни бу тарзда ифодалаш расмий битиглар услуби учун ғайри-одатий, лекин матннинг таъсирини ошириш, ифода бадийлигини таъминлаш, «эркинлик» тушунчасини теран англатиш мақсадида ана шу ибора қўлланилган².

Битигларда қўлланган *tört buluq* (тўрт тараф) бирикмаси ўзида бир қанча маънони акс эттиради. Шулардан биринчиси, «кенглик», «бепоёнлик» маъносидир:

Tängri yarlıqaduq üçün özüm olurtuquma tört buluqdaqi bodunuğ etdim

(Мазмуни: Тангри ёрлиқгани учун ўзим (хоқон бўлиб) турганимда тўрт тарафдаги халқни тартибга солдим) (*Xb.9*)³.

Қ.Содиқовнинг ёзишича, эски турклар «тўрт қутб»ни *tört buluq* ёки *tört sarı* деб атаганлар. *Tört buluq, tört sarı* тушунчалари «кенглик», «замин бепоёнлиги»ни ҳам билдирган. Жумладан, бадий адабиётда эл қаҳрамонларининг чексиз ерларда ҳукмронлик қилгани, уларнинг куч-қудрати айна тушунчалар билан таъриф этилган⁴.

Бу бирикманинг айна маънони ифодаловчи *törtin sînar* шакли ҳам қадимги битигларда мавжуд. Хусусан, «Олтин тусли ёруғ»да Чамбудивип номли мамлакатнинг элиги Махаради шундай таърифланади:

Törtin sînar yer orunuğ iymiş basmiş, öküşkä ayatmiş ağırлатmış, ürük uzati köni nomča törüçä başladaçı, imârigmä qamağ bodunin qarasin aşmişükletmiş, optin sînar yağisiz yawlaqsiz erti.

¹Doğan Aksan. Göktürk yazıtlarında söz sanatları güçlü anlatım yolları // Türk dili araştırmaları yıllığı – Belleten. Cilt 38. – İstanbul, 1990. – S. 7.

²Содиқов Қ. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этнолингвистик жараёнлар. – Т.: Академнашр, 2018. – Б. 316.

³ Ушбу мақолада қуйидаги қисқартмалар қабул қилинди: *K* – Кул тигин битиги; *Ka* – кичик битиг, *K, Kb* – улуғ битиг, *K.I-III, Kc* – тошнинг тарошланган қирралари ва терс томонидаги ёзув; *X* – Билга хоқон битиги; *X* – тошнинг юз томонидаги ёзув, *Xa, Xb* – икки ёнидаги ёзув, *Xc* – тошнинг терс ёғидаги ёзув, *X.I-II* – тарошланган қирралардаги ёзув; *Ton* – Тўнюк битиги; *A Yar* – Олтин тусли ёруғ (Содиқов Қ. Эски туркий битиглар. – Т.: ТошДШИ, 2009);

⁴Содиқов Қ. Қадимги туркий тил. – Т.: ТошДШИ, 2009. – Б. 232.



(Мазмуни:Дон-дун, мол-мулка тўла, алпу мерган, кучли черикка эга, тўрт томондаги ерни ўзига бўйсундирган, кўпнинг ҳурмати қозонган, азалдан адолатли сиёсат юритган, бўйсунган барча элларнинг халқини кўпайтирган, ён-вери бутунлай ёвсиз-ёвузсиз эди) (А Ҳар).

Мазкур бирикманинг иккинчи маъноси – «қуршов»ни англатади:

Tört buluq qor yaği ermiş, sü süläpän tört buluqdaqı bodunuğ qor almıs, qor baz qılmıs.

(Мазмуни:Тўрт тараф бутунлай душман экан. Кўшин тортиб, тўрт ёкдаги халқни бутунлай олганлар, бутунлай бўйсундирганлар) (К.2).

Айни иллюстратив мисолда *tört buluq* (тўрт тараф)нинг икки маънода қўлланганлигини кўриш мумкин. Масалан, дастлабки қисмда –*tört buluq qor yaği ermiş* қуршовда қолган халқ тасвирида қўлланган бўлса, *sü süläpän tört buluqdaqı bodunuğ qor almıs* жумласида эса бу бирлик «чексиз ер»ни назарда тутмоқда.

Ушбу бирлик «билим», «тажриба» маъносини ҳам англатади. Бу маъно «Хуастуанифт»нинг эски туркча версиясида келади:

1. ... [bošu]ğalı (?) y(a)ruqu[ğ]
2. ... [t]ägzinür : tört buluq[uğ]
3. ... [bi]lmätin kün ay t(ä)ñrikä iki
4. ... [t(ä)ñr]ilärkä näčä yaz(i)nt(i)m(i)z ärsär
5. ... [t(ä)ñri] tipän kirtgünmäd(i)m(i)z ärsär :
6. ... [čul]vu saw sözläd(i)m(i)z ärsär : y(ä)mä kün ay
7. ... [är]ksizin tuğar batar ärki ...
8. ... [ärs]är : k(ä)ntü özümüzni күntä ayda
9. [öñi]biz tidim(i)z ärsär : bu ikinti bilmätin yaz(i)nmış ...
10. ... M(a)na[star xir]za

(1) ... қутилмоқ учун ёруғни (2) ... эврилур. Тўрт ёкни (3) ... билмайин Кун-ой тангрига, икки (4) ... тангриларга қанча ёзуқ қилган бўлсак, (5) ... тангри деб топинамаган бўлсак, (6) ... ёлғон сўзларни айтган бўлсак, яна Кун-ой (7) ... эркисиз ҳолда туғар ва ботар [яъни Куннинг туғиши ва ботиши] истаги ... (8) ... эса, ўз-ўзимизни Кундан, Ойдан (9) юқори қўйган бўлсак, бу иккисини билмай, ёзуқ қилган ... (10) ... Ёзуғимизни кечиргайсан!) (ХТ).

Tört buluq[uğ] [bi]lmätin (тўрт ёкни билмайин) бирикмасида *tört buluq* бирлигидайдан теварак-атроф, томонлар назарда тутилмаган. У инсоннинг билими, хабардорлиги, тажрибасини англатади. Ҳозирда ҳам ушбу бирликнинг муқобиллари мавжуд. Айни вазиятларни ифодалашда «паст-баландни билиш», «оқ-қорани таниш», «увол-савобини тушуниш» тарзидаги бирликлардан фойдаланилади. Алишер Навоий асарлари тилида ҳам мазкур бирикма «ҳар тараф» тарзида учрайди ва «хабардорлик» маъносини ифодалайди:

Хаёлида кеча-кундуз ул эрди,

Тилида кеча-кундуз сўз ул эрди.



*Вале мавқуф эди мунҳиларига
Ки, не келгай алар инҳиларига.*

*Алар ҳам ҳар тарафдинанглабон ҳол,
Келибон қилдилар билганни ирсол¹.*

Ушбу шеърӣ парчада Хусравнинг куну тун Ширин хаёлида бўлганлиги, лекин (Хусрав) хабарчиларига нималар маълумлигини, улар қандай хабар келтиришини билмас эди. Ўша хабарчилар турли тарафдан маълумотлар йиғиб, шоҳга маълум қилишади.

Қуйидаги мисолда ҳам айна маъно кузатилади:

*Ҳар тарафдинки сўз суол этти,
Посухи ани гунгу лол этти².*

Юқорида биз кўрган маъно кўчиш ҳолатлари стереотип бирликларда полисемия –кўп маънолилиқ шаклланишини таъминлаган. Зеро, полисемия фақат маъно тараккиёти, маъно кўчиши натижасида юзага келади.

Тўнюқуқ битигида шундай жумла бор:

Ar qoy, aq arġuġ ulġartdim, basiniġma yaġiġ kälürür ärtim, qaġanimin sü ältimiz, täñri yarliqazu.

(Мазмуни:Кўнғир қўй, оқ отни улғайтирдим. Босадиган ёвни поймол қилғучи эдим. Хоқони билан лашкар тортдик, тангри ёрлиқасин) (Топ,53).

Битигнинг ўзидан, бошқа тарихий манбалардан Тўнюқуқнинг давлат арбоби эканлиги маълум бўлади. Юқоридаги жумлада эса у кўнғир қўй ва оқ отни боқиб улғайтирганлигини айтади. *Ar qoy, aq arġuġ ulġart-* жумласини ҳам стереотип бирликлар сирасига киритиш мумкин вабунда унинг кўчма маъноси назарда тутилади.

Бу ўринда, кўчма маъно эҳтимоли катта, чунки ушбу жумлагача Тўнюқуқ қилган буюк ишлари, жанглари хусусида сўзлайди. Турк халқи ва хоқони учун қилган меҳнатини эътироф этади. Сўнгра кўнғир қўй ва оқ отни улғайтирганини таъкидлайди. Яъни *ar qoy, aq arġuġ ulġart* ҳам Тўнюқуқ амалга оширган оламшумул ишларидан бири бўлиши лозим. Энди ана шу жумла маъносини очишга ҳаракат қиламиз:

1. Ушбу жумла ёши улуғ, тажрибали, тадбирли кишининг хизматларига ишора қилади. Бу ўринда *ar qoy* – кўнғир қўй ва *aq arġuġ* – оқ от символик характерга эга. Яъни Тўнюқуқ ўз тадбиркорлиги билан халққа манфаат етказадиган кишиларни тарбиялаганига ишорадир.

2. Ушбу жумла халқ озиғи ва мудофаасини таъминлаган кишига нисбатан қўлланган. Бу ўринда ҳам *ar qoy* – кўнғир қўй ва *aq arġuġ* – оқ от символик характерга эга. *Ar qoy* (кўнғир қўй) орқали халқ озуқасини таъминлаган бўлса, *aq arġuġ* (оқ от) билан эса турк элининг мудофааси

¹Алишер Навоӣ. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 8 том. – Т.: Фан, 1991. – Б. 314.

²Алишер Навоӣ. Саъбаи сайёр. МАТ. 10 том. – Т.: Фан, 1992. – Б. 167.



мустаҳкамланган. Бу улуғ ишларнинг бошида ҳокон ва унинг донишманд вазири Тўнжук турган.

«Битигларда «оқ от» ғалаба ва муваффақият рамзи сифатида келади. Кул тигиннинг қайси рангдаги отни миниб жангга кириши алоҳида диққат билан эсланади. У бўз ва тўриқ отни миниб жангга киради, лекин ҳар икки от ҳам ўлади. Аммо оқ отни миниб кирганида от ҳалок бўлмайди, Кул тигин ҳам зафар қозонади¹.

«Мудофаа» маъносида яна бир жумла учрайди:

Bu türk bodunqa yaraqlig̃ yağig̃ kältürmädim, tögünlig̃ atig̃ yügürtmädim.

(Мазмуни:Бу турк халқига яроқли ёвни келтирмадим, яловли отни югуртирмадим) (Т. 54).

Ушбу жумла оғзаки ва ёзма адабиётда учрайдиган «ёвни яқин йўлатмади» каби мудофаа мазмунини ифода этади.

Toqli-böri qatilsun (қўзи ва бўрилар аралашсин) стереотип бирлигида ҳам кўчма маънодаги сўз бор. Стереотип бирлик сифатида ушбу жумлада икки босқичли маъно кўчишини кузатиш мумкин. Биринчиси – аллегориядир.

Toqli (қўзи) кўп ҳолларда *беозор*, *ожиз инсон* рамзи; *böri* (бўри) *абжир*, *ёвуз*, *золим*, *кучли инсон* рамзи ҳисобланади.

Иккинчи босқичда ҳам рамзийлик бор бўлиб, қўй ва бўрининг аралашиб юриши моҳиятан жамиятда *тенглик*, *адолат* ўрнатилганини англатишга хизмат қилган:

Endik kiši tetilsün,

El törü yetilsün,

Toqli-böri qatilsun,

Qaŋgu yemä sawilsun

(Мазмуни:Қиличимиз билан қайғуни очайликки, аҳмоқлар эсини топсин, мамлакат (иши) тузалсин, қўзилар ва бўрилар тинч-тотув яшасин, биздан қайғу-ғам кетсин)².

Ушбу парчада қаторма-қатор тинч ва адолатли, фаровон ҳаёт васф қилинган.

Ҳар бир стереотип бирлик образли тафаккур маҳсули сифатида юзага келади. Хусусан, қуйидаги узун жумлани биргина «бўйсундирди» ёки «енгди» сўзи билан алмаштириш мумкин (албатта бу сўзлар мазкур жумла каби эстетик таъсирни бера олмайди):

Täñri yarliqaduq üçün älligig̃ älsirätmis, qağanliğig̃ qağansiratmis, yağig̃ baz qilmis, tizligig̃ sökürmis, başliğig̃ yüküntürmis...törüg̃ qazğanip aça barmis.

¹Раҳмонов Н. Култегин ёдгорлигининг поэтикаси / Ўлмас обидалар. – Т.: Фан, 1989. – Б. 223.

²Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. Нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи: Қ.Содиқов. – Б. 55.



(Мазмуни: Тангри ёрлиқагани учун эли борни элидан айирган, хоқони борни хоқонидан айирган, ёвни қарам қилган, тиззаси борни чўқтирган, боши борни юкунтирган... хукмронлик қилиб вафот этган) (К. 15).

Ушбу жумла Кул тигин битигининг ўзида бир неча бор қайтарилади, яъни жумла турли вариантларда уч ўринда ишлатилади. Аввалги иккиси ушбу хоқоннинг ота-боболари Истами ва Бумин хоқонлар таърифида келтирилган бўлса, сўнггиси ўзининг фотиҳлик ва хукмдорлик фаолияти таърифида келган.

Ушбу жумла бешта компонентдан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бирида «енгди», «асир қилди», «банди қилди» маъноси мавжуд. Дастлабки иккиси – *älligig älsirätmis* (эли борни элидан айирган), *qağanliǵiǵ qağansiratmis* (хоқони борни хоқонидан айирган) жумлаларда «эғалик қилмоқ» ва «махрум этмоқ» маъноларига асосланган ҳолда ўзига хос ифода яратилган.

Ушбу бирикмалар маъносини тўла англаш учун уларни синчиклаб кўриб чиқамиз. *Älligig* сўзи «эли бор, элли одам» маъносини билдиради. Аслида *ällig* от туркумидан ясалган сифатдир, яъни қадимги туркий тилда биз юқорида кўраётган компонентлар таркибидаги *-liq, -liǵ, -lik, -lig / -luq, -luǵ, -lük, -lüga* аффикси отдан сифат ясовчи қўшимчадир. Бирикма таркибида эса ушбу сифат отлашган. Таркибдаги *-ǵ, -g (-iǵ, -ig / -uǵ, -üǵ)* эса қадимги туркий тилдаги тушум келишиги қўшимчасидир¹, яъни, *äl* (от), *ällig* (сифат яъни, элли), *älligig* (от).

Älsirätmis феълнинг сифатдош шакли бўлиб, таркибидаги *-sira, -sirä* аффикси «исташ», «зор бўлиш» маъносини берувчи феъл ясади. Таркибдаги *-at, -ät* орттирма нисбат феълени ясовчи қўшимчаси; *-mis, -mis* сифатдош ясовчи қўшимча. Ушбу қўшимча, айни пайтда, ўтган замонни англатишга ҳам хизмат қилади.

Älligig älsirätmis бирикмаси дастлаб «элли одамни элига зор қилди, элидан айирди» маъносини беради. Юқоридаги таҳлилни *qağanliǵiǵ qağansiratmis* жумласига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Ҳар бир компонентда (*yaǵiǵ baz qilmis* дан ташқари) маъно кўчиш ҳодисаси кузатилади. Қуйида бериладиган икки жумладаги маъно кўчишини ҳам икки босқичли дейиш мумкин.

Tizligig sökürmis (тиззаси борни чўқтирган), *başliǵiǵ yüküntürmis* (боши борни юкунтирган) жумлаларидаги *tizligig, başliǵiǵ* сўзларида синекдоха усули билан маъно кўчган. Яъни *tizli* (тиззаси бор) ва *başli* (боши бор) инсон тана аъзолари номи орқали инсон англатиляпти, қисм орқали бутун тушунилмоқда. Компонентларда дастлабки босқичдаги маъно кўчиш ҳодисаси айни сўзлардаги маъно кўчишини қамраб олади. Иккинчи босқичда эса синтактик бирлик ҳолатида маъно кўчади. *Tizligig sökürmis*

¹Бу ҳақда қаранг: Содиқов Қ. Қадимги туркий тил. – Т.: ТошДШИ, 2009.



(тиззаси борни чўқтирган); *bašliġiġ yũkũntũrmis* (боши борни юкунтирган) – банди қилмоқ.

Умуман олганда, стереотип бирлик таркибидаги ушбу икки компонентни фразеологизм сифатида қабул қилиш лозим, чунки айна компонентларда маънонинг қайта шаклланиши кузатилади. Бу ҳодиса транспозиция термини билан изоҳланади.

Стереотип бирликлардаги ушбу ҳолат фразеологизмлардаги мавжуд транспозиция ҳолатига ўхшашидир.

Транспозиция дейилганда, тил элементларининг ўзига хос бўлмаган вазифа ва маънода қўлланиши назарда тутилади. Транспозицияда эркин боғланма ёки гапнинг тўғри маъносидан келиб чиқмайдиган фразеологик маъно юзага келади. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг аксарияти транспозиция асосида юзага келади. Масалан, «пешанасини силамоқ» бирикмаси икки маънода қўлланилади. Биринчидан, бирикмани ташиқил этган «пешанасини» ва «силамоқ» лексемалари ўз маъно мустақиллигини сақлаган ҳолда бир-бири билан боғланиб келади ва компонентларнинг маъно йиғиндисини ифода этади. Иккинчидан, «пешанасини силамоқ» – гамхўрлик қилмоқ маъносида ҳам қўлланади. Бунда «пешанаси» ва «силамоқ» лексемалари ўз маъно мустақиллигини сақламайди, чунки улар «компонентларининг оддий йиғиндиси бўлмай, умумлашма, устама маъно, шу билан бирга, кўчма маъно сифатида гавдаланади»¹.

Таъкидлаш керакки, қайта шаклланган ушбу маъно дастлабки эркин бирикмадаги маънодан у қадар узоклашмаган. «Асир олиш» образли тасаввурда айна тасвирдаги ҳолатда намоён бўлади: *Tizligig sũkũrmis* (тиззаси борни чўқтирган); *bašliġiġ yũkũntũrmis* (боши борни юкунтирган). Яъни асир олинган халқ ёки инсон тиз чўккан ва боши эгик ҳолда гавдаланади.

Юқоридагиларни ҳозирги кунда ўзбек тилида қўлланадиган «тиз чўқтирди», «бош эгдирди» каби фразеологизмларга қиёс қилсак, орада ўтган бир неча юз йилликлар тилнинг ифода принципларини ўзгартирмаганлигининг гувоҳи бўламиз.

Жумлада ўзига хос лексик-грамматик градация бор. Ифодалиликни аста-секин кучайтириб ёки пасайтириб боришдан иборат бу усулдан таркибида уюшган компонентлари мавжуд бўлган синтактик конструкцияларда фойдаланилади. Жумлада лексик-грамматик градацияга мувофиқ интонация ҳам аста-секин кўтарила боради ва кулминацион нуқтага етади.

Градацияда мазмун ва функцияси жиҳатидан ўзаро яқин бўлган нутқ бирликларининг уюшиб келиши кузатилади, бунинг натижасида фикр

¹Маматов А. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг шаклланиши масалалари: филол.фан.номз. ... дисс. – Т., 1999. – Б. 40.



тадрижий ривожлантирилади. Градациядан кўпинча поэтик нутк кўринишларида фойдаланилади¹.

Юқорида келтирилган стереотип бирлик беш компонентининг ҳар бири бир маъно теварагида уюшиб келади. Улар бир умумий маънони таъкидлашга ва таъсирни кучайтиришга хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, стереотип бирликларда маъно кўчиш ҳодисаси кузатилади. Уларнинг қадимги туркий матнларда фаол қўлланишининг сабаби айтиш тип бирликлардаги номинатив маъно эмас, кўчма маъно билан боғлиқдир. Айрим стереотип бирликларда эса кўп маънолилиқ ҳам учрайди. Стереотип бирликларда маъно кўчишининг рамз, аллегория, синекдоха каби турлари мавжуд.

ЮНУСОВА НОДИРА

ўқитувчи, ТДШУ

Синхрон таржимада стратегия ва тактикалар

Аннотация. *Синхрон таржиманинг (СТ) умумий таржимашунослик тизимидаги ўрни ва хусусиятлари жуда кенг ва синхронист таржимада чуқурроқ билим ва кўника талаб қилинади. Синхрон таржимада бир вақтнинг ўзида оғзаки таржима турларининг, хусусан кетма-кет таржимадан семантаграфик таржима ва турли хил шакл ва уссуллардан фойдаланади. Шунингдек, таржима бу маданиятларни боғловчи ўзига хос кўприқдир. Хоҳ ёзма таржима бўлсин, хоҳ оғзаки таржима барибир қайсидир маънода маданиятлар алмашинуви ва танишувини юзага келтиради. Ҳар бир тилда ўша миллатнинг дунёқараши, руҳияти, ўзлиги акс этади. Таржимани амалга оширишда таржимонга янада оғир вазифани юклайди. Бугунги кунда давлат раҳбарларининг учрашувларида, халқаро конференцияларда синхрон таржимадан кенг фойдаланилади. Бу каби синхрон таржима жараёнларининг асосий мавзуси сиёсат, қўшни ва халқаро майдондаги сиёсий муҳит ҳақида бўлиши табиий ҳолдир. Сиёсий таржимани амалга оширишда тажрибали таржимон доим нотқиқ нутқидаги яширин икки тарафламаликни ҳисобга олади. Чунки бир давлат сиёсий контекстида позитив маъно англатган сўз иккинчи бир тилга синхрон таржима қилинаётганда негатив маъно касб этиши ҳолатлари кўп учрайди. "Сиёсат – бу санъат" деган гап бежиз айтилмаган. Негаки, сиёсатда турли хил сиёсий метафоралар, эвфемизмлар кўп қўлланилади. Шунинг учун ҳам, синхрон таржимон таржима жараёнида бир томондан, у амалий, ёрдамчи моҳияти унга аниқ бўлган қилиплар ва анъанавий иборалар билан иш олиб боради. Иккинчи томондан, сиёсатчи юбораётган хабар ва мазкур хабар биринчи навбатда ҳақиқатда кимга ёъналганлигини аниқ англаб олиши зарурияти билан ишлайди. Сиёсий контекст ва дипломатик тилга хос нозикликлар борасидаги билимли таржимонга хабарнинг барча урғу берилган қирраларини аниқ етказиб бериши ва зарур бўлса матнга ана шу эмосионал-ифодалар оҳангни киритишига имкон беради. Ушбу мақолада синхрон таржиманинг арабча-ўзбекча комбинациясида сиёсий лексиканинг берилиши, сиёсий мавзудаги синхрон*

¹Мамажонов А. Кўшма гап стилистикаси. – Т.: Фан, 1990. – Б. 42.



таржима жараёнида давлат раҳбарлари ва араб давлатларларида мансабдор шахсларга нисбатан ишлатиладиган арабча мурожаат бирликлари турли хил мисоллар ва далиллар орқали таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: Синхрон таржима, стратегия, алоқанинг семантик-стилистик тузилиши, динамик, статистик, кутими стратегияси, кетма-кет таржима.

Аннотация. Роль синхронного перевода (СП) в общей системе перевода и потребность в глубоких знаниях и навыках перевода должны быть очень широкими и полезными. Производство в синхронном переводе состоит из видов устного перевода, смыслового перевода из серийного перевода, различных форм и методов, перевод является уникальным мостом, соединяющим эти культуры. Будь то письменный или устный перевод, он в некотором смысле обеспечивает связь и знакомство с культурами. Каждый язык отражает мировоззрение, психику и самобытность этого народа. Это возлагает на переводчика более сложную задачу при выполнении перевода. Сегодня перевод широко используется на встречах глав государств, международных конференциях. Естественно, что основная стратегия такого процесса переработки должна быть связана с политической обстановкой на соседней и международной арене. Осуществляя политический перевод, опытный переводчик всегда наблюдает скрытую двусмысленность в речи оратора. Потому что слово, имеющее положительное значение в политическом контексте государства, может приобрести отрицательное значение при обратном переводе на язык. Не случайно «политика — это искусство». Ведь в политике часто используются различные политические метафоры и эвфемизмы. Для этого и переводчик, с одной стороны, в процессе перевода работает с практичными, четкими по действию кларами и традиционными фразами. С другой стороны, политик работает с отправляемым сообщением и необходимостью четко понимать, кому это сообщение на самом деле адресовано в первую очередь. Знающему переводчику вопросов политического и дипломатического языка должна быть придана конституционная ясность, подчеркивающая посыл и, при необходимости, позволяющая тексту раскрыть тот эмоционально-экспрессивный тон. В данной статье на различных примерах и анализах анализируется политическая лексика в арабо-узбекской политике перевода, процессы перевода на политическую тему, единицы личного арабского обращения к чиновникам в арабских странах.

Опорные слова и выражения: Синхронный перевод, стратегия, семантико-стилистическая структура общения, динамическая, статистическая, выжидательная стратегия, последовательный перевод.

Abstract. The role and characteristics of simultaneous translation (ST) in the general system of translation are very wide, and deeper knowledge and skills are required from simultaneous translator. The translator uses simultaneous interpretation of different types of interpretation, in particular, semantic translation from serial translation and different forms and methods. Translation is also a unique bridge which connects these cultures. Whether it is a written translation or an oral translation, at a certain degree it creates an exchange and acquaintance of cultures. Every language reflects the worldview, psyche and identity of that nation. It gives a heavier task for the translator when performing the translation. Today, simultaneous translation is widely used in meetings of heads of state and international conferences. It is natural that the main topic of such simultaneous translation processes is about politics, the political environment in the neighboring and international arena. In



carrying out political translation, an experienced translator always takes into account the hidden ambiguity in the speaker's speech. This is because in the political context of a country, a word that has a positive meaning often has a negative meaning when it is simultaneously translated into another language. It is no coincidence that "Politics is an art." After all, various political metaphors and euphemisms are often used in politics. Therefore, on the one hand, in the process of simultaneous translation, the translator works with traditional phrases, the practical, auxiliary essence of which is clear to him. On the other hand, he works with the message the politician is sending and therefore has to clearly understand to whom it is actually addressed. A knowledgeable interpreter of the political context and subtleties of diplomatic language allows the translator to clearly convey all the emphasized aspects of the message and, if necessary, to add that emotional-expressive tone to the text. This article analyses the presentation of political vocabulary in the Arabic-Uzbek combination of simultaneous translation, the Arabic units of address used in the process of simultaneous translation on a political topic for heads of state and officials in Arab states through various examples and evidence.

Simultaneous translation, strategy, semantic-stylistic structure of communication, dynamic, statistical, waiting strategy, serial translation.

Keywords and expressions: *Simultaneous translation, strategy, semantic-stylistic structure of communication, dynamic, statistical, expectant strategy, consecutive translation.*

Кириш. Таърифланган механизмлар СТ инсоннинг коммуникатив фаолиятининг алоҳида тури сифатида мавжудлигига имкон беради, унинг энг характерли хусусияти нутқ актида таржимоннинг алоҳида роли бўлиб, таржиманинг коммуникатив моделини кўриб чиқишда - маълумотлар тушунчаларининг сўзма-сўз маъносида маърузачи ёки тингловчининг роли билан тўлиқ боғлиқ эмас. Таржимон нутқни такрорлаши ва ахборотни фаол идрок этишига қарамай, нутқ актида воситачи сифатида иштирок этади. У воситачи бўлиб, маърузачи ва тингловчи ўртасида ўрнатилган маълумот каналлини таъминлайди. Бундан келиб чиқадики, таржимон ўз фаолияти давомида ахборот оқимини ўзгартирмайдиган, балки тезлаштирадиган шундай стратегия ва тактикаларни танлаши керак. Бундай ҳолда, қўшма корхонага хос бўлган эргономик хусусиятларни ҳисобга олиш муҳимдир.

Ушбу турдаги таржимадан фойдаланиш шартлари билан белгиланадиган ва синхрон таржимонга юкланган вазифани ҳал қилишда маълум стратегия ва тактикаларни танлашга таъсир қилувчи СПнинг эргономик хусусиятларига қуйидагилар киради:

- махсус жиҳозлардан фойдаланиш зарурати (наушниклар ва микрофон);
- таржимоннинг стресс ҳолатини рағбатлантириши мумкин бўлган экстремал иш шароитлари ¹

¹ Голикова, Т. И. Перспективные и актуальные тактики в процессе устного перевода / Т. И. Голикова, А. А. Елистратова // Материалы ежегодной научной конференции преподавателей и аспирантов университета, часть 4ая. - Минск: МГЛУ, 2007. - С.155 - 156.



Г. Э. Мирамнинг фикрига кўра, "Синхрон таржимон томонидан доимо бошдан кечириладиган рухий стресс ва физиологик нокулайлик бу касбни синовчи учувчи касби билан бир қаторга қўяди"¹ СП нинг экстремал шартларига таржиманинг қайтарилмаслиги билан боғлиқ бўлган синхрон таржимон ишининг қуйидаги хусусиятлари киради: тинглаш ва гапириш жараёнларининг бир вақтдалиги, вақт бирлиги учун чекланган маълумотлар ва таржимани охиригача бажариш зарурати. баёнотнинг манба тилда идрок этилиши, спонтанлик (нутқ матни олдиндан тайёрланиб, таржимонга тақдим этилган ҳоллар бундан мустасно). Бундан ташқари, синхрон таржимоннинг иши, қоида тариқасида, ёпиқ маконда содир бўлади. Юқоридаги барча хусусиятлар қўшма корхонани муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган стратегия ва тактикаларни танлашга таъсир қилади.

Натижа ва мулоҳаза: Бугунги кунда давлатлар ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий, фан, тиббий ва бошқа бир қатор соҳаларда алоқаларнинг кучайиши синхрон таржимага бўлган талабни кучайишига сабаб бўлмоқда. Албатта синхрон таржимага бўлган талабнинг кучайиши унинг бир қатор муаммоларига жавоб топишга олиб келади. Ҳар хил мавзуларда бўладиган конференциялар тилини синхрон равишда таржима қилиб беришнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Чунки бундай синхрон таржима жараёнларида айнан шу соҳага доир бўлган терминларгина қўлланилади холос. Энг кўп бўладиган синхрон таржима жараёнларидан бири бу сиёсий мавзуда бўладиган синхрон таржимам жараёндир. Давлат раҳбарлари, ҳукумат раҳбарлари ва давлат ҳокимиятининг турли мансабдор шахслари ўртасида бўлиб ўтадиган сиёсий конференциялар нутқини таржима қилиб бериш синхрон таржимондан катта маҳорат талаб қилади. Чунки синхрон таржима бадий таржимадан тубдан фарқ қилиб, синхрон таржимоннинг олдига кўплаб вазифаларни юклайди. Бундан ташқари, таржима стратегияси ва тактикасини қўллашда учта босқични ажратиш мумкин:

- 1) олдинги таржима (истикболли);
- 2) ҳақиқий (синхрон);
- 3) кейинги таржима (ретроспектив).

Таржимагача бўлган босқичда асосий стратегия ва тактика таржиманинг барча турлари учун бир хил бўлади. Асосий стратегия СТ жараёнига тайёргарлик стратегияси бо'либ, у СТнинг асосий механизмлари фаолиятини оптималлаштиришга қаратилган бир қатор тактикаларни о'з ичига олади. Ушбу тактикалар СТ, синхрон таржиманинг комуникатив

Golikova, T. I. Prospective and actual tactics in the process of oral translation / T. I. Golikova, A. A. Elistratova // Proceedings of the annual scientific conference of teachers and graduate students of the university, part 4. - Minsk: MSLU, 2007. - P. 155 - 156.)

¹ Мирам, Г. Э. Профессия: переводчик / Г. Э. Мирам. - Киев: Ника-Центр, 1999. - Введение («Хорошая ли профессия переводчик»). - 160 с. (Miram, G. E. Profession: translator / G. E. Miram. - Kyiv: Nika-Center, 1999. - Introduction ("Is a translator a good profession"). - 160 s.)



ҳолати, алоқанинг семантик-стилистик тузилишини ҳисобга олишни ўз ичига олади, бу СТҚҲ ва АСС таркибий қисмларининг барча омилларини аниқлаш ва боғлаш орқали амалга оширилади. Бу таржимон онгида таржима ҳолатининг нисбатан аниқ тасвири пайдо бўлиши учун зарур бўлиб, бу эҳтимоллик прогнози механизми учун зарурий шартдир. Т. И. Голикова ва А. А. Элистратованинг "Таржима жараёнида истиқболли ва долзарб тактикалар" наشريда таржимадан олдинги босқичда қўлланиладиган тактика психологик тайёргарликни ўз ичига олади, бу стрессни энгиллаштиришнинг бир қатор усулларини ўз ичига олади, масалан: "лангар". (онгни маълум бир ҳолатга маҳкамлаш), ижобий тасвирлар ва келажакка боғланиш ¹

Синхрон таржиманинг ҳозирги босқичида бир қатор стратегия ва тактикалар қўлланилади, улар таржима ҳолатига бевосита тайёргарлик кўриш, машғулотлар ва жисмоний чидамлик туфайли мумкин бўлиб, улар СТ функционалигини ташкил этувчи СП механизмларининг ишлаши учун асос яратади. тизими. В.М.Илюхин о'зининг номзодлик ишида СПда стратегияга қуйидаги та'рифни беради: "СТда стратегия - бу таржима вазифасини бажариш усули бо'либ, у жо'натувчининг коммуникатив ниятини манба тили МТдан таржима тили ТТга адекват тарзда о'тказишдан иборат. сўзловчининг маданий ва шахсий хусусиятлари, асосий даражаси, тил суперкатегорияси ва пастки категориялари"². "Тактика" тушунчаси Илюхин томонидан киритилмаган, чунки бу ҳолда у стратегияни амалда амалга ошириш деб тушунилади. Биз ушбу контсептсияни стратегияни амалга ошириш имкониятини таъминлайдиган ҳаракат сифатида кўриб чиқамиз, биз буни таржима вазифасини ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлар мажмуи сифатида тушунамиз.

В. М. Илюхин кўшма корхонада стратегиянинг икки турини ажратиб кўрсатади: вақт омили билан боғлиқ стратегиялар ва статик омиллар туфайли стратегиялар. Келинг, улар учун "динамик" ва "статик" стратегиялар тушунчаларини киритамиз.

Динамик стратегиялар синов ва хато тактикасини ва пауза тактикасини ўз ичига олган кутиш стратегиясини, шунингдек, тўхтатиб туриш тактикасини, СТда чизиқлилиқни сақлаш тактикасини ва эҳтимоллик прогнозлаш механизми (ЭПМ) ишлашига асосланган эҳтимоллик

¹ Гофман, Е. К истории синхронного перевода / Е. Гофман // Тетради переводчика - 1963. - с. 20 - 26; (электронный источник). (Hoffman, E. On the history of simultaneous translation / E. Hoffman // Translator's Notebooks - 1963. - p. 20 - 26; (electronic source).)

² Голикова, Т. И. Проспективные и актуальные тактики в процессе устного перевода / Т. И. Голикова, А. А. Элистратова // Материалы ежегодной научной конференции преподавателей и аспирантов университета, часть 4-ая. - Минск: МГЛУ, 2007. - С.155 - 156.(Golikova, T. I. Prospective and actual tactics in the process of oral translation / T. I. Golikova, A. A. Elistratova // Proceedings of the annual scientific conference of teachers and graduate students of the university, part 4. - Minsk: MSLU, 2007. - P. 155 - 156.)



прогнозлаш тактикасини ўз ичига олган вақтни ошириш стратегиясини ўз ичига олади. Статик стратегиялар белгиларни таржима қилиш стратегиясини ва сиқишни ва декомпрессия тактикасини ўз ичига олган чизиқли матнни ўзгартириш стратегиясини ўз ичига олади.

Кутиш стратегияси маълум бир вақтни ўтказиб юбориш орқали имкон қадар кўпроқ маълумот олишга қаратилган ҳаракатлардан иборат. Синов ва хато тактикаси, А.Д.Швайтсернинг фикрига кўра, "танловнинг маълум мезонларига жавоб бермайдиган вариантларни рад этиш орқали оптимал ечимга кетма-кет яқинлашиш" тактикасидир ¹ Бундай ҳолда, синхрон таржимон, кенг контекст бўлмаганида, маълум бир тушунчанинг тўғри таржимасига ишончи комил бўлмаган ҳолда, унинг рамзий таржимаси тўғрисида қарор қабул қилади, бу хато бўлиши мумкин. Кейинчалик, таржимон тўғри вариантни киритиш орқали ёл қўйган хатосини тузатади. Ушбу тактика кўпинча синхрон таржимонда нутқнинг транскрипти бўлмаганда қўлланилади. Пауза тактикаси шундан иборатки, таржимон таржима пайтида қисқа пауза қилади, бу гапнинг маъносини тушуниш учун зарур бўлган кенгроқ контекстни олиш учун этарли.

Вақтдан ютиш стратегияси вақтни тежашга қаратилган ва стрессли вазиятда изчил ахборот оқимини таъминлашга имкон берадиган тактикалар тўпламини ўз ичига олади. В.М.Илюхиннинг нуқтаи назари бўйича, тўхташ тактикаси "таржима қилинган материални этказиб беришни секинлаштириш ёки жуда узун паузани тўлдириш учун янги ҳеч нарса бўлмаган мавзули маълумотларни такрорлаш орқали вақтни ютишга уринишдан иборат"². Ушбу стратегия таржимон бўшлиқни тўлдириш учун этарли маълумотга эга бўлганда қўлланилади. СТ да чизиқлилиқни сақлаб қолиш тактикаси симултане таржимони матннинг минимал қайта тузилиши билан манба матндан маълумотни узатади, яъни. у "бир семантик гуруҳни бирин-кетин, бир вақтнинг ўзида узатилаётган маълумотларнинг уйғунлиги ва изчиллигини сақлаб, мураккаб жумлаларни содда компонентларга ажратган ҳолда" таржима қилади ³. Эҳтимолий прогнозлашнинг тактикаси шундан

¹Илюхин В. М. Стратегии в синхронном переводе (на материале англо-русской и русско-английской комбинации перевода): диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук: 10.02.20 / М., 2005. - 206 л. (Ilyukhin V. M. Strategies in simultaneous translation (based on the English-Russian and Russian-English combination of translation): dissertation for the degree of candidate of philological sciences: 10.02.20 / M., 2005. - 206 sheets.)

²Мирам, Г. Э. Профессия: переводчик / Г. Э. Мирам. - Киев: Ника-Центр, 1999. - Введение («Хорошая ли профессия переводчик»). - 160 с. (Miram, G. E. Profession: translator / G. E. Miram. - Kyiv: Nika-Center, 1999. - Introduction ("Is a translator a good profession"). - 160 s.)

³Илюхин В. М. Стратегии в синхронном переводе (на материале англо-русской и русско-английской комбинации перевода): диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук: 10.02.20 / М., 2005. - 206 л. (Ilyukhin V. M. Strategies in simultaneous translation (based on the English-Russian and Russian-English combination of translation): dissertation for the degree of candidate of philological sciences: 10.02.20 / M., 2005. - 206 sheets.)



иборатки, СТ давомида синхрон таржимон кейинги маълумотларни олдиндан кўришга ҳаракат қилади ва шу билан вақтни олади. Ушбу тактикани қўллаш кенг контекст мавжудлиги туфайли мумкин бўлади.

Имо-ишорали таржима стратегияси, баъзи ҳолларда, бир вақтнинг ўзида таржимон бир қатор сабабларга кўра, матннинг у ёки бу таркибий қисмларини сўзма-сўз, сўзма-сўз таржимасига мурожаат қилиш зарурати билан боғлиқ. нутқ матннинг маълум бир қисмини этарлича яхши тушунмаслик, шу билан бирга уни таржима қилиш керак. Таърифланган стратегиядан фақат охирги чора сифатида фойдаланиш керак, чунки уни ҳаддан ташқари ишлатиш литерализмга олиб келиши мумкин.

Чизиқли матнни ўзгартириш стратегияси матнни янада ихчам (сиқиш тактикаси) ёки кенгайтирилган шаклга (декомпрессия тактикаси) айлантиришга қаратилган. Ушбу стратегия матннинг турли даражаларида ишлайдиган сиқиш механизмнинг ишлаши билан таъминланади.

СТ нинг таржимадан кейинги босқичи хатолар устида ишлаш, қўшимча маълумот тўплаш ва олинган маълумотларни тизимлаштириш, шунингдек, СТ давридаги психологик ҳолатни баҳолашни ўз ичига олган таржимадан кейинги таҳлил стратегиясидан фойдаланиш билан тавсифланади.

Синхрон таржима таржиманинг яна бир мураккаб жиҳати бу нутқ фаолиятининг психолингвистик хусусиятлари, шу жумладан кирувчи сигнални идрок этиш хусусиятлари, лингвистик ахборотни қайта ишлашнинг турли босқичларида хотиранинг ишлаши, таржима тилида сўзлашувчининг яратиш хусусиятлари, шунингдек, қилинган таржима ечимини назорат қилиш хусусиятлари билан боғлиқ. Таржима одатда тарихий-маданий, адабиётшунослик, лисоний-услубий, рухшунослик йўналишларида тадқиқ этилади. Аммо бу йўналишларнинг барчаси ё бевосита, ё билвосита мазкур соҳаларнинг бири — лисоний-услубий йўналишида ўз аксини топади, чунки таржима ҳамма вақт тил материаллари билан иш кўришни тақозо этадиган жараёндир. Бинобарин, таржима назариясида икки тил лингвистик-стилистик воситалари билан боғлиқ лисоний тадқиқ йўналиши алоҳида ўрин тутади.¹ Демак таржима амалиётини ҳатто адабиётшунослик йўналишида ҳам, аксарият ҳолларда тил ходисаларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Таржима хусусида гап борар экан, бир тилдан иккинчи тилга алоҳида сўзларни, сўз бирикмаларини, бутун бир асарни таржима қилиш назарда тутилади. Таржима тенг маънолилик (муқобиллик) ни тақозо қилади, бошқача қилиб айтганда, амалга оширилган таржима аслиятга мазмун жиҳатдан мувофиқ бўлиши лозим.

¹ Вендина, Т.И. Введение в языкознание: Учеб. пособие. — М.: Высш. шк., 2008. — 391 с. 920 «Молодой учёный» . № 6 (110) Филология . Март, 2016 г. (Vendina, T.I. Introduction to linguistics: Proc. allowance. - M.: Higher. school, 2008. - 391 p. 920 "Young Scientist" . No. 6 (110) Philology . March, 2016)



Бу эса мазкур таржима турининг бошқа хусусиятларини ва биринчи навбатда қатъий вақт чегарасини белгилайди: синхрон таржимонга фақат сўзловчи томонидан нутқ етказиш вақти берилади. Бу жараён таржимоннинг кетма-кет таржимаси учун биров вақт берилади. Шунинг учун, синхрон муваффақият учун асос таҳлил ва синтез (яъни, фикрлаш) орқали эмас, балки шартли рефлекслар орқали таржима қилиш имконини беради. Таржимон сўзловчининг нутқи қандай бўлишидан қатъий назар, уни таржима қилиши керак. Шунинг учун таржимон билан сўзловчининг ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш ётади.¹ Бундан ташқари, синхрон таржиманинг ўзига хос хусусияти сегментли характер деб аталади: синхрон таржимон матнни қабул қилиб сегментларда таржима қилади, кетма-кет таржимада эса таржимон аввал бутун матнни тинглайди.

Таржимон бир вақтнинг ўзида ҳам тинглаб ва гапириш шароитида доимий концентрацияни ва узлуксиз гапиришни талаб қилади. А.Ф.Ширяев синхрон таржиманинг психолингвистик моделини бўйича бир қанча таклифлар берган. Ҳар бирини уч турга бўлиб чиқган: таржиманинг мақсад вазифаси ва ечимни қидириш, амалга ошириш босқичлари².

Мазкур таърифнинг таркибий қисмларини батафсилроқ кўриб чиқамиз. Таржимоннинг биринчи босқич вазифаси шароитидан келиб чиқиб йўналишни ўз ичига олади. Синхрон таржима, асосан мажлис, учрашув ҳамда анжуманларда фойдаланилиши билан кетма кет таржимага ўхшатишдек туюлади. Бироқ сўнги йилларда синхрон ва кетма кет таржимадан фойдаланишда ихтисослашув аломатлари тобора сезилмоқда. Масалан синхрон таржима асосан кўп тилли халқаро симпозиумлар, халқаро ташкилотлар иштирокчиларига нотик нутқини эшитиш жараёнида уни икки ва ундан ортиқ тилларга таржима қилиш лозим бўлган вазиятларда шу соҳа бўйича махсус тайёрланган синхрончи таржимонлар томонидан амалга оширилса, кетма кет таржима таржимон ва сўзловчи (нотик)нинг бевосита мулоқоти жараёнида икки томонлама учрашув ва конференцияларда, дипломатик учрашувларда кўпроқ амалга ошириляпти.

Бундан ташқари, синхрон таржима кетма-кет таржимадан қуйидаги жиҳатлари билан ҳам фарқ қилади:

1. Синхрон таржимада нотик нутқ нутқ тугаши, гап якунланиши кўтилмасдан таржима қилинади. Кетма-кет таржимада эса таржимон нотикнинг хар бир жумласини таржима қилишга уринади. Бунда нотик таржима амалга оширилгунча нутқини тўхтатиб туради.

¹ Гури́н, И.В. Приёмы речевой компрессии при синхронном переводе с русского языка на английский [Электронный ресурс]. — Режим доступа: <http://rudocs.exdat.com/docs/index-88396.html> (дата обращения: 10.03.2016). (Gurin, I.V. Methods of speech compression during simultaneous translation from Russian into English [Electronic resource]. — Access mode: <http://rudocs.exdat.com/docs/index-88396.html> (date of access: 03/10/2016).

² Швейцер, А.Д. Теория перевода. Статус, проблемы, аспекты. — М.: Librokom, 2009. — 216 (Schweitzer, A.D. Translation theory. Status, problems, aspects. — M.: Librokom, 2009. — 216)



2. Синхрон таржимада таржимон ўзини коммуникация иштирокчиларидан ажратиб турувчи турли-туман техник аппаратуралардан фойдаланади¹.

У нотик нутқини махсус хонада кулоққа тақиладиган наушник орқали эшитиб, таржима қилади ва уни микрофон орқали шу тилни тушунадиган тингловчиларга етказди. Бу таржима махсус каналлар орқали фақат шу тилда эшитиб тушунадиган иштирокчи-тингловчиларнинг наушникларига етказилади. Фараз қилинг, конференция залида чет тилида, масалан, хитой тилида гапираётган нотикнинг маърузасини синхрончи ўзбек ёки рус тилини тушунадиган иштирокчилар учунгина ўзбек ёки рус тилига таржима қилиб ўзатади. Агар нотик ўзбек ёки рус тилида гапираётган бўлса, синхрончи уни хитой тилини тушунадиган иштирокчилар учун хитойчага таржима қилиб узатади. Агар конференция залида бир неча, масалан, инглиз, француз, немис хитой миллатига мансуб вакиллар иштирок этаётган бўлса, махсус аппаратуралар олдида ана шу тилларда синхрон таржима қиладиган учта синхрончи иш олиб бориши керак². Бу ҳолда турли тилларда сўзлашувчи иштирокчилар наушникларни ўзлари тушунадиган таржима тили каналларига улайди. Демак, синхрончидан эшитилган ахборотни шу ондаёқ таржима тилига ўгириш, нотикнинг нутқ тезлигига мослашишга улгуриш талаб қилинади.

Синхрон таржимага ўргатишнинг иккинчи мақсади таржимонни эшитиладиган нутқни шу ондаёқ тушуниб таржима қилишнинг психолингвистик асосларига ўргатишдир.

Рўйхатда келтирилган стратегия ва тактикаларни синхрон таржимон томонидан малакали қўллаш СТни муваффақиятли амалга ошириш учун асосдир.

Уларни амалда қўллаш имконияти синхрон таржимонга таржима вазифасини бажаришга, изчил матн яратишга имкон беради.³

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, СТ жараёни таржиманинг энг мураккаб тури ҳисобланиб, СТ жараёнида тиллардаги фарқни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг бир-бирига таъсир қилиши, адекват, эквивалент интерференция таржима сифатида тавсифлайди. СТ нинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, таржиман асарга жило бериши, ушбу таржимага олинган манбанитингловчига асл ҳолича етказиб беришда илмий маҳоратга эга бўлиши ва матн мазмунинисақлаб қолган ҳолда ифодалаши зарур бўлади.

¹ Сдобников, В.В. Теория перевода (учебник для студентов лингвистических вузов и факультетов иностранных языков)/Петрова О.В. — М.: АСТ: Восток — Запад, 2006. — 448 с.(Sdobnikov, V.V. Translation theory (textbook for students of linguistic universities and faculties of foreign languages) / Petrova O.V. - M.: AST: East - West, 2006. - 448 p)

² Кузнецова, И.Н., Метковская А.И. Механизм речевой компрессии в процессе синхронного перевода // Экология ЦЧО РФ. — 2012. — № 1 (28). — с. 60–68.

³ Миньяр-Белоручев, Р. К. Как стать переводчиком / Р. К. Миньяр- Белоручев. - М.: Готика, 1999. - 176 с.(6. Minyar-Beloruhev, R. K. How to become a translator / R. K. Minyar-Beloruhev. - M.: Gothic, 1999. - 176 p.)



ЖЎРАЕВА МАДИНА

ўқитувчи, ТДШУ

«Ал-фавоиду-з-зиёийа» ва «Кофия» асарларида феъл туркумининг ёритилиш принциплари

Аннотация. Мазкур илмий мақолада қуйидаги масалалар таҳлил этилган: Абдураҳмон Жомийнинг «Ал-Фавоиду-з-Зиёийа» асарида феълнинг асосий хусусиятини унинг якка ҳолида ҳам бирон маънога далолат қилиб, яъни мустақил маъно ифодалаб, уч замондан бирига тааллуқли бўлишида, деб ҳисоблаши, шунингдек, олим феълнинг асосий белгиси унга **ف** юкламасини, келаси замонда **س** ва **سوف** юкламаларини ва **جواز** – яъни феълнинг шарт майлини талаб қилувчи юкламаларни, ҳамда муаннас эжининг ва бош келишидаги бирикма олмошларининг сукунли **ت** ҳарфини қўшилишида эканлигини таъкидлаганлиги кабилар илмий таҳлил этилди ва унга муносабат билдирилди.

Шунингдек, мақолада Жомийнинг феълнинг майл юкламалари билан келишини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтганлиги, олим феъл майлларининг шакли, уларнинг қўлланилиши ўринлари, муайян шаклни алоҳида талаб қилиб келувчи юкламаларнинг маъноларини тўлиқ очиб берганлиги ҳам ёритилган. Айниқса Абдураҳмон Жомийнинг «феъл» бобининг ўтган ва ҳозирги -келаси замон шакли, буйруқ шакли, ўтимли ва ўтимсиз феъллар, мажҳул нисбат, гумон ва (ишончли) билиши (ёки ўйламоқ ва ҳисобламоқ)ни ифодаловчи маъноли феъллар туркуми, ёрдамчи феъллар, иш-ҳаракатнинг яқинлигини билдирувчи феъллар, ҳайрат (таажжуб)ни ифодаловчи феъллар, мақтов ва таҳқир феъллари ҳақидаги маълумотларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Олимнинг бу феъллар борасида умумий маълумот бериши билан чекланмаслиги, балки мазкур туркумга кирувчи ҳар бир феълнинг гапдаги вазифаларини, маъноларини аниқ ва мукамал шарҳлаб, муносабат билдириши ва уларни алоҳида туркумлаши кенг шарҳланган.

Мақолада Абдураҳмон Жомийнинг ўзига хос услубига алоҳида тўхталиб ўтилган бўлиб, айниқса унинг аслиятга кўпроқ эътибор қаратиши кенг ёритилган. Масалан, олим сўзларнинг, грамматик қоидаларнинг асл ўзагини, ясалишини, (этимологиясини) моҳиятини аниқ ифода этиб, чуқур мулоҳаза юритади. Жомийнинг ҳозирги-келаси замон феълнинг насб (истак майли шакли) ҳолатида келишини талаб қилувчи **أَنْ** (...ни), **لَنْ** (ҳеч қачон, эмас, асло), **كُنْ** (учун, ниятида), **لَنْ** (ундай бўлса) юкламаларининг грамматик нуқтаи назардан қандай шаклда ясалганлиги ва ўзгаришига учраганлигини фактик далиллар асосида аниқ маълумотлар берган бўлиб, мақолада мана шу масалалар қиёсий услуб орқали янада кенгроқ ёритиб берилган. Мақолада изланишлар натижасида бошқа мумтоз араб тилишунослик асарларида бундай тўлиқ маълумотларни учратилмаганлиги, бу маълумотлар «Ал-Фавоиду-з-Зиёийа» асарининг юксак илмий аҳамиятини белгилиб беришини алоҳида ёритиб ўтилди. Тадқиқот натижалари классик араб тилига қизиқувчилар учун манба бўлиб хизмат қилади.



Таянч сўз ва иборалар: шарҳ, қўлёзма, тошбосма, замонавий араб тили, «Ал-Фавоиду-з-Зийоййа», грамматика, қиёсий услуб, классик араб тили, Абдурахмон Жомий, феъл, ўтимли ва ўтимсиз феъллар, Ибн Ҳожиб, буйруқ, майли, шарт майли, тилишунослик.

Аннотация. В данной научной статье анализируются следующие вопросы: Абдурахман Джамии в своей работе «Аль-Фавоиду-з-Зийоййа» считает, что основным признаком глагола является принадлежность его к одному из трех времен, что указывает на индивидуальное значение, т. е. самостоятельное значение.

В статье также подчеркивается, что Джамии идет с глагольными предложениями, ученый полностью объясняет форму глагольных предлогов, места их применения, значения предлогов, требующих той или иной формы.

В частности, глава Абдурахмана Джамии о «глаголах» включает формы прошедшего и настоящего времени, повелительные формы, переходные и непереходные глаголы, пассивные местоимения, ряд значимых глаголов, выражающих подозрение и (надежное) знание (или мышление и расчет), вспомогательные глаголы, глаголы действия, выражающие близость, глаголы, выражающие восхищение, глаголы похвалы и оскорбления. Широко отмечается, что ученый не ограничивается предоставлением общей информации об этих глаголах, а ясно и точно интерпретирует функции и значения каждого глагола в этой категории, выражает их отношение и классифицирует их по отдельности.

Статья посвящена уникальному стилю Абдурахмана Джамии, особенно его стремлению к оригинальности. Например, ученый глубоко мыслит, ясно выражая сущность, структуру, (этимологию) слов, грамматические правила.

В результате исследования в статье подчеркивается, что других полных сочинений классического арабского языковедения не обнаружено, что свидетельствует о высокой научной значимости труда «Аль-Фавоиду-з-Зийоййа». Результаты исследования послужат ресурсом для тех, кто интересуется классическим арабским языком.

Опорные слова и выражения: комментарий, рукопись, литография, современный арабский язык, «Аль-Фавоиду-з-Зийоййа», грамматика, сравнительный стиль, классический арабский язык, Абдурахман Джамии, глаголы, переходные и непереходные глаголы, Ибн Хаджиб, команда может, условно, лингвистика.

Abstract. This scientific article analyzes the following questions: Abdurahman Jami in his work "Al-Favoidu-z-Ziyoyya" believes that the main feature of the verb is that it belongs to one of the three tenses, which indicates an individual meaning, i.e. an independent meaning.

The article also emphasizes that Jami comes with verbal prepositions, the scientist fully explains the form of verbal prepositions, places of their application, the meanings of prepositions that require one form or another.

In particular, Abdurahman Jami's chapter on "verbs" includes past and present forms, imperative forms, transitive and intransitive verbs, passive pronouns, a number of meaningful verbs expressing suspicion and (reliable) knowledge (or thinking and calculation), auxiliary verbs, verbs actions expressing closeness, verbs expressing admiration, verbs of praise and insults. It is widely noted that the scholar does not limit himself to providing general information about these verbs, but clearly and accurately interprets the functions and meanings of each verb in this category, expresses their relationship and classifies them separately.



The article is devoted to the unique style of Abdurahman Jami, especially his desire for originality. For example, a scientist thinks deeply, clearly expressing the essence, structure, (etymology) of words, grammatical rules.

As a result of the study, the article emphasizes that no other complete works of classical Arabic linguistics have been found, which indicates the high scientific significance of the work "Al-Fawaidu-z-Ziyooya". The results of the study will serve as a resource for those interested in classical Arabic.

Keywords and expressions: commentary, manuscript, lithograph, modern Arabic, "Al-Fawaidu-z-Ziyooya", grammar, comparative style, classical Arabic, Abdurahman Jami, verbs, transitive and intransitive verbs, Ibn Hajib, command may, conditionally, linguistics.

Кириш. «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарида Ибн Ҳожибнинг «феъл»га берган куйидаги таърифи келтирилган:¹ **الفعل ما دلّ على معنى في نفسه مُقْتَرِنٌ بِأَحَدِ الْأَزْمِنَةِ** - «Феъл (якка ҳолида ҳам) бирон маънога далолат қилган, яъни маъно ифодалаган сўз бўлиб, у уч замондан бирига тааллуқли бўлади», дейди.

Жомий мазкур таърифни кенгроқ шарҳлаган: **الفعل ما دلّ** "ай калма длт" **على** "معنى" **كانن** "فى نَفْسِهِ" **اي فى نفس ما دلّ**, يعنى الكلمة و المراد بكون المعنى في نفسه الكلمة دلالتها عليه من غير حاجة الى ضم كلمة أخرى إليها لاستقلاله بالمفهومية... **"مُقْتَرِنٌ بِأَحَدِ الْأَزْمِنَةِ الثَّلَاثَةِ"**. **فخرج به الاسم عن حد الفعل**...² - «Феъл харф ёки исм ёрдамига эҳтиёж сезмай туриб бир маънога далолат қилади. Шу билан бирга феъл уч замондан (ўтган, ҳозирги ёки келаси замондан) бирига албатта, тааллуқли бўлади. (Ибн Ҳожиб) **الفعل ما دلّ على معنى في نفسه** дейиши билан «харф» сўз туркумини чиқариб юборди, чунки у ёрдамчи сўз туркуми бўлиб, якка ҳолда келганда мустақил маъно англатмайди. Шунингдек, (Ибн Ҳожиб) **مُقْتَرِنٌ** ибораси билан «исм» сўз туркумини ҳам таърифдан чиқарди, чунки «исм» мустақил маънога эга бўлсада учта замондан бирортасига боғлиқ бўлмайди».

Шунингдек, Абдурахмон Жомий феълнинг хусусиятларини ҳам мукамал шарҳлаган: **و من خواصه** "اي من خواص الفعل" **دخول قد** "لأنها إنما تستعمل لتقريب الماضي الى الحال أو لتقليل الفعل أو تحقيقه و شبي من ذلك لا يتحقق إلا في الفعل و دخول السين و سوف" **لدلالة الأول على الاستقبال القريب و الثانى على الاستقبال البعيد و دخول الجوازم** "لأنها وضعت إما لنفي الفعل ك(لم و لما) أو لطلبه كلام الأمر، أو للنهي عنه ك(لا) النهي، أو لتعليق الشئ بالفعل كأدوا الشرط و كل من هذه المعانى لا تتصور إلا في الفعل" **و لحوق تاء التانيث عطف على دخول (قد)** "ساكنة" **حال عن تاء التانيث احتراز عن المتحركة لاختصاصها بالاسم** "و لحوق نحو **قد** - «Феълнинг хусусиятлари- **قد** юкламасини, келаси замонда **س** ва **سوف** юкламаларини ва **جوازم** – яъни феълнинг шарт майлини талаб қилувчи юкламаларни, ҳамда муаннас жинснинг ва бош келишиқдаги бирикма олмошларининг суқунли **ت** харфини қўшилмоғидир. Агар **قد** (аллақачон) харфи ўтган замон феълени англатиб келса, **حال** - ҳолга яқинлаштиради. Ҳозирги-келаси замон феъленинг олдида **قد** юкламаси қўйилса, таҳмин

¹ Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎЗР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 205а саҳифа.

² ФЗ.2056.

³ Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎЗР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 2056-206а саҳифа.



килиш, гумонни, ишончсизлик, эҳтимоллик маъноларини англатади. (Ҳозирги-келаси замон феълнинг олдида) **س** юкламаси яқин келажакка, **سوف** эса узоқ келажакка ишора қилади. **جوازم** – яъни феълнинг шарт майлини талаб қилувчи юкламалар ҳам феълнинг хусусиятларидандир. **لم** (йўқ)ва **لما** (ҳали йўқ)юкламаси инкорни ифодалайди. Қолганлари баъзан буйруқ учун ёки шартни ифодалаш учун ишлатилади».

Рус арабшуноси Б.М. Гранде: «Араб грамматикасида феълнинг асосий белгиси унинг замон билан боғлиқ ҳолда келишидир. Феъл (исм сўз туркумидан) қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради: а) замонга эга, араб тилидаги феълларда ўтган ва ҳозирги-келаси замон мавжуд; б) шахс (биринчи, иккинчи, учинчи шахсларга эга); в) урта сон(бирлик, иккилик, кўплик сон); г) тусланади; д) майлга эга (дарак, кучайторма, истак ва шарт майллари); е) даражага эга (аниқ ва мажхул)¹», дейди. Феълларнинг бу кўрсаткичлари олд кўшимчалар ва юкламалар (**سوف**, **تاس**, **قد**, **لم**, **ان**) орқали ифода этилади.

«Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа»да Ибн Ҳожибнинг ўтган замон феълига берган қуйидаги таъриф ҳам келтирилган:² **«الْمَاضِي مَا دَلَّ عَلَى زَمَانٍ قَبْلَ زَمَانِكَ**» – «Мозий маъноси сен турган замондан олдинги вақтга далолат қилади».

Жомий мазкур таърифни қуйидагича шарҳлаган: **«الْمَاضِي مَا دَلَّ»** **اى فعل دل بحسب** **أصل الوضع فانه المتبادر من الدلالة ما دل على زمانٍ قبلَ زمانِكَ**. **مبنيٌّ على الفتح يعنى الماضي مبني على الفتح نحو ضرب**. **«مع غير الضمير المرفوع المتحرك»** **فانه مبني على السكون معه، نحو ضربن الى ضربنا**. **«Мозийнинг (яъни ўтган замоннинг) маъноси сен турган вақтдан олдин содир бўлган ўтган замонга далолат қиладиган бир сўздир. (Ибн Ҳожибнинг) ما دل على زمان (замонга далолат қилади) ибораси барча феълларнинг замонини ўз ичига олади, аммо (ундан кейин келган) قبلَ زمانِكَ (сен турган замондан аввал) ибораси билан ўтган замондан бошқа барча феъллар бу таърифдан чиқиб кетади. Ўтган замон феълнинг охирига бош келишик маъносидаги туловчи суффикслар ва و – вов қўшилмаса (феъл) фатҳа ҳаракатига тугайди. Масалан: **ضرب** – урди. Агар ўтган замон феъл охирига бош келишик маъносидаги туловчи суффикслар қўшилса феъл сукунга тугайди. Масалан: **ضربن** (мн.улар урдилар) – **ضربنا** (биз урдик). Агар **و – вов** қўшилса у даммага тугайди. Масалан: **ضربوا** – (мз.улар урдилар)».**

Демак, Жомийга кўра ўтган замон феъли -дамма ёки сукун бўлишини талаб қиладиган маълум бир омилга эга бўлмаса фатҳага тугайди.

Методлар. Мақолани ёритишда илмий тавсифлаш, анализ ва синтез, семантик, қиёсий-типологияк, таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Натижалар ва мулоҳаза. Араб тилшунослигида «ўтган замон феъли» сўзланаётган пайтгача содир бўлган иш-ҳаракатни ёки ҳолатни ифодалайди, шунингдек, бу феъл музаккар жинс III шахс кўплик сонда даммага, музаккар

¹Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. – М.: 1963. – С. 121.

²Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 2086 саҳифа.

³ФЗ.2086.



жинсадаги II шахс кўплик ва муаннас жинсадаги III шахс бирлик сонда сукунга тугайди ва қолган барча шаклларда фатҳа билан ниҳояланади.

Асарда ҳозирги-келаси замон феълига қуйидагича таъриф берилган: -рғи«Ҳози 1-سَوْفَ و تَخْصِيصِهِ بِالسَّيْنِ وَ سَوْفَ 1-келаси замон феъли – ўтган замон(нинг калимаси)га نَأَيْتَ (ن أ ي ت) харфларидан бири қўшилса, келажакка доир бир маъно ҳосил бўладиган феълдир. Унга سَيْن (س) ва سَوْفَ харфлари қўшилса фақат келаси замонни англантиб исмга ўхшаб қолади». (Масалан: يضرب - урябди, سوف يضرب - уради.)

2 «Ҳозирги-келаси замон феълнинг ҳаракати рафъ (бош келишик-дарак майли шаклида), насб (тушум келишиги-истак майли шаклида) ва жазм (шарт майли шаклида) ҳолатида бўлади, масалан: يضرب – (бош келишик-дарак майли шаклида) урябди, لن يضرب – (тушум келишиги-истак майли шаклида) – (ҳеч қачон, эмас) ёзмайди, لم يضرب (шарт майли шаклида) (умуман, ҳеч) урмади».

Асарда Ибн Ҳожиб айтадики:

3 «(Ҳозирги-келаси замон феъли) насб (тушум келишиги-истак майли шаклида) ва жазм (шарт майли шаклида) қилувчи омиллардан холи бўлса рафъ (дарак майлида) бўлади, масалан: يَقُومُ زَيْدٌ -Зайд турапти», – дейди.

Абдурахмон Жомий бу маълумотларни қуйидагича шарҳлайди:⁴

4 «و يَرْتَفَعُ إِذَا تَجَرَّدَ عَنِ النَّاصِبِ وَالْجَائِزِ وَقَوْعَهُ مَوْقِعَ الْإِسْمِ كَمَا فِي زَيْدٍ يَضْرِبُ أَي ضَارِبٍ - (Ҳозирги-келаси замон феъли) насб (истак майли шаклида) ва жазм (шарт майли шаклида) қилувчи омиллардан холи бўлса исм ўрнида келиб маъно жиҳатдан рафъ (аниқлик майлида) бўлади, масалан: زَيْدٌ يَضْرِبُ - «Зайд урябди» ёки ضَارِبٍ -«урувчидир». Жомий: زَيْدٌ يَضْرِبُ - «Зайд урябди» ва ضَارِبٍ -«Зайд урувчидир» жумлаларини келтириб ушбу икки жумла маъно жиҳатдан бир хил маъно англантишини таъкидлайди. Чунки, феълнинг ҳозирги замон дарак майли(زَيْدٌ يَضْرِبُ - «Зайд урябди») билан феълнинг аниқ даража сифатдоши(ضَارِبٍ -«Зайд урувчидир») бир хил маънода ишлатилиши мумкин.

5 «و يَنْتَصِبُ بِأَنْ و لَنْ و كَيْ و إِذَنْ : «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа»да шундай дейилади : «Ҳозирги-келаси замон феъли (ушбу тўртта юклама) إِذَنْ , كَيْ , لَنْ , أَنْ билан насб (истак майли шаклида) ҳолатида бўлади».

Жомий шарҳида ушбу тўрт юкларнинг асл кўринишлари ҳақида мумтоз арабшунос олимларнинг фикрларини ҳам келтириб ўтади: قال الفراء اصله لا ابدال

¹ Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 209а саҳифа.

² Ф3.209а.

³ Ф3.209б.

⁴ Ф3.209а.

⁵ Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 293а саҳифа.



الالف نونا و قال الخليل اصله لان فقصر كما بحذف الف لا و همزة ان في اى شىء و قال سيبويه انه حرف براسه و اذن قيل اصله اذ ان فحفت و قيل اصله اذا انظر فيه فنون عوضا عن المضاف اليه.¹

– «Шайх Фарро (юкламаси) аслида эди ва алифни тушириб, унинг ўрнига сукулли нун кўйилди, дейдилар. Шайх Халил эса لان бўлади, деганлар. Ўртадаги (ل) ва ن ا ning ҳамзасини тушириб қолдирилгандан сўнг бўлди, дейдилар. Шайх Сибавайх эса لُن ўз олди билан бир ҳарф, дедилар. اذн эса аслида اذ ان эди. Уни енгиллаштириб اذن қилинди. Баъзилар эса аслида اذا انظر فيه дир ва اذا даги танвин -танвини эваз бўлиб, мудофун илайҳи (мослашмаган аниқловчи)дан эваздир, деганлар».

Абдурахмон Жомийнинг ҳозирги-келаси замон феълининг насб (истак майли шакли) ҳолатида келишини талаб қилувчи اذن , كئى , لُن , اُن юкламаларининг грамматик нуқтаи назардан қандай шаклда ясалганлиги ва ўзгаришга учраганлигини Жомийнинг берган маълумотлари орқали билиб олдик. Шу кунгача бошқа мумтоз араб тилшунослик асарларида бундай тўлиқ маълумотни учратмадик. Бу маълумотлар «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарининг юксак илмий аҳамиятини белгилиб беради.

Демак, اذن , كئى , لُن , اُن юкламалари ҳозирги-келаси замон феълининг охириги ҳаракатини «фатҳа»га айлантириб насб ҳолатида, истак майли маъносини англатади. «اُن» юкламаси ўзбек тилида «...ни» маъносини берувчи истакни ифодалайдиган юкламадир. Масалан: يُرِيدُ اللهُ أَنْ يُخَفِّفَ عَنْكُمْ - «Аллоҳ сизларга (шариат аҳқомларини) енгиллатишни хоҳлайди».² (Нисо сураси, 28-оят). «لُن» – «ҳеч қачон, эмас, асло» маъноларини англатади ва келаси замонда мутлақо амалга ошмайдиган иш-ҳаракатни ифодалайди. Масалан: لَنْ يَفُوزَ الْكٰسِرٰنَ - «Дангаса ҳеч қачон муваффақият қозонмайди». «كئى»- «учун, ниятида» маъносини англатиб, иш-ҳаракатни бажаришдан кўзланган мақсадни ифодалаш учун ишлатиладиган юкламадир. Масалан: اِسْمَعْ كئى تَفْهَمَ - «Тушуниш учун қулоқ сол». «اذن» юкламаси эса «ундай бўлса» маъносини билдириб, ўзидан олдинги жумлага жавоб бўлиб келган жумла таркибида келади. Масалан: اِذَنْ تَدْخُلُ الْبَيْتَ - «Ундай бўлса уйга кирасан».

Абдурахмон Жомий айтадики: وَ يَنْجِزُ بَلْمَ و لَمًا و لَامَ الْأَمْرِ و لَا فِى النَّهْيِ و كَلِمَ و الْمَجَازَاتِ و هِىَ اِنْ و مَهْمَا و اِذْمَا و حَيْثَمَا و اَيْنَ و مَتَى و مَا و مَنَ و أَيَّ وَأْتَى و أَمَّا مَعَ كَيْفَمَا و اِذَا فَشَادٌ³ - «Ҳозирги-келаси замон феъли (...ма, йўқ), لَمًا (- ...магунча, бўлмагунча, ҳалигача), لَ (- буйруқни ифодалаш учун), لَا (- инкорни ифодалаш учун) (юкламалари) билан ва мужазат яъни шарт майлини талаб қилувчи сўзлари билан ҳам шарт майлида жазм (сукул) ҳолатида бўлади. Мужазат(мукофот) юкламалари اِنْ – агар, مَهْمَا – қачон?, اِذْمَا – ҳар вақт, қачонки, حَيْثَمَا – қайси жойга, اَيْنَ – қерда?, مَتَى – қачон?, مَا – нима?, مَنَ – ким?, أَيَّ – қайси?, اَتَى – қерда.

¹Ф3.2936.

²Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 83.

³Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎЗР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 294а саҳифа.



Ҳозирги-келаси замон феъли **كيفما** – қандай? ва **إذا** – агар, қачонки, ҳар қачон юкламаси билан жуда кам ҳолатларда жазм (суқунли) бўлади».

Маҳмуд Замахшарий ҳозирги-келаси замон феълининг шарт майлини ифода этувчи юкламалар умумий бештадан (**إِنْ, لَوْلَا, لَمَّا, لَمْ**) иборат эканлигини айтиб ўтган бўлса¹, Жомий бу юкламаларнинг 16 тасини келтириб ўтган. Шунингдек, 16 та шарт майли юкламаларини 2 га бўлади. Биринчиси – ўзидан кейин битта феълни жазм(суқун) қилувчи юкламалар бўлиб улар тўртта: **لَمْ, لَمَّا, لَوْلَا**. Иккинчи гуруҳни эса Жомий «Мужазат-(яъни)мукофотлар» деб номланган юкламалар», деб атайди. Улар 12 та: **إِنْ, إِذَا, كَيْفَمَا, أَيُّ, مَنْ, مَا, مَتَى, أَيْنَ, حَيْثُمَا, إِذْمَا, مَهْمَا**, юкламалари бўлиб, бу юкламалар ўзидан кейин иккита феълни жазмли (суқунли) қилади.

Ўзидан кейин битта феълни шарт майлида келишини талаб қилувчи юкламалардан бири бўлган **لَمْ** ва **لَمَّا** юкламалари ўтган замон маъносидаги инкорни ифода этади. **لَمْ** юкламаси билан келган феъл умуман амалга ошмаган иш-ҳаракатни ифода этса, **لَمَّا** юкламаси нутқ пайтигача давом этиб келаётган инкор маъносини билдиради. Масалан: **لَمْ يَكْتُبْ** – У умуман ёзмади, **لَمَّا يَكْتُبْ** – У ҳозиргача ёзмади. Шунингдек, **ل** юкламасини Жомий **لِأَمْرِ الْأَمْرِ** – яъни буйруқ «лом»и деб атайди, масалан: **لِيَحْتَرِمَ** – У ҳурмат қилсин. **لَا** юкламасини эса **لَا النَّهْيَ** – яъни «инкор «лом»и дейди, масалан: **لَا تَكْسَلْ** – дангасалик қилма. Демак, юқорида келтирилган юкламалардан кейин битта ҳозирги – келаси замон феъли келиб, суқун ҳолатида туради. «Мужазат(мукофотлар)» гуруҳига кирувчи 12 та (**إِنْ, إِذَا, كَيْفَمَا, أَيُّ, مَنْ, مَا, مَتَى, أَيْنَ, حَيْثُمَا, إِذْمَا, مَهْمَا**) юкламадан кейин иккита ҳозирги – келаси замон феъли келиб, улар жазмли(суқунли) ҳолатда, шарт майлида бўлади. Масалан: **إِنْ تَذَهَبْ أَذْهَبَ** – Агар борсанг, бораман. **إِذَا تَرَحَّمَ تَرَحَّمَ** – Агар раҳм қилсанг, раҳм кўрасан. **كَيْفَمَا تَكُنْ يَكُنْ أَصْدِقَاؤُكَ** – Қандай бўлсанг дўстларинг ҳам шундай бўлади. **أَنْ يَذْهَبَ صَاحِبُ الْمَالِ يَكْرَهُ** – Мол сохиби қаерга бормасин ҳурмат қилинади. **أَيُّ كِتَابٍ تَقْرَأُ تَسْتَفِدُّ** – Қайси китобни ўқисанг фойда оласан. **مَا تَحْصِلُ فِي الصَّغْرِ يَنْفَعُكَ فِي الْكِبَرِ** – Ким талаб қилса(изласа) топади. **مَا تَكْتُبُ** – Ёшлиқда нимани қўлга киритсанг, катта бўлганингда манфаат кўрасан. **تَكْتُبُ** – Қаерга борсанг у(хам) боради. **أَيْنَ تَذْهَبُ يَذْهَبُ** – Қайси жойда тўғри бўлсанг, Аллоҳ сенга муваффақият беради. **إِذَا مَا تَتَعَلَّمُ تَتَقَدَّمُ** – Қачонки таълим олсанг, ривожланасан, мисолларда кўриб ўтганимиздек, шарт майлининг юкламаларидан сўнг феъл жазм (суқун) ҳолатида туради.

«Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа»да буйруқ майли ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирган: «Буйруқ – **الْأَمْرُ صِيغَةٌ يُطْلَبُ بِهَا الْفِعْلُ مِنَ الْفَاعِلِ الْمُخَاطَبِ بِحَرْفِ الْمَضَارَعَةِ**² майли феълнинг II шахсига нисбатан ишлатилиб, ҳозирги-келаси замон феълнинг шахс-сон қўшимчасини (ҳаракати билан) олиб ташлаш орқали ҳосил қилинади». Жомий мавзуни давом эттириб айтадики: **«الْأَمْرُ» وَ فِي بَعْضِ**

¹Қаранг: Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи. – Т.: 2005. – Б. 124.

²Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎЗР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 2176 саҳифа.



¹ «النسخ مثال الأمر» - «Амр (буйрук) майли- («Кофия»нинг) баъзи қўлёзма нусхаларида **مِثَالُ الْأَمْرِ** («Буйрук майлининг мисоллари») шаклида келган». Араб тили грамматикасида шунингдек, мумтоз араб тилшунослигига оид асарларда ҳам буйрук майлини ифодаловчи атама «الأمر» ёки «فِعْلُ أَمْرٍ» атамалари орқали ифодаланади, аммо буйрук майлининг «مثال الأمر» шаклидаги атамасига илк бор Жомий берган маълумот орқали дуч келдик.

Ибн Ҳожиб айтадики: **و حُكْمُ آخِرِهِ حُكْمُ الْمَجْرُومِ**² - «Буйрук феълининг охири жазм (сукун яъни шарт майли) қилинган феълнинг ҳукми кабидир» дейди. Жомийнинг шарҳига кўра³, буйрук майлини ифодалаб келаётган феълнинг охири саҳиҳ яъни тўғри феъл бўлса сукунли бўлади. (масалан: **ضرب** (урмоқ), **تَضْرِبُ** (урябсан), **إِضْرِبُ** (ур) Шунингдек, охири муътал (иллатли ҳарф яъни охири **و، ي، ا** дан иборат) бўлган феълларнинг иллатли ҳарфи ҳам тушириб қолдирилади. (масалан: **رَمَى** (отмоқ, ирғитмоқ), **تَرْمَى** (отябсан, ирғитябсан) - **رَمَ -** от, ирғит)

Куфа мактаби олимлари айтишадики, буйрук майлидаги феълнинг кўриниши муъроб (яъни феъл англатган сўзнинг охирини ўзгариши) ва «**ل -** ли» предлоги (қўшилиши) билан мажзум яъни шарт майлидаги сўздир, дейишади. Аммо, Басра мактаби олимлари буйрук майли мажзум (шарт майли) эмас, балки мавкуф яъни феълнинг охири ҳаракати вақф қилинган яъни тўхтатилганлиги сабабли сукун қўйилгандир» дейишади. Абдурахмон Жомий ҳам Басра мактаби олимларининг фикрларига қўшилиб, уларнинг фикри ҳақиқатга яқинлигини таъкидлайди⁴.

Демак, буйрук майлидаги феъл шакли асосан иккинчи шахсга қаратилган бўлиб, ҳозирги-келаси замон феъл шаклидан (иккинчи шахс) ўзакнинг учинчи ундоши ҳаракатини сукунлаш ва олдиндаги **ت** қўшимчасини олиб ташлаб ўрнига (**ا**) васлани ҳамзани орттириш орқали ясалади. Мазкур васлани ҳамзанинг қандай ҳаракат олиши феъл ўзагининг ўрта ундоши ҳаракатига боғлиқ. Агар унинг ҳаракати «дамма» бўлса, васлани ҳамзанинг ҳаракати ҳам «дамма» қилиб талаффуз қилинади (ёзувда васлани ҳамза ёзилмайди). Масалан: **اَكْتُبُ - تَكْتُبُ** – ёз. Агарда «фатҳа» ёки «касра» бўлса, васлани ҳамзанинг ҳаракати «касра» қилиб ўқилади.

Буйрук майли феълнинг I ва III шахслари шу шахсдаги феълнинг шарт майли олдига **ل -** ли юкламасини қўйиб ҳосил қилинади. Масалан: **لِنَضْرِبُ**

¹Ф3.2176.

²Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёийа. ЎЗР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 222а саҳифа.

³Қаранг: Ф3.222.

⁴Яна қаранг: Ф3.222: **و حكم آخره اى آخر الأمر فى الحقيقة – عند البصريين الوقف و البناء على السكون لإنتفاء ما يقتضى اعرابه و هو حرف المضارعة للاسم المقتضية للاعراب انما هى بسببه و فى الصورة حكم المجزوم اى مثل حكم المضارع المجزوم فى اسكان الصحيح الاعراب و حرف العلة لانه لما شابه ما فيه اللام من المجزوم معنى اعطى حكمه، تقول: (اضرب، اضربا، اضربوا) و (اخش و اغز و ارم) كما تقول: لم يضرب لم يضرباً لم يضربوا و لم يخش و لم يغز و لم يرم و ذهب الكوفيون الى انه معرب مجزوم بلام مقدرة**



(ичайлик), **لَيْشْرَبُ** (ичсин). Бу майлнинг инкор шакли барча шахслар учун шарт майли олдига **لَا** юкламасини қўйиш орқали ясалади. Масалан: **لَا تَكْتُبُ** (ёзма).

Умумий қилиб айтганда, иш-ҳаракатнинг воқеликка муносабатини ифодаловчи категория майл дейилади. Майл феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш хусусиятини, имкониятини, яъни реал воқеликка, шароитга боғланганлигини ифодалайди. Майл категорияси ҳаракатнинг воқеликка муносабатини ифодалаб, грамматик замон ва грамматик шахс (бажарувчи) билан узвий боғланади¹.

Асарда Жомий ўтимли ва ўтимсиз феъллар ҳақида шундай дейди: **وَالْمُتَعَدِّي وَالْمُتَعَدِّي فَالْمُتَعَدِّي مِنَ الْفِعْلِ مَا يَتَوَقَّفُ فَهُمَّ عَلَى مُتَعَلِّقٍ "أَي عَلَى غَيْرِ الْفَاعِلِ يَتَعَلَّقُ الْفِعْلُ بِهِ وَيَتَوَقَّفُ فَهُمَّ عَلَيْهِ، كَضَرْبٍ" 2** - ўт «-» ўтимли ва (Феъл аслида икки хил бўлади:) ўт «-» ўтимсиз. Ўтимли феъл шундай феълки, уни тушуниш ўша феълнинг фоъили (эгаси)дан бошқа нарсага боғлиқликдир, масалан: Масалан: **ضَرَبَ** – урди».

Жомий мазкур шарҳи орқали ўтимли феъл деганда **مَفْعُولٌ بِهِ** - яъни воситасиз тўлдирувчиси бўлган феълларни назарда тутди. Араб тилида ўтимли феъл томонидан бошқарилиб келаётган сўз тушум келишигида келади. Масалан: **ضَرَبْتُ زَيْدًا** - «Зайдни урдим» каби.

Жомий ўтимли феъл ҳақида яна қуйидаги фикрларни келтиради: **وَالْمُتَعَدِّي يُكْنَى مُتَعَدِّيًا إِلَى مَفْعُولٍ وَاحِدٍ كَضَرْبٍ وَالْإِثْنَيْنِ كَأَعْطَى وَالْإِثْنَيْنِ كَأَعْطَى وَالْإِثْنَيْنِ كَأَعْطَى وَالْإِثْنَيْنِ كَأَعْطَى وَالْإِثْنَيْنِ كَأَعْطَى** 3 - ўтимли феълнинг битта тўлдирувчиси бўлиши мумкин, масалан: **ضَرَبْتُ** (урди – **ضَرَبْتُ**) каби, иккита тўлдирувчиси бўлиши мумкин, масалан: (бермоқ) **أَعْطَى** ва (билмоқ) **عَلِمَ** (Зайдни турганини билдим) **عَلِمْتُ زَيْدًا قَانِمًا** - Зайдни турганини билдим) каби, учта тўлдирувчиси бўлиши мумкин, масалан: **أَعْلَمَ** (хабар бермоқ, билдирмоқ) ва **أَرَى** (кўрсатмоқ) **أَعْلَمَ الْمَدْرَسُ تَلَامِيذَهُ الْعِلْمَ نَافِعًا** (ўқитувчи ўқувчиларга илмни фойдали эканлигини билдирди)» каби.

Асарда ўтимсиз феъл ҳақида айтиладики: **وَالْمُتَعَدِّي بِخِلَافِهِ كَقَعَدَ 4** - «ўтимсиз феъл ўтимли феълнинг тескарасидир, масалан: **قَعَدَ** – ўтирмоқ».

Араб тилида ўтимсиз феъл ўзи бошқариб келаётган сўзни бирор-бир предлог-олд кўмакчи ёрдамида бошқариб келади, шу сабабли ҳам у ўтимсиз феъл дейилади. Масалан: **جَلَسَ عَلَى الْكُرْسِيِّ** – Стулга ўтирди.

Абдурахмон Жомий «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарида феълларнинг семантик таснифини ҳам мукаммал изоҳлаб, мажҳул даражадаги феъллар, ўйлаш ва ҳисоблаш маъносидаги феъллар, ёрдамчи феъллар, иш-ҳаракатнинг яқинлигини ифодаловчи феъллар, олқиш ва қарғиш феъллар, таажжубни ифодаловчи феълларни алоҳида ажратиб шарҳлайди.

Аллома араб тилидаги феълнинг мажҳул нисбат шаклини қуйидагича таърифлаган: **فِعْلٌ مَا لَمْ يُسَمَّ فَاعِلُهُ "أَي فِعْلُ الْمَفْعُولِ الَّذِي لَمْ يَذَكَرْ فَاعِلَهُ وَإِضَافَةُ الْفَاعِلِ إِلَيْهِ"**

¹Мирзаев М. Ўзбек тили. – Т.: 1970. – Б. 145.

²Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎЗР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 222а саҳифа.

³ФЗ.223а.

⁴Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎЗР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 223а саҳифа.



нинг) Эгаси «(Гап – 1 **ضْرِبَ** - **مَثَلٌ: ضْرِبَ** 1 - **مَثَلٌ: ضْرِبَ** 1 - **مَثَلٌ: ضْرِبَ** 1) аталмайдиган феъл шундай феълки, фоъил(эгаси) тушириб қолдирилиб, ўрнига фоъил бажарадиган вазифани ифода этувчи сўз-мафъул (тўлдирувчи) келади, яъни фоъилнинг (эганинг) либоси тўлдирувчига кийдирилади. Агар эгаси зикр қилинмаган сўз ўтган замон феъли бўлса, у ҳолда унинг биринчи ҳарфи дамма ва охиридан олдинги ҳарфининг ҳаракати эса касра бўлади. Масалан: **ضْرِبَ** – калтакланди». Шунингдек, асарда: **وَ إِنْ كَانَ مُضَارِعًا ضَمَّ أَوَّلَهُ وَ فَتَحَ مَا قَبْلَ آخِرِهِ مَثَلٌ: يُضْرِبُ** 2 - Агар эг замонда бўлса, биринчи ҳарфи дамма ва охиридан олдинги ҳарфининг ҳаракати фатҳа қилинади. Масалан: **يُضْرِبُ** - калтакланябди».

Демак, Жомийга кўра, маълум бир сўз олдида шакли ўзгартирилган мажхул феъл келиб, фоъил (эга) вазифасини бажарадиган мафъулга (тўлдирувчига) «эгаси аталмайдиган феъл» дейилади.

«Шарҳи Мулло» асарига Ибн Ҳожибнинг **أَفْعَالُ الْقُلُوبِ** - «Гумон» ва «(ишончли) билиш» (ёки ўйламоқ ва ҳисобламоқ) ни ифодаловчи феъллар» ҳақидаги қуйидаги фикрлари келтирилган: **أَفْعَالُ الْقُلُوبِ: ظَنَنْتُ وَ حَسِبْتُ وَ خَلْتُ وَ زَعَمْتُ وَ عَلِمْتُ وَ رَأَيْتُ وَ وَجَدْتُ تَدْخُلُ عَلَى الْجُمْلَةِ الْإِسْمِيَّةِ لِبَيَانِ مَا هِيَ عَنْهُ فَتَنْصِبُ الْجُرَائِنَ** 3. «Гумон» ва «(ишончли) билиш» ни ифодаловчи феъллар: **ظَنَنْتُ** (гумон қилдим), **حَسِبْتُ** (шундай ўйладим, шундай бир фикр-мулоҳазага бордим), **خَلْتُ** (гумон, тахмин қилдим), **زَعَمْتُ** (ўйладим, гумон қилдим) **رَأَيْتُ** (кўрдим), **عَلِمْتُ** (билдим), **وَجَدْتُ** (топдим) бўлиб, улар исмий жумланинг ҳар икки қисмини (эгаси ва кесимини) тушум келишиги (тўлдирувчи) га айналтиради».

Жомий мазкур жумлаларни қуйидагича шарҳлайди:

"أَفْعَالُ الْقُلُوبِ" و تسمى أفعال الشكّ و اليقين أيضا، كأنهم أرادوا بالشكّ الظن، و إلا فلا شئ من هذه الأفعال بمعنى الشكّ المقتضى تساوى الطرفين: و هي **"ظَنَنْتُ وَ حَسِبْتُ وَ خَلْتُ"** و هذه الثلاثة للظن **"و زَعَمْتُ"** و هي تكون تارة للظن و تارة للعلم **"و عَلِمْتُ وَ رَأَيْتُ وَ وَجَدْتُ"** و هذه الثلاثة للعلم **"تَدْخُلُ عَلَى الْجُمْلَةِ الْإِسْمِيَّةِ لِبَيَانِ مَا هِيَ عَنْهُ"** من الظن و العلم كما إذا قلت: (علمت زيدا قائما) فقولك (علمت) لبيان ما أنشأت هذه الجملة عنه حين تكلمت بها، و أخبرت بها عن قيام زيد انما هو العلم و إذا قلت (ظننت زيدا قائما) فقولك (ظننت) لبيان أن منشأ الإخبار بهذه الجملة هو الظن، و كذلك بواقى الأفعال **"أفبالул кулуб"** яъни «Гумон» ва «(ишончли) билиш» ни ифодаловчи феъллар». Бу феълларни шак, шубҳа(гумон) ва ишончли феъллар деб ҳам аташади. Боиси бу феълларнинг баъзилари шубҳа ва баъзиси эса ишончга далолат қилади. Масалан, **ظَنَنْتُ** феъли гумон қилдим, маъносидадир. **حَسِبْتُ** эса ўйладим, ўйлабман, маъносида, **خَلْتُ** гумон, тахмин қилдим, маъносида. Бу уч феъл шубҳа-гумонга далолат қилади. **زَعَمْتُ** (ўйладим, гумон қилдим) эса гумон ва билиш ўртасида муштаракдир, яъни **زَعَمْتُ** ўрнига кўра гумонни, баъзида эса билишни ифодалайди. Бу феъл баъзан **ظَنَنْتُ** (гумон қилдим) маъносида ва

¹Ф3.223а.

²Ф3.223а.

³Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 2236 саҳифа.

⁴Ф3.2246.



баъзан эса **عَلِمْتُ** (билдим) маъносида келади. **عَلِمْتُ** ва **رَأَيْتُ** ва **وَجَدْتُ** феъллари-бу уч феъл илм, яъни билмоқ маъносида бўлади. Мазкур феъллар исмий жумлани баён қилиш учун ишлатилади. Гумон ва билиш нима дегани? Масалан, **زيدا قائما** (Зайд турибди) десанг, унда икки эҳтимол бор:

1) Сен бу хабарни аниқ билиб туриб ёки гумон билан айтябсан, агар сен **علمت زيدا قائما** (Зайдни турганини билдим) десанг, сен Зайднинг тик турганини, ҳақиқатан, аниқ билиб туриб айтябсан.

2) Борди-ю **ظننت زيدا قائما** (Зайдни турди деб ўйладим) десанг, унда маълум бўладики, сен гумон билан айтябсан. Демак, бу феъллар жумланинг ҳар икки қисмини насб (тушум келишиги) қилади. Чунки улар аслида мубтадо ва хабар эди. («الاسناد اليه») – феъллий гапдаги **فاعل** (эга) ўрнида, «مسند» атамаси эса, **فعل** (кесим) ўрнида ишлатилади. Шунингдек, исмий гапдаги эга ва кесимга нисбатан ҳам, «الاسناد اليه» ва «مسند» атамаларини ишлатиш мумкин».

Дарҳақиқат, араб тилида шундай феъллар категорияси борки, улар жумлада ўзидан кейин келаётган эга билан кесимни тушум келишигида келишини талаб этади. Бу феъллар **أَفْعَالُ الْقُنُوبِ** («Гумон» ва «(ишончли) билиш»ни ифодаловчи феъллар) ёки **ظَنَّ و أَخَوَاتُهَا**¹ (Зонна(Гумон) ва унинг шериклари) дейилади. Бундай феъллар таркибига **ظَنَّ** (гумон қилмоқ, ўйламоқ), **حَسِبَ** (ҳисобламоқ), **خَالَ** (гумон, тахмин, фараз қилмоқ), **رَزَمَ** (гумон, тахмин қилмоқ) **رَأَى** (кўрмоқ), **عَلِمَ** (билмоқ), **وَجَدَ** (топмоқ), **عَدَّ** (ҳисобламоқ) кабилар қиради. Масалан: **ظَنَّ سَلِيمًا عَالِمًا** - У Салимни олим деб ўйлади.

Асарда яна айтиладики: **و مِنْهَا جَوَازُ الْإِلْغَاءِ إِذَا تَوَسَّطَتْ أَوْ تَأَخَّرَتْ لِاسْتِقْلَالِ الْجُزْئَيْنِ** **و زيد ظننت قائم و زيد قائم ظننت**². «Ушбу феъллар агар жумланинг ўртасида ёки охирида келса ўз таъсирини йўқотади, масалан: **زيد ظننت قائم** ва **زيد قائم ظننت** каби бўлади».

Хулоса. Демак, «Гумон» ва «(ишончли) билиш»ни ифодаловчи феъллар гапда ўз ўрнини ўзгартириб эга ва кесимнинг ўртасида ёки улардан сўнг турса эга ва кесимга бўлган таъсирини йўқотади. Масалан: **ظننت زيدا قائما** (Зайдни турди деб ўйладим) жумласидаги **ظننت** феъли эгадан сўнг келса, **زيد** **ظننت قائم** (Зайд ўйлашимча турди) кўринишида бўлади.

Юқорида Жомий «Гумон» ва «(ишончли) билиш»ни ифодаловчи феълларнинг 7 тасини шарҳлайди. Олим бу феъллар ҳақида умумий маълумот бериш билан чекланмайди, балки мазкур туркумга кирувчи ҳар бир феълнинг гапдаги вазифаларини, маъноларини аниқ ва мукамал шарҳлаб, муносабат билдиради ва уларни алоҳида туркумлайди. Ушбу феълларнинг бундай мукамал шарҳини бошқа мумтоз араб тилига оид асарларда учратмадик.

¹Носиров О., Юсупов М. Ан-На’им. Арабча-ўзбекча луғат. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. – Б. 681.

²Абдурахмон Жомий. Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа. ЎЗР ФАШИ. Қўлёзма. 9665. 2246 саҳифа.



ГИСАРОВ ФАРҲОД

ўқитувчи, ТДШУ

Уйғур тилидаги доривор ўсимликлар номларига хос лексикологик хусусиятлар

Аннотация. Ушбу мақолада уйғур тилидаги доривор ўсимликлар номларининг лексик ўзига хосликлари талқин қилинади. Бунда доривор ўсимликлар номларининг ясаилиш структураси, бир ёки кўп компонентлиги, семантис маънодошлиги, номларнинг ўзаро синтактик алоқалари, Уйғур табобатида қўлланилиш даражаси, атамаларнинг лисоний қатламлардаги мавқеъий, доривор ўсимликлар номларининг уйғурилунослик фани камолоти учун ижобий жиҳатлари таҳлил қилинади.

Таянч сўз ва иборалар: Нав-тур муносабатлари, плектид, эксплектид, гулбарг, шох, пўстлоқ, илдиз, доривор, лисоний қатлам, лексик маъно, семантис маъно, тушунча, тушунча ҳажми, тушунча мундарижаси.

Аннотация. В данной статье объясняются лексические особенности названий лекарственных растений в уйгурском языке. Анализируется структура названий лекарственных растений, один или несколько компонентов, семантическое значение, синтаксические связи названий, степень применения в уйгурской медицине, положение терминов в языковых пластах, положительные стороны названий лекарственных растений для развитие уйгурской науки.

Опорные слова и выражения: Разновидовые отношения, плектид, эксплектид, лепесток, рог, кора, корень, лекарственное средство, языковой пласт, лексическое значение, семантическое значение, концепт, величина концепта, содержание концепта.

Abstract. This article explains the lexical features of the names of medicinal plants in the Uighur language. The structure of the names of medicinal plants, one or more components, semantic meaning, syntactic relations of names, the degree of use in Uyghur medicine, the position of terms in linguistic layers, the positive aspects of the names of medicinal plants for the development of Uyghur science are analyzed.

Keywords and expressions: Variety relations, plectid, explecid, petal, horn, bark, root, medicine, language layer, lexical meaning, semantic meaning, concept, concept size, concept content.

Кириш. Тилшуносликда тилнинг турли сатҳларидаги бирликларнинг маъноларини тадқиқ этиш бўйича кўп йиллар давомида тадқиқот ишлари олиб борилди. Илмий изланишлар тил бирликларига хос маъноларни ўрганиш соҳасининг пайдо бўлишига олиб келган ва бу соҳа семасиология деб аталади.

Тилшунос Ҳакимова М. семасиологиянинг моҳияти ҳақида шундай ёзади: «Тилшуносликнинг лексикология, грамматика бўлимларида ҳам тил бирликларининг маъноси ўрганилади. Бу бўлимларда маъно шакл билан бирга, унинг функцияси сифатида тадқиқ қилинади. Семасиологияда эса лисоний маъно алоҳида моҳият сифатида ўрганилади.»



Ҳакимова М. ўз илмий ишида Лексик маъно ва тушунча мавзусини асосли равишда ёритади ва шундай ёзади: “Тушунча асосини воқеъликдаги нарса-ҳодисалар ташкил қилади. Нарса-ҳодисаларнинг белгилари инсон онгида умумлашган ҳолда акс этади. Ушбу тушунча (умумлашма инъикос) асосида лексик маъно ҳосил бўлади. Лексик маънонинг шаклланиши жараёнида воқеъликдаги нарса-ҳодиса ҳақидаги тушунча ихчам, барчага тушунарли ҳолга келтирилади ва ном (белги)га бириктирилади.”

“Ҳар қандай тушунчада икки асосий жиҳат: тушунча ҳажми ва тушунча мундарижаси мавжуд бўлади. Тушунча ҳажми – умумлашган ҳолда акс этаётган нарса-ҳодисаларнинг синфи, кўлами. Тушунча мундарижаси ушбу нарса-ҳодисаларга хос белгиларнинг йиғиндисидир. Тушунча мундарижаси мураккаб структурага эга бўлиб, у бир-бирига боғлиқ бўлган бир қанча белгилардан иборат ...

Лексик маъно, асосан, тушунча мундарижасига боғлиқ бўлади. Масалан сув тушунчаси мундарижасининг структураси шартли равишда қуйидаги белгилардан ташкил топиши мумкин: 1) модда, 2) суюқлик, 3) рангсиз (жисм), 4) ҳидсиз (жисм), 5) водород ва кислороддан иборат, 6) 100 градусда қайнайди, 7) 0 градусда музлайди, 8) ҳаёт учун зарур манба’. Сув сўзининг маъносини шундай аниқлаш мумкин: “рангсиз, ҳидсиз, водород ва кислород бирикувидан ҳосил бўлувчи суюқлик. Ушбу лексик маъно ҳам тусунча мундарижаси каби маъно белгиларидан – семалардан иборат структурага эга: « суюқлик », « рангсиз », « ҳидсиз », « водород ва кислороднинг бирикувидан ҳосил бўлган ». ”Уйғур тилидаги доривор ўсимликлар номларини тушунча сифатида қабул қилинса, бу тушунчанинг ҳажмини мазкур ўсимликларнинг тилда мавжуд атамалари таҳкил этиши кўринади. Уйғур тилида ҳозирги кунда 600 га яқин бу каби номлар мавжудлигини назарда тутилса, ушбу материалнинг миқёси илмий манбанинг кўлами кенглигини намоён этади. Уйғур тилидаги доривор ўсимликлар номларининг тушунча мундарижасига бу ўсимликларнинг шифобахшлик хусусиятларини киритиш мумкин.

«Уйғур Табобати ҳам дорўлари илми» дарслиги махсус қисмида хилтсиз куруқ иссиқ, хилтсиз хўл иссиқ, хилтсиз хўл совуқ, хилтсиз куруқ совуқ ўсимликлар ва мевалар турларига ажратилиб жамланган ўсимликлар доривор ўсимликлар мундарижасини ва синфларини шакллантиришда муҳим жиҳат саналади.

Хилтли доривор ўсимликлар гуруҳи:

- ғайри табиий сафро ташувчилар;
- ғайри табиий балғам хилтини ташувчилар;
- ғайри табиий савдо хилтини ташувчилар;
- ғайри табиий қон хилтини ташувчилар;

Ғайри табиий хилтларни пиширувчи дориворлар гуруҳи:

- ғайри табиий хилтларни сурувчи дориворлар;



- қон тозаловчи дориворлар;
- қон кўпайтирувчи дориворлар;
- қонни суюлтирувчи дориворлар;
- қон тўхтатувчи дориворлар;
- иштаҳа очувчи дориворлар;
- яллиғланишга қарши ишлатилувчи дориворлар;
- қиздирувчи дориворлар;
- қизитмани қайтарувчи-иситма туширувчи дориворлар;
- сийдик ҳайдовчи дориворлар;
- тош парчаловчи дориворлар;
- ич кетишини тартибга солувчи дориворлар;
- мадда қуртини ўлдирувчи дориворлар;
- ҳайзни тартибга солувчи дориворлар.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятларига кўра таснифлаш ҳам доривор ўсимликларнинг шифобахшлик жиҳатларини ҳисобга олиш орқали ўсимлик номлари тушунчаси мундарижасини тасаввур қилишга ёрдам берувчи омил бўлиб юзага чиқ ади.

Тизим сифатида гипонимлик ҳамда гиперонимлик ҳодисалари дастлаб 1968-йилда инглиз тилшунос олими Д.Ж.Лаёнз томонидан қўлланган.

Таниқли рус тилшунослари А.А.Уфимтсева, Л. Новиков, Земский кабиларнинг илмий ишларида, Фомянова ҳамда Суприн таҳрири остида чоп этилган «Общеэ Языкзнание» китобида, Ю.С Степановнинг шу номли китобида ҳам, франтсуз тилшуноси В.Г.Гакнинг асарларида ҳам сипонимия, сиперонимия атамалари дастлабки илмий мулоҳазалар сифатида ифодаланган.

Мазкур ишларда гипонимия атамаси остида бир томондан, нав-тур муносабатини ифодалаб келган сўзлар қатори, бошқа томондан эса бутун-бўлак муносабати орқали ўзаро боғланган зўзлар қатори ва яна бир томонданлуғат бирликларининг ўзаро кетма-кетлигини ифодалаш асосида боғланиши натижасида вужудга келганқатирлар тишунилади.

Бир лексик парадигматис қаторни ҳосил қилувчи дарахт, ел, қайин, терак,тол,чинор тушунчаларини ифодаловчи луғавий бирликлар ўзаро тенг боғланиш асосида алоқага киришади.Бу қатордаги дарахт сўзи умумийлик, яхлитлик маъносини ифодаловчи сўз сифатида ел, қайин, терак, тол, чинор тушунчаларини шу дарахтнинг алоҳида-алоҳида турларини ифодаловчи тушунчалар сифатида бириктириб, қамраб олади. Бу ўринда маъно муносабатини бутун-бўлак муносабати билан бир хил баҳолаш мумкин эмас.

Дарахт, ел, қайин, терак, тол, чинор сўзлари ўзаро жинс-тур муносабатини ифодалаш асосида боғланган сўзлардир. Бу сўзлар орасидаги алоқа мантиқий семантик алоқа саналади ва бу луғавий бирликлар ўзаро тенг боғланиш асосида алоқага киришади.



Дарахт сўзи бу қатордаги марказий, бош сўз сифатида шу жинсга нисбатан тур тушунчаларининг номларини ифодалаб келувчи сўзларни ўзига бириктириб келади. Бунда сўзлар ўртасидаги жинс-тур муносабатлари намоён бўлса, Дарахт, илдиз, тана, шох, барг бирликлари лексик-семантик қатордаги муносабатда дарахт сўзи Бутунлик-бўлаклик алоқалари кўринади. Чунки дарахт сўзи бутун тушунчасининг номини ифодаловчи луғавий бирлик сифатида шу бутунликнинг таркибий қисмлари номларини ифодаловчи илдиз, шох, тана, барг сўзларини бир лексик-семантик қаторга бирлаштиради.

Сўзнинг семантик қатордаги бошқа сўзлар билан алоқага киришуви тил доирасидаги барқарор парадигматис муносабат бўлиб қолавермайди, балки вазиятга қараб ситуатив-контекстуал, бошқача айтганда оккозионал характерга эга бўлади.

Бутунлик тушунчаси ўзига турли турдаги тушунчаларни бириктириб таркиб топса, Умумийлик тушунчаси эса фақат бир турдаги тушунчаларни бириктириш орқали шаклланади.

Уйғур тилидаги доривор ўсимликлар номларига гиперонимлик ва гипонимлик нуқтаи назаридан қаралганда, ўсимлик сўзи доривор ўсимлик сўзига сипероним бўлади. Табиатда мавжудлиги, тур номи сифатида бирламчилиги даражасида ўсимлик гипероними тасаввурда муайян ўсиб турган предметни гавдалантиради. Дориворлик хусусияти ўсимликнинг ундан кейинги жихатларидан бўлганлиги сабабли доривор ўсимлик сўзи ўсимлик сўзига гипоним бўлади. ўсимлик сўзи ва доривор ўсимлик сўзлари ўртасидаги муносабатларни доривор ўсимликлар номлари янада тўлдиради. Ҳар бир ўсимик маълум даражада дориворлик хусусиятига эга эканлигини инобатга олинса, буғдой, арпа, тарик, кунжут каби уйғурча номлар доривор ўсимлик гиперонимида гипонимик муносабатда турганлиги кўринади.

Нутқда бирор тур номини англатувчи бирор сўзнинг пайдо бўлиши онгнинг маҳсули бўлиб, бу сўз талаффуз этилиши билан худди ўша предмет инсон кўз ўнгида гавдаланиши гиперонимлик-гипонимлик ҳодисасига ойдинлик киритади. Уйғур тилидаги доривор ўсимликлар номларини таркибий морфемавий тузилишини мисолларда таҳлил қилинганда, уарнинг ўзига хос хусусиятлар асосида шаклланганлиги намоён бўлади. Доривор ўсимлик сўзи ўсимлик сўзига гипоним бўлса,

رۇمبەدىيان Румбадиян,
 قاپاقئۇروقى Қапақ уруқи,
 ئاقتۇخمە Оқ ужмах,
 سىمىزئوت Семизўт,
 قارىنئورۇك Қора ўрук,
 ئىنتۇزۇمى Итузуми
 قىزىلسەندەل Қизил сандал
 كاھويىغى Каҳу яғи



چۈچمەلئانار Чучмал анар
 نىلۇپەرگۈلى نилупар гули
 كاسىنەنۇرۇقى كасина уруқи
 قىزىلگۈل Қизилгул
 نەنجۇر قىپىقى Анжур қипиқи
 ئاكاكاسىيەنۇرۇقى Акация уруқи

каби сўзларга гипероним бўлади. Шундан келиб чиқадики, гиперонимлик бирор турни англатиш учун қўлланилса, гипонимлик дейилганда муайян тур ичидаги тармоқ тушунилади.

تاشنوت тошўт ўсимлик номи унинг доривор ўсимликлар қаторида маълум хусусиятга эгаллиги омилларини тасаввурда шакллантиради. Тошўт лексемаси таркибида тош ҳамда ўт морфемалари жамланганлиги бу сўзнинг семантик маънолари майдонини яратади. Ўсимлик номидан унинг қаттиқ, дағал ўсилик эканлиги, табиий ёввойи ҳолда учрайдиган ўсимликлардан эканлиги ҳақида интуитив хабарни шакллантиради.

تاغپىزى тағ пиязи атамасида тоғ ва пиёз лексемалари иштирок этган бўлиб, ўсимликнинг тоғда ўсиши пиёз турига мансублигини ифодалайди.

Мисоллардан кўринадики, бир атама сўз ифодаламакчи бўлган маъно бошқа ёрдамчи сўзларнинг ҳам иштирок этишини тақозо этади. Яъни мисоллардаги тош ва ўт сўзлари ёрдамида Тошўт номи ясалганлиги битта гипоним атаманинг таркиби тилда умуман ўзга маъноларда ишлатиладиган сўзлардан мақсадли фойдаланилганлигини кўрсатади. Тағ пиязи атамасининг таркибий қисмидаги Тағ ва пияз сўзлари ҳам алоҳида мустақил маъноларга эга. Бироқ улардаги семантик уйғунлаштириш натижасида муайян доривор ўсимлик номи ҳосил қилинган.

Уйғур тилидаги доривор ўсимликлар номлари таҳлили натижасида.

رۇمبەدىيان ¹Румбадиян номи Рум ва бадиян сўзлари,
 قاپاقنۇرۇقى Қапақ уруқи номи Қапақ а Урук сўзлари,
 ئاقنۇخمە Ақ ужмах номи Оқ ва ужмах сўзлари,
 سىمىزئوت Семизўт номи Семиз ва Ўт сўзлари,
 قارىنۇرۇك Қора ўрук номи Қора ва ўрук сўзлари,
 ئىتتۇزۇمى Итузуми номи Ит ҳамда узум сўзлари,
 قىزىلسەندەل Қизил сандал номи Қизил ва сандал сўзлари,
 كاھويغى Каху яғи номи Каху ва яғ сўзлари,
 چۈچمەلئانار Чучмал анар номи Чучмал ва анар сўзлари,
 نىلۇپەرگۈلى Нилупар гули номи Нилупар ва гул сўзлари,
 قىزىلگۈل Қизилгул номи Қизил ва гул сўзлари,
 نەنجۇر قىپىقى Анжур қипиқи номи Анжур ва қипиқ сўзлари,

¹ Хакимова М. Семасиология. Т. 2008. 19-20 бет. www.ziyo.uz.com kutubxonasi



ناكاتسيه نۇرۇقى **Акация** уруқи номи **Акация** ва урук сўзлари ишлатилиб соз бирикмалари ясалганлиги кўринади.

Бунда Рум, бадиян, Қапақ, урук, Оқ, ужмах, Семиз, Ўт, Қора, ўрук, Ит, узум, Қизил, сандал, Каҳу, яғ, Чучмал, анар, Нилупар, гул, Қизил, гул, Анжур, қипиқ, Акация каби созлар кўзланган манони ифодалаш учун сўз яшаш усуллари орқали қўлланилган. Ваҳоланки, тилда мавжуд ҳар бир сўз ўз хусусиуй семасига ҳамда лисоний маъносига эга. Биз юқорида келтириб ўтган сўзларнинг ҳар бири бу атамалардаги мазмунларидан ташқари кўплаб мазмунларга эга эканлиги шубҳасиз, чунки исталган сўз атамалар яшашда лексик қурол сифатида ишлатилар экан ундаги кўпма'нольлик хусусияти сақланиб қолаверади. Сўзларнинг кўпма'нольлик-полисемия жиҳати илмий тадқиқотларга асос бўлиб келган тил объектларидан биридир. Тилда сўз туркумларига ажралганлиги жиҳатидан турлича гуруҳланувчи сўзлар атамалар таркибида грамматик бирикканлиги намоён бўлади. Ваҳоланки шу сўзлар бошқа сўз бирикмалари таркибида бошқа ма'ноларни ифода этиш қобилиятини ўзида сақлаб қолади. Айтайлик Рум маликаси, Ақ қапақ, Ужмах маъжуни, Қора тағ ва ҳоказо. Тилда сўзлардан маъно анлатиш мақсадида турлича фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Бу каби имкониятларни илмий тадқиқ қилиш орқали маълум бир халқнинг миллий-ментал, лингвокултур қадриятларининг даражаси ўрганилади.

Биз мисол тариқасида келтирган доривор ўсимликлар номларининг таркиби уйғур тилининг грамматик қоидаларини ўз ичига сингдирган бўлсада, бироқ атамаларнинг узок йиллар мобайнида тилдан тилга ўтиб равонлашуви, сайқаллашуви натижаси ўлароқ улардаги сўз ўзгартирувчи, эгалик кўшимчалари тушириб юборилганлиги кузатилади.

رۇمبەديان **Румбадиян** номи таркибидаги Рум сўзи Юнонистон маъносини англатади, Бадиян сўзи маъносида шамолда энгил ёқимли бўй таратиб турадиган гиёҳ ма'нолари назарда тутилади. Жуғрофий жиҳатдан қараганда бу ўсимлик Шарқий Туркистон даштли ҳудудларида учрасада, унинг шифобахшлик хусусиятлари Юнонистон Тиббиётти орқали кириб келганлиги бу ўсимлик номининг семантикасида аён бўлади.

ناقۇجمه **Оқ ужмах-Туркий** тилларда Оқ, Ақ, Оппоқ созлари рангни билдирувчи сўз, роқ Ақ Ужмах атамаси семантис мазмуни бу номнинг метаморфа сифатида яратилганлигин кўрсатади, сабаби мусулмон халқлар менталитетида энг гўзал, энг ширин, энг хушбўйлик эпитетлари албатта жаннатий, жаннатмонанд, жаннатмакон каби истиоралар билан ифода этилади. Туркий тиллардаги Ужмах сўзининг мазмуни Жаннат бўлиб, бу сўз Қисаси Рабғузий асарида кўп ўринларда айни шу маънода ишлатилган. Ақ Ужмах номининг метафорикаси орқали тингловчида Жаннатнинг Оқ Ширин меваси деган мазмун пайдо бўлиши лексик тасаввур билан боғлиқ ментал ҳодиса ҳисобланади.



سىمىز نوت Семизўт Бу ўсимлик танасининг бошқа ўсимликлар танасига кўра қалинроқ бўлиши назарда тутилиб Семизўт дейилганлигида ҳам Уйғур тилининг ўзига хос бадий-қочиримли ифодавийлиги намоён бўлади.

قارىنورۇك Қора ўрук бу номнинг сермантикасида ранглар билан боғлиқ бир аксилациома ҳодисаси коринади. Кўпчилик халқлар аслида қора рангни умуман олганда нохушлик тимсоли сифатида образлаштирганлиги маълум, бироқ бу атамада таркибидаги Қора сўздан нохушлик ёки бетаъмлик мазмунлари келиб чиқмайди, аксинча ўрикнинг яхши этилган, офтобда маромига этиб пишган каби ма'нолар англашинади.

ئىتتۇرۇمى Итузуми атамасини талқин қилишда ҳам турли муносабатларни кўриш мумкин, чунки ит семаси ўз ичига қатор ижобий ҳамда салбий тасаввурларни жамлайди. Қадимги Римликлар эпосларида Ит-Халоскорлик рамзи бўлса, Мусулмон Тасаввуфи талқинида Ит-Вафо-Садоқат рамзи, Шимол халқлари наздида Ит-дўст (Неразлучный друг, салбий маънода эса Послушный пес) рамзи сифатида қўлланилади. Уйғур тилидаги Итузуми номига келсак, бу ўсимлик нордон, чучмал қора рангли кичик думалоқ шаклдаги узумга ўхшаш мевали ўсимлик бўлиб, организмда овқат ҳазм қилишни яхшилаш хусусиятига эгаллиги маълум бўлган. Бу гиёҳни итлар баъзи-баъзида эйиши сабабли шу ном билан аталган ва шифобахшлик хусусиятлари ўрганилган.

Туркий халқларимиз, шу жумладан уйғур халқининг тилидаги фитонимларни лексик-семантик жиҳатларини ўрганиш Уйғуршунослик фани учун чуқур лексикологик материаллар беради. Уйғур тилидаги доривор ўсимликлар номлари тилнинг ички ментал салоҳиятга эга пластини ташкил этади.

Хулоса. Ушбу мақолада баён этилган тадқиқий фикрларни хулоса сифатида яхлитланса, қуйидагилар кўзга ташланади:

1) Уйғур тилидаги доривор ўсимликлар номлари ўз пайдо бўлиш тарихига эга.

2) Уйғур тилидаги доривор ўсимликлар номлари фалсафий-лексик тушунча ҳисобланади.

3) Лексикологик тамойиллар асосида тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, Уйғур тилидаги Доривор ўсимликлар тушунчасининг ҳажми анча салмоқли материалдир.

4) Уйғур тилидаги доривор ўсимликлар номлари мундарижаси ўсимликларнинг дориворлик сифатлари асосида шакллантирилган.

5) Мақолада ўсимлик номларининг ўзаро лексик-семантик муносабатларини очиб беришда семасиологиянинг Умумийлик ва Бутунлик (Гипонимлик, Гиперономлик ҳодисаси) назарий қарашларига таянилган.

6) Уйғур тилидаги доривор ўсимликлар номларининг лексик-семантик жиҳатларини таҳлил қилиш орқали мазкур номларнинг моносемия, полисемия хусусиятларига назар ташланган.



Тилшуносликнинг тизимли семасиологая йўналиши бўйича яратилган илмий адабиётлар ва уларда ишлаб чиқилган ўзбек тилшунос олимларнинг қарашлари Уйғур тилидаги ўсимликлар номлари борасидаги хулосалар чиқаришга илмий асос бўлган.

УМАРОВА МОҲИРА
Таянч докторант, ТДШУ

Таом номларига оид реалиялар ва уларнинг урду ҳамда рус тилларига таржималари хусусида

Аннотация. Ҳар бир мамлакат таржимашунослик мактаблари вакилларининг диққат-эътиборини тортадиган таржимашунослик масалаларидан бири – эквивалентсиз лексикалар саналади. Ушбу мақолада ҳам эквивалентсиз лексикалар сирасига кирувчи сўзлар – миллий хос сўзлар таржимаси ҳақида сўз юритилган. Реалияларни ўзбек тилидан рус ҳамда урду тилларига таржима қилиш усуллари кўриб чиқилган. Мисоллар ўзбек насри дурдоналари саналган П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” ҳамда унинг рус ва урду тилларига ва Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси ва қиссанинг урду тилига таржима вариантлари асосида тўпланган. Асарларни ўзаро чоғиштириши жараёнида олинган илмий хулосалар, статистик таҳлил натижалари асосланиб, баъзи ўринларда муаллифнинг таржима варианты ҳам келтириб ўтилган.

Таянч сўз ва иборалар: таржима, реалия, миллий колорит, хос сўзлар, транслитерация, конкретлаштириши, умумлаштириши.

Аннотация. Безэквивалентная лексика считается одной из проблем переводоведения, привлекающей внимание представителей переводческих школ каждой страны. В данной статье также говорится о переводе слов, входящих в список безэквивалентных лексиконов - национально-специфических слов. Рассмотрены способы перевода реалий с узбекского языка на русский и урду. Примеры собраны на основе «Звездных ночей» П. Кадырова, считающихся шедеврами узбекской прозы, и их русского и урду вариантов, а также повести Г. Гулама «Шум бола» и ее перевода на урду. По результатам научного анализа и статистического анализа, полученного в процессе перекрестных ссылок произведений, в некоторых местах упоминается и авторский вариант перевода..

Опорные слова и выражения: перевод, действительность, национальный колорит, специальные слова, транслитерация, конкретизация, обобщение.

Abstract. Non-equivalent lexicons are considered one of the issues of translation studies that attract the attention of representatives of translation schools of every country. This article also talks about the translation of words included in the list of non-equivalent lexicons - national specific words. The methods of translation of realities from Uzbek to Russian and Urdu languages are considered. The examples are collected on the basis of "Starry Nights" by P. Kadirov, considered masterpieces of Uzbek prose, and its Russian and Urdu versions, and G. Ghulam's short story "Shum Bola" and its translation into Urdu. Based on the results of scientific analysis and statistical analysis obtained in



the process of cross-referencing the works, the author's version of the translation is also mentioned in some places.

Keywords and expressions: translation, reality, national color, special words, transliteration, concretization, generalization.

Таржимашунослик ва таржима назарияси фанида миллий хос сўзлар – реалияларнинг тутган ўрни, уларни бир тилдан бошқа тилга ўгиришдаги муаммолар ва камчиликлар, қайси усулда таржима қилиш лозимлиги ҳақида таржимашунос олимларнинг фикрлари баён этилган.

Мақолада таржимон Манзар Салим, муҳаррир Ш.Мирзаевларнинг таржимонлик маҳорати, сўз танлай билиши, баъзи таом номларини англлатувчи миллий хос сўзлар – реалиялар таржимада қандай ифода этилганлиги, ўзбек миллий ошхонаси билан боғлиқ егуликлар ўзбек миллий колоритини қай даражада очиб берилганлиги ҳақида ёзилган.

Шу билан бир қаторда, умуман эквивалентсиз лексика сирасига кирувчи миллий хос сўзлар таржима матнида қандай ифода этилса, китобхонларга тушунарлироқ бўлиши борасида ҳам фикр билдирилган.

Мақолада статистик таҳлил, тавсифлаш ҳамда тасвирлаш усулларидан фойдаланилган.

Бугунги кунда, мамлакатимизда барча соҳаларда жадал суръатларда ривожланишлар кузатилаётган бир пайтда чет эл мамлакатлари билан ҳам ҳар томонлама алоқалар мустаҳкамланаётганлиги кузатилмоқда. Шу ўринда таълим, маданият соҳаларида ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Барчага маълумки, мамлакатларни бир-бирига таништиришда, маданиятини танитишда энг самарали усул бу – адабиёт саналади. Яъни икки мамлакат маданияти, урф-одати, анъаналари билан биз ушбу мамлакатда яратилган асарлар ҳамда уларнинг таржималари орқали билиб оламиз. Сўнгги йилларда, хориж адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилиш кузатилаётган бўлса, шу билан бирга хорижликлар томонидан мамлакатимиз тарихи, маданияти, миллий қадриятларини ўрганишга бўлган қизиқиши ҳам ортаётганини гувоҳи бўлмоқдамиз. Хусусан, бу ўз навбатида таржимашунослик, таржимонлик соҳаларига бўлган талабни ошишига замин яратмоқда. Айниқса забардаст ўзбек ёзувчилари томонидан яратилган ижод маҳсуллари чет эллик китобхонлар эътиборига ҳавола қилиш, миллийлигимизни, анъаналаримизни қандай бўлса шундайлигича, тўлақонли етказиб бера олиш таржимонлардан катта масъулият ва билим талаб этади. Жумладан, Покистон Ислом Республикаси давлат тили бўлган урду тилига ҳам ва аксинча, урду тилидан ўзбек тилига ҳам талайгина асар ва шеърлар моҳирона таржима қилинган.

XX асрда яратилган ўзбек насри дурдоналари бизнинг миллий маданиятимизни, қадриятларимизни дунёга танитган дея оламиз.

Жумладан, атоқли ўзбек ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар. Бобур” романи, Ғафур Ғулумнинг “Шум бола” қиссаси урду тилига



қилинган таржималарини мисол қилиш мумкин. П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар. Бобур” романи урду тилига рус тили орқали билвосита таржима қилинган бўлса, Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси ўзбек тилидан урду тилига бевосита ўгирилган. Эътиборли жиҳати, мазкур асарлар урду тилига тил соҳиби, таржимон Манзар Салим томонидан таржима қилинган.

Ушбу мақоламизда биз XX асрда яратилган ўзбек насри дурдоналари ва уларнинг рус ҳамда урду тилларидаги таржималарида таом номлари билан боғлиқ хос сўзлар, уларнинг таржималарда қай тариқада акс этирилгани ҳақида сўз юритилади.

Маълумки, “реалия”лар деганда миллий хос сўзларни англлатувчи сўзлар тушунилади. Масалан, таом номлари мисолида олинса, “Суши” деганда инсон кўз олдига Япония, “Ладду” деганда Ҳиндистон, “Баклава” сўзини эшитганимизда эса Туркия ва “Палов” номи келганда Ўзбекистон келади. Мана шу каби таом номлари таржимада қандай берилади, қайси усулда таржима қилинган маъқул? Шу сингари саволлар таржимонларни доимо иккилантириб, қийнаб келган. Зеро, Гёте айтганидек: “Таржима жараёнида таржима қилиб бўлмайдиган унсурларга қадар етиб бориш керак бўлади, фақат шундагина бошқа халқ, бошқа тилни яқиндан билиб олиш мумкин”. Бу каби сўзларни ўгиришда нималарга эътибор қаратиш кераклиги, қайси таржима усуларини қўллаган тўғри бўлади ва шу каби саволлар ҳали ҳануз ўз жавобини топган эмас.

Таом номлари билан боғлиқ хос сўзлар бадиий асарларда энг кўп учрайдиган реалияларга киради ва у асар ва миллат миллий колоритини юзага чиқаришга катта хизмат қилади.

Асарларни таҳлил қилиш жараёнида айнан таом номлари билан боғлиқ реалияларни таржима қилишда М.Салим таржиманинг бир нечта усулларидан фойдаланганлиги кузатилди. Жумладан, транслитерация усулининг икки хил кўриниши: изоҳли ва изоҳсиз, аналогия усули, сўзма-сўз таржима, конкретизация (аниқлаштириш) ва генерализация (умумийлаштириш) усуллари.

Мисоллар орқали уларни кўриб чиқамиз:

Егулик ва таом номлари билан боғлиқ хос сўзларни таржима қилишдаги илк усул сифатида изоҳсиз транслитерация усули кўриб чиқилди:

Ичингда мой қайнаётимти, ё
қазу-қарта едингми? [Ш.Б.98]

"تمہارا جسم چرپا گیا یا تم نے بہت زیادہ تزی کھالی ہے؟"
[سرگزشت ایک لڑکے کی ۱۰۹-ص]

Ушбу гапта аслиятда қазу-қарта егулик номи келтирилган. Мазкур реалиядаги “қазу” сўзи урду тилига транслитерация усули билан таржима қилинган. “Қарта” эса тушириб қолдирилган ва таржимада ўз аксини топмаган.



Транслитерация усули реалиялар таржимасида энг кенг тарқалган усул ҳисобланса-да, айнан ушбу жумлада “қазӣ”нинг урду тилида ҳам изоҳи келтирилиб ўтилиши лозим эди. “Қазӣ” бизга маълумки, от гўшtidан тайёрланадиган егулик. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да (кейинги ўринларда ЎТИЛ) унга шундай таъриф келтирилиб ўтилган: “Отнинг тўш ва пешноп гўшти; шундай гўшtidан отнинг йўғон ичагига тикиб тайёрланган озиқ-овқат маҳсулоти”¹. “Қарта”га эса қуйидагича таъриф берилган: “Отнинг ёғли йўғон ичаги ва ундан махсус тайёрланган, кўпинча яхна қилиб ейиладиган таом”². Ушбу егулик тансиқ саналади ва кўпинча совуқ кунларда тановул қилинади ва контекстга аҳамият берилса, у ерда боланинг исиб кетаётгани, чанқгани ҳақида сўз кетмоқда. Маълумки, қазӣ “иссиқлик” яъни инсон ички иссиқлигини оширадиган таом. Ёзувчи ана шунга ишора қилган ҳолда “қазӣ-қарта”ни қўллаган. Аммо бу урду тилида тўлиқ берилмаган. Таржима жараёнида мутаржимдан айнан мана шу каби нозик жиҳатларга аҳамият бериш лозим саналади. Бу таом ҳақида маълумотга эга бўлмаган китобхонлар нега айнан ушбу таом номи келтирилганлигини тушунмай қолиши мумкин.

Юқорида кетирилган мисол “Шум бола” қиссасидан олинган бўлиб, улар изоҳсиз транслитерация усулига тегишлидир. Қуйида келтириладиган таом номлари, егулик номларига доир мисол эса изоҳи келтирилган реалиялар саналади ва уларнинг аксаридида изоҳлар саҳифа сўнгида тўлиқ келтирилган. Айнан таом номларига келтирилган изоҳларда асосий омил сифатида таомга ишлатиладиган масаллиқлар ва тайёрланиш усули қайд этилган. Бунда изоҳлар муҳаррир Ш.Мирзаев томонидан келтирилган. Масалан,

<p>Бошимга қўйиб, катта сафар учун йўлга тушдим, аммам мушукларга <i>шавла</i> пишириш билан овора бўлгани учун, менинг чиқиб кетганимни пайқамай қолди.[Ш.Б. 14]</p>	<p>جب میں گھر سے نکل رہا تھا تو وہ بلیوں کے لئے شولا پکا رہی تھیں۔ [سرگزشت ایک لڑکے کی - ص ۱۸۔]</p>
---	---

Мазкур жумладаги “шавла” реалияси ўзбек китобхонларига яхши таниш овқат номи. Аммо урду тили китобхонлари учун бу нотаниш бўлади. Уду тилидаги таржимада М.Салим ва муҳаррир томонидан транслитерация+изоҳ усулини қўлланилган, яъни таом номига саҳифа сўнгида изоҳ келтирилган: “*شاوولا* – گاجر، چاول اور گوشت سے پکا ہوا پلاؤ جیسا لیکن اس سے ذرا ملائم کھانا۔” - “Паловга ўхшаши, лекин бироз юмшоқроқ, сабзи, гуруч ва гўшtidан тайёрланадиган таом”, сингари. Ўйлашимизча, таржима жуда муваффақиятли чиққан. Таржимон ва

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 5 жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энци, 2006. – Б.15.

² Ўша асар. Б.59.



муҳаррир масалани жуда чиройли ечимини топа олишган. Натижада китобхонларда таом ҳақида тасаввур ҳосил бўлган.

Р.Файзуллаева ўз тадқиқот ишида таом номлари билан боғлиқ реалияларни ва умуман миллий хос сўзларни таржима қилишда транслитерация усулини энг самарали усул деб таъкидлайди. Аммо агар реалиялар ҳар доим ҳам транслитерация усулида таржима қилинаверса, у ҳолда китобхон ҳадеб ўқиётган жойида тўхтаб, берилган изоҳларга мурожаат қилаверишига тўғри келади ва натижада бадий матннинг таъсир кучи йўқолади ва эстетик завқ олиш камайишини айтиб ўтади¹.

“Шум бола” қиссасида аналогияни беришда ҳар доим ҳам тўғри вариантлар танланмаганлиги кузатилди. Масалан: *Қорнимизни тўйғизиб олмаймизми, нўхотшўрак емаймизми?* [Ш.Б.132]

اے بے ہوئے چنے کیوں نہ خرید جائیں؟ [سرگزشت ایک لڑکے کی۔ ۱۰۱ ص۔]

Юқорида келтирилган мисолда икки дўстнинг бироз пул ишлаб топгандан сўнг мазалироқ, тансиқроқ таом егиси келганидаги суҳбати акс этган. “Нўхотшўрак” айнан шундай таомлар сирасига киради. ЎТИЛ да ҳам “Нўхотшўрак”га: “[Нўхат+шўрак] Нўхатни гўшт билан қайнатиб, димлаб тайёрланадиган тансиқ таом”² дея таъриф келтирилган. Таърифдан ҳам кўриниб турибтики, “нўхотшўрак” таоми тансиқ таом, қисса воқеалари акс этган даврда уни ейишга ҳам, тайёрлашга ҳам кўпчиликнинг қурби етмаган. Контекстда эса ёзувчи айнан шунга ишора қилган. Узоқ вақт оддий, енгил овқат еб, қорни доим ҳам тўймай юрган болалар бироз пул ишлаши биланоқ тансиқ таом харид қилишни истаб қолишгани кўрсатилган.

Аммо аслиятдаги ушбу яширин ишора урду тилида у қадар ўз аксини топмаган, назаримизда. Яъни урду тилига бу овқат “қайнатилган нўхат” каби таржима қилинган. Кўриниб турибтики, аслиятдаги коннотация таржима асарда деярли сезилмаган. Агар ушбу жумлага “гўшт”ни ҳам қўшган ҳолда, транслитерация+изоҳ комбинациясидан фойдаланилганда, ёзувчи ўзбек китобхонларига етказмоқчи бўлган маъно, урду тилида ҳам намоён бўлар эди. Ёки “нўхотшўрак”нинг тансиқ таом эканлигини англаувчи сўзни қўшиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

“Хос сўзларни она тилига ўгиришда аввало уларнинг муайян контекстларда ўтаб келаётган ахборий ва услубий вазифаларини аниқлаш, сўнгра таржима тилида уларга ҳар жиҳатдан мос, айна пайтда шу тил меъёри ва маданияти даражасидаги лисоний воситалар танлаш зарурати туғилади”³. Таржимашунос Қ.Мусаевнинг фикрлари сўзларимизга далил бўла олади. Яъни бу ердаги мисолда – “нўхотшўрак” - ахборий вазифа

¹ Р.Файзуллаева К проблеме передачи национального колорита в художественном переводе. Дисс.канд. фил. наук. – Ташкент, 1972, 95 стр.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 3 жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б.66.

³ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Т., Фан. 2005. – 92 б.



сифатида келган ва у ўспирин ёшидаги болалар бакувватроқ, кундалик енгил овқатлардан фаркли бир тансиқ таом емоқчи бўлишганлигига, уларнинг ёшида бу катта аҳамият касб этишига ишора қилинган.

“Шум бола” асарида асл ўзбек халқининг турмуш тарзи ифода этилган. Таом номларининг ҳам хилма-хиллигини учратиш мумкин. Юқорида келтирилган мисолларда оддий халқ истеъмол қиладиган таолар ҳам, ўзига тўқ, бой инсонлар тановул қиладиган таом номларини ҳам учраттик. Улар ўртасидаги тафовутларга ёзувчи ишоралар келтирган. Қуйидаги мисолда ўша даврдаги таом бозори акс этган гап келтирилган: *Бироз ҳиди бўлса ҳам жигар кабоб дейсизми, картошка сомса, оқшоқ бўтқа, умоч, буғдой гўжа, тариқ гўжа дейсизми – ҳаммаси ҳам челақ-челақ хўрандага мунтазир.*

یہاں کچی کی بھنی ہوئی بوٹیوں (کچی کچھ بدبوداری تھی لیکن ایسی چھوٹی موٹی بات کون توجہ دیتا؟)، آلو کے سبوسوں، مسکروٹی، چپاول سرگزشت ایک لڑکے کی لپسی، ابلے ہوئے گیہوں کے شوربے، گھنگھنی کے شوربے غرض مختلف کھانوں کی پوری پوری بالٹیاں گاہکوں کی منتظر تھیں! [کی ۳۳-ص۔

Ушбу жумлада бир нечта таом номлари келтирилган ва табиийки, таржима қилишнинг бир қанча усуллари қўлланилган. Жумладан:

“Жигар кабоб”, “Картошка сомса” каби таомлар урду тили учун ҳам таниш бўлгани сабабли сўзма-сўз таржима қилинган ва адекватликка эришилган.

Оқшоқ бўтқа эса анча ўзгаришларга учраган: маълумки, оқшоқ майда гуруч бўлиб. “оқшоқ бўтқа” ана шу майда гуручдан тайёрланадиган бўтқадир. Унинг асосий таркибида майда гуруч ҳамда сут ёки сув бўлади, ҳамда у енгилроқ бўлса ҳам таом саналади. Аммо урду тилида у “*кروٹی*” яъни “макарондан тайёрланадиган таом” дея ўгирилган. Бу аслиятдан анча йироқ. “Оқшоқ бўтқа” асардаги воқеа-ҳодисалар бўлган даврда ҳам, ҳозирги кунда ҳам оддий халқ таоми саналиб келинади. Уни бойлар ҳам, ўртаҳол кишилар ҳам умуман барча истеъмол қилиши мумкин. Бу таом ўша даврнинг колоритини яхшироқ акс эттириб туради. Шу сабабли ҳам унинг урду тилидаги таржимаси мос тушмаган. Маъно бутунлай ўзгариб кетган.

“Умоч”га келсак, ЎТИЛ да унга шундай таъриф келтирилган: “Уваланган хамир солиб пиширилган суюқ ош”¹. Луғатнинг ўзида ушбу овқатга мисол келтирилади: “Атала, умоч... каби суюқ ошларнинг масаллиғи камчил бўлганлиги сабабли... “камбағал овқати” деб юритиларди”². Ушбу мисол юқоридаги фикримизга асос бўла олади. Мазкур овқат урду тилига “*چپاول کی لپسی*” деб ўгирилган. Урду тилидаги келтирилган таом, аслида кўпроқ ширинлик номига тўғри келади, яъни, интернет саҳифаларида ушбу сўз

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4 жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б.26.

² Ўша ерда. Б.26.



“مٹھائی” – [mitha:i:] ширинлик деб келтирилади. Кўриниб турибдики, “умоч”ни беришда ҳам бироз ғализлик кўзга ташланади.

Бугдой ва тарик гўжа каби таом номлари “қайнатилган бугдойдан тайёрланган шўрва” ва “тарикдан тайёрланган шўрва” сингари таржима қилинган. Гўжанинг суюқ ошлигини ҳисобга олган ҳолда таржимага қаралса, ўғирмалар яхши амалга оширилган. Чунки урду тилида “Шўрва” сўзи қўшилган ва бу фикримизча, таржимоннинг ютуғидир.

Жумлаларни чоғиштириш жараёнида, турли хил таом номи ҳар хил жойда бир хил аналог билан таржима қилингани ҳам кузатилди:

Бир товоқ угра ошдан бир нима чиқди шекилли, хўранда... [Ш.Б. 32]

کبھی کبھی پیالوں میں مسکرونیوں کے ساتھ کالی کالی کوئی چیز بھی مل جاتی تھی۔ [سرگزشت ایک لڑکے کی ۳۳-ص۔]

Гапда келтирилган “угра ош” таом номи урду тилига “مسکرونیوں” яъни, “Макарондан тайёрланадиган таом, макаронли таом” деб таржима қилинган.

“Угра ош” ЎТИЛда : “1. Юпқа ёйилиб, узун ва майда қилиб кесилган хамир. 2. Шундай хамирдан тайёрланган суюқ ош”¹. Ўзбек халқи учун угра ошининг суюқ овқат эканлиги яхши маълум. Аммо урду тилида ушбу тушунча бироз йўқолган, яъни угра ошнинг суюқ таом эканлигига ишора қилувчи ҳеч қандай сўз ёки жумла мавжуд эмас. Шу билан бирга, юқорида келтирилган “оқшоқ бўтқа” таоми ҳам урду тилига “مکرونی” деб ўғирилган. Юқоридаги гапда ушбу сўз у қадар тўғри ўғирилмаган бўлса, “угра ош”га “مسکرونی” нисбатан тўғри ўғирилганини кузатишимиз мумкин. Аммо буни ҳам аниқ ва ўринли таржима деб бўлмайди.

Юқорида келтирилган усуллардан ташқари, таом, егулик ва озиқ-овқатларга доир мисолларни таҳлили жараёнида таржима қилишнинг конкретлаштириш ва тушириб қолдириш усулларини ҳам учратдик:

<p>Дастурхондан <u>седаналик</u> <u>иссиқ</u> нон ва <u>ҳандалак</u> ҳиди келади. Нон еб, бир косадан <u>қатиқли ош</u> ичганларидан кейин Тоҳир Андижонга кетиш ҳақидаги гапнинг учини чиқаришга чоғланди. [Ю.Т.10]</p>	<p>Пахло горячими лепешками, дыней. Вкусен был хлеб, вкусна была мастава, заправленная кислым молоком. [З.Н. 8.]</p>	<p>فضا میں گرم گرم نانوں اور سردوں کی خوشبو بسی ہوتی تھی۔ نانیں بھی ڈالتے دار تھیں اور دہی پڑا مستاوا بھی۔ [ظہیر الدین بابر]</p>
---	--	--

Ушбу жумлада ҳам бир нечта егулик ва таом номи келтирилган ва аслиятдаги барча таом номлари рус тилида қандай бўлса, урду тилида ҳам худди шундай таржима қилинган. “Юлдузли тунлар” асари “Шум бола”

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4 жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б.5.



киссасидан фарқли равишда рус тилидан билвосита таржима қилинганлиги сабабли жуда кўп жойлари таржима қилинмай қолиб кетган ва таржима рус тилида қандай амалга оширилган бўлса, урдуда ҳам бир хил бўлган.

1. *Седаналик иссиқ нон* – “седаналик нон” деганда ўзбекларда кўпроқ “ёпган нон” тушинилади, яъни устига седана сепилган нон. Рус тилида ҳам биринчи “лепёшка”, сўнг умумий қилиб, “хлеб” сўзи ишлатилган. Урду тилига бу реалія - “نان” яъни умумлаштириб “нон” дея ўгирилган. ундан ташқари, урду тилидаги ушбу сўз музаккар жинсига хос сўз саналади. Аммо уни мутаржим кўпликда муаннас жинсида бермоқда. Бундай ифода балки М.Салим яшаган ҳудудга хос бўлиши мумкин. Аммо мазкур асар фақат бир ҳудуд вакиллари учун эмас, балки омма учун таржима қилинар экан, уни бундай ўзига хос услубда эмас, барчага тушунарли ва тил учун қабул қилинган нормаларга таянган ҳолда ўгириш лозим, фикримизча. Ушбу сўзни ифода этишда эса урду тилида таржиманинг умумлаштириш усулини кузатишимиз мумкин.

2. *Ҳандалак* – ҳандалак сўзи урду тилига “دو” ва рус тилига “дыня”, яъни қовун деб таржима қилинган. ЎТИЛ да берилган таърифга мурожаат қилсак, мутаржим таржимаси ўринли эканини кузатамиз: “Ҳандалак - қовуннинг юмалоқ, майдароқ, хушбўй, эти юмшоқ, эртароқ етиладиган бир тури”¹. Агар таржимон “ҳандалак”га бироз шу келтирилган таърифлардан бирини берса, яна ҳам тушунарлироқ бўларди, аммо умумлаштириб қовун деб кетиши ҳам катта йўқотишга олиб келмаган, назаримизда.

3. *Қатиқли ош* – аслиятда айнан қандай қатиқли ош эканлигига урғу берилмаган бўлсада, урду ва рус тилларига у “мастава” деб таржима қилинган. Фақат рус тилидан фарқли равишда урдуда саҳифа сўнгида “гуруч ва қиймадан тайёрланадиган таом” изоҳини келтирган. Бу билан мутаржим “қатиқли ош” таомида таржиманинг икки усулини: аслиятга нисбатан конкретлаштириш ва интерпретация усулини ҳамда рус тилига нисбатан транслитерация ва изоҳ усулини қўллаган ва таржима чиройли чикқан.

Таом номлари билан боғлиқ хос сўзларни таржимаси анча мураккаблиги таржимашунос олимлар томонидан ҳам таъкидланган. Чунки айнан таом, егулик ва озик-овқатлар миллий колоритни юзага чиқарувчи асосий унсурлардан бири саналади. Шу билан бирга таржимашуносликда айнан таом номлари билан боғлиқ хос сўзларга оид махсус илмий ишлар бажарилмагани бу мавзу устида анча ишлаш лозимлигини тақозо этади. Фанда олимлар томонидан бундай сўзларни қандай усулда таржима қилиш ўринли эканлиги ҳақида аниқ тўхтамга келинмаган. Аммо кузатувлар натижасида энг маъқул усул сифатида транслитерация+изоҳ усулини келтириш мумкин.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 5 жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энци, 2006. – Б.46.



Юқоридаги мисолларни кўриб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Таом номлари билан боғлиқ хос сўзлар - реалияларни ўгиришда бизнингча, энг тўғри усул – транслитерация + изоҳ эканлиги кузатилди. “Шум бола” қиссасидаги барча саҳифа сўнгида келтирилган изоҳлар муҳаррир Ш.Мирзаев томонидан келтирилган бўлиб, бунда изоҳи келтирилаётган асосан шу таомнинг тайёрлиниши ва унга ишлатиладиган масалликлар билан берилган. Бундан ташқари таом номларини англаувчи реалияларни урду тилида аналогия усули билан ҳам кўп берилган. Бунда ҳам асосан, аналог танлаш учун мутаржим ҳар икки таомнинг асосий масаллиғига қараб танлаган. Бундан ташқари, “Юлдузли тунлар” романининг Ю.Суровцев томонидан қилинган рус тилидаги таржимасидаги баъзи тушунарсиз бўлган таом номлари урду тилидаги таржимада тушунарли қилиб, изоҳлар билан берилган. Бу ўз навбатида таржимон М.Салим ва муҳаррирнинг ютуғи ва маҳоратини очган ҳамда урдузабон китобхонлар учун ўзбек миллий колоритини янада тўлиқроқ етказиб беришга хизмат қилган.

КУДРАТОВ АЗАМАТ

Таянч докторант, ТДШУ

Синхрон таржимани ўрганиш тарихидан

Аннотация. Таржима соҳаси бўйича синхрон ва бадий таржима анчагина заҳматлиши бўлишига қарамай, бу йўналишга бўлган талаб ва таклиф ортиб бормоқда. Буни замоннинг ўзи ҳам талаб этмоқда. Таржима – бир тилда яратилган асарнинг ўзга бир халқ маънавий эҳтиёжига хизмат қилдирадиган, ундан бадий завқ олиши учун имконият яратиб берадиган коммуникатив воситадир. Синхрон таржима – бу оғзаки таржима турлари орасида энг мураккаби бўлиб, мазкур турдаги таржимада махсус жиҳоздан фойдаланиб таржима амалга оширилади. Бу нотик нутқ сўзлаётган чоғида таржимоннинг уни бўлмасдан, узлуксиз нутқ мазмунини тингловчиларга етказиб беришнинг оғзаки таржима усулидир. Синхрон таржима, асосан, эшитиши жараёнида сўзлай олиши кўникмаларига асосланган бўлиб, синхрон таржимондан аслият тилини ҳам, таржима тилини ҳам бир хил даражада билиши, бир пайтнинг ўзида икки тилда фикрлай олиши қобилиятига эга бўлиши талаб қилинади. Ушбу мақолада синхрон таржима ва унинг стратегияларини ўрганиши (Ватанимизда ва жаҳонда) бизнинг асосий вазифамиз ушбу илмий тадқиқотда бу масаланинг ютуқ ва камчиликлари таҳлил этилди ва илмий натижаларга келинди.

Таянч сўз ва иборалар: Таржима тарихи, бадий таржима, коммуникатив восита, Синхрон таржима, Столлинг, Пауза, таржима стратегиялари, кутиши стратегияси.

Аннотация. В сфере письменного перевода синхронный и художественный перевод – сложная задача, но спрос и предложение в этой сфере растут. Само время требует этого. Перевод – это коммуникативное средство произведения,



написанного на одном языке, которое служит духовным потребностям других людей и дает возможность художественного наслаждения. Синхронный перевод является одним из самых сложных видов устного перевода, и этот вид перевода выполняется с использованием специального оборудования. Это метод устного перевода при котором говорящий передает содержание речи аудитории без помощи переводчика. Синхронный перевод в основном основан на умении говорить в процессе аудирования, при этом от переводчика-синхрониста требуется знание и исходного языка, и языка перевода одновременно, а также умение мыслить на двух языках одновременно. В данной статье рассматривается синхронный перевод и его стратегии (как в нашей стране, так и в мире), анализируются достижения и недостатки этого вопроса в научных исследованиях и делаются научные выводы.

Опорные слова и выражения: История перевода, Художественный перевод, Коммуникация, синхронный перевод, Столлинг, Пауза, стратегии перевода, стратегия ожидания.

Abstract. In the field of translation, simultaneous and literary translation is a difficult task, but the demand and supply in this area are growing. Time demands it. The translation is a communicative means of a work written in one language that serves the spiritual needs of other people and provides an opportunity for artistic enjoyment. Simultaneous translation is one of the most complex types of interpreting, and this type of translation is performed using special equipment. It is a method of oral translation in which the speaker conveys the content of the speech to the audience without the help of an interpreter. Simultaneous translation is mainly based on the ability to speak in the process of listening, and a simultaneous interpreter is required to know both the source language and the target language at the same time and to be able to think in two languages at the same time. This article examines simultaneous translation and its strategies (both in our country and in the world) and analyzes the achievements and shortcomings of this issue in scientific research and draws scientific conclusions.

Keywords and expressions: History of translation, literary translation, communication, Simultaneous translation, Stolling, Pause, translation strategies, waiting strategy.

Синхрон таржима ва унинг стратегиялари тарихини XX-XXI асрларда жугрофий ва мавзуий йўланишлари бўйича имкон қадар тўлиқ ва тўғри ўрганиб, уни етказиб бериш бизнинг олдимизга қойган асосий мақсадимиздир.

Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсад қилиб қўйилган:

➤ Мавзунинг Ўзбекистонда ўрганилганлик даражаси ҳақида маълумот тўплаш.

➤ Араб ва ноараб давлатларда таржима жараёни ва ҳозирги замонда синхрон таржимага оид қилинган илмий ишлар, монографиялар чиқарилган мақолалар ва билдирилган фикрлар, келтирилган назариялар ва хулосаларни аниқлаш ва танишиш.

➤ Синхрон таржиманинг умумий афзалликлари ва муаммоларини тавсифини ёритиш.



Тадқиқотни амалга оширишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, чоғиштириш ва лингвомаданий таҳлил методларидан фойдаланилди.

Эришилган натижалар: Синхрон таржима стратегияларига оид тадқиқотларни ўрганиб, уларни қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик нуқтайи назардан тадқиқ қилиш вазифаларини белгилаш, стратегиялар ўзига хосликларини аниқлаш ва уларни таржимада қўллаш усулларини белгилаш, шунингдек, анжуманлар ва конференцияларда стратегияларни таржимон таржимада қачон ва қандай берилишини аниқлаш орқали янги назарий билимларга эга бўлиш кабилардир.

Мавзунинг Ўзбекистонда о‘рганганлик даражаси: Ушбу мавзу юзасидан бугунги кунга қадар Г.Ч. Чернов¹ қаламига мансуб “Теория и практика синхронного перевода”, 1978 Москвада нашр этилган китоби ўзбек тилига Тошкент давлат шарқшунослик университети устозлари Х. Ҳамидов, Н. Исмагуллаева, С. Эргашевалар томонидан таржима қилинди. Аммо лекин синхрон таржима стратегияларининг сиёсий ва тижорий қатламда қўлланилиши Арабча-ўзбекча комбинатсиялар мисолидаги тадқиқотнинг йўқлиги, ўзбек ва араб тилидаги синхрон таржима стратегиялари таҳлили, илмий тадқиқоти ҳали қилинмаганлиги, анушу масалаларни биз тарафимиздан тадқиқотга жалб қилинишига ундайди. Бу мавзу бўйича илк илмий ишлардан бири сифатида кўринади. Синхрон таржима турида стратегияларни ишлатиш ва уларнинг кетма-кетлик механизмини яратиш ва имкон қадар хатоларга йўл қўймаслик ва уларни четлаб ўтиш орқали таржима матнини имкон қадар тўлиқ ва хатосиз таржима қилиш жараёнини тўлақонли ёритиб бериш талаб этилади.

Араб ва ноараб давлатларида таржима жараёни ва ҳозирги замонда синхрон таржимага оид қилинган илмий ишлар: Бутун дунё миқёсида турли халқларнинг ўзаро сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ҳамкорлиги янада кучайиб бормоқда ва бу алоқаларни таржимасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таржима халқларни бир-бирига боғловчи халқа, фан ва маданиятни ривожлантирувчи ва бойитувчи восита, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка асос солувчи кўприк, деб қаралади.

Таржима ҳақида илк назарий фикрлар дастлаб қадим Римда юзага келган эди. Юнон ва латин тилларини мукамал билган Арастутел, Ситсерон ва Горатсий таржима жараёнида сўз кетидан қувиш ярамайди, уларнинг ма’но ифодаларини аввал тарозида ўлчаб, кейин таржима қилиш ма’қул, деган фикрни билдирганлар². Кейинчалик Италияда Бартоломео ва Манетти, Францияда дю Белле ва Малерб, Англияда Бекон ва Драйден, Германияда Гёте ва Гумболдт, Россияда Ломоносов ва Сумароков таржима хусусида ўз назарий тушунчаларини билдириб о‘тганлар.

¹ Г.Ч. Чернов. Теория и практика синхронного перевода, издательство „Международные отношения“ Москва 1978.

² <https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/tarjima-na-zariyasi-fan-sifatida/>



Араб таржима жараёнини исломдан аввалги жоҳилият давридан бошлаб кузатиш мумкин. Исломдан олдинги таржима жараёнини юзага келишининг энг муҳим омиллардан бири Александр Македонскийнинг ғарбий Осиё ва Мисрда юнон сивилизатсиясининг тарқалишига олиб келган фатҳларидир. Бунинг натижасида ўша минтақага бошқа маданиятларнинг кириб келиши каби жараёнлар юзага келди.

VIII асрнинг бошларида Мовароуннаҳрни араблар бутунлай эгаллаган эдилар. Ислом дини мамлакатда ҳукмрон дин, араб ёзуви ягона ёзув, араб тили адабий тил бўлиб қолди. Олимлар ва шоирлар араб тилида китоблар ёза бошладилар. Араблар истилоси даврида энг кўп таржима қилинган асарлар тарихий-бадий жанрда яратилган китоблар бўлиб, уларни кўпинча адиб, шоирлар таржима қилар эдилар. Ўша даврда бизнинг ҳудудимизда араб тилида ёзган катта-катта олимлар, тарихчилар етишиб чикди. Чунки араб тили ўша даврнинг илм тили ҳисобланганлиги учун Фаробий, Ибн Сино, Беруний каби олимлар ўз асарларини араб тилида ёздилар. 359 йилда вафот этган олим Абу Бакр Муҳаммад бин Жаъфарий Наршахий Бухоро тарихига оид «Таҳқиқул-вилоят» («Ўлкани ўрганиш») номли асарини ёзди¹. Бу асар форс тилига, кейинги даврларда рус тилига ҳам таржима қилинди. Энг қадимий асарлардан бири 922 йилда вафот этган Абу Жаъфар Муҳаммад бин Жарир Табарийнинг «Тарихи Табарий» номли бир неча жилдли асари бўлиб, 963 йилда Бухорода сомоний амирларининг саройида вазир бўлган Мир Абу Али бин Муҳаммад Балъамий форсийга қисқартиб таржима этган². Кейинчалик бу асарнинг ўзи ҳам бошқа тилларга таржима қилинган. Маъданий, Балозурий, Табарий, ибн Мискавейҳ ва бошқалар ўша даврнинг машхур тарихчилари эдилар. Мовароуннаҳрнинг маданий кишилари орасида Табарий ўз тарих китоби туфайли машхур бўлганини шу фактдан кўриш мумкин: «Сомонийларнинг Абулмалик ва Мансур деган икки амирининг атоқли вазири Балъамий Табарийнинг асарини тожик тилига қисқартириб таржима қилди. Бошқа йўқолган вариантдан қилинган бу таржима араб тилидаги сўнгги нашрларда бўлмаган бир қанча ахборотларни беради. Кўп мамлакатлардаги кишилар ҳозирга қадар Табарий асари билан Балъамий таржимаси орқали танишадилар. Қизиғи шундаки, ҳалигача ўз қимматини йўқотмаган Балъамийнинг таржима китоби ўз навбатида турк, франсуз, ҳатто, араб тилларига таржима қилинган». Бу асар «Тарихи Наршахий» номи билан машхур. Абу Наср Аҳмад бин Муҳаммад ал-Кубавий XII асрда уни қисқартиб, форс тилига таржима қилган³. 1892 йилда Парижда бу асарнинг тексти Шефер томонидан бостирилган. 1897

¹ Hamidov X.X. Tarjimashunoslik. – Toshkent: Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, 2012. – B.17

² Hamidov X.X. Tarjimashunoslik. – Toshkent: Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, 2012. – B.17

³ FA Sharqshunoslik instituti qo‘lyozmalar fondi, inv. №2110



йилда Н. С. Ликошин «Тарихи Наршахий»ни русчага таржима қилиб, академик В. В. Бартолднинг таҳрири остида Тошкентда нашр қилдирган¹. У бир неча шарқ тилларини, шу жумладан, араб тилини ўз она тилидай билгани ҳолда, юнон фалсафасини ўрганиш зарур бўлиб қолгани учун юнон тилини ҳам билиб олди. Табарий асари Бальмаий таржимаси орқали бир неча тилларга таржима этилганлиги бу таржима китобнинг нақадар машхур эканини кўрсатади. Таржима жараёнида асарга бир қанча қўшимчалар ҳам киритилиб, ҳажми анча кенгайтирилган².

XIX ва XX асрларга келиб, араб ва ноараб давлатларида синхрон таржима стратегияларига оид кўплаб таржимашунос олимлар, тадқиқотчилар ва филология фанлари бойича фалсафа докторлари ва магистрлар ўзларининг бирқанча илмий-назарий мақолалари, монографияларида ўзлашмаларга тааллуқли бўлган фикр ва мулоҳазаларини келтириб ўтишган. Россия лингвистика Университетида И.В. Микхайлович³, Г.Ч. Чернов⁴, Линн Виссон⁵, Али Дарвиш⁶, Др. Аладдин Ал-Заҳран⁷, Лағҳа Ноур Аддин⁸, Ҳала Гҳаним Моҳаммед⁹, Заинаб Алсаати¹⁰ ва бошқа муаллифларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш зарур. Улар синхрон таржима хусусиятларини ўрганиш муаммолари, шунингдек, муайян стратегия ва услублари ва фойдали жиҳатлари ва камчиликлари билан таржимон муносабатлари масалаларини тадқиқ этишди.

Синхрон таржиманинг умумий афзалликлари ва камчиликларини тавсифи: Синхрон таржима биринчи навбатда турли халқаро ва давлатлараро учрашувлар, конференциялар, семинарлар, матбуот анжуманлари ва бошқа йиғинларда кенг қўлланиладиган таржима тури ҳисобланади. Аммо, шу билан биргаликда, бугунги кунда синхрон таржиманинг бошқа кўпгина ўринларда, масалан, муайян бир тилда яратилган кинофилмларни намойиш этиш жараёнида параллел вақтда бошқа тилга ўтириш, телерадиоканаллар орқали тўғридан-тўғри берилаётган

¹ Собрание Восточных рукописей Академии наук. Том 1.

² Namidov X.X. Tarjimashunoslik. – Toshkent: Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, 2012. – B.19

³ Илюхин. В. М. Стратегии в синхронном переводе (на материале англо-русской и русско-английской комбинаций перевода), Лингвистический университет Москва – 2001.

⁴ Г.Ч. Чернов. Теория и практика синхронного перевода, издательство „Международные отношения“ Москва 1978.

⁵ Линн Виссон. Синхронный перевод с русского на английский — М.: Р.Валент, 1999

⁶ Ali Darwish. Standards of Simultaneous Interpreting in Live Satellite Broadcasts Central Queensland University UK. June 2006

⁷ Dr. Aladdin Al-Zahran: The Consecutive Conference Interpreter as intercultural mediator: The University of Salford, UK 2007.

⁸ Lagha Nour Addin. -2013 لاغة نور الدين, الترجمة الفورية في المحافل الدولية, جامعة وهران في جمهورية الجزائر 2012

⁹ Hala Ghanim Mohammed. Rendering Collocations in Arabic/English Simultaneous Interpreting University of Al- Mustansiriya Baghdad, Iraq, 2015.

¹⁰ Zainab Alsaati. Türkçede ve arapçada simultane çevirinin geliştirme yöntemleri Gazi üniversitesi Haziran, 2018.



маълум шахсларнинг чиқишлари ёки интервьюларини бир пайтнинг ўзида бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш каби ўринларда ҳам қўлланилаётганини кўришимиз мумкин. Таржиманинг барча турларида бўлгани каби, унинг анчайин қийин ва мураккаб, айти пайтда ўта масъулиятли тури бўлган синхрон таржиманинг ҳам ўзига хос афзалликлари ва чекланган жиҳатлари мавжуд. Биз санаб ўтган бу жиҳатлар юқоридаги илмий нашрларда алоҳида кўриб ўтилган ва уларнинг эчимларига ишора этилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, синхрон таржима сўзловчи (маърузачи, чиқиш қилувчи, баёнот берувчи, саволларга жавоб берувчи) нутқи билан бир вақтда амалга оширилади ва кетма-кет таржимадан фарқли ўларок, таржима учун алоҳида вақт ажратилиши талаб этилмайди ва таржима чоғида сўзловчи нутқини тўхтатишга ҳожат бўлмайди. Бу эса кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, синхрон таржиманинг куйидаги афзалликларини белгилаб беради:

1) Синхрон таржимада сўзловчининг нутқи, тингловчининг тинглаши ёки улар иштирокидаги тадбирнинг ўтказилиши учун сарфланадиган вақтнинг икки баробарга қисқаришига олиб келади.

2) Синхрон таржимада сўзловчининг нутқида узилиш ва тўхталиш юз бермаслиги сабабли, сўзловчи ўз нутқининг тингловчилар томонидан қандай қабул қилинаётганини, яъни уларнинг реакцияси ва кайфиятини кузатиш имконига эга бўлади.

3) Синхрон таржимада тингловчи ҳам узлуксиз таржима қилинаётган нутқни тинглаш жараёнида сўзловчининг кайфиятини кузатиш имконига эга бўлади.

4) Синхрон таржима сўзловчининг нутқи ёки у иштирокида ўтган тадбирнинг оммавий ахборот воситалари, хусусан электрон оммавий ахборот воситалари томонидан тезкор тарзда, жумладан, тўғридан-тўғри жонли эфирда ёритилишини таъминлайди. Яъни сўзловчининг нутқи ёки у иштирокида ўтган тадбирдан нафақат у ерда иштирок этаётган тингловчилар, балки электрон оммавий ахборот воситалари воситасида турли мамлакатлар жамоатчилиги ҳам ўша пайтнинг ўзида хабардор бўлишади¹. Синхрон таржима таржимондан нафақат юқори билим даражаси, катта тажриба ва юксак маҳорат, балки катта масъулиятни ҳам талаб қилади. Бир тилда баён этилаётган фикр ва маълумотни тўхталишсиз, шу заҳотиёк иккинчи бир тилга ўгириб бериш масъулияти синхрон таржимани бошқа таржима турларидан ажратиб турувчи яна бир муҳим жиҳати ҳисобланади. Ўз ўрнида синхрон таржиманинг ҳам камчиликлари бўлиб, уларга мутахассислар ўз асарларида уқтириб ўтганлар ва улар куйидагилардан иборат:

¹ Г.Ч. Чернов. Теория и практика синхронного перевода, издательство „Международные отношения" Москва 1978.



- синхрон таржиманинг баҳоси кетма-кет таржимага нисбатан анча баланд бўлиб, бу нархга синхрон таржимонлар хизмати тўлови ва махсус жиҳознинг ижара тўлови киради;
- тадбирнинг тематикасини бир хилда яхши билувчи минимум 2-3 нафар синхрон таржимонларни жалб этиш керак бўлади;
- синхрон таржимада юқори даражада маълумотни йўқотиш ва оз даражада маълумотнинг тингловчига етиб бориши кузатилади¹.

Қолаверса, синхрон таржима қилиш вақтида бази мураккабликлар бўлади. Ушбу элементларни турли тилларда топиш мумкин, улар қуйидагилардир: рақамлар, тегишли исмлар, мураккаб от иборалар, маданиятга хос нарсалар, идиомалар, фразеологик феъллар ва бир сўзли атамалар. Кундалик амалиётда конференция таржимонлари рақамлар билан боғлиқ баъзи қийинчиликларни тан олишади.

Араб тилидан ўзбек тилига синхрон таржима қилиш жараёнида қўлланиладиган асосий стратегиялар ҳақида ҳам кўплаб тадқиқотчилар ўзларининг бир неча ўн йиллик тажрибаларидан келиб чиқиб, бу ҳақда ўз кўрсатмалари ва маслаҳатларини бериб ўтганлар. Синхрон таржимада стратегия бу аслият тилидан таржима тилига ўгиришда хабарга ишлов беришдаги конференция таржимонига зарурий кўникма ёки маълум бир маҳоратлар тизимидир².

Синхрон таржима тадқиқотчиларининг аксарияти стратегия деганда аслият тилидан таржима тилига таржима қилишда хабарга ишлов беришдаги конференция таржимонига зарурий кўникма ёки маълум бир маҳоратларни тушунадилар.

Бакер стратегияни “Таржима стратегияси матн ёки унинг қисмини таржима қилишда дуч келадиган муаммони ҳал қилиш тартибидир”³, дея таърифлайди. Араб тилидан ўзбек тилига синхрон таржима қилиш жараёнида қўлланиладиган асосий стратегиялар асосан 3 турдаги стратегиялардир, улар Кутиш стратегияси, Олдиндан башорат қилиш стратегияси, Столлинг стратегиясидир.

Кутиш стратегияси масаласида ҳам олимлар тадқиқот олиб бориб, бу ҳақда шундай дейдилар. Синхрон таржимада таржимон бир вақтнинг ўзида бир нечта стратегиялардан фойдаланади. Одатда қарор лингвистик ва экстралингвистик омиллар таъсир қиладиган вазиятга қараб қабул қилинади. Жаҳон таржима амалиётида кутиш стратегияси кўпинча семантик феъл жумлада охириги ўринда турадиган тиллардан таржимада қўлланилади, масалан, немис, голланд ва ўзбек

¹ Г.Ч. Чернов. Теория и практика синхронного перевода, издательство „Международные отношения“ Москва 1978.

² As-Safi A.B. Translation Theories, Strategies and Basic Theoretical Issues. – Amman: Dar Amwaj, 2011.– P. 52.

³ Baker Mona. In Other Words: A Coursebook on Translation. – London: Routledge, 2005. – P. 188.



тилларида таржима қилишда. Очққ кодди дастурий таъминотда бўлгани каби, бу стратегияда таржимоннинг асосий вазифаси тўғри қарор қабул қилиш учун кенгрок контекстни олишдир. Кутиш стратегияси шундан иборатки, синхрон таржимон қисқа пауза қилади ва агар мавжуд контекстдан тўлиқ тушунарли бўлмаса, баёотнинг маъносини тўлиқ ойдинлаштириши мумкин бўлган кўшимча матн компонентларини кутади. Синхрон таржимон, агар таржиманинг вақтинчалик этишмаслиги туфайли тингловчини нокулай аҳволга солиб қўймаса, бир неча сония пауза қилиши мумкин. Бундай стратегиядан энг мақбул фойдаланиш асл нутқдаги паузалардир¹.

Таржимон асл нуханинг кенгрок контекстини олиш учун пауза қилиши мумкин. Бу маърузачи кейинги семантик гуруҳни талаффуз қила бошлаган пайтда содир бўлади. Соф психологик нуқтаи назардан, томошабинлар бу паузани сезмайдилар, чунки тингловчиларнинг эътибори олдинги сегментни таржима қилиш пайтида олинган маълумотларни қайта ишлашга қаратилган. Албатта, бундай тактикалар фақат пауза жуда узок бўлмаганда ва бир неча сония давом этганда оқланади, акс ҳолда, синхрон таржимон матни таржима қилишда ортда қолиб кетади ва тингловчига тўлиқ маъноли таржима етиб бормайди.

Ривожланиш даражаси турлича бўлган Европа давлатларини бирлаштириш масалаларига бағишланган ва ривожланмаган мамлакатларнинг Европа Иттифоқига киришининг афзалликлари ва камчиликларини муҳокама қилган Европа Иқтисодий ва Валюта Иттифоқи конференциясидан бир парча мисол келтирамыз.

The second more serious objection is that, as far as many of the poorer

Пауза П П П / иккинчи асосий муаммо - янги номзод аъзолари regions are concerned, "all things are not equal".

ЙИХ (Европа иқтисодий ҳамжамияти) иқтисодий жиҳатдан бир хил ривожланган эмас.

Тўғридан тўғри сўзма сўз таржима қилиш ва кутиш стратегиясидан унимли фойдаланилмаган таржима шакли

The second more serious objection is that, as far as many of the poorer regions are concerned, "all things are not equal".

Иккинчи жиддий эътироз шундаки, кўплаб қашшоқ ҳудудларга келсак, "ҳамма нарса тенг эмас"².

Биз бу келтирилган мисолдан шуни тушунишимиз мумкинки Таржимон, энг аввало, таржима қилинаётган воқеанинг форматини, сўзловчиларнинг

1 Baker Mona. In Other Words: A Coursebook on Translation. – London: Routledge, 2005. – P. 188.

2 И. В. Михайлович. Стратегии в синхронном переводе. – Москва – 2001. – С. 35-36.



мақсад ва мотивларини, нутқларнинг расмиятчилик ва эмотсионаллик даражасини ҳисобга олиши керак¹.

Хулоса. Демак, синхрон таржима – бу оғзаки таржима турлари орасида энг мураккаби бўлиб, мазкур турдаги таржимада махсус жиҳоздан фойдаланиб таржима амалга оширилади. Бу нотик нутқ сўзлаётган чоғида таржимоннинг уни бўлмасдан узлуксиз нутқ мазмунини тингловчиларга етказиб беришнинг оғзаки таржима усулидир. Синхрон таржима, асосан, эшитиш жараёнида сўзлай олиш кўникмаларига асосланган бўлиб, синхрон таржимондан аслият тилини ҳам, таржима тилини ҳам бир хил даражада билиш, бир пайтнинг ўзида икки тилда фикрлай олиш қобилиятига эга бўлиш талаб қилинади.

Синхрон таржимада стратегиялар мавзуи юзасидан бугунги кунгача кўплаб таржимашунос олимлар, тадқиқотчилар ва магистрлар ўзларининг бир қанча илмий-назарий мақолалари, монографияларида ўзлашмаларга тааллуқли бўлган фикр ва мулоҳазаларини келтириб ўтишган, биз буларни кўриб, ўзлаштириб олишимиз керак.

1 С.А. Колосов, Ю.А. Бабаева. Стратегии, тактики и приёмы в синхронном переводе. – г. Тверь – 2020. – С. 188.



МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК //
ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ И ТЕКСТОЛОГИЯ //
SOURCE STUDY AND TEXTOLOGY

ХУДАЙБЕРДИЕВ АЗИЗ

Тарих фанлари номзоди, доцент, ТДШУ

**Политика Италии и Великобритании в Йемене между
двумя мировыми войнами**

***Аннотация.** На основе документов Национального архива Индии, которые включают дипломатическую переписку министерства иностранных дел, министерства по делам колоний Великобритании, протоколов заседаний с грифом «секретно» в статье раскрываются особенности политики Италии и Великобритании на юге Аравийского полуострова в 20-30 годы XX века. Актуальность темы данной статьи заключается в том, что и через 100 лет, то есть в 20е годы XXI века Йемен остается объектом вмешательства внешних сил, соперничества и попытки раскола этой страны.*

В статье изучены методы, которые использовали Италия и Великобритания для расширения своего влияния на Красном море, в частности попытки привлечь на свою сторону правителя Асира Аль-Идриси и правителя Северного Йемена зейдитского имама Яхья.

Великобритания и Италия направили свои усилия на развязывание саудовско-йеменской войны, которая должна была ослабить Йемен и Хиджазо-Неджд. При этом каждая из сторон надеялась на усиление собственного влияния в бассейне Красного моря.

В статье показано, что Италия имела в Йемене определенные экономические интересы. Использование Йемена в качестве рынка сбыта итальянской продукции, выгодная торговля знаменитым йеменским кофе, монополия на продажу нефтепродуктов в Йемене и другие торговые преимущества, предоставленные имамом Яхьей взамен итальянской помощи, позволяли итальянцам получать большие дополнительные прибыли. Переориентация йеменской торговли с Адена на Массауа значительно снизила бы роль английской колонии и повысила бы значение итальянской Эритреи.

В результате исследования делается вывод, что соперничество на юге Аравийского полуострова между Великобританией и Италией, в котором правитель Северного Йемена имам Яхья увидел угрозу нового закабаления Йемена, в значительной степени способствовала избранной им политике изоляционизма, которая, с одной стороны, помогла сохранить независимость страны, но, с другой, затормозила экономический и социально-политический прогресс Йемена.

***Опорные слова и выражения:** Северный Йемен, Южный Йемен, Княжество Асир, Королевство Хиджаз и Султанат Неджд, Эритрея, остров Камаран, Фарасанские острова, Идриси, имам Яхья, Ибн Сауд.*



Аннотация. Ушбу мақолада Ҳиндистон Миллий архивидаги Буюк Британиянинг ташқи ишлар вазирлиги ҳамда мустамлака ишлари вазирлигининг дипломатик ёзишмалари, турли йиғилишларнинг “махфий”лик тамгаси босилган баённомаларини асосида XX асрнинг 20-30-йилларида Италия ва Буюк Британиянинг Арабистон ярим ороли жанубидаги сиёсатининг хусусиятлари очиб берилган. Мақола мавзусининг долзарблиги шундаки, гарчи орадан 100 йил ўтган бўлса-да, яъни XXI асрнинг 20-йилларига келиб ҳам Яман ташқи кучлар аралашуви, улар ўртасидаги рақобат ва бу мамлакатни парчалашига уринишлари объекти бўлиб қолмоқда.

Мақолада Италия ва Буюк Британиянинг Қизил денгизда ўз таъсирини кенгайтириши учун қўллаган усуллари, хусусан, Асир амирликнинг ҳукмдори ал-Идрисий ҳамда Шимолий Яман ҳукмдори – зайдийлар имоми Яҳёни ўз тарафларига жалб қилиши уринишлари масалалари ўрганилган.

Буюк Британия ва Италия ўз саъй-ҳаракатларини Яман ва Ҳижоз-Наждни заифлаштириши керак бўлган Саудия-Яман урушини бошлашига қаратди. Шунинг баробарида, томонларнинг ҳар бири Қизил денгиз ҳавзасида ўз таъсирини кучайтиришдан умидвор бўлди.

Шу ўринда Амир Темур юришларини фақат босқинчилик, истилочилик деб баҳолаган олимлар масала моҳиятига бир ёқлама юзаки ёндашганларини айтиб ўтиш керак. Соҳибқироннинг ўзига сўзсиз буйсунган ҳукмдорларни ўз мулкида қолдириб, мамлакатига зиён-заҳмат етказмаган экан, бу ерда биз «босқинчилик» ёки «ёвузлик»ни эмас, катта инсонпарварликни, бағрикенглик ва саховатпешаликни кўрмоғимиз лозим. Юқоридаги Алибек ва Ғиёсиддинга муносабат ҳам шуни исботлайди. Улар ваъдага вафосизлик қилиб, аҳдни бузганига қарамай, Соҳибқирон уларни кечириб, юксак одамийлик, олижаноблик фазилатини кўрсатади.

Амир Темур ҳарбий юришлари ва сиёсий фаолияти давомида ўз эътиқодидан қайтмагани ва ҳамиша ваъдасида қатъий турганини кўплаб мисоллар билан исботлаш мумкин. Адолат мезонларига қатъий амал қилиш, ваъдага вафо, ўз сўзининг устидан чиқиш Соҳибқирон дипломатиясидаги энг муҳим нуқталардан биридир. Бу унинг Яқин Шарқ сиёсатида айниқса яққол намоён бўлади. “Тузуклар”да айтилишича ҳамда Низомиддин Шомий, Яздий, Муиниддин Натанзийларнинг гувоҳлик беришича, Соҳибқирон ўзига итоат этиб келганларга доим марҳамат кўрсатган. Масалан, у Мозандарон ва Сабзавор ҳокимларига, Ширвон ўлкасининг ҳукмдори Иброҳим Дарбандий ва бошқа қаршилик кўрсатмасдан ўзига бўйсунган ўнлаб беклар, амирларга мурувват кўрсатган. Айниқса, муаррих Муиниддин Натанзий Амир Темур сиёсатидаги энг муҳим нуқталаридан бири бўлган ана шу инсонпарвар дипломатик усул ҳамда аҳдига вафо қилиш, сўз ва иш бирлиги ҳақида кўпдан кўп мисоллар келтиради. “Хуросоннинг жами сардорлари даргоҳга келиб қўшилган бўлишсада, Туршиз қалъаси кутволи хануз бош уришга келмаган эди... Али Садид бу метин қалъанинг мустаҳкамлигига орқа қилиб жанг қўли билан беадаблик довулини қоқди ва қайсарлик бошини манманлик ортига тортди... Али Садид биродарлари билан бирга олишув чапарини (четан тўсиқ – У.А.) ҳандақ чеккасига қўйишар ва тошлар зарбаси билан баҳодирларнинг оташ дамли қиличлари ҳамлаларини қайтариб, (ёриқни) қайтадан маҳкам қилишарди... Шундоқ қудратли подшоҳ шу тўрт деворни эгаллашга ожизлик қилди”. Узоқ қаршиликдан сўнг Али Садид таслим бўлади ва қалъа калитини ўз қўли билан Соҳибқиронга топширади. “Амир соҳибқиронга унинг сўзлари ёқиб тушди ва уни турли суюрғол ва инъомлар билан сарафроз қилди”.

“... Султон соҳибқирон... Арзурум ва Арзинжон тарафга йўналди. Арзинжон волийси Тахуртан кўпдан кўп тухфалар билан ҳазратга келиб қўшилди”. “Сўнгра биргаликда Ван ва Султон қалъалари томон йўл олишди. Малик Изиддин Шайх даргоҳга паноҳ тилаб келди... Шундан сўнг Хой ҳокими Силмос Зирак ҳам давлатпаноҳ даргоҳига юзланди ва суюрғол олди”. Айни замонда итоат этмаганлар шафқатсиз жазоланган. “Мен Мозандарон ҳокимининг итоат билдириб қилган бу мурожаатини яхшиликка йўйдим. Кейин Гилон ва Журжонга қараб йўл олдим. У





ўлкаларнинг ҳокимлари менга бўйсунмагач, қаҳрли кўшимим фавжларини уларнинг устига жўнатдим, ўзим эса Ироқ сари лашкар тортдим. Исфаҳонни забт этдим. Исфаҳон аҳолисига ишонч билдириб, қалъасини ўзларининг кўлига топширдим. Улар эса исён кўтариб, мен тайинлаган доруғани аскарларимдан уч минг одам билан бирга тифдан ўтказдилар. Мен Исфаҳон аҳолисини қатли ом қилиш ҳақида буйруқ бердим”, деб қайд этилади¹.

Амир Темурнинг Исфаҳон аҳолисига қилган қаттиқ ва шафқатсиз сиёсати тарихчилар томондан турлича талқин қилинган ва золим ҳукмдор сифатида қораланишига сабаб бўлгани маълум. Айниқса, бу ҳол шўро тарихчилигида ниҳоятда авж олдирилган эди. Аслида бу масалага ҳолислик билан қараб, объектив баҳо бериш лозим. Шунда бирёқлама хулоса чиқаришга ўрин қолмайди. Холбуки, ўтмиш тарихчилари Исфаҳон воқеасини тўғри ёритганлар. Бу хусусда Шарафиддан Али Яздий шундай ёзади: “Ҳақиқат бу турурким, ул жоҳиллар беоқибат, подшоҳ амрига бўйин кўймай, уч минг мусулмон кишини ноҳақ ўлтурдилар. Ул жиҳатдан бу ҳолатларга тегди ва мундоқ воқеъа Исфаҳонда ҳаргиз воқеъ бўлмагон турур. Ва бу воқеъа душанба куни, зулкаъда ойининг олтисида бўлуб турур”².

Исфаҳон воқеалари Ибн Арабшоҳ асарида ҳам батафсил ҳикоя қилинган: “Исфаҳонликларнинг бошлиқлари... деди: “Кеч кириши биланоқ мен ноғора ураман... Сиз ноғора овозини эшитсангиз, (менинг) гапим амалга ошган деб билинг. Шунда ҳар бирингиз ўз уйингиздаги меҳмонингизни тутиб (олиб), ўзингизни ориқ ва семиз фикрингизга биноан ҳукм юритинг. Натижада, исфаҳонликлар ушбу аксли фикрга ва бахти қора тесқари ишга иттифоқ бўлдилар. Улар ночор назарларининг ҳади бу оқибати хатарли ишларнинг фалокат келтиришини тўла тушуниб етишга қисқалик қилди. Само ўз нури либосидан жудо бўлиб яланғочлангач ва борлиқ ноғора чалиш билан (мол-дунё) йиғувчилар устига бало-кулфат ёпирилди. Исфаҳонликлар уларни ўлдирдилар, – улар олти минг чоғли киши эди – ва субҳ келганда уларнинг исёни дарахтида саркашлик бутуқлари пайдо бўлиб, бу (бутуқ)лар (уларга) серобликдан кейин ноқислик ҳосилини келтирди ҳамда уларга ўлим аён бўлиб, бу ўлимдан ҳаммалари талафот кўрди”³.

Амир Темурга нисбатан кўпдан-кўп таҳқиромуз сўзлар ишлатган ва тухматлар қилган бу олим Исфаҳонда қатл этилганлар сони 600 000 кишига етади, деб ёзадики, бу фикр асло ҳақиқатга тўғри келмайди. Бавариялик Иоанн Шильтбергер ҳам тарих ҳақиқатини сохталаштиришда Ибн Арабшоҳдан қолишмайди. Унинг ёзишича, исёнчилар олти минг аскарни

¹ Muiniddin Natanziy. Sohibqiron hayotidan lavhalar. “Jahon adabiyoti” jurnali, 2006, 4-son, B. 11-12.

² Yazdiy. O‘sha asar. – B. 115.

³ Ibn Arabshoh. Amir Temur tarixi (Temur tarixida taqdir ajoyibotlari) /So‘z boshi, arab tilidan tarjima va izohlarni filologiya fanlari nomzodi U.Uvatov tayyorlagan. Mas’ul muharrir A.O‘rinboev. I-kitob. Toshkent, “Mehnat” 1992. – B.115.



ўлдирганларидан кейин даҳшатли қатли ом содир бўлади¹. Шунингдек, Ибн Арабшоҳ ҳам, И. Шильтбергер ҳам Исфаҳонда жуда кўп гўдаклар отлар туёғи остида қолиб нобуд бўлгани ҳақида ёзадилар (И. Шильтбергер етти минг бола, деб қайд этган)².

Бошқа бирон манбада бу ҳақда маълумот йўқ. Шунинг ўзи ҳам юқоридаги мулоҳазалар Амир Темур шахси ва фаолиятини камситиш, бошқа жойларда яшаган аҳолига уни ёмон кўрсатиш, кўркув, ваҳима туғдириш мақсадида қасддан тўқилганини кўрсатиб турибди.

Амир Темур Яқин Шарқдаги ҳарбий ҳаракатлари даврида катта саркардалик маҳорати ва айнаи чоқда инсонпарварлик тамойилларини намойиш этди. У Ироқ юришига тайёргарлик кўрар экан, 80 минг отлик аскар тўплайди. Табиийки, бунча катта қўшинни бир мамлакат ҳудудида жойлаштириш ва зарур озик-овқат, ем-хашак билан таъминлаш қийин эди. Бу ҳол мазкур ҳудуд аҳолисига катта зиён-заҳмат етказиши ва турли норозиликлар туғдириши аниқ эди. Қайси ҳудудда бўлмасин, аҳоли манфаатини ўйлаш, уни ҳимоя қилиш ўз сиёсатининг асосий мақсадларидан бири эканини у яна бир карра исботлади. Шунинг учун ниҳоятда тўғри йўлни танлади. Лашкарни уч қисмга бўлиб, Ироққа қарши бирин-кетин юборишга қарор қилинди. Бу тўғри сиёсат ва оқилона дипломатик тадбир яхши натижа беради. Ироқнинг ҳар ер, ҳар ерида тўпланган ғаним аскарлари тарқалиб кетади³.

Ана шундай катта сиёсий ва ҳарбий тайёргарликлар билан пухта ўтказилган юришлардан кейин қисқа муддатда (1381–83) Хуросон, Мозандарон, Сеистон, Сабзавор бўйсундирилади. Сеистондаги мустаҳкам шаҳар – қалъалар: Зирех, Зова, Фараҳ, Буст ва бошқалар оғир жанглардан кейин таслим бўлди. 1384 йили Амир Темур Астробод ва Озарбайжонга юриш қилиб, Омул, Сори, Султония, Табриз шаҳарларини эгаллади. Бу ҳаракатлар натижасида Ҳулагу тахти Амир Темур тасарруфига ўтди. Форс вилояти шаҳзода Умаршайхга, ғарбдаги ерларнинг ҳаммаси Мироншоҳга топширилди. У “Ҳулагу тахти”нинг чинакам эгасига айланиб қолди.

Хулоса. Амир Темурнинг Яқин Шарқда юргизган сиёсати шўро тарихчилари ва айрим Европа олимлари айтганидек, фақат талончилик, қирғину қатли-омдан иборат бўлган эмас. Аксинча у тарқоқ ўзаро уруш-талашлардан боши чиқмаётган, феодал амалдорлар зулми ниҳоятда кучайиб, оддий аҳоли, фуқаро азият чекаётган ҳудудларни адолатли бошқарув тизимига бирлаштириш орқали тинчлик, осойишталик ўрнатишдек эзгу муддаони амалга оширишни асосий мақсад қилиб олган эди. Бу адолатли

¹ Shiltberger Iogann. Puteshestviye Ioganna Shiltbergera po Yevrope, Azii i Afrike s 1394 g. po 1427 g. (Шильтбергер Иоганн. Путешествие Иоганна Шильтбергера по Европе, Азии и Африке с 1394 г. по 1427 г.). Toshkent, “Sharq” NMK 1997. – S. 39.

² Ibn Arabshoh, 1-jild. – B. 117; Shiltberger I. Puteshestviye... – S. 40.

³ Temur tuzuklari. – B. 57.



сиёсат феодал тарқоқлик кучайган ана шу давр шароити учун катта ижобий ходиса ҳисобланади. Амир Темур шахсига ва фаолиятига баҳо берганда ана шу мезонга асоланиб иш тутиш лозим. Фақат шундагина тарихий адолат қарор топади. Мазкур мақолада таҳлил қилинган сиёсий воқеалар таҳлили ана шундай хулоса чиқаришга асос бўлади.

ЗОКИРОВ БЕХЗОДЖОН

таянч докторанти, ТДШУ

XIX асрда Ўрта Осиёга ташриф буюрган хориж сайёҳларининг асарларидаги топонимлар аҳоли этноижтимоий таркибини ўрганишда манба сифатида

Аннотация. Мазкур мақолада XIX асрда Ўрта Осиёга ташриф буюрган рус ва хориж сайёҳлари ҳамда давлатларнинг расмий вакиллари сафар хотиралари асосида яратилган “сафарномалар”да учрайдиган топонимларнинг Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари аҳолиси этноижтимоий таркибини ўрганишдаги ўрни таҳлил қилинган. Бизга маълумки, этнотопонимлар жой номларининг махсус тури сифатида, маълум ҳудуднинг аҳолиси таркиби ҳамда улар билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, шунингдек, анъана ва қадриятларни ўзида намоён қилади.

Этнотопонимларни маълум манбалар асосида манбаишунослик ҳамда тарихишунослик аспектида кўриб чиқиш тарихий топонимиянинг долзарб масалалиридан бири ҳисобланади. Шунингдек, тарихий жой номларини турли манбалар қиёсий таҳлил қилиш, тегишли ҳудуд аҳолиснинг этник таркиби, демографик жараёнлари ва уларга таъсир қилган омилларни кўрсатиб беради. Шу нуқтайи назардан, ушбу мақолада тадқиқ этилаётган илмий муаммо Ўрта Осиё хонликлари аҳолисининг этноижтимоий таркиби ва табақаларини минтақага оид хорижий манбалар орқали тадқиқ этиш, маҳаллий манбаларда қайд этилмаган айрим ноақниқ бўлиқларни тўлдиришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг асосий мақсади, кўрсатилган даврдаги сафарномалардаги жой номларининг Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари аҳолисининг этноижтимоий таркибини ўрганишдаги манбавий аҳамиятини эътироф этиш, уларнинг жамиятдаги нуфузини, ҳудудий идентиклиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрнини аниқлашдан иборат. Шунингдек, этнотопонимларнинг кўп қиррали тарихий манба эканлигини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг жамиятдаги ижтимоий-стратификацион ҳолатни ҳам кўрсата олишни илмий жиҳатдан асослаш ҳам назарда тутилган.

Мақолада тарихий тадқиқотларда қўлланиладиган тизимли таҳлил, даврлаштириш, муаммовий-хронологик, шунингдек, топонимик тадқиқотларда қўлланиладиган, жой номларини топонимик қатламлаштириш, генетик анализ каби тадқиқот усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижасида сафарномаларнинг умумий манба сифатидаги ўрни ва улардаги этнотопонимларнинг Ўрта Осиёдаги аҳолининг этноижтимоий таркибини кўрсатишда қўшимча манба эканлиги аниқланди. Аҳолининг этноижтимоий таркиби билан боғлиқ жой номлари тасниф қилиниб, уларнинг пайдо бўлишининг ўзига хос



жиҳатлари ҳамда уларнинг хонлик ижтимоий-иқтисодий ҳам этник тарихини ўрганишидаги назарий-амалий жиҳатлари таҳлил қилинди.

Таянч сўз ва иборалар: сафарнома, ижтимоий стратификация, хўжа, саййид, эшон, қаландарлар, дарвешлар, мурид.

Аннотация. В статье анализируется роль автопонимов в изучении этносоциального состава населения Бухарского эмирата, Хивинского и Кокандского ханств, которые встречаются в «путеводителях», созданных на основе путевых воспоминаний российских и иностранных туристов. и официальные лица, посетившие Среднюю Азию в XIX в. Мы знаем, что этнопонимы как особый вид топонимов отражают состав населения той или иной местности и связанные с ними социально-экономические процессы, а также традиции и ценности.

Рассмотрение этнопонимов с точки зрения источниковедения и историографии на основе известных источников является одним из важнейших вопросов исторической топонимики. Также проводится сравнительный анализ названий исторических мест из разных источников, этнического состава населения соответствующей местности, демографических процессов и факторов, повлиявших на них. С этой точки зрения изучаемая в данной статье научная проблема служит изучению этносоциальной структуры и слоев населения среднеазиатских ханств по зарубежным источникам в регионе, восполнению некоторых смутных пробелов, не упоминаемых в местных источниках.

Основной целью исследования является признание исходного значения топонимов в изучении этносоциального состава населения Бухарского эмирата, Хивинского и Кокандского ханств, определение их престижа в обществе, территориальной идентичности и места в социальном плане. -хозяйственная жизнь. Учитывая тот факт, что этнопонимы представляют собой многогранный исторический источник, она также призвана дать научное обоснование их способности отражать социально-стратификацию общества.

В статье использованы такие методы исследования, как систематический анализ, хронологический, проблемно-хронологический, а также топонимическая стратификация, топонимическая стратификация топонимов, генетический анализ, используемые в исторических исследованиях.

В ходе исследования установлено, что роль путевых заметок как общего источника и этнопонимов в них являются дополнительным источником в отражении этносоциального состава населения Средней Азии. Были классифицированы топонимы, связанные с этносоциальной структурой населения, проанализированы особенности их происхождения и теоретические и практические аспекты их изучения в социально-экономической и этнической истории ханства.

Опорные слова и выражения: Путешествие, социальная стратификация, ходжа, саййид, эшон, каландар, дарвиш, мурид.

Abstract. The state analyzes the role of autonoms in the study of the ethno-social composition of the population of the Emirate of Bukhara, the Khiva and Kokand khanates, which are found in the "guides" created on the basis of the travel memories of the Tursi Yussi and officials who visited Central Asia in the 19th century. We know that ethnotoponyms, as a special type of toponyms, reflect the composition of the population of a particular area and the socio-economic processes associated with them, as well as traditions and values.



Consideration of ethnotoponyms from the point of view of source studies and historiography on the basis of well-known sources is one of the most important issues of historical toponymy. A comparative analysis of the names of historical places from different sources, the ethnic composition of the population of the corresponding area, demographic processes and factors that influenced them is also carried out. From this point of view, the scientific problem studied in this article serves to study the ethno-social structure and strata of the population of the Central Asian khanates according to foreign sources in the region, to fill in some vague gaps not mentioned in local sources.

The main purpose of the study is to recognize the initial value of toponyms in the study of the ethno-social composition of the population of the Emirate of Bukhara, the Khiva and Kokand khanates, to determine their prestige in society, territorial identity and place in social terms. - business life. Given the fact that ethnotoponyms are a multifaceted historical source, it is also intended to provide a scientific justification for their ability to reflect the social stratification of society.

The article uses such research methods as systematic analysis, chronological, problem-chronological, as well as toponymic stratification, toponymic stratification of toponyms, genetic analysis used in historical research.

The study found that the role of travel notes as a common source and ethnotoponyms in them are an additional source in reflecting the ethno-social composition of the population of Central Asia. The toponyms associated with the ethno-social structure of the population were classified, the features of their origin and the theoretical and practical aspects of their study in the socio-economic and ethnic history of the khanate were analyzed.

Keywords and expressions: *Travel diary, social stratification, khoja, sayyid, eshon, qalandar, dervish, murid.*

Кириш. Бизга маълумки, жамиятдаги шахслар ўзларининг ижтимоий келиб чиқиши, машғулоти ва ўзи яшаётган ҳудуддаги обрў-эътибори ҳамда нуфузига кўра маълум ижтимоий табақаларга бўлинади. Айни пайтда жамиятдаги табақалар ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, жамиятнинг ривожланиши ва таназзули улар ўртасидаги муносабатларга боғлиқдир. XIX аср Ўрта Осиёдаги Бухоро, Хива ҳамда Қўқон хонликларида ҳам аҳолининг турли ижтимоий қатламлари мавжуд бўлиб, манбаларда уларнинг келиб чиқиши, жамиятдаги мавқеи ва уларнинг ҳуқуқ имтиёзлари ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. Хусусан, ушбу даврга оид манбаларга назар ташлайдиган бўлсак, минтақадаги иштимоий ҳолатни кўрсатувчи ўзига хос белгилардан бири тарихий топонимлар бўлиб, улар орқали ёзма маълумотларда сақланиб қолмаган аҳолининг этноиштимоий стратификациясига оид кўплаб маълумотларни олишимиз мумкин. Биз қуйида минтақага ташриф буюрган рус ва хориж сайёларининг асарларидаги аҳолининг этноижтимоий ҳолати билан боғлиқ айрим жой номларини таҳлил қиламиз.

Тадқиқот объекти ва методлари. Мақолада XIX асрда Ўрта Осиёга ташриф буюрган рус ва хориж сайёҳларининг сафар хотиралари, кундаликлари ва улар юзасидан нашр қилинган асарлар умумий ном билан “сафарномалар”



деб олинб, улардаги ижтимоий стратификацион ҳолатни кўрсатувчи жой номлари тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди. Ушбу жой номларининг минтақа ижтимоий тарқибини ўрганишдаги аҳамиятини кўрсатишда тарихий тадқиқотларда қўлланиладиган тарихий-хронологик ва қиёсий таҳлил ҳамда тизимли ёндашув, шунингдек, топонимик тадқиқотларда топонимик қатламлаштириш каби усулларидан фойдаланилди.

Муҳокама ва натижалар. XIX аср Бухоро амирлиги, Хива ҳамда Қўқон хонликларидаги аҳолини этноижтимоий таркибида ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мавжуд бўлиб, уларни шаклланиши асосан аҳолининг келиб чиқиши, мулкий муносабатлари, шуғулланаётган машғулотларига боғлиқ ҳисобланган. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар минтақа аҳолиси ижтимоий ҳуқуқ ва мажбуриятларга кўра, шартли равишда умумий “сипохий”, “уламо”, “раият” каби табақаларга бўлинганлигини кўрсатади [Махкамова, 236.; Нормуродова, 218.]. Бунда аҳоли таркибини оксуяклар (саййид, хўжа, эшонлар); уруғдорлар (ўз уруғига эга ўзбеклар); шогирпеша (тожик, форслар) ва муллалар (ўқимишли кишилар) каби умумэътироф этилган – ҳуқуқий омилни эътиборга олиш асосида бўлиш қабул қилинган. Ушбу таркиблар ўзининг нуфузи ва амалидан фойдаланган ҳолда хонликларидаги кўплаб имтиёзлар, масалан, молк-мулк, ер, яшаш жойининг яхши шароитда бўлишига эриша олган. Бу жиҳатлар жой номларида ҳам акс этиб, асосан шаҳар ҳудудларида юқори табақа ва аслзодалар ҳисобланган *хўжа*, *саййид*, *эшонлар* билан боғлиқ жой номлари кўпроқ учрайди. Хусусан, Бухоро амирлигига ташриф буюрган сайёҳларининг сафарномаларида шаҳарда кўплаб “хўжа” номи билан боғлиқ этнотопонимлар қайд этилган [Мейендорф, 1975; Демезон, 1983; Хаников, 1851]. Бу каби топонимлар турли хил тарихий объектларни номлаб келиб, улар карвонсаройларнинг; *Хўжа жўйбор*, *Саройи Исмоил Хожа*, *Хўжа*; қабристонларнинг: *Хўжа табанд*, *Хўжа Нуробод*, *Хўжа Булгар*, *Хўжа Турки жанди*, *Эшон Хўжа Худайдод*, *Хазрати Эшан Домла*, *Хазрати Эшон Хабибулла*, *Хўжаасп гардан*; ҳовузларнинг: *Подшоҳўжа ҳовузи*, *Хўжа Булгар ҳовузи*, *Хўжа Зайниддин ҳовузи*, *Хўжа Калон ҳовузи*, *Хўжатобон ҳовузи*, *Биби Халифа ҳовузи* номлари сифатида топонимик истеъмолда бўлган. Шунингдек, XIX асрнинг 60-80 йилларида Бухоро амирлигига ташриф буюрган рус сайёҳлари ва Чор Россиясининг ҳарбий маъмурлари томонидан ўлкани тадқиқ этиш давомида *хўжа*, *саййид эшон* каби сўзлардан шаклланган кўплаб этнотопонимлар, нафақат, йирик шаҳарлардаги объектлар номида, балки, кичикроқ қишлоқлар номида ҳам учрашини мумкинлиги қайд этилди. Жумладан, А.П.Хорошхиннинг сафарномасида Зарафшон округининг Каттақўрғон бўлимида *Ёдгорхўжа*, *Мўминхўжа*, *Хўжақўрғон*, *Муллахўжа*, *Бўронжўжа*, *Қаландархўжа*, *Турсунжўжа*, *Таваккалхўжа*, *Хўжа карсан*, *Хўжа латиф* каби “хўжа” номи билан боғлиқ ҳамда *Эшонли*, *Эшонбоши*, *Эшонмозори* каби “эшон” номи билан боғлиқ



этнотопонимлар, яъни қишлоқ номлари қайд этилган [Хорошхин, 242-254]. Умуман олганда, “Хўжа” сўзи аслида форсча “катта бошлиқ” маъносини билдирса-да, турли даврларда ўзига хос маъноларни англадиб, асосан келиб чиқиши араблар ҳамда ислом динига боғланади. Лекин, хўжалар авлоди арабларнинг айнан қайси этник бирлиги ёки қавмидан эканлиги масаласида ҳозиргача яқдил фикр ва тугал илмий хулоса мавжуд эмас. Айрим тадқиқотчилар, уларни тўғридан-тўғри араб қавмлари билан боғласа, бошқаларининг фикрича, хўжалар Ўрта Осиёни босиб олган араб лашкарбошиларининг авлодларидир; яна бир қараш ҳам борки, унга кўра хўжалар араб халифалигидаги тўрт халифадан бири ёки бевосита пайғамбар авлодлари ҳисобланади [Загряжский; 153]. А.А.Семёновнинг тадқиқотлари учинчи қарашни, қўллаб қувватлайди. Хусусан, олим термизлик саййидларни тадқиқ этар экан, унга кўра саййидлар хўжаларнинг юқори нуфузга эга вакиллари бўлиб, улар тўғридан-тўғри пайғамбар авлодлари саналади [Семенов; 20].

Манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, турли даврларда хўжа, саййид ва эшонларнинг иштимой мавқеи ҳар хил динамикага эга бўлиб, бу жамиятдаги диннинг ўрни билан боғлиқдир. Шарқшунос олим Н.Хаников Бухоро амирлиги давлат бошқарувида, насабли табақага мансуб хўжаларнинг икки йирик хонадони – Хўжа Саййид Ота ва Хўжа Ислом Жўйборий нуфуз жиҳатдан қолганлардан устунлигига диққат қаратади [Хаников, 182]. Айни пайтда хонлиқлар даврида пайтда жамиятда уларга берилган имтиёзларнинг кўплиги учун хўжалардан эканлигини даво қилувчилар кўпайиб кетади. Бунинг натижасида уларни ўз шажараси насабномасига эга бўлиши шартлиги уларнинг нуфузини янада ортишига сабаб бўлди. Мансабдор саййидлар насабига мувофиқ “сиёдатпаноҳ” (саййидлар шанининг ҳимоячиси), хўжалар эса “исолатпаноҳ” (олий насаб ҳимоячиси) унвонлари билан юритилган [Нормуродова; 72]. Шунингдек, Жанубий Сурхон воҳасининг этник таркибини ўрганган Н.Н.Турсуновнинг фикрича, ҳудуддаги аҳоли хўжаларни икки гуруҳга: мурид овлайдиган хўжалар ва мурид овламайдиган хўжаларга бўлишган [Турсунов; 29]. Айни пайтда мурид овлайдиган хўжаларни “эшонлар” деб ҳам аташган бўлиб, Х.Вамберининг фикрича, *эшонлар*-мусулмон жамоасининг бошлиғи, мураббийси сифатида сўфийлик оламида диний раҳнамолар ҳисобланишган [Вамбери; 87]. Ушбу аҳоли гуруҳлари халқнинг ичида ўзига хос обрў ва эътиборга эга бўлиб, кўплаб ижтимоий-иқтисодий имтиёзларга эга эди. Айниқса, маҳаллий аҳоли орасида кимки бирор эшоннинг муриди бўлмаса, демак, у мусулмон эмас, деган ўзига хос тушунчанинг мавжудлиги амирлик ҳудудида уларнинг ўзига хос ўринга эга бўлганлигидан далолат беради. Кейинчалик хўжа ва эшон сўзларининг ижтимоий-сиёсий маъноси унутилгач, улар этник атама ва маълум кишилар гуруҳларининг умумий номига нисбатан ишлатила бошланди ёки жой номларида сақланиб қолди.



Ўрта Осиё хонликларида ўрта ва қуйи табақага мансуб бошқа аҳоли гуруҳлари мавжуд бўлиб, улар нуфузи жиҳатидан хўжа, саййид ва эшонлардан нисбатан қуйи ўринда турганлигини уларнинг яшаш жойи, улар эгалик қилган ижтимоий-тарихий объектлар орқали билиб олиш мумкин. Хусусан, Зарафшон водийсини ўрганган И.Вирский ва Н.Ситянковскийларнинг тадқиқотларида *Қаландар, Қаландархўжа, Беклар, Бойлар, Работи Фозиён, Дарвишан* каби жой номлари қайд этилан бўлиб, улар турли туман қишлоқларни номлаб келган [Вирский, 1876; Ситянковский 1900]. Шунингдек, XIX асрнинг 80 йилларида Ўрта Осиёга ташриф буюрган америкалик сайёҳ Ю.Скайлер Самақанддаги Мулла дарвозаси яқинида *Қаландархона* номли бир неча масжид ва қатор хужралардан иборат маҳаллада бўлганлиги кундаликларида қайд этиб ўтади [Schuyler, 257]. Унинг қўшимча қилишича, ушбу маҳаллада асосан шаҳарларда тиламчилик қилиш рухсат берилган, лекин ибодат қилиш ман этилган бир неча дарвеш жамоалари ва қаландарлар истиқомат қилган. Ҳ.Вамберининг қайд этишича, Хивадан 2 мил узоқликда ҳам *Қаландархона* номли қишлоқ учрайди [Vambergy, 146]. Шунингдек, муллийнинг қўшимча қилишича, Хивадаги *Қаландархона* қишлоғи худди Қўқондаги ушбу номдаги қишлоқ билан деярли ўхшаш бўлиб, ҳар иккаласи нисбатан кичикроқ бўлган дарвешлар жамоаси истиқомат қиладиган аҳоли маскани эди. Шунингдек, Г.Лансдейл Қўқон хонлигига сафари чоғида, Марғилонда Қўқонга қайтишда йўлда *Девона* қишлоғидан ўтганлиги ҳақида ёзади. Унинг айтишича, ушбу қишлоқ бир неча ҳароба кулбалардан иборат бўлиб, унинг номланиши бу ерда истиқомат қиладиган дарвеш ва девоналарга мосдир [Lansdell, 269].

XIX асрда Ўрта Осиёга ташриф буюрган рус ва хориж муаллифларининг асарларидаги жой номларининг умумий қатламида аҳолининг ижтимоий ҳолатини кўрсатувчи жой номлари маълум тарихий жараён натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкинлиги диққатга сазовордир. Хусусан, Г.И.Данилевскийнинг қайд этишича, Хивадан Ҳазораспга кетиш йўлида, Хивадан 22 верст узоқликда *Биветень (Беватан)* қишлоғи жойлашган [Данилевский, 115]. Бизга маълумки, беватан – Хива хонлигидаги давлат ерларини ижара олиб деҳқончилик қилувчи қатлам бўлиб, улар хонликнинг турли ерларида яшаганлар. XIX аср давомида Хива хонлари томонидан кўплаб беватанларга Шохмурод ва Хонобод канали бўйларидан ерлар ажратилганлиги натижасида, уларнинг хонлик бўйлаб катта-кичик қишлоқлари вужудга келади. Хивадаги қаровсиз ерларни ўзлаштиришда ушбу аҳоли қатлампидан фойдаланиш натижасида, ўзлаштирилган ҳудудларда уларнинг номи билан боғлиқ жой номларининг пайдо бўлиши айнан маълум бир даврдаги тарихий жарёнга боғлиқ равишда пайдо бўлган.

Хулоса ва гипотезалар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, сафарномаларда келтирилган бу каби жой номлари гарчи соф этнопоним бўлмасада, маълум бир ҳудуддаги



аҳолининг умумий ижтимоий ҳолатини кўрсатганлиги учун нисбий этнотопоним сифатида қабул қилинади. Бу каби жой номлар хонлик шаҳарларидаги кўплаб аҳоли масканларини номлаб келиб, улар худуднинг ижтимоий-тарихий топографияси, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги тутган ўрни ҳамда нуфузини ҳам маълум маънода ифодалайди. Аҳолининг иштимойий мақейига дахлдор этнотопонимларда бой бадавлат, ҳукмрон табақа ва жамиятнинг нуфузли қатламига дахлдор одамлар гуруҳининг номи асосида пайдо бўлган *Саййидлар*, *Хўжсалар*, *Беклар* каби этнотопонимлар асосан ўзлари томонидан, қуйи табақага мансуб этник бирликлар номлари асосида пайдо бўлган *Қаландарлар*, *Беватан*, *Дарвишан* каби жой номлари эса юқори табақа вакиллари томонидан берилиб, жамиятдан алоҳидалаш, менсимаслик каби маъноларни унсурларни ифодалаган. Шунингдек, *Беватан*, *Чорикор*, *Жармиш* каби жой номлари ҳам аҳолининг ижтимоий ҳолатига ишора қилиб, улар маълум тарихий даврдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар натижасида вужудга келган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975. –С. 183.
2. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П. И. Демезона и И. В. Виткевича). – М.: Наука, 1983. – С. 154.
3. Махкамова Н.Р. Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX в. – 30 –е годы XX в.). –Ташкент: Aloqachi, 2009. –С. 236
4. Махкамова Н.Р. Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX в. – 30 –е годы XX в.). –Ташкент: Aloqachi, 2009. –С. 236
5. Хорошхин А.П. Сборникъ статей касающихся до Туркестанского края. - Спб., 1876. –С.533.
6. Хаников Н.В. Описание Бухарскаго ханства. – СПб., 1843. – С. 286.
7. Загряжский Г.Ю.Юридические обычаи киргиз, о различных родах состоянийи о правах, ими присвоенных//Материалы для статистики Туркестанскаго края. Вып. 4. –Спб., 1876. -С.153
8. Семенов А.А. Происхождения Термезских сейидов и их древняя усыпальница “Султан Садат.”//ПТКЛА. Т. XVIII. -Москва, 1914. –С. 342.
9. Турсунов Н.Н. Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг этник хусусиятлари. тар. фан. ном. дисс... –Тошкент, 2007. –С. 202.
10. Vambery A. Travels in Central Asia. –London, 1864. –P. 443.
11. Вирский И. Статическая сведения о Зерафшанскомъ округ: этнографический, сельско-хозяйственный и общесословный составъ населения округа за 1872 годъ.//Турк сборник. Том 123. –Спб, 1876. –С. 333-434.;



12. Ситянковский Н.Ф. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана//Известия Туркестанского отдела ИРГО. Томъ I, выпускъ II. – Ташкент: Типо-литография Бр. Порцевыхъ, 1900. –С. 121-314.
13. Eugene Schuyler. Turkistan notes of journey in Russian Turkistan, Khokand, Bukhara, and Khuldja. New York, 1876. –P. 411.
14. Henry Lansdell. Russian Central Asia (including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv). Vol. 1. –London. 1885. –P. 687.
15. Данилевский И. Описание Хивинскаго ханства. -Санкт-Петербургъ, 1851. –С. 94.

МАВЛАНОВ ИБРАГИМ

иқтисод фанлари доктори, профессор, ЖИДУ

Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистонда давлатни иқтисодий бошқариш тизимининг айрим жиҳатлари

Аннотация. Мақоланинг асосий мақсади - Бобур ҳукмронлигидан бошлаб Аврангзеб ҳукмронлиги тугагунга қадар бўлган даврда Бобурийлар сулоласининг давлатида иқтисодиётни бошқариш тизимининг ўзига хос жиҳатларига оид айрим тадқиқот материалларни тақдим этишидан иборат. Тадқиқот методологияси чет эл олимларнинг илмий асарлари, уларнинг монографиялари, ўқув мақолалари ва бошқа манбаларни ўрганишига асосланган. Тадқиқотимизга бундай ёндашувнинг аҳамияти шундаки, Бобурийлар сулоласига оид кўплаб хорижий илмий асарларда ўша давр иқтисодиётига оид бой архив маълумотлари мавжуд бўлиб, улар ҳали кенг тарқалган эмас еди. Мақолада Бобур салтанатигача бўлган Ҳиндистон иқтисодиётининг аҳволига еътибор қаратилди. Бобурийлар сулоласи давридаги давлатнинг иқтисодий тизими муаллиф томонидан ўрганилиб, ушбу мақолада қуйидаги йўналишларда баён этилган: даромад тизимлари, деҳқончилик ривожланиши, қишлоқ аҳолисининг аҳволи, ерга давлат ва хусусий мулкчилик ҳолати, ҳунармандчилик ва судхўрликни ривожлантириши, ички иқтисодий сиёсатни шакллантириши ва савдони ривожлантириши. Мақолада муаллиф ўша даврда Ҳиндистон иқтисодиётида, айниқса, қишлоқ жамоаси мураккаб тузилма бўлганлигини қайд этади. Қишлоқ ҳудудини бошқариш тизими, ер егалари, ҳунармандлар ва маҳаллалар ҳуқуқлари, қишлоқ хўжалиги ерларидан солиқ ундирилишини назорат қилиш тизими қайд этилган. Муаллиф илмий тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат: Бобурийлар сулоласи бошқарувининг барча маъмурий ва иқтисодий тизими давлатни ривожлантиришига қаратилганлигини кўпгина тадқиқотлар тасдиқлади, Ҳиндистондаги ва хориждаги илмий адабиётлар ва ҳужжатларнинг барчаси Бобурийлар сулоласи давлатининг қудратини ҳамда самарали бошқарилганлигини кўрсатди ва Бобурийлар сулоласининг давлат ва иқтисодиётни бошқариш тизими ҳали ҳам ўзида кўп сиру асрорларни сақлаб қолмоқда.

Таянч сўз ва иборалар: Ҳиндистон иқтисодиёти, Бобурийлар сулоласи, Бобурийлар давлати, Ҳумоюннинг бошқаруви, Акбаршоҳнинг бошқаруви, Жаҳонгирнинг бошқаруви, Шоҳ Жаҳон бошқаруви, Аврангзеб бошқаруви.



Аннотация. Основная цель статьи – изложить некоторые материалы исследований особенностей системы экономического управления в государстве династии Бабуридов в период от правления Бабура до конца правления Аврангзеба. Методология исследования основана на изучении научных трудов зарубежных ученых, их монографий, учебных статей и других источников. Важность такого подхода была основана на том, что многие зарубежные научные труды по династии Бабуридов приводят богатые архивные данные по экономике того периода, которая пока не была широко доступна. В статье обращено внимание на состояние экономики Индии до правления Бабура. Экономическая система государства в период правления династии Бабуридов была исследована автором и изложена в настоящей статье по следующим направлениям: системы доходов, развитие сельского хозяйства, положение сельского населения, состояние государственной и частной собственности на землю, развитие ремесла и ростовщичества, формирование внутренней экономической политики и развитие торговли. В статье автор отмечает, что в то время в экономике Индии особенно сельская община представляла собой сложную структуру. Отмечается система управления сельской территорией, права землевладельцев, ремесленников и общины, система контроля сбора налогов с сельхозугодий. Основные результаты научного исследования автора сводятся к следующему: многочисленные исследования подтвердили, что вся административная и экономическая система династии Бабуридов направлена на развитие государства; вся научная литература и документы в Индии и за рубежом демонстрируют мощь и эффективное управление династии Бабуридов и государства и подтверждает, что экономическая система династии Бабуридов до сих пор хранит много тайн.

Опорные слова и выражения: экономика Индии, династия Бабуридов, государство Бабуридов, правление Хумаюна, правление Акбаршаха, правление Джахангира, правление Шаха Джохана, правление Аврангзеба.

Abstract. The main purpose of the article is to present some research materials on the features of the economic management system in the state of the Baburid dynasty during the period from the reign of Babur to the end of the reign of Aurangzeb. The research methodology is based on the study of scientific works of foreign scientists, their monographs, educational articles and other sources. The importance of this approach to our research was based on the fact that many foreign scientific works on the Baburid dynasty provide rich archival data on the economy of that period, which was not yet widely available. The article drew attention to the state of the Indian economy before the reign of Babur. The economic system of the state during the reign of the Baburid dynasty was studied by the author and described in this article in the following areas: income systems, agricultural development, the situation of the rural population, the state of state and private ownership of land, the development of crafts and usury, the formation of domestic economic policy and development trade. In the article, the author notes that at that time in the Indian economy, especially the rural community was a complex structure. The system of management of the rural area, the rights of landowners, artisans and the community, the system of control over the collection of taxes from agricultural lands are noted. The main results of the author's scientific research are as follows: numerous studies have confirmed that the entire administrative and economic system of the Baburid dynasty is aimed at the development of the state; all scientific literature and documents in India and abroad demonstrate the power and effective management of the



Baburid dynasty and the state and confirms that the economic system of the Baburid dynasty still holds many secrets.

Keywords and expressions: *Indian economy, Baburid dynasty, Baburid state, Humayun's rule, Akbarshah's rule, Jahangir's rule, Shah Jahan's rule, Avrangzeb's rule.*

Кириш. Ҳиндистондаги Бобурийлар сулоласи меросини ўрганиш, уни тадқиқ этиш масаласи ҳамон ҳиндшунос ва шарқшунос олимларнинг диққат марказида турган долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунга келиб, Ҳиндистоннинг ўзида ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларида, хусусан Ўзбекистонда юқоридаги масалалар бўйича кўплаб илмий ишлар қилинганга қарамай, ҳали ҳам чуқур илмий тадқиқотларни, янги ёндашувларни талаб этадиган масалалар ва йўналишлар ўз ечимини топмай қолмоқда. Бу каби йўналишлардан бири Бобурийлар давлат бошқарув тизими, иқтисодиёт, савдо-сотиқ ва бошқарув билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни тадқиқ этишдир. Бизнинг тадқиқотимизда Бобур сулоласининг куйидаги олти буюк ҳукмдорларнинг бошқарув иқтисодий тизимининг хусусиятларини аниқлаш муҳим еди: Бобур (1526-1530йй), Ҳумоюн (1530-1540йй, 1555-1556йй), Акбар (1556-1605йй), Жаҳонгир (1605-1627йй), Шох Жаҳон (1628-1658йй) ва Аурангзеб (1658-1707йй).

Мақсад: Ушбу мақоланинг мақсади Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласининг иқтисодий бошқарув тизимини иложи борида чуқурроқ аниқлаш ва ўрганишга уриниш еди. Шу нуқтаи назардан, мазкур мақолада Бобур ҳукмронлигидан бошлаб Аврангзеб ҳукмронлиги тугагунга қадар бўлган даврда Бобурийлар давлатида иқтисодиётини ва савдо-сотиқни айрим ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқишга ҳаракат қилдик.

Усуллар: Тадқиқот методологияси асосан чет эл олимларнинг илмий асарлари, уларнинг монографиялари, ўқув мақолалари ва бошқа манбаларни ўрганишга асосланган. Тадқиқотимизга бундай ёндашувнинг аҳамияти шундаки, Бобурийлар сулоласига оид кўплаб хорижий илмий асарларда ўша давр иқтисодиётига оид бой архив маълумотлари мавжуд бўлиб, улар ҳали кенг тарқалган эмас еди.

1. Бобурийлар ҳукмронлиги арафасида Ҳиндистон иқтисодиёти. Профессор Музаффар Аълам (Ж.Неру университетининг тарихий тадқиқотлар маркази, Дехли) ва Санжай Субраманьям (Ижтимоий фанларни тадқиқ этиш олий мактабининг фан бўйича директори, Париж)¹, шунингдек Бамбер Гасконь² айтиб ўтадиларки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳиндистонга келиши арафасида бу ерда феодал мулкчиликнинг ўзгартирилган шакли, яъни ерга давлат мулкчилиги кучайган эди, ундан тушган даромадлар саройни, мансабдор шахслар ва аскарларни таъминлаб

¹ The Mughal State 1526-1750. Edited by Alam Muzaffar, Subrahmanyam Sanjay. – New Delhi: Oxford University Press, 2000. – P.1-75.

² Gascoigne B. The Grate Moghuls. – London: Robinson, 2002. – P.1-32.



туриш учун сарфланарди. Ер солиғининг ҳажми ва шаклини (натурал ёки пул) давлат аниқлар эди. Давлат ерларининг асосий қисми шартли равишда хизмат учун мукофот тарзида тарқатилар эди. Давлатдан ер олган ҳар бир бундай оила давлат қўшинига аскар бериши керак эди.

Профессор С.Босворс (Манчестер университетининг Яқин Шарқ тадқиқотлари кафедраси) ўз тадқиқотларида ва сўнгги ишида айтиб ўтадики, Деҳли султонлигида шундай хусусий ер эгалари тоифаси мавжуд эдики, улар ўз ерларини деҳқонларга эркин ажратиб берар ва одатда давлатнинг аралашувисиз рента олар эдилар.¹ Ҳиндистон давлати хазинани юқори даромадлар билан таъминлайдиган, ўз навбатида солиқ тўловчи ер эгаларини хонавайрон бўлишига йўл қўймайдиган солиқ даражасини аниқлашга ҳаракат қилар эди. Деҳли султонлиги даврида мамлакатнинг аста-секин, лекин тўхтовсиз ривожланиши давом этарди, аҳолининг ўсиши, ўрмонларни экин майдонларига айлантириш шундан далолат берар эдики, янги қишлоқлар пайдо бўлар, ерга янада астойдил ишлов бериш қўлланила бошланган эди. Кўпгина ҳайдалган ерлар суғорилмас, ҳосил олиш-олмаслик муссонга боғлиқ эди. Сув чархпалак ёрдамида қудуқдан олинар, лекин қудуқ сувининг сатҳи эса ёмғир миқдорига боғлиқ эди. Деҳли ҳукумати суғориладиган ерлар ҳажмини ошириш учун чоралар кўрар эди. Деҳли атрофида Ҳовузи Шамси ва Ҳовузи Хас номли катта сув омборлари барпо этилди. Ферузшоҳ ҳукмронлиги даврида Сатлеж ва Жамна дарёларидан 180-200 км. масофани ташкил этувчи суғориш каналлари қурилди ва анчагина ер майдонлари сув билан таъминланди.

Ҳиндистоннинг қулай иқлими йилига икки марта – *ҳариф* (кузги) ва *раби* (баҳорги) ҳосил етиштиришга имкон берарди. Баъзи бир суғориладиган ерларда ҳатто учинчи ҳосилни йиғиштириб олиш мумкин эди. Асосий дон экинларидан тарик, буғдой, арпа, гуруч (21 та нави бор эди), нўхатнинг турли навлари ҳамда поллиз экинлари ва меваларнинг кўпгина турлари, шунингдек, шакарқамиш, зайтун каби экинлар мавжуд эди. Газмол бўяшда ишлатиладиган индиго дарахти учун ҳайдалган ерлар, шунингдек ипак қуртини боқиш учун тут дарахтларини ўтқозиш ишлари ортиб борди.² Деҳли султонлигида қишлоқ ва шаҳар хунармандлари, асосан тўқувчилар, қуролсозлар, мисгарлар, шунингдек қурувчи-тоштарошлар, ғишт терувчилар ва шу каби бошқа хунармандларнинг сони ошиб борди. *Корхона* - деб аталувчи йирик хунармандчилик устахоналари барпо этилди.

2. Бобурийлар давлатининг иқтисодий тизими. Тарих фанлари профессори Жон Ричардс (Duke University) айтиб ўтадики, “Бобурийлар давлати 200 йилга яқин давр мобайнида ривожланган ва марказлашган давлат бўлган эди. Давлат, иқтисодиёт, қўшиннинг ташкилий тизими,

¹ Islam R., Bosworth C.E. The Delhi Sultanat / History of Civilizations of Central Asia. Volume IV. Part One. Ed. Asimov M.S. and Bosworth C.E. – Paris: UNESCO, 1998. – P.279-292.

² Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.2-5.



худуднинг кенгайиши узокни кўра биладиган ва малакали бошқарувга асосланган бўлиб, императорлар ва уларнинг маслаҳатчиларининг марказлашган назорати остида эди”.¹ Профессор Апендра Дей ҳам таъкидлайдики, “Бобурийлар давлатининг маъмурий бошқарув тизими, ҳам марказда, ҳам жойларда самарали ташкил қилинган эди. Иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва савдо-сотик эса ривожланаётган бўлиб, уларни бошқариш самарали олиб борилар эди”.² 1561 йили Мальва ва 1687 йили Голконда Акбар ва Декан ҳудуди Аврангзеб томонидан босиб олинганидан кейин Ҳиндистонда Бобурийлар давлати жуда катта заҳираларга эга бўлди. Ҳар бир мағлуб бўлган ҳукмдорлар ҳисобидан қўшинни сақлаш учун сарфланадиган харажатларни қоплашга етадиган миқдорда маблағ олинарди. Қишлоқ хўжалиги ва савдо-сотикдан солиқ ундириш орқали олинган одатдаги даромадлар Бобурийлар давлати хазинасига тушар эди. Ушбу даромадлар урушлар ва қўшин таъминоти учун сарфланиши керакми ёки маъмуриятнинг кундалик харажатлари учун сарфланиши керакми деган масалада ҳеч қандай муаммо бўлмасди. Бобурийлар давлати ўз иқтисодиётини фақат ўз ресурсларидан молиялаштирар эдилар. Тасодифий камомад пайдо бўлиш эҳтимоли жуда кам эди, чунки марказий хазинада ғоят катта олтин ва кумуш заҳираси бор эди. Европа қиролларидан фарқли ўлароқ, Бобурийлар сулоласи ва уларнинг хазинаси хусусий молиячилар қарзига боғлиқ эмас эди.³

Даромадлар тизими. Бобурийлар давлати молиявий тизимининг асосини даромадлар ташкил этар эди, бу тизим қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш ва шаҳар савдо сотиғини солиққа тортишга асосланарди. *Халиса (Khalisa)* - давлат хазинаси учун даромад йиғувчилар ва *жагирдорлар (jagirdars)* - феодал мулкчилиги учун солиқ йиғиш бўйича агентлар ҳар йили тўлаш йўли билан мис ва кумуш тангада мунтазам тўловларни йиғар эдилар.⁴

Акбар ва Аврангзеб бошқаруви оралиғида давлат даромади икки баробардан ҳам кўпроққа ошди. Умумий даромад - шаҳар солиғининг 1/10 ва ердан олинадиган даромаднинг 9/10 Акбар бошқарувининг сўнгги йилларида 5834,6 млн. дамдан⁵, Аврангзеб бошқарувининг охиригача, яъни 1709 йилда 13339,9 млн. дамгача ошди. Бу бойликларнинг бир қисми янги худудларни босиб олишдан, қолган қисми эса солиқ божини ошириш

¹ Ўша манба. – Б.1.

² Day U.N. The Mughal Government: Ad 1556-1707. – New Delhi: Munshiram Manoharlal Publishers Pvt. Ltd., 1994. – P.X-XVI.

³ Richards J.F. Mughal State Finance and the Premodern World Economy // Comparative Studies in Society and History, № 23, 1981– P.285-307.

⁴ Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.185.

⁵ Дамс - оғирлиги 21 граммли мис танга, Акбар-шоҳ зарбхонаси томонидан чиқарилиши давом этарди.



ҳисобидан тўпланган эди. Ҳар ҳолда, Бобурийлар давлатининг давлат хазинасидаги йиғилиётган даромадлари узоқ вақт давомида салмоқли эди.¹

Лекин XVII асрда нархнинг кўп йиллик ўзгариши сабабли даромаднинг бундай ўсишини баҳолаш мураккаблашган. Баъзи бир иқтисодиёт тарихини тадқиқ этувчилар қайд этадиларки, XVII асрнинг биринчи олтмиш йиллигида кумуш валютада нархнинг икки баробар ошиши юз берган, сўнг турғунлик бўлган, 1700 йилдан бошлаб эса, нарх ошишининг эллик йиллик даври бошланган. Шунинг учун ҳам Бобурийлар давлати даромадларининг ошиши кўп вақт давомида кумуш валютанинг инфляцияси билан биргаликда давом этган.

Профессор С.Сабрахманьямнинг тадқиқотида кўра, XVII аср субконтинент учун узоқ муддатли нарх ҳақидаги маълумотлар жуда оз ва улар тугалланмагандир: “ҳинд маълумотлари гувоҳлик берадики, у вақтда ҳамма ерда нарх инфляцияси ҳеч бўлмаганда тасодифий эди ва маълум минтақа ва маълум истеъмол моллари билан чегараланган эди...”.² Узоқ муддатли миқдорий маълумотларнинг озлиги сабабли қўйидаги ҳол юз бериши мумкин бўлган эди. Кумуш валютанинг бозорга кириб келишига кенгаётган ҳинд валюта тизими ва иқтисодиётининг ривожланиши сабаб бўлди. Кумуш валюта таннархини ошириш меъёри, меҳнат унумдорлиги ва валютага нисбатан талабнинг ошишига мувофиқ равишда танлаб олинган эди, бу эса нарх инфляциясини секинлаштирди, ҳаттоки олдини олди ҳам.

Ҳар ҳолда, Жон Ричардснинг таъкидлаши бўйича, Бобурийларнинг молиявий маъмурияти яхши бошқариладиган, ўзгараётган иқтисодий шарт-шароитларга жавоб қайтара оладиган ишончли тузилмани яратди. Молия мутасаддилари амалда узоқ муддатли нарх ўсиши тенденциясини ҳисобга олиб, иш тутар эдилар. Лекин улар солиқни ҳам бир меъёрда ошириб борар эдилар. Агар мўлжалланган нарх ошиши ҳақиқатда содир бўлса, ўз навбатида минтақаларда ҳайдалган ерлар майдони ошар, давлат томонидан қишлоқ хўжалигига солинган солиқнинг умумий миқдори эса шунга қараб камайтирилар эди. Масалан, 1600 йилдаги ҳақиқий ҳисобда ифодаланган солиққа кўра, 1700 йилда ўрнатилган солиқ ерга ишлов берувчи кўпгина аҳоли учун камайтирилди, шунинг учун ҳам, худди ўша солиқ божлари кам миқдорда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ўрнатилди. Бобурийлар маъмурияти даврида ўрнатилган даромадлар тизимини ҳисобга олиб, қулай ерларга эга бўлган ер ҳайдовчи деҳқонлар (*zamindars*) ва ижарачилар номутаносиб даромад олардилар деган эҳтимол ҳам мавжуд.³ Умуман

¹ Ўша манба. – Б.186.

² Subrahmanyam Sanjay. Precious Metal Flows and Prices in Western and Southern Asia, 1500–1750: Some Comparative and Conjunctural Aspects // Studies in History, № 7, 1990. – P.79–105.

³ Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.187.



олганда, давлат даромадлари тизими (*zabt*)¹ қишлоқ аҳолиси устидан назоратни кучайтира бориб, Бобурийлар маъмуриятига янада юқорироқ солиқ солиш имкониятини яратган.²

Қишлоқ иқтисодиёти. Солиқ солиш тизимининг қатъийлигига қарамай, Бобурийлар давлати томонидан ўрнатилган даромадлар тизими қишлоқ хўжалигига инвестиция кириб келишини тўхтата олмади ва аҳолининг кўпайишига тўсқинлик қила олмади. Баъзи бир консерватив баҳоларга кўра, Ҳиндистоннинг аҳолиси XVII-XVIII асрлар давомида аста-секин кўпайиб борди. Аҳоли сони 1600 йилда 150 миллион бўлган бўлса, 1800 йилда 200 миллионга етди. Ҳаттоки, озиқ-овқат етишмаслиги ва касалликлар сабабли ўлимнинг кўплиги ҳам аҳоли ўсишини тўхтата олмади. Аҳолининг кўпайиши қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришига имкон туғдирди.³

XVII аср давомида Бобурийлар сулоласи бошқаруви даврида Ҳиндистоннинг қишлоқ хўжалик иқтисодиёти гуллаб яшнади. Қишлоқ хўжалигида деҳқонлар ҳаттоки, ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарар эдилар. XVII асрда деҳқонлар ғоят катта миқдорда озиқ-овқат ва техник экинларни самарали ва сифатли қилиб етиштирар эдилар. Бобурийлар давлатининг солиқ солиш тизими бу вақтда индиго, пахта, шакар қамиш, дон экинларига ўхшаш экинлар етиштиришни рағбатлантиришга йўналтирилган эди. Давлат рағбати ва жуда катта талаб бозор эҳтиёжи учун кўрсатилган экинлар ишлаб чиқаришнинг ривожини анчагина фаоллаштирди.⁴

Ҳинд деҳқонлари жуда тадбиркор бўлиб, фойда келтирадиган дон экинлари етиштиришни тезда англаб олар эдилар. Масалан, 1600-1650 йиллар оралиғида икки хил қишлоқ хўжалик экинлари - тамаки ва маккажўхори етиштириш Бобурийлар давлати таркибига кирадиган барча ҳудудлар бўйича кенг тарқатилди. Бенгал деҳқонлари тут дарахтини экиб, ипак ишлаб чиқариш йўллари жуда тез ўзлаштирдилар. Бу эса Бенгалияни жаҳонда ипак ишлаб чиқариш бўйича асосий минтақага айлантирди. XVII асрнинг иккинчи ярмида Гангетик шарқий текислигида савдо-сотик экспорти кенгайди, буни Патнадаги Европа савдо-сотик марказлари жадаллаштирдилар, бу эса пахта, афюн, шакар етиштириш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга олиб келди. Бобурийлар давлатидаги қарийб барча минтақалар қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш билан фаол шуғулландилар. Ҳимолайнинг тоғолди ҳудудларида, Шарқий Бенгалия ва

¹ Day U.N. The Mughal Government: Ad 1556-1707. – New Delhi: Munshiram Manoharlal Publishers Pvt. Ltd., 1994. – P.111-112.

² Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.85.

³ Ўша манба. – Б.190.

⁴ Raychaudhuri Tapan. The Agrarian System of Mughal India: A Review Essay / The Mughal State 1526-1750. Ed. M.Alam, S.Subrahmanyam. – New Delhi: Oxford University Press, 2000. – P.159-183.



Ассамда ғайратли мусулмон деҳқонлари гуруч етиштириш учун ғоят катта ҳудудни ўрмонлардан тозаладилар. Ҳиндлар ва сикхлар Панжоб дарёсининг ўзанига экин экиш учун ҳудудларни тез суръатлар билан кенгайтирар эдилар. Ернинг юқори унумдорлиги буғдой, пахта, зайтун ва бошқа экинларни етиштиришга қўйилган инвестицияларни тезда қоплади. Шаҳарларда мазкур экинларга бўлган юқори талаб ва эҳтиёжлар минтақалар орасида қуруқликдаги савдо-сотикни ривожланишига имкон туғдирди.¹

Бобурийлар давлатининг асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур бошқаруви (1526-1530 йиллар). Бобур ҳукмдорлиги даврида ерларни давлатга хизмат кўрсатган шахсларга мукофот тарзида бўлиб берди, кейинчалик бу иш *жагир* номини олди.² Янги соҳибларнинг барча хўжалик ишларини бошқарувчилар, яъни мамлакат урф-одати ва деҳқонлар тўлай оладиган солиқ миқдорини яхши биладиган ҳиндларнинг ўзлари юритар эдилар. Абу-л Фазл Аллами томонидан ёзилган «Акбар-наме» китобида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк саҳийлиги таъкидланган. Хусусан, «Ҳиндистондаги ҳар бир кичкина ва буюк киши қиролнинг хайрихоҳлиги ва раҳм-шафқатини бошдан кечирган» дейишади.³ Ҳарбий фатҳлардан сўнг олинган хазиналар кейинчалик оилаларга, ҳарбий хизматчиларга, олимларга совғалар ва мукофотлар сифатида тарқатиларди. З.М.Бобур бошқарув тизими ва давлат жамғармаларини тақсимлаш масалаларида жуда талабчан эди. У ёзганидек, «бошқарувга нисбатан ҳеч қандай баҳона ва эслатма» бўлмаслиги керак.⁴

Ҳумоюннинг бошқаруви (1530-1556 йиллар). Бобурнинг катта ўғли Ҳумоюн Гуджарат, Раджпутана ва Бихарнинг бир қисмини босиб олиш билан ўз мулкларини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Деҳлида Ҳумоюн ўз даврида давлатни бошқариш бўйича махсус тизимни яратишга жазм қилди, бу тизим тузилишининг тамойили қуйидагилардан иборат эди. У барча одамларни тўрт тоифага бўлди: 1) ҳарбийлар; 2) ҳунармандлар, савдогарлар; 3) файласуфлар, шифокорлар, ҳандаса олимлари ва астрономлар; 4) ер ҳайдовчилар ва ишчилар.⁵ Шунингдек, барча сарой аҳлини тўрт гуруҳга бўлди: 1) асилзодалар; 2) маслаҳатчилар ва ёрдамчилар; 3) императорга яқинлар; 4) хизматкорлар. Шунга мувофиқ равишда Ҳумоюн тўртта давлат бошқармасини ташкил этди: 1) ёнғин бошқармаси - бунга ҳарбий ишлар берилди; 2) ҳаво бошқармаси - бунга кирувчи амалдорлар даромад йиғиш билан шуғулланар эдилар,

¹ Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.191.

² Moreland W.H. Rank in the Mogul State Service / The Mughal State 1526-1750. Ed. M.Alam, S.Subrahmanyam. – New Delhi: Oxford University Press, 2000. – P.213-214.

³ Abu-l Fazl Allamy. Akbar-Name. – Samara: Izdatelskiy dom “Agni”, 2003. – P.150-156.

⁴ Babur-Name. / Perevod M. Calye. – Tashkent: Glavnaya redactsiya entsiklopediy, 1993. – P.349-350.

⁵ Day U.N. The Mughal Government: Ad 1556-1707. – New Delhi: Munshiram Manoharlal Publishers Pvt. Ltd., 1994. – P.11.



маъмуриятнинг даромад ва харажатлари ҳисоботини олиб борар эдилар; 3) сув бошқармаси - суғориш ва сарой заҳираларини назорат қилар эдилар; 4) ер бошқармаси-солиқ, халиса ерларни бошқариш ҳамда қурилиш ишлари билан шуғулланар эдилар.¹ Бундай маъмурий бўлиниш турғун эмас эди ва у Акбаршоҳ томонидан бекор қилинди.

Акбаршоҳнинг бошқаруви (1556-1605 йиллар). Қарийб ярим аср давом этган Акбаршоҳ ҳукмдорлиги Бобурийлар сулоласи ҳукмронлигини мустаҳкамлади. Акбаршоҳ ёшлигидаёқ амин бўлдики, Ҳиндистонни фақат ҳам мусулмонлар, ҳам ҳиндларга таянган ҳолда бошқариш мумкин.

Бошқарув тизими. Акбар буюк давлатга раҳбар бўлгач, Бобурийлар сулоласи ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун давлатнинг ички тузилиши ва барча бошқариш тизимини тартибга солиш масалаларини энг муҳим режа деб қабул қилди. Акбар давлатида бош бошқарма молия бошқармаси эди, буларнинг бошида *девон* турар эди.² Солиқчилар асосан ҳиндлардан иборат эди. Қўшинда бош интендант ва ғазначи - *мири бахши* жагирлар берилиши устидан назоратни амалга оширарди, кўрикда эса аскарларни ва қурол-аслаҳаларни текширарди. Қолган ишларни ҳарбий бошлиқлар ўз бўлимларига буйруқ берган ҳолда ҳал этар эдилар. Диний ишлар бўйича бошқарма *садарат* деб аталарди.³ Бош *садр* жиноий ва фуқаролик ишлар бўйича қозиларни тайинлар ва *суюрғолларни* тарқатишни бошқарар эди. Вилоят ва туманларда параллел равишда фуқаро ва ҳарбий бошлиқлар фаолият кўрсатар эдилар, улар бир-бирларини назорат қилишлари ва ҳар қандай айирмачиликни тўхтатишлари керак эди. Баъзи бир йирик вилоятларда ўзларининг вилоят садрлари бўлар эди. 1574 йили Акбар феодаллар синфи ичидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишга интилиб, уларнинг даражаларига (*зотига*) мувофиқ ҳарбий бошлиқларга *жагирларни* тарқатиб, лавозимлар (*мансаблар*) иерархиясини киритди.⁴ Лекин жагирдорлар қарорни четлаб ўтиш йўлларини топар ва бўлимларнинг таъминоти учун бошлиқлар томонидан ўрнатилган миқдордан кўра камроқ харажат сарф қилар эдилар. Буни қонунлаштиришга тўғри келди ва янги *савар* мансаби киритилди.⁵ *Зот* даража бўлиб қолди, савар эса ҳарбий бошлиқ ҳақиқатда қанча отлични таъминлаш кераклигини белгилар эди (масалан, мингбоши ҳам мингта, ҳам беш юзта, ҳаттоки, тўрт юзта отлич аскарни ҳам таъминлаши мумкин эди). Жагирнинг катталиги *зотга* ва

¹ Ўша манба. – Б.12.

² Ўша манба. – Б.29-47.

³ Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.36-40.

⁴ Moreland W.H. Rank in the Mogul State Service / The Mughal State 1526-1750. Ed. M.Alam, S.Subrahmanyam. – New Delhi: Oxford University Press, 2000. – P.213-234.

⁵ Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.24-25.



саварга боғлиқ бўлиб қолди.¹ Натижада тақдим этишлар ошди ва давлат ерларининг фонди - *халиса* қисқара бошлади.² Шунда Акбаршоҳ жагирларни йўқ қилишни ўйлади. 1574 йили у барча давлат ерларини уч йилга халисага ўтказишга буйруқ берди, ҳарбий бошлиқларга эса пул билан ойлик тайинлади. Ер солиғини олдиндан йирик гаров тўлаб амалдор-куруриялар йиғиши керак эди. Бу чора жагирдорларнинг кучли қаршилигига учради, чунки улар ўз ер мулкларидан ажралиб қолдилар ва бу эса деҳқонларнинг хонавайрон бўлишига олиб келди. Уч йилга тайинланган куруриялар деҳқонлардан нима мумкин бўлса, ҳаммасини олишар эди, чунки улар гаровни қоплаб кўпроқ фойда олишлари керак эди. Ислохотни бекор қилишга тўғри келди.

Деҳқонларнинг аҳволи. Бобурийлар давлати аҳолиси кўп сонли қабилаларга ва халқларга мансуб бўлиб, турли тилларда сўзлашар ҳамда ижтимоий ривожланишнинг турли босқичларида бўлиб, турли касталарга (табақаларга) ва диний қарашларга бўлинган эди. Кўпчилик аҳоли қишлоқ жамоаси шаклида яшаган. Деҳқонлар ер солиғи кўринишида давлатга рента тўлар эдилар. Ҳукумат бу рента солиғини тўхтовсиз ундиришига тарафдор бўлса ҳам, лекин деҳқонларнинг хўжалик фаолиятига давлат ҳам, феодаллар ҳам аралашмас эди. Давлат улуши ҳосилнинг 1/3 қисми деб эълон қилинди. Асосан бундай солиқ “адолатли” деб қабул қилинган, лекин баъзида деҳқонлар уни тўлай олмас эдилар. У ҳолда солиқ аскарлар ёрдамида йиғиларди. Ерга ишлов бериш давлат мажбурияти бўлган ва солиқ йиғувчига барча яроқли майдонларда экин экилишини қаттиқ назорат қилиш топширилган эди. Солиқ йиғишни тартибга солиш учун Акбаршоҳ ўз давлатининг марказида барча ҳайдаладиган ерларни ўлчаш тизимини киритади, бунинг устига қисқартириш ва чўзиш мумкин бўлган арқон эмас, балки бамбук таёғи билан ўлчашни тавсия этади.

Ҳиндистонда қишлоқ жамоаси мураккаб тузилма эди. Жамоа ер эгаси сифатида катта бўлмаган ҳудудни, одатда қишлоқ атрофини идора қилар эди. Жамоа бошлиқлари ишланадиган ердан йиғиладиган солиқни назорат қилар эди. Жамоа хунармандлари ва хизматкорлари бир неча қишлоқдаги ўзларининг доимий мижозларига хизмат қилиш ҳуқуқига эга эдилар. Масалан, ҳар бир қишлоқ амалда майдон кўриқчиси ва миршаби - *моҳарага* эга бўлган, лекин бошқалар, яъни бир тақачи икки қишлоққа, бир заргар беш қишлоққа ва шунга ўхшаш хизмат кўрсатиши мумкин эди. Ушбу қишлоқ округига хизмат кўрсатадиган турли хунармандларнинг умумий сони ўртача 7-12 одамдан иборат бўлиши мумкин эди. Одатда жамоа хунармандларнинг

¹ Richards J.F. The Formulation of Imperial Authority under Akbar and Jahangir / The Mughal State 1526-1750. Ed. M.Alam, S.Subrahmanyam. – New Delhi: Oxford University Press, 2000. – P.157-167.

² Day U.N. The Mughal Government: Ad 1556-1707. – New Delhi: Munshiram Manoharlal Publishers Pvt. Ltd., 1994. – P.160-169.



хар бир қилган ишига пул тўламасдан, балки иш учун ҳосилнинг улуши ёки солиққа тортилмайдиган ер майдони берар эди. Шунини ҳисобга олиш керакки, бир қишлоқ жамоа аъзоси қўшни қишлоқдан тўлиқсиз эга сифатида қўшимча ер майдонини сотиб олиши мумкин эди. Шунинг учун жамоа ҳукмронлигининг тарқалиш чегарасини қатъий қилиб аниқлаш қийин бўлган, лекин бир неча қишлоқ деҳқонлари бозорнинг ёрдамисиз керакли ҳунармандчилик молларини сотиб олишлари мумкин эди.¹

Оқсоқол ва мирза, бир томондан, жамоа вакиллари бўлса, бошқа томондан эса, давлат хизматида турар эдилар. Қишлоқдан солиқ учун олинадиган барча маблағ тўлангандан кейин, оқсоқолга жамоанинг барча фойдаланаётган ерларининг 1/10 қисми микдоридан солиқ солинмайдиган ер ажратиб берилар эди. Давлатнинг марказий вилоятларида Акбаршоҳ томонидан амалга оширилган натурал солиқни пул солиғига ўтказиш деҳқонлар учун оғир юк бўлди.² Ҳинд деҳқони пул олиш учун энди ўзи ёки жамоа оқсоқоли ёрдамида ўз маҳсулотларини сотиш учун тез-тез бозорга боришга мажбур бўлган ва бунинг натижасида у савдогар ва судхўрга қаттиқ қарам бўлиб қолар эди. Лекин Акбаршоҳ кўп майда солиқларни бекор қилган бўлса ҳам, савдогарлар фақат ўз фойдаларига солиқ ундиришни давом эттирар эдилар. Деҳқонлар солиқ тўлашдан ташқари, яна вақти-вақти билан давлат учун асосан қалъалар, шаҳарлар ва шунга ўхшаш қурилишларда ишлаб беришга мажбур эдилар. Бу мажбурият *бегар* деб аталар эди. Агар яқин атрофда қалъа истехкоми қурилаётган бўлса, унинг меҳнати айниқса оғир бўлган, чунки Акбар бундай қурилишларга шу атрофдаги қишлоқларни бириктириб қўяр эди.

Давлат ва хусусий ер мулки. Ҳиндистонда Бобурийлар давлати биринчи навбатда ерга эгаликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Давлат ерларининг мавжудлиги ҳазинага рента/солиқ йиғишга давлат қўшинидан иборат аскарлар сафини таъминлаш ва ўз ҳисобидан уларни ушлаб туришга мажбур бўлган савдогарларга ерлар шартли равишда тақдим этилишига имкон берар эди. Савдогарлар/феодаллар кучайиб, шартли равишда берилган ерларни ўз мулкларига айлантиришга ҳаракат қилдилар. Бобурийлар сулоласи бошқарувининг бутун даврида давлат мулки билан хусусий мулк ўртасидаги кураш доимий эди.

Бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ерга давлат мулкининг икки шакли - *халиса* ва *жагир* мавжуд эди.³ Барча босиб олинган ҳудудлар *халиса* деб аталувчи давлат ер фондига айланар эди. Бошқарувчи бу фондлардан

¹ Singh Chetan. Conformity an в Conflict: Tribes and the 'Agrarian System' of Mughal India / The Mughal State 1526-1750. Ed. M.Alam, S.Subrahmanyam. – New Delhi: Oxford University Press, 2000. – P.421-448.

² Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.79-93.

³ Day U.N. The Mughal Government: Ad 1556-1707. – New Delhi: Munshiram Manoharlal Publishers Pvt. Ltd., 1994. – P.135-137.





жагирлар, шунингдек турли ҳил рухонийларга ва диний уламоларга инъомлар тарқатар эди. *Халисанинг* бундай қўнимсизлиги унинг миқдорини ҳисоблашга имкон туғдирмайди. *Халиса* ҳақиқий давлат мулки эди. *Жагир* - шартли инъомдир.¹ Уни олган одам жагирнинг катталигига мос равишда ҳукмдор қўшинининг асосий бўғинини ташкил этадиган аскарлар бўлимларини боқишга мажбур этилар эди. Жагирга берилган ер давлат мулки бўлиб қолаверар эди. Ер солиғининг миқдори, ундириш усули ва шакллари жагирдорнинг ўзи томонидан аниқланмас, балки давлат томонидан белгиланар эди. Жагирдорнинг ерлари одатда мерос бўлиб ўтмайди ва ер эгасининг ўлиmidан сўнг ер хазина ихтиёрига ўтарди. Жагирдордан бир ер эгалигини олиб қўйиб, ўрнига мамлакатнинг бошқа қисмидан бошқа ер берилиши мумкин эди. Акбаршоҳ даврида айирмачиликка қарши курашиш учун бундай ҳолатлар тез-тез бўлиб турарди. Шунинг учун жагирдор муайян ерга ўртача ўн йилдан кам эгалик қилар эди.

Шу билан бирга, жагир мулклари хусусий феодал мулкининг баъзи бир хусусиятлари билан фарқ қилар эди. Чунки йирик жагирдорлар давлат хизматида (яъни бўлимларни боқишга) улар томонидан йиғиладиган солиқнинг 1/3 қисмини сарф қилар эдилар, кичиклари эса ярмидан ҳам кам эди. Бундан ташқари, Акбаршоҳ даврида унга бош эгган раджаларга, уларнинг олдинги ерларини жагир билан инъом қилар ва бундай жагир одатда мерос бўйича ўтар эди. XVII асрда ҳаттоки “меросий жагир” атамаси кенг тарқалди. Одатда жагир бир неча ўн минг гектар ерни қамраб оладиган йирик мулк эди. Акбаршоҳ даврида жагирдорлар ўзларининг ҳуқуқларини жуда кадрлар эдилар. Чунки Акбар даврида давлат энди шаклланаётган бўлиб, жагирдорлар (йирик ва кичик) сони ўша пайтда фақат икки мингга яқин эди.

Бобурийлар давлатида шунингдек *феодал-заминдорларнинг* хусусий ер мулки ҳам мавжуд эди.² *Заминдорлар* деб, Акбар даврида бадавлат ер мулки эгалари айтиларди, улар Бобурийлар давлати суверинитетини тан олган ва ўлпон тўлашга рози бўлган шахслар эди. Солиқнинг ҳажми қарам бўлиш вақтидаги кучларнинг ҳақиқий нисбатига боғлиқ эди. Бобурийлар маъмуриятининг солиқ бошқармаси заминдор билан деҳқон ўртасидаги ўзаро муносабатларга аралашмас эди, заминдор ҳақиқатда ер солиғи эмас, балки рента оларди ва уни йиғиш йўли ва миқдорини одатда ўзи ўрнатарди. Ориссада, Бихарда ва баъзи бир бошқа жойларда раджапутлар орасида заминдорларнинг бир қисми ёлланган меҳнатдан фойдаланиб, ўз хўжалиklarини юритар эдилар. Заминдорлар ерлари расмий мерос бўйича ўтказилар, инъом қилинган ерга эгалик қилиш учун сюзереннинг ёрлиғи

¹ Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.66-93.

² Richards J.F. The Mughal Empire. – New Delhi: Cambridge University Press, 2000. – P.191-193.



талаб қилинар эди, лекин бу фақат заминдорликка бир нечта даъвогар курашган даврда аҳамиятга эга эди.¹

Бобурийлар давлатида *суюрғол*, шунингдек мулк (милк), вақф ёки инъом деб аталган, шахсий феодал мулки бўлган. Суюрғоллар асосан сўфий шайхларга ва мусулмон уламоларига, баъзи ҳолларда диний унвони бўлмаган шахсларга ҳам берилар эди. Акбаршоҳ даврида унинг диний сиёсатида боғлиқ равишда суюрғолларни бошқа диндаги руҳонийларга ҳам бера бошладилар. Суюрғол одатда мерос бўйича бериладиган кичикроқ ер бўлиб, унинг эгасига ҳеч қандай мажбурият юкламайди, суюрғол эгаси фақат ҳукмдорга бағишлаб ибодат қилиши керак эди. Суюрғол ерлари давлат ерларининг бор-йўғи уч фоизга яқинини ташкил этарди. Ер солиғи, иқтисодий ҳаёти ва Бобурийлар салтанатида давлат бошқарувининг айрим жihatлари ўзбек олимлари тамонидан ҳам кўриб чиқилган.²

Хунармандчилик. Хунарманд қишлоқ жамоасида талаб қилинган нарсани ясаб, бунинг учун жамоадан ҳосилнинг улушини ёки кичик солиққа тортилмайдиган ер участкасини оларди. Шаҳарда ёки хунармандлар қишлоғида яшовчи хунармандларнинг кўпчилик қисми буюртмачи ёки бозор учун ишлар эдилар. Ҳиндистонда энг кўп ривожланган соҳа газмол ишлаб чиқаришдир, яъни пахтали ва ипакли, гул тикилган ва гул босилган, бўялган ва бўялмаган газмол ишлаб чиқаришдан иборат бўлган. Масалан, Акбаршоҳ кийим жавони рўйхатида юзга яқин ҳинд газмолларининг тури санаб ўтилган.

Аграда турли мутахассисли қурувчи ишчилар, Гуджаратда қимматбаҳо тошлар билан безатиш (инкрустация) усталари, Бенгалияда кемасозлар кўп эди. Ҳиндистонда бошқа ишлар ҳам кенг тарқалган эди: темир ва рангли металллар қазиб чиқариш, қурулиш тоши, туз, селитра олиш, қоғоз тайёрлаш, заргарлик буюмлари яшаш, ўсимлик мойи етиштириш, ширинликлар тайёрлаш шулар жумласидандир. Ҳинд хунармандларининг маҳсулотлари ўзининг пухталиги билан қадимдан қадрланар эди. Шунингдек, сотиш учун тикув жиҳозининг энг мураккаб қисми бўлган бердо тайёрланар эди. Бердо орқали асосий ишлар ўтказилган. Бу хунармандчиликнинг ривожланганлиги ҳақида гувоҳлик берар эди. Кастага бирлашган хунармандлар каста бошлиғини ва бозорда хунармандларнинг маҳсулотини сотадиган *даллолни* тайинловчи феодал ҳукмдорларга боғлиқ эдилар. Давлат устахоналарида ишлайдиган ишчи-хунармандлар яна ҳам катта қарамликка дучор эдилар, у ерда қўшин учун қурол-аслаҳа, шунингдек ҳукмдор учун, у ўз яқинларига бериши мумкин бўлган маҳсулотлар тайёрланар эди.

¹ Hasan S.Nurul. Zamindars under the Mughals / The Mughal State 1526-1750. Ed. M.Alam, S.Subrahmanyam. – New Delhi: Oxford University Press, 2000. – P.284-300.

² Satimov G'. Markaziy Osiyo va Hindiston tarixida Boburiylar davri. – Tashkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2008. – P.183-222.



Аванслар ва товарларни сотиб олиб қўйиш тизими савдогар томонидан хунармандни қулликка солишнинг энг тарқалган шакли эди. Савдогарлар олдиндан хунармандга овқатланиш ёки хом-ашё сотиб олиш учун пул берар, хунарманд эса ўз маҳсулотини фақат шу савдогарга ва арзонроқ нархда беришга мажбур бўлар эди. Ҳиндистоннинг ғарбий қирғоғида хунармандчилик ва савдонинг асосий турлари ижарага берилган бўлиб, солиққа ҳам тортилганди. Ижарадор солиққа лойиқ шу турдаги товарларни ишлаб чиқаришда монопол ҳуқуққа эга эди (масалан, ип газлама, бетель, тозаланмаган гуруч, фил суягидан қилинган маҳсулотлар ва бошқалар). Ижарадорнинг ёзма рухсатисиз ушбу маҳсулот турини ҳеч кимга сота олмас эди. Ижарадор одатда бой ҳинд савдогари ёки ушбу ишлаб чиқариш кастаси хунармандларининг бошлиғи бўлар эди.

Судхўрлик. Қирғоқ бўйига нисбатан давлат ҳудудининг марказида бой савдогарларнинг сони кам эди. Лекин шундай бўлсада, бу ерда судхўрлик гуллаб яшнарди. Судхўрлар ҳарбий бошлиқларга, сарой аҳлига ва деҳқонларга қарзга пул берар эди, чунки улардан мамлакат марказида пул солиғи қаттиқ талаб қилинарди. Акбаршоҳ даврида қишлоқда кунига 75 % (йилига 900 %) ҳисобидан пул қарз берилар эди. Бу эса қишлоқда пул муносабатлари заиф ривожланганлигини кўрсатарди. Ҳиндистонда товар-пул муносабатлари анчагина ривожланишига қарамадан мамлакатда бутун ҳокимият феодаллар қўлида тўпланганди. Пул айланмасидаги вакиллар - савдогарлар ва судхўрлар ҳамда хунармандлар мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ҳеч қандай рол ўйнама-да, лекин уларнинг манфаатлари қандайдир даражада ҳисобга олинар эди.

Жаҳонگیرнинг бошқаруви (1605-1627 йиллар). XVII асрнинг бошларида Акбаршоҳ томонидан эълон қилинган дин эркинлиги сиёсатида баъзи бир чекинишлар кузатилганди. Бу даврда Гуджарат иқтисодиёти гуллаб яшнар эди.

Гуджарат иқтисодиёти. Бобурийлар давлатининг энг ривожланган туманидан бири, унинг иқтисодий маркази Гуджарат эди. У ерда чиройли газламалар ишланар эди. Индиго, сердоликдан майда буюмлар, безатилган куроллар ва бошқалар ишлаб чиқарилар, ички савдо-сотик ривожланган эди. Кўпгина шаҳар ва йирик қишлоқларда хунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилса-да, лекин ташқи савдо-сотик янада каттароқ аҳамиятга эга эди. Ҳиндистоннинг энг йирик бандаргоҳи Сурат шаҳри бўлиб, у ердан денгиз орқали товарлар Форс қўлтиғи ҳудудларига ва Араб денгизига олиб борилар, шунингдек Ҳиндистоннинг барча ғарб қирғоқлари бўйлаб каботаж савдо- сотиғи олиб борилар эди. Табиийки, Гуджаратда савдогарларнинг анчагина қисми, ҳам мусулмон, ҳам ҳиндлардан иборат эди. Махсус савдо-сотик касталаридан - Мусулмонхўжа, Бохра, Банджара, ҳиндлардан ташқари ҳинд савдогарларининг умумий номи “банья” ёки



“баккал” дейилиб, манбаларда ёдга олинган эди. Баъзи бир Гуджарат савдогарлари жуда ҳам бой ва обрўли кишилар эдилар.

Шоҳ Жаҳон бошқаруви (1629-1658 йиллар). Шоҳ Жаҳон саройининг бойлиги ва ҳашаматлилиги жиҳатидан олдинги бобурийлардан устун эди. Катта шаҳарларда оқ мрамрдан қурилган ва ичига ярим қимматбаҳо тошлар билан инкрустация қилинган ажойиб бинолар (буларнинг ичида Аградаги машҳур Тож Маҳал мақбараси) қад кўтарган эди. Қўшин сон жиҳатидан кўпайиб кетди. Жангга отланиш вақтида юк ташувчилар ва хизматкорлар аскарлар сонидан бир неча маротаба ошиб кетар эди. Урушда нафақат отликқа ва пиёдаларга, балки жанговор филларга бўлган эҳтиёж катта эди ва буларнинг барчаси ғоят катта маблағ талаб қилар эди.

Ички сиёсат. Шоҳ Жаҳон Деканга ноиб қилиб ўзининг иккинчи ўғли Аврангзебни тайинлади. Солиқ йиғишни тартибга солиш учун Аврангзеб девони Муршид Кулихан “Муршид Кулихан дхараси” деб аталган янги солиқ тизимини киритди. Унинг мақсади пул аванслари - *такавини* тарқатиш йўли билан деҳқонларни бўш қолган ерларга жалб қилиш эди. Шунингдек суғориладиган ерларга паст солиқ миқдори киритилган эди, солиққа тортиш суммаси тўралар билан деҳқонлар ўртасида музокара йўли билан ўрнатилар эди, яъни деҳқоннинг солиқни тўлаш имконияти ҳисобга олинар эди. Гарчи феодаллар асосий ер солиғидан ташқари, яна ўн тўртта бошқа тушумлар йиғсалар-да, лекин Муршид Кулихан дхараси Деканда аста-секин деҳқон хўжаликларининг тикланишига олиб келди.

Аврангзеб бошқаруви (1658-1707 йиллар). Аврангзеб ўзининг узоқ муддатли бошқаруви даврида тўхтовсиз урушлар олиб борди. Қўшинининг сони 170 минг отлик аскар ва бир неча юз минг аравакашга етди. Бу урушлар учун ғоят катта маблағ талаб қилинар эди. Ҳарбий бошлиқлар ва фуқаро хизматчилари сони Шоҳ Жаҳон даврига қараганда яна ҳам ошди ва энди жагир сифатида тарқатиш учун ерлар етмай қолди. Жагирдорлар даромади кескин камайди, чунки хазина учун давлат улардан турли қўшимча солиқлар талаб қила бошлади, бунинг устига қўпгина жагирдорлар ҳарбий ҳаракатлар сабабли хонавайрон бўлган эдилар. Улар талаб қилинган чавандозларни боқа олмай қолдилар. Аскарлар баъзида бир неча йил маош олмас ва бу вақтда улар асосан аҳолини талаш ҳисобига кун кўрар эдилар. Жагирларни тез-тез мерос бўйича ер бериш бошланди, лекин XVIII асргача жагир шартли, хизматга оид ҳисобланар эди. Илгаригидек жагирдор ўлиши билан унинг мулки давлат хазинасига тушар эди ва хазиначи охирги ҳисоб - китобни амалга оширар эди. Лекин бунга кўп йил кетиши мумкин эди, натижада жагирдорлар жагир ўрнига хазинадан ойлик беришни сўрай бошладилар. Ҳукумат бу илтимосни рад этди.

Маблағи етишмаган ҳукумат, ўз даромадларининг катта қисмидан маҳрум бўлган жагирдорлар, анчадан бери ойлик олмаётган армия – барчаси ўз муаммоларини асосан деҳқонлар ҳисобидан амалга оширишга ҳаракат



қилдилар. Агар Акбаршоҳ даврида ер солигининг миқдори ҳосилнинг 1/3 қисмини ташкил қилган бўлса, Аврангзеб даврида энди ярмини ташкил этди, ҳақиқатда эса солиқ оғирлиги яна ҳам ошди. Дехқонлардан солиқ қанчалик кўп ундирилса, уни йиғиб олиш шунчалик қийин бўлар эди. Дехқонлар кўп жойларда хўжаликни юрита олмай қолдилар ва ўтроқ ерлардан кетдилар, ғалаёнлар келиб чиқа бошлади.¹

Солиқларнинг камомади қолган дехқонлардан озроқ солиқ йиғишга ҳаракат қиланар эди. Натижада очарчилик давлатнинг гоҳ бир, гоҳ бошқа қисмида мунтазам қийинчиликлар келтириб чиқарар эди. Айниқса 1702-1704 йилларда Деканда қаттиқ очарчилик бўлди. Унинг оқибатида 2 миллиондан ортиқ одам вафот этди. Фақат солиқни камайтириб ва дехқон меҳнатидан қандайдир даромад келтирадиган қилиб, иқтисодий вазиятни тўғрилаш мумкин эди. Лекин ҳукумат ҳарбий харажатларга маблағ қидиришга мажбур бўлиб, солиқ оғирлигини камайтиришни истамас эди. Савдогарлар эса, аксинча, дехқонларга ўз солиқ талабларини оширар эдилар.

Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ. XVII асрда ҳунармандчилик, айниқса тўқувчилик (Европа ва Осиё бозорларида ҳинд газмолларига талабнинг ошиш натижасида) ва шу билан боғлиқ бўлган тармоқлар – ип-йиғириш, гул босиш, газмол бўяш ва шунга ўхшашларнинг ривожланиши давом этди. Қишлоқларда ва шаҳарларда ҳунарманд аҳоли ўсди, айниқса Европа факториялари атрофида улар кўп эдилар. Масалан, Мадрас кичкинагина қишлоқдан Жанубий Ҳиндистоннинг савдо ва тикувчилик марказига айланди. Шаҳар атрофида яшовчи ҳунармандларнинг буюмларини савдо агентлари сотиб олар ва факторияга жўнатар эдилар. Қатор кичик шаҳарлар йирик марказ атрофида бирлашар ва ўзига хос иқтисодий туманни ҳосил қилар эдилар. Лекин ҳунарнинг ривожланиши ва иқтисодий марказларнинг ҳосил бўлиш жараёни бир ҳилда кетмас ва бу асосан қирғоқ олди минтақаларда кўзга ташланарди. Улар орасида каботаж савдоси ёрдамида чаққон айирбошлаш содир бўлар эди.

XVII асрнинг охирига келиб, марказий ҳокимиятнинг заифлиги шароитида савдогарлар ва дехқонлар қайсидир бир товар турига монополист сифатида майдонга чиқиб, ўз фойдаларига савдо-сотув аҳолисини қўшимча солиққа тортар эдилар. Бобурийлар давлатида кўпгина ҳунармандлар ва савдогарлар ҳиндлар бўлгани учун улар Аврангзеб даврида диний қувғинларга учраб ва жон бошига қўшимча солиқ - *жазия* (*jaziya*) киритилишидан жуда таъсирландилар.²

¹ Alam Muzaffar. Aspects of Agrarian Uprising in North India in the Early Eighteenth Century / The Mughal State 1526-1750. Ed. M. Alam, S. Subrahmanyam. – New Delhi: Oxford University Press, 2000. – P.449-473.

² Day U.N. The Mughal Government: Ad 1556-1707. – New Delhi: Munshiram Manoharlal Publishers Pvt. Ltd., 1994. – P.97, 133-135.



XVII асрнинг охири ва XVIII асрда Жанубий Ҳиндистонда ер эгалари - дехқонлар сони кескин камая бошлади, уларни XVI асрдан бошлаб *мирасдор*лар деб атай бошладилар. Шу билан бирга жамоа ижарачилари солиқ тўловчи –эгалик ҳуқуқини ола бошладилар. Қул қилинган мерос эгалари даражасида турли тоифадаги дехқонларнинг ерга бўлган ҳуқуқини тенглаштириш юз бераётган эди. Дехқонлар фақат юқори солиқ тўловчилар шартида ерга эгалик қилардилар. Ҳунармандчилик билан дехқончилик кўшилишига асосланган жамоа ташкилоти йўқ бўлиб кетмади. Қишлоқда жамоа ташкилоти феодалнинг тўлиқ ҳокимияти билан ҳақиқатда кўшилиувчи - XVII-XVIII асрларда ернинг бўлиб бериш тамойилини пайдо бўлишига олиб келди: ким кўпроқ тўлашга қодир бўлса, кўпроқ ер олар эди. Солиқларнинг тўхтовсиз ошиб бориши дехқон учун оғир юк бўлар ва шунинг учун у ортикча ердан қутилишга ва шу билан бирга кўшимча солиқлардан қутилишга ҳаракат қилар эди. Оқсоқоллар, мирзалар, шунингдек жамоага четдан келадиган ва оқсоқоллик ҳуқуқини сотиб олувчиларнинг кичик феодалларга айланиш жараёни кучайди. Қишлоқда товар хўжалигининг ривожланиши қишлоқни савдогарга янада кўпроқ бўйсунушига олиб келар эди.

Ҳиндистондаги давлат бошқарувини такомиллаштириш тизимида Аврангзебнинг қуйидаги баёноти диққатни тортди. Бойлик ва дам олиш таклифларга жавобан Аврангзеб таъкидлади: “Император ҳеч қачон ўзига бундай хашаматга йўл қўймаслиги керак. Аллоҳ таоло бизни тахтга ўзимиз учун эмас, балки халқимиз бахтига яшаш ва ишлаш учун жойлаштирди. Бизнинг бахтимиз фақат уларнинг бахти билан чамбарчас боғлиқ бўлган қисми яхши. Бошқа ҳеч нарса керак эмас”.¹ Хорижий асарлардан бирида Бобурийлар сулоласи давлатни бошқаришда монументал меъморчилик соҳасида бунёдкорлик ишларида катта эътибор берганлиги, бунинг учун улкан иқтисодий ресурсларни ажратгани ва деярли бутун дунёдан етакчи меъморлар ва қурувчиларни жалб қилганлиги қайд этилган.²

Ҳулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Бобурийлар сулоласи бошқарувининг барча маъмурий ва иқтисодий тизими давлатни ривожлантиришга қаратилганлигини кўпгина тадқиқотлар тасдиқлайди. Буларнинг барчаси Бобурийлар давлати меросининг вақт томонидан синовдан ўтганлигини билдиради. Яна шуни таъкидламоқ лозимки, Ҳиндистондаги ва хориждаги хронологик ҳужжатлар ва йилномаларнинг ғоят катта сони, расмлар ва манускрипт суратлар, катта ва кичик меъморий ёдгорликлар, буларнинг барчаси Бобурийлар сулоласи давлатининг қудратини ҳамда самарали бошқарилганлигини тасдиқлайди ва кўрсатади. Кўпгина мамлакатларнинг тарихчилари, тилшунослари ва бошқа олимлари

¹ Khurshid Salman. Sons of Babur. – New Delhi: Rupa Publications India Pvt. Ltd., 2012. – P.93.

² Rulers and Great Leaders of India. – New Delhi: Crest Publishing House, 2002. – P.53-208.



Бобурийлар меросини тадқиқ этишда кўплаб тадқиқотлар қилган бўлсалар ҳам, Ҳиндистондаги Бобурийлар давлати иқтисодиётини бошқариш ва давлат тузилиши тизимини иқтисодчилар томонидан ўрганиш учун муҳим соҳа бўлиб қолмоқда. Бобурийлар сулоласининг давлат ва иқтисодиётни бошқариш тизими ҳали ҳам ўзида кўп сиру асрорларни сақлаб қолмоқда ва уларни бундан кейин жиддий ва синчковлик билан ўрганиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

ХОДЖИМУРАТОВА ДИЛШОДА

таянч докторанти, ТДШУ

Эрон ташқи сиёсати генезиси ва эволюцияси

Аннотация. XX аср охири ва XXI асрнинг боши Эрон ташқи сиёсати стратегияси мамлакатдаги ислохотлар таъсирида бир неча бор ўзгаришларга учраб, ушбу тарихий давр мобайнида сиёсий элита Техрон ташқи сиёсати йўналишларини жорий конъюнктурадан келиб чиққан ҳолда ўзгартиргани зикр этилади. Эрон ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш манбалари тадқиқ этилади ва уни амалга ошириш механизлари кўрсатиб берилади. Эрон президентларининг ташқи сиёсатлари ва уларни амалга ошириш услублари таҳлил қилиниб, уларнинг мамлакат миллий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинади. Мақолада Эрон ташқи сиёсат маҳкамаси расмий Техроннинг ташқи сиёсатини реализм гоялари асосида ишлаб чиқишга устуворлик берган бир шароитда дунё ҳамжамиятига халқаро муносабатларни либераллаштириш гояси тарафдори эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилгани кўрсатиб берилади.

Таянч сўз ва иборалар: Эрон, ташқи сиёсат, ички сиёсат, олий раҳбар, юмишқ куч, ислом инқилоби, Техрон, концепция, мафкура, Эрон президенти, Ҳизбуллоҳ, ташқи сиёсат маҳкамаси, дипломатия.

Аннотация. В статье отмечается, в конце XX - начале XXI веков внешне-политическая стратегия Ирана претерпела ряд изменений под влиянием реформ в стране, и в этот исторический период политическая элита изменила направление внешней политики Тегерана исходя из текущей ситуации. Изучаются источники развития внешней политики Ирана и намечены механизмы ее реализации. Проанализирована внешняя политика президентов Ирана и методы ее реализации, а также сопоставлены их аспекты, направленные на защиту национальных интересов страны. В статье говорится, что Ведомство по внешней политике Ирана пытался показать мировому сообществу, что поддерживает идею либерализации международных отношений в то время, когда Тегеран отдавал приоритет развитию внешней политики Тегерана на основе идей реализма.

Опорные слова и выражения: Иран, внешняя политика, внутренняя политика, верховный лидер, мягкая сила, исламская революция, Тегеран, концепция, идеология, президент Ирана, «Хизбалла», ведомство по внешней политике, дипломатия.

Abstract. According to the article, in the late XX and early XXI centuries, Iran's foreign policy strategy has suffered a number of changes under the influence of reforms in the country, and during this historical period, the political elite has changed the direction of



Tehran's foreign policy based on the current situation. The sources of Iran's foreign policy development and the mechanisms of its implementation will be explored. The foreign policy of Iran's presidents and the methods of its implementation will be analyzed, and their aspects aimed at protecting the country's national interests will be compared. The article states that the Iranian Foreign Policy Office tried to show the world community that it supports the idea of liberalizing international relations at a time when Tehran gave priority to the development of Tehran's foreign policy based on the ideas of realism.

Keywords and expressions: *Iran, foreign policy, domestic policy, supreme leader, soft power, Islamic revolution, Tehran, concept, ideology, Iranian president, Hezbollah, foreign policy office, diplomacy.*

XX аср охири ва XXI асрнинг боши Эрон ташқи сиёсати стратегияси мамлакатдаги ислохотлар таъсирида бир неча бор ўзгаришларга учраб, ушбу тарихий давр мобайнида сиёсий элита Техрон ташқи сиёсати йўналишларини жорий конъюнктурадан келиб чиққан ҳолда ўзгартириб боришга алоҳида аҳамият берди. 1979 йилдаги инқилоб натижасида ҳокимият тепасига келган янги сиёсий элита аввалги ташқи сиёсатни амалга ошириш тизимини ислох қилиб, Эроннинг янги ташқи сиёсати концепциясини ишлаб чиқди.

Бунда Эрон ташқи сиёсати концепциясини мамлакат раҳбариятининг диний ва сиёсий қарашларидан келиб чиққан ҳолда шакллантиришга ва Эрон жамиятидаги ижтимоий-сиёсий тенденцияларни инобатга олишга алоҳида эътибор берилди.

XX аср 80-йилларидан кейин Эрон дипломатияси мамлакат Олий раҳбари Р.Хумайнийнинг сиёсий мавқеи, шу жумладан, унинг давлатлараро муносабатларни амалга ошириш борасидаги нуқтаи назари таъсирида шаклланди. Бунинг натижасида Эрон Олий раҳбари Р.Хумайний ташқи сиёсат концепциясини белгилаб берувчи энг юқори инстанцияга айланди. Р.Хумайний белгилаб берган концепцияга биноан Эрон ташқи сиёсати “ислом инқилоби экспорти” ҳамда “на Фарб, на Шарқ – фақат ислом” ғояларига асосланди. Ушбу мулоҳаза Эрон ташқи сиёсат маҳкамаси расмий Техроннинг ташқи сиёсатини халқаро муносабатлардаги реализм ғоялари асосида ишлаб чиқишга устуворлик берганининг далили сифатида эътироф этилади.

Р.Хумайнийнинг мазкур ғоялари бўйича ишлаб чиқилган ташқи сиёсат концепцияси қуйидагиларни ўз ичига олган:

- инқилоб дунё давлатлари томонидан мусулмон ҳамжамиятига кўрсатилаётган зулмга нисбатан мурасасизлиги;
- ислом кадриятларини ҳаётга татбиқ этиш ва дунё давлатларини улар билан таништириш;
- Эроннинг хорижий давлатлар билан алоқаларини ривожлантириш ва кенгайтириш;
- Эрон ташқи сиёсатини мамлакатлар ва халқларнинг бир-бирига маданий, иқтисодий ва ижтимоий таъсир этиш заруриятига қаратиш;
- ташқи сиёсатдан Эронни халқаро майдонда яқкалаш, ислом



инқилобига нисбатан агрессив ташвиқотга қарши кураш воситаси сифатида фойдаланиш;

– ташқи сиёсатдан Эронга дўст ва душман давлатларни аниқлаш воситаси сифатида фойдаланиш¹.

Эътиборга лойиқ томони шундаки, Олий раҳбар Р.Хумайний илгари сурган ташқи сиёсат доктринасини ўз ичига олган ташқи сиёсат тамойиллари ва халқаро масалаларда Олий раҳбарнинг ўрни борасидаги бандларнинг Эрон Конституциясига киритилиши орқали ҳуқуқий асос яратилди². Шунингдек, Р.Хумайний белгилаб берган ташқи сиёсат концепцияси 1981 йил январь ойида Эрон Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари билан ўтказилган учрашувда ҳам таъкидлаб ўтилган³.

XX асрнинг 1979-1989 йиллари оралиғи Эрон ташқи сиёсатидаги қатор мураккаб вазиятлар, хусусан, ташқи сиёсий масалалар борасида маҳаллий сиёсий элита ўртасидаги қарама-қаршилик, Ироқ билан уруш, АҚШ билан дипломатик алоқаларнинг узилиши, етакчи Ғарб давлатлари билан муносабатларнинг совуқлашиши каби ҳолатлар билан ифодаланади.

Олий раҳбар Р.Хумайнийнинг фикрича, “ислом инқилоби экспорти” ва “муслмон давлатларидаги озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш” Эрон ташқи сиёсати доктринасининг асосини ташкил этиши керак⁴. Шунингдек, Р.Хумайний илгари сурган “на Шарқ, на Ғарб” ғояси асосида амалга оширилган ташқи сиёсат натижасида Техроннинг дунё ҳамжамияти билан муносабатлари янада мураккаблашиб, Эронни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан халқаро майдонда яққаланиб қолишига олиб келди. Р.Хумайний ғоялари асосида амалга оширилган ташқи сиёсат дастлаб Эрондаги турли сиёсий кучлар томонидан танқидга учради. Ички мухолифат Олий раҳбар Р.Хумайнийни минтақавий ташқи сиёсатни юритишда изчилликка риоя этмасликда айблади.

Юқорида зикр этилган концепцияни амалга ошириш йўлида расмий Техрон Сурия ва Ливиядаги фаолияти тақиқланган ташкилотлар билан алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилди. Шу билан бирга, турли минтақавий ва халқаро минбарлардан Эрон ҳукумати муслмонларга тазйиқ ўтказётган ҳар қандай давлат билан дипломатик алоқаларини узишга тайёрлигини таъкидлаб келди. Ушбу тезисдан келиб чиқиб, расмий Техрон Эроннинг Миср ва Иордания билан дипломатик алоқалари узилганини эълон қилди, Саудия Арабистони билан алоқаларини жиддий чеклади.

¹ Вартамян А.М. Трансформация внешнеполитической доктрины ИРИ в 1979–2005 гг. // Афганистан, Иран, Пакистан: время выборов и перемен / отв. ред. М.Р. Арунова. – М., ИВ РАН, 2006, с. 93

² http://rc.majlis.ir/fa/content/iran_constitution. قانون اساسی جمهوری اسلامی ایران.

³ Вартамян А.М. Трансформация внешнеполитической доктрины ИРИ в 1979–2005 гг. // Афганистан, Иран, Пакистан: время выборов и перемен / отв. ред. М.Р. Арунова. – М., ИВ РАН, 2006, с. 93

⁴ فیروز دهنانی آبادی سید جلال. سیاست خارجی جمهوری اسلامی ایران – تهران : سازمان مطالعات و تدوین علوم انسانی دانشگاه ، 2009 ، ص 458



XX аср 80-йиллари охири Эрон ички сиёсий майдонида прагматиклар ва реалистларнинг ҳукмронлиги даврида Техрон “юмшоқ куч” сиёсатини қўллаш ва “ислом маданиятини экспорт қилиш” орқали ўз ташқи сиёсий мақсадларини амалга оширишга алоҳида эътибор қарата бошлади¹.

Жумладан, 1989 йили Эронда конституциявий ислохотларнинг амалга оширилиши, Олий раҳбарнинг ўзгариши ва янги президентнинг сайланиши ҳамда унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатидаги ролининг кучайиши каби муҳим ўзгаришлар Эрон ташқи сиёсатининг янги босқичини белгилаб берди.

Эроннинг янги Олий раҳбари Али Хаменеий ташқи сиёсатда мамлакатга қўшни мусулмон давлатларидаги сиёсий тузумларнинг барқарорлиги ва улар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

1989 йили Али Акбар Ҳошимий-Рафсанжоний Эрон президенти этиб сайланиши натижасида Олий раҳбар Р.Хумайний ғоялари асосида шакллантирилган ташқи сиёсат концепцияси қайта ишлаб чиқилди. Расмий Техрон ташқи сиёсати прагматик тус олиб, қатор давлатлар билан муносабатлар конструктив қайта кўриб чиқилди.

Эрон миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, уни сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва илмий-техникавий жиҳатдан минтақадаги етакчи давлатга айлантириш, ташқи бозорларни иқтисодий экспансия қилиш А.Ҳошимий-Рафсанжонийнинг президентлик даврида (1989-1997) мамлакат ташқи сиёсатининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Президент А.Ҳошимий-Рафсанжонийнинг даврида Эронга нисбатан қабул қилинган санкцияларни енгиллатишга, кўпгина давлатлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатишга (Исроил ва АҚШ бундан мустасно), минтақавий ва халқаро ташкилотларда фаол иштирок этиш орқали дунё ҳамжамияти олдидаги нуфузини мустаҳкамлашга эришди².

Шу билан бирга, Техрон ўзи кучли мавқега эга ташкилотлар орқали мамлакат миллий манфаатларини илгари суришга интилди. Жумладан, 1996 йили Ислом ҳамкорлик ташкилотидан Эроннинг Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси давлатларига таъсир кўрсатиш воситаси сифатида фойдаланишга, уни иқтисодий уюшмадан сиёсий ташкилотга трансформация қилишга ва ҳаттоки ҳарбий-сиёсий ташкилотга айлантиришга ҳаракат қилди.

Муҳаммад Хотамийнинг 1997-2005 йиллардаги президентлик даври экспертлар томонидан ислохотчи-сиёскатчилар ҳукмронлиги даврида деб номланиб, Эрон ташқи сиёсати концепцияси янги мазмун олгани қайд этилади. Хусусан, Эронни халқаро яққаланишдан чиқариш ва кўп қутбли тизим доирасида кўп векторли ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган “цивилизациялар мулоқоти” ташаббуси илгари сурилди. Шунингдек,

¹ Ушаков В.А. Внешняя политика Исламской Республики Иран после революции 1978-1979 гг. / Дис. ...д ра ист. наук / Ин-т востоковедения РАН. - М., 1997. -542 с.

² Kozhanov N. Iran's Strategic Thinking – The Evolution of Iran's Foreign Policy 1979-2018. Berlin: Gerlach Press, 2018. 190 p.





Афғонистон ва Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларга нисбатан муносабат билдириш, янги таҳдидларга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида қарши курашнинг жамоавий тизим яратиш мақсадида “Адолатга асосланган тинчлик учун коалицияси” концепцияси ишлаб чиқилди.

Юқоридаги икки тамойил назарий жиҳатдан яхлит мафкуравий платформани ташкил этиб, улар асосида М.Хотамий ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди. Эрон дипломатиясининг “цивилизациялар мулоқоти” концепцияси доирасидаги тамойилларни вазиятни юмшатиш, ишончни мустаҳкамлаш, мулоқот ва таҳдидларни қулай имкониятларга айлантириш йўли сифатида ҳисоблаш лозим, “Адолатга асосланган тинчлик учун коалицияси” шиори Техрон назарида терроризм, экстремизм ва зўравонликка қарши изчил олиб бориладиган сиёсатга айланади. М.Хотамий президентлиги даврида Эрон Ташқи ишлар вазирлигининг устувор вазифалари қуйидагилардан иборат бўлди¹:

- халқаро муносабатларда конструктив ёндашувда бўлиш;
- “цивилизациялар мулоқоти” сиёсатини амалга ошириш;
- ташқи сиёсатда Эрон маданияти ва қадриятларига таяниш.

Президент М.Хотамий ташқи сиёсат стратегиясининг яна бир муҳим элементи унинг прагматик, узоқ муддатли истиқболга қаратилганлиги эди. Эрон мураккаб халқаро ва минтақавий вазиятда ўзини бир лаҳзалик манфаатни кўзламасдан, узокни кўра оладиган давлат эканлигини кўрсатди. 1997-2005 йиллар Эрон ҳукмрон элитаси ўртасида ички келишмовчиликлар ва қарама-қаршиликларнинг кучайиши ички сиёсий ҳаётни характерловчи асосий элементлардан бири бўлиб, Эрон сиёсий элитасини ислоҳотчилар ва консерваторларга бўлиб қўйди. Шунга қарамасдан, бу келишмовчиликлар Эроннинг ташқи сиёсатини заифлаштирмади, унинг асосий параметрлари ва йўналишлари сақланиб қолди.

1997-2005-йиллар Олий раҳбар томонидан Ташқи ишлар вазирлигига Эрондаги ислом тузумини мустаҳкамлаш учун қулай халқаро муҳитни шакллантириш, мамлакат миллий манфаатларини хорижда таъминлаш, ватандошларнинг ҳуқуқларини чет элларда ҳимоя қилиш каби вазифалар қўйилади. Президент М.Хотамийнинг нуқтаи назарича, Эроннинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳалардаги салоҳияти, шунингдек, ислом нормаларига асосланган давлат тузumi аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани Техроннинг халқаро нуфузи таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади².

М.Хотамий ўзининг президентлик даврида (1997-2005 йиллар) Эрон ташқи сиёсатини халқаро муносабатлардаги либерализм ғоялари асосида

¹ Санаи Меҳди. Диалог цивилизаций и исламский фактор. // Диалог цивилизаций: Доклады и выступления. Российско-иранский международный научный симпозиум апрель 2001 г. - М.: РАН ИВ, Муравей, 2003. - С. 10-15.

² Юртаев В.И. Особенности и реализация внешней политики Исламской Республики Иран (1979 – 2010 гг.) / Дис. ... д-ра ист.наук / РУДН. – М., 2012. – 439 с.



ишлаб чиқишга устуворлик бергани мамлакат Олий раҳбари А.Хаменейнинг кескин қаршилигига дуч келди, зеро, бундай ёндашув собиқ Олий раҳбар Р.Хумайний даврида (1979-1989 йиллар) асос солинган концептуал ғоя ва тамойилларга зид эди.

Бундай шароитда 2005 йил июнда ўтказилган умумхалқ президентлик сайловларида неоконсерватив кучлар вакили бўлган ва Эрон ташқи сиёсати концепциясини тубдан қайта ишлаб чиқиш тарафдори Маҳмуд Аҳмадинажд давлат раҳбари этиб сайланади. Неоконсерваторлар Эрон ташқи сиёсатининг асосий тамойилларини сақлаб қолган ҳолда халқаро муносабатларда “адолат” тамойилига эътиборни қаратиш, давлатларнинг нуфузи ва қудратидан қатъий назар адолатли ва тенг ҳуқуқли муносабатлар олиб бориш стратегиясини илгари сурдилар.

Президент М.Аҳмадинажд даврида Эрон дипломатияси ташқи сиёсат риторикасини сезиларли даражада кескинлаштиргани билан изоҳланади. Эроннинг халқаро муносабатларида “адолат” тамойили сезиларли даражада фаоллашгани қайд этилди. Эронни 2025 йилга иқтисод, фан ва технологиялар бўйича минтақада биринчи ўринга олиб чиқиш учун қулай ташқи муҳитни шакллантириш Ташқи ишлар вазирлигининг асосий вазифаси сифатида белгиланди. Бироқ Эрон сиёсий элитасида мамлакатнинг халқаро мавқеи юзасидан турли қарама-қарши ёндашувлар мавжудлиги боис Техроннинг янги ташқи сиёсати кутилган самарани бермади.

Мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар натижасида 2005-2007 йиллар Эрон ташқи сиёсатида минтақавий ўзгаришлар, хусусан, Жанубий Америка давлатлари ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар билан муносабатларида намоён бўлди¹. Жумладан, Бразилия, Венесуела, Боливия, Куба ва Никарагуа билан дипломатик алоқалар ўрнатилди, шунингдек, Серра-Леоне, Замбия, Кения, Танзания ва Сенегал каби Африка давлатларига олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди².

2009 йил президент М.Аҳмадинажд томонидан “Ижодий ҳамкорлик” номини олган янги ташқи сиёсат концепцияси илгари сурилади³. Халқаро муносабатларга хос мураккаб сиёсий жараёнларни англаб етган ва тушунган ҳолда фаол, мақсадга йўналтирилган, конструктив, таъсирчан ташқи сиёсатни амалга ошириш, Эрон ташқи сиёсатига зарар келтирадиган ҳудудлардан чекиниш ва миллий мафаатларни илгари суришга қулай минтақаларда расмий Техрон фаолиятини кучайтириш, жаҳон сиёсатида кучли ва нуфузли давлат сифатида ўрин эгаллаш, халқаро муносабатларни янги босқичга олиб

¹ Юртаев В.И. Особенности современной внешней политики Исламской Республики Иран // Вестник РУДН, серия Халқаро муносабатлар, 2012, № 2, 18 б.

² Mehmet Bora Sanyurek. Devrim sonrası İran dış politikası // The Journal of Academic Social Science Yıl:6, Sayı: 86, Aralık 2018, s. 212.

³ Maaïke Warnaar. Iranian foreign policy during Ahmadinejad: Ideology and Actions. Palgrave Macmillan, 2013. 304 p.



чиқиш мазкур концепциянинг асосий вазифалари сифатида белгиланди. Бунда “Ижодий ҳамкорлик концепцияси” минтақавий ва халқаро даражада, қўшни ҳамда ривожланаётган давлатлар билан муносабатларни босқичма-босқич амалга ошириш кўзланган¹.

Эрон ўз ядро дастурини амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари халқаро даражада кескин қаршиликка учраган бир шароитда расмий Техрон ташқи сиёсатида янги стратегик йўналиш – ядро дипломатияси шаклланди. 2010 йилдан бошлаб Техрон халқаро чекловлардан халос бўлиш ва жаҳон сиёсатида ўз нуфузини мустаҳкамлаш учун “Эрон ядро дастури” мавзусидан моҳирона фойдалана бошлади.

2005-2009 йиллар Эрон ташқи сиёсати концепциясида “агрессия” ва “эскалация” услубларини АҚШ ва Исроилни тийиб туришнинг самарали воситаси сифатида кенг қўллагани қайд этилади². Айниқса, мазкур давр Эрон парламенти, ижро этувчи ва суд ҳокимиятида радикал кайфиятдаги консерваторлар етакчилик қилиши президент М.Аҳмадинажод юқорида зикр этилган концепцияни амалга ошириши учун қулай ички сиёсий муҳитни таъминлаб берди³. Президент М.Аҳмадинажоднинг Яқин Шарқ йўналишидаги ташқи сиёсати натижасида Эроннинг етакчи араб давлатлари, хусусан, Миср ва Форс кўрфази монархиялари билан муносабатларини яхшилашга эришилди.

2013-2021 йиллар Хасан Рухонийнинг президентлик даврида Эрон халқаро ҳамжамият томонидан минтақанинг етакчи давлатларидан бири сифатида эътироф этила бошланди. Президент Х.Рухонийнинг ташқи сиёсий майдондаги фаолияти, хусусан, унинг прагматик қарашлари Эрон халқи томонидан қўллаб-қувватланиб, мамлакатнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотчилик ҳаракати деб номланди. Президент Х.Рухоний илгари сурган янгича нигоҳдаги ташқи сиёсат концепциясида миллий иқтисодиётни ривожлантириш; Эрон ядро дастурини амалга ошириш; халқаро санкциялар бекор қилинишига эришиш; минтақавий ҳамкорликни кучайтириш мавзулари асосий ўрин эгаллади. Шу билан бирга, ҳукуматга ўзи билан ҳамфикр, прагматик сиёсатчиларни жалб этди⁴. Эътиборга лойиқ томони шундаки, Х.Рухонийнинг ушбу фаолияти дастлабки йиллар Эрон Олий раҳбари Али Хаменеий томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланган.

Президент Х.Рухонийнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари натижасида Эроннинг АҚШ билан муносабатларида ўзига хос ижобийлик, минтақа

¹ Сидҳид мولاتна, *Мноҷер محمدى. سياست خارجى جمهورى اسلامى ايران در دولت احمدى نژاد. تهران: دادگستر، 2008* ص 116

² Mehmet Bora Sanyurek. Devrim sonrası İran dış politikası // The Journal of Academic Social Science Yıl:6, Sayı: 86, Aralık 2018, s. 211.

³ Ўша жой 212 б.

⁴ Mehmet Bora Sanyurek. Devrim sonrası İran dış politikası // The Journal of Academic Social Science Yıl:6, Sayı: 86, Aralık 2018, s. 214.



давлатлари билан алоқаларда ўзаро ишонч аломатлари кузатилди, сиёсий музокараларда вазминлик устувор тус олди.

Президент Х.Рухоний Ғарб давлатлари томонидан Эронга нисбатан жорий қилинган санкцияларни АҚШ вакиллари билан конструктив музокаралар ўтказиш ва айрим сиёсий йўналишларда муроасага бориш тактикасини қўллаш орқали олиб ташланишига эришишга интилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар натижасида расмий Техрон томонидан 2013 йил 24 ноябрь Женевада Эрон ядро дастури бўйича АҚШ, РФ, Хитой, Франция, Буюк Британия ва Германия вакиллари билан келишув имзоланди. Шунингдек, мазкур ҳужжат доирасида 2015 йил 14 июлда “Ҳамкорликдаги умумий ҳаракатлар режаси” ишлаб чиқилди ва у 2015 йил 20 июлда БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан маъқулланди. Бироқ 2018 йилда Вашингтон маъмурияти тепасига президент Д.Трамп келганидан сўнг Эрон билан имзоланган мазкур келишувдан АҚШ бир томонлама чиқиб кетди.

Президент Х.Рухонийнинг нуқтаи назарича, минтақавий ва халқаро майдонда шаклланган вазият Эрондан қуйидагилардан иборат бўлган “мўътадил” ташқи сиёсат амалга оширишни тақозо этган:

1. “Мўътадиллик” – бу жорий воқеликка объектив баҳо берган ҳолда ташқи сиёсий курсни ишлаб чиқиш ва бунда ташқи сиёсат тамойиллари ва манфаатлари инобатга олинишини таъминлаш.

2. Ташқи алоқаларда кескин ёндашувлар ва турли шиорлардан воз кечиб, Эроннинг сиёсий обрўсини ошириш.

3. Хорижий мамлакатлар билан конструктив ҳамкорликни ўрнатиш орқали ташқи сиёсий фаолиятнинг натижадорлигига давлатлар ўртасида ўзаро ишончни кучайтириш орқали эришиш.

4. Ташқи сиёсатда мамлакатни иқтисодий риволантириш масалаларига устуворлик бериш¹.

Экспертларнинг нуқтаи назарича, расмий Техрон мазкур йўналишдаги натижаларга эришишида Эроннинг турли давлатларда фаолият юритаётган хайрия жамғармалари орқали қўлланилган “юмшоқ куч” сиёсати муҳим ўрин тутган². Бироқ Х.Рухоний янги ташқи сиёсатда конструктив ёндашувни шакллантиришга ҳаракат қилганига қарамай, Эрон Олий раҳбари А.Хаме-нейнинг президентга нисбатан муносабатининг ўзгариши натижасида ички сиёсатда катта қаршиликка дуч келди³. Хусусан, Олий раҳбар ҳамда Исло

1 Akbarzadeh, Shahram and Dara Conduit. Iran in the world: President Rouhani's Foreign Policy. London: Palgrave Macmillan, 2016, 214 p.

2 Vali Golmohammadi. The Foreign Policy of the Islamic Republic of Iran: Prospects for Change and Continuity // All Azimuth V 8, N 1, 2019, P 97.

3 Akbarzadeh, Shahram, and Dara Conduit, eds. Iran in the World; President Rouhani's Foreign Policy. Reprint, Houndmills, Basingstoke, Hampshire; New York, NY: Palgrave Macmillan, 2016.



инкилоби кўриқчилари корпуси президент Х.Рухонийнинг халқаро майдондаги эркин фаолиятини чеклашга интилди¹.

Юқорида зикр этилганлардан келиб чиқиб, хулоса сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

XX аср 80-йилларидан кейин Эроннинг янги ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ислом омили асосий ўрин тутган бўлса, XXI асрдан бошлаб глобализация жараёнлари ўзанида кечгани қайд этилади.

Расмий Техрон томонидан XX аср охири – XXI аср бошида амалга оширилган ташқи сиёсат таҳлили Эрон сиёсий истеблишментидаги ислохотчилар тоифаси вакиллари (А.Ҳошимий-Рафсанжоний, М.Ҳотамий, Х.Рухоний) консерватив сиёсатчиларга (Р.Хумайний, А.Хаменеий, М.Аҳмадинажод) нисбатан халқаро масалаларда прагматик ва мувозанатли ташқи сиёсат юритишни ёқлаб чиққанликларини кўрсатди.

Эрон ташқи сиёсат концепциясининг тамойиллари ва устувор йўналишлари мамлакат президентлари ўзгариши билан қайта кўриб чиқишга учраган. Ўтган даврлар мобайнида Эрон Олий раҳбари Р.Хумайний белгилаб берган ташқи сиёсат концепцияси тубдан ўзгармаган, балки президентлар томонидан ўз сайлов дастуридан келиб чиқиб, муайян янги тус олган.

Р.Хумайнийнинг ташқи сиёсий қарашлари Эрон Конституциясида қонуний равишда мустаҳкамланган. Ушбу Асосий қонундаги ташқи сиёсат тамойиллари ҳозирги вақтда ҳам Эрон раҳбарияти учун долзарб бўлиб қолмоқда.

Эрон раҳбарияти мамлакат ташқи сиёсатини халқаро муносабатлардаги реализм ғояларидан келиб чиққани боис ташқи сиёсий фаолиятда, биринчи навбатда, мамлакат миллий манфаатларини таъминлаш масаласига устуворлик берган деб қайд этиш мумкин.

Эрон ташқи сиёсати эволюциясини тадқиқ этиш асосида Техрон дунёвий ривожланиш йўлини танлаган давлатлар билан конструктив ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга тайёр эканлигини кўрсатди. Эрон ташқи сиёсатига ислом омилининг таъсири янги авлод сиёсий элитанинг реалистик ва прагматик ёндашуви боис нисбатан пасайиш ҳолатлари қайд этилган бўлиб, Эроннинг экспансионизми кўпроқ қўшни давлатлар билан савдо-иқтисодий соҳада ўз аксини топди.

¹ Хандогин К. Идеология хомейнизма и её влияние на формирование концептуальных основ внешней политики Ирана // Власть. 2011. № 10. С. 114.



ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР // МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ // INTERNATIONAL RELATIONS

АБДУЛЛАЕВ НОДИР

сиёсий фанлар доктори, доцент, ТДШУ

Суриянинг сиёсий трансформацияси хусусиятлари

Аннотация. Мақолада араб давлатларидаги сиёсий трансформацияни тадқиқ этишининг назарий-методологик жиҳатлари, Яқин Шарқ мамлакатлари хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдидлар, сиёсий трансформация муаммоси ҳозирги замон сиёсати-иқтисодиёти нуктаи назаридан тадқиқ этилган, хусусан, Суриянинг ички ва ташқи сиёсатидаги ўзгаришлар мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигига нисбатан таҳдидлар нуктаи назаридан таҳлил қилинган. Суриянинг сиёсий трансформацияси ривожланишидаги асосий тенденциялар, уни белгиловчи асосий омилларнинг шаклланиши ўрганилган. Сурия президентлари Ҳафиз Асад ва Башир Асад давридаги ташқи сиёсат қиёсий таҳлил қилиниб, сиёсий трансформация мамлакат ташқи сиёсати концепциясига муайян ўзгаришлар киритгани кўрсатилган. Сурия инқирозининг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни, шунингдек, миллий манфаатларни таъминлашга таъсири, Яқин Шарққа “демократияни олиб кириши” жараёнида расмий Дамашқнинг сиёсати тадқиқ этилган. Сурия муаммосининг сабаблари ва келиб чиқишига имкон берган шарт-шароитлар ҳамда мамлакатда амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган. Яқин Шарқдаги янги геосиёсий ва геостратегик омилларнинг Сурияга таъсири тизимли таҳлил қилинган. Глобаллашув туфайли Яқин Шарқ хавфсизлиги ва барқарорлигига нисбатан юзага келган таҳдидлар минтақадаги сиёсий жараёнларнинг хусусиятини белгилаб бергани, мазкур жараёнларга ташқи кучларнинг аралашuvi эса Суриядаги можарони келтириб чиқаргани кўрсатилган. Сурияда барқарор ривожланиш истиқболлари, давлат хавфсизлигини таъминлашдаги муаммолар тадқиқ этилган. Давлат ички сиёсий ҳаётининг демократлашuvi ҳамда либераллашuvi мезонларининг устувор жиҳатлари мамлакатнинг миллий ҳамда тарихий-маданий анъаналаридан келиб чиқиб белгиланиши кераклиги кўрсатилган.

Таянч сўз ва иборалар: Сурия, ички сиёсат, сиёсий жараёнлар, демократия, Яқин Шарқ, сиёсий тизим, трансформация, ислохотлар, сиёсий маданият, сиёсий ривожланиш, либерал жамият, Сурия можароси, давлат ҳокимияти.

Аннотация. В статье рассматриваются теоретико-методологические аспекты изучения политической трансформации в арабском мире, угроз безопасности и стабильности на Ближнем Востоке, проблемы политической трансформации с точки зрения современной политической науки, в частности, угроз безопасности и стабильности в Сирии. Изучены основные тенденции развития политической трансформации Сирии, формирование основных определяющих ее факторов. Сравнительный анализ внешней политики президентов Сирии Хафеза Асада и Башара Асада показывает, что политическая трансформация внесла определенные изменения в концепцию внешней политики страны. Изучено влияние сирийского кризиса на безопасность и стабильность в регионе, а также национальные интересы, а также



политика официального Дамаска в процессе «демократизации общества» на Ближний Восток. Раскрыты причины и условия сирийского кризиса и суть проводимых в стране реформ. Проведен системный анализ влияния новых геополитических и геостратегических факторов на Сирию на Ближнем Востоке. Угрозы безопасности и стабильности на Ближнем Востоке из-за глобализации определили характер политических процессов в регионе, а вмешательство внешних сил в эти процессы привело к конфликту в Сирии. Изучены перспективы устойчивого развития Сирии и проблемы в обеспечении национальной безопасности. Констатируется, что приоритеты критериев демократизации и либерализации внутривнутриполитической жизни должны определяться исходя из национальных и историко-культурных традиций страны.

Опорные слова и выражения: Сирия, внутренняя политика, политические процессы, демократия, Ближний Восток, политическая система, трансформация, реформы, политическая культура, политическое развитие, либеральное общество, сирийский конфликт, государственная власть.

Abstract. The article analyses the theoretical and methodological aspects of the study of political transformation in the Arab world, threats to security and stability in the Middle East, the problem of political transformation in terms of modern political science, in particular, threats to security and stability in Syria. The main trends in the development of Syria's political transformation, the formation of the main factors determining it are studied. A comparative analysis of the foreign policy of Syrian Presidents Hafez Assad and Bashar al-Assad shows that the political transformation has made certain changes in the concept of the country's foreign policy. The impact of the Syrian crisis on security and stability in the region, as well as national interests, and the policy of official Damascus in the process of "bringing democracy" to the Middle East have been studied. The causes and conditions of the Syrian crisis and the essence of the reforms carried out in the country have been revealed. The impact of new geopolitical and geostrategic factors on Syria in the Middle East has been systematically analyzed. Threats to security and stability in the Middle East due to globalization have determined the nature of political processes in the region, and the interference of external forces in these processes has led to the conflict in Syria. Prospects for sustainable development in Syria and problems in ensuring national security have been studied. It is stated that the priorities of the criteria for democratization and liberalization of domestic political life should be determined on the basis of national and historical and cultural traditions of the country.

Keywords and expressions: Syria, domestic politics, political processes, democratization, Middle East, political system, transformation, reforms, political culture, political development, liberal society, Syrian conflict, state power.

Дунёда юз бераётган ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар турли давлатларда кечаётган сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатиб, уларнинг жиддий трансформацияга учрашига олиб келмоқда. Бундай шароитда халқаро муносабатлар тизими ҳам ўзгариб бораётгани давлатлараро алоқаларни мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ташкил этишининг аҳамиятини оширмоқда. Суриядаги можаро Яқин Шарқдаги глобал трансформациянинг таркибий қисми сифатида намоён бўлиб, хавфли тенденцияларни келтириб чиқармоқда. Бу каби мураккаб ва таҳдидли жараёнлар таъсирида шарқшунос-сиёсатшунос олимлар араб давлатларидаги сиёсий



ўзгаришларни улардаги жамиятларга хос хусусиятларни инobatга олган ҳолда чуқур ва кенг миқёсда тадқиқ этишга алоҳида аҳамият бермоқда.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг қатор етакчи илмий тадқиқот муассасаларида араб давлатларидаги сиёсий жараёнларни, жумладан, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон яратган омилларни, хавфсизликни таъминлашга тўсқинлик қилаётган муаммоларни комплекс ўрганиш борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Уларнинг объекти сифатида араб давлатларидаги сиёсий трансформация жараёнлари, диний, этноконфессионал зиддиятлар, экстремизм ва терроризмнинг кучайиши муаммолари чуқур ўрганилмоқда. Бунда Сурия ички ва ташқи сиёсатидаги ўзгаришларнинг мамлакат ривожланишига таъсири, ислохотлар самарадорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш механизмларини илмий муаммо сифатида тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда¹.

Суриянинг сиёсий трансформациясига доир тадқиқотларда ушбу мамлакат тараққиёт парадигмасини белгилашда муҳим ўрин тутувчи миллатлараро ва конфессиялараро бағрикенгликни таъминлаш стратегияси; давлат бошқарувига Ғарб либерализмига хос мулкӣ индивидуализм тамойили кириб келиши мамлакатда сиёсий беқарорлик ва марказий бошқарув тизимининг заифлашуви омили эканлиги; умумараб муносабатларидаги янги тенденциялар, араб-Исроил можароси Яқин Шарқ давлатларига ички ва ташқи таҳдидларни яратаётгани; араб давлатларидаги сиёсий трансформация Сурияни суннийлар, шиалар, алавийлар, курдлар, шунингдек, Эрон, Исроил, Туркия, АҚШ, Россиянинг ҳарбий-сиёсий манфаатлари тўқнашуви ва геосиёсий рақобат майдонига айланиб қолаётгани очиб берилди².

Экспертлар нуқтаи назарича, араб давлатларида юзаки тарзда ўтказилган ислохотлар асосида амалга оширилган сиёсий ўзгаришлар давлат бошқарув тизимининг туб моҳиятига таъсир этмаган бўлса-да, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи бир қатор янги тенденцияларни келтириб чиқарган. Сурия раҳбарияти, бир томондан, сиёсий плюрализмни таъминлаб, бунинг учун кенг имкониятлар очиб бергани ҳолда, бошқа томондан, норматив ҳужжатлар ва маъмурий-ҳуқуқӣ воситалардан сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари эркинлигини чекловчи шарт-шароитларни яратишда фойдаланган³.

Ташқи кучларнинг араб давлатларига Ғарб моделидаги демократияни олиб киришни кўзда тутувчи “Катта Яқин Шарқ” дастурини амалга ошира

¹ Казанин В.М. Сирийский конфликт: оценки китайских специалистов. – М.: Институт Ближнего Востока, 2017. – 276 с.

² Харламов А.А. “Арабская весна” в Египте, Ливии, Сирии и ее последствия для глобальной и региональной безопасности: Дис. ...канд. полит. наук. – Нижний Новгород, 2016. – 186 с.

³ Казанин В.М. Сирийский конфликт: оценки китайских специалистов. – М.: Институт Ближнего Востока, 2017. – 276 с.



бошлагани минтақа давлатларидаги хавфсизлик ва барқарорликни издан чиқариб, умумий вазиятга жиддий таъсир қилган. Сурия аҳолиси ҳукуматнинг сиёсий йўли ва қарор топган ижтимоий-иқтисодий вазиятдан қониқмаётгани, аммо амалдаги воқелик сиёсий тузумни ўзгартиришга баҳона бўлган. Давлат ва жамият муносабатларида ислом дини катта ўрин тутиши сабабли, ички сиёсий ўзгаришлар оқибатида радикал диний-экстремистик гуруҳлар кенг миқёсда намоён бўлган. Шу боис араб мамлакатларидаги сиёсий жараёнлар фақат ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар негизида шаклланмай, балки ташқаридан бошқарилгани таъкидланиб, мамлакатдаги тизимли зиддиятлар ҳар доим ҳам инқилобга сабаб бўлмайди, Суриядаги сиёсий ислохотлар маҳаллий элиталарни ўзгартирмади, бироқ ушбу давлатни жаҳоннинг “қайноқ нуқталар”идан бирига айлантирди деган хулоса қилинади.

Шулардан келиб чиқиб, араб сиёсий таҳлилчилари Яқин Шарқдаги ҳарбий-сиёсий агрессия, терроризм, экстремизм экспансияси каби перманент таҳдидлар юзага келган вазиятда хавф-хатарни бартараф этадиган, превентив чоралар кўрадиган хавфсизлик тизимига таяниш, кучлар мувозанатига асосланган миллий хавфсизлик, ички ва ташқи сиёсат ҳамда ҳарбий стратегияни таъминловчи тизим яратиш зарур деб таъкидламоқда¹.

Суриядаги сиёсий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга йўл қўйилмагани, давлатчилик хорижий ҳамкорлар кўмагида сақлаб қолингани, можаро ҳарбий босқичдан сиёсий босқичга ўтгани, уни дипломатик воситалар билан ҳал қилиш учун шароит яратилгани Яқин Шарқ ва, айниқса, Сурия учун геосиёсий жиҳатдан муҳим натижа бўлган. Бироқ минтақада янги геосиёсий вазият юзага келгани Яқин Шарқ муаммосини ҳал қилишда ҳарбий омилнинг ролини янада кучайтирди. Шу билан бирга, Сурия миллий иқтисодиётини инқироздан чиқариш учун халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, сиёсий ислохотларни босқичма-босқич давом эттириш ишларида ҳарбийлар етакчилик қилмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, президент Б.Асад Суриянинг мустақиллиги ва суверенитетини таъминлаб берувчи кучли хавфсизлик тизимини яратиш, мамлакатнинг мудофаа салоҳиятини кучайтириш билан бирга, вужудга келган имкониятдан керакли пайтда фойдаланиб қолиш учун қуролли кучларнинг қудратини ошириб бориш ҳамда минтақада кучлар мувозанатига доимий равишда эътибор қаратиш зарур, деб таъкидлаш мумкин. Бундай шароитда Сурия дипломатияси Яқин Шарқда хавфсизлик тизимини

1 Шаҳир ал-Ғиялийн, Дина Шуқайр. Араб давлатларидаги демократик транзит тўсиғи // “Сиёсий ва юридик тадқиқотлар истиқболлари” журнали. Араб тилида: Муъаййиқат ат-таҳаввул ад-димукротий фий ад-дувал ал-арабийя // Мажалла Аафақ лилабҳас ас-сиясийя ва ас-сақафийя ва ал-қанунийя, ал-жилд 3, адад 5, аъам 2020. – С. 396-417. *شاهر الغياليين، دينا شقير. معوقات التحول الديمقراطي في الدول العربية // مجلة آفاق للأبحاث السياسية والقانونية، المجلد 3، عدد 5، عام 2020، ص 396-417.* <https://www.asjp.cerist.dz/en/article/163044>



яратишда миллий, минтақавий манфаатларни, араб давлатлари ўртасидаги ва халқаро миқёсдаги манфаатларни ҳисобга олиши, ҳукумат ички сиёсий ислохотларни амалга ошириши учун минтақавий ташқи сиёсатининг аввалги устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиши керак бўлмоқда.

Суриянинг институционал ва ижтимоий-маданий ривожланиш омиллари тузумнинг сиёсий трансформациясига таъсир этиши натижасида унинг ички ва ташқи сиёсатидаги ўзгаришларни, араб дунёси сиёсий трансформациясини ўрганишнинг долзарблиги ортиб бормоқда. Бунда Яқин Шарқнинг сиёсий трансформациясида муҳим роль ўйнаётган ҳозирги жараёнларни минтақадаги сиёсий кучларнинг бугунги мувозанати натижасида юзага келган тарихий ҳодисалар, ушбу ҳудуддаги асосий ижтимоий гуруҳлар ҳамда рақобатчи иқтисодий субъектлар, диний ва мафкуравий оқимлар таъсирида комплекс ўрганилмоқда. Араб давлатларидаги сиёсий трансформация жараёнлари “араб баҳори” воқеалари билан боғлиқ бўлибгина қолмай, ўз даврий кетма-кетлигига ҳам эга. Араб мамлакатларида сиёсий тузумларнинг ўзгариши эса мазкур воқеа-ҳодисаларнинг охириги босқичи бўлди. Шу боис араб давлатларининг сиёсий трансформациясини авторитар бошқарувдан демократия, фуқаролик жамияти, плюрализмга ўтиш йўли сифатида белгилаш мумкин.

Экспертларнинг нуқтаи назарича, Сурияда диний муносабатлар ва улардан келиб чиқадиган сиёсий вазият расмий Дамашқ ташқи сиёсатининг шаклланишига катта таъсир этган¹. Сурияда кадрларга доир қарорларни қабул қилиш жараёни конфессионал жиҳатларга ҳам эга, асосий лавозимларга аҳолининг озчилигини ташкил этувчи алавийлар вакиллари тайинлаш амалиёти қарор топган ва бу президентнинг мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган чора деб ҳисобланади.

Суриядаги воқеалар Яқин Шарқдаги глобал трансформациянинг таркибий қисми сифатида баҳоланиб, улар давлатнинг барқарорлигига таҳдид солувчи хавфли тенденцияларни келтириб чиқаргани таъкидланади. Суриянинг Исроил ва Туркия каби чегарадош давлатлар билан ўзаро муаммолари бунинг далили сифатида келтирилади. Суриядаги сиёсий можаро Дамашқнинг этник курдларга муносабатига таъсир қилиб, курдлар ўз давлатини тузиши учун қулай шароит яратган.

Суриянинг йиллар давомида қарор топган сиёсий анъаналари мавжуд бўлиб, қарор қабул қилиш борасида ҳокимиятни ўз қўлида тўлиқ мужассамлаштирган давлат раҳбарининг шахси алоҳида аҳамиятга эга. Ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда араб дунёсига хос сиёсий маданият хусусиятлари инобатга олинади. Зеро, Сурияда ички

1 Мажид Аз-Замилий. “Араб баҳори” инқилоблари: сабаб ва натижалар // Маданий мулоқот. – Миср. Араб тилида: Савраат ар-рабиъ ал-арабий: ал-асбаб ва ан-натаиъ // Ал-Хивар ал-мутамаддун, Миср, сана 27.05.2013. ماجد الزاملي. ثورات الربيع العربي: الاسباب والنتائج // الحوار المتمدن، مصر، 27.05.2013 <http://www.ahewar.org/debat/show.art.asp?aid=361363>



бекарорлик ҳукм сураётган, ташқи босим кучайиб бораётган ҳозирги шароитда миллат етакчисининг қиёфаси тобора салмоқли, жипслаштирувчи аҳамиятга эга.

Айни пайтда Суриядаги сиёсий ўзгаришлар шароитида расмий Дамашк ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш ўта мураккаб ва зиддиятли тарзда кечмоқда. Мамлакат катта геосиёсий, ҳарбий, иқтисодий салоҳиятга эгаллиги унинг халқаро муносабатлар объекти ва субъекти сифатидаги ролини белгилаб бермоқда. Ҳозирда Саудия давлат ўз суверенитетини мустақамлаш учун изчил сиёсат олиб бораётгани, булар Суриянинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тизимларни мустақил ривожлантиришга, маданий ўзига хослигини сақлаб қолиш ва ўз тақдирини мустақил белгилаш ҳуқуқини рўёбга чиқаришга, миллий манфаатларини амалга ошириш йўлида фаол ташқи сиёсат олиб боришга интилишида намоён бўлмоқда. Бунда Сурия ҳарбийлари ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда муҳим ўринга эга.

Ҳокимият транзити натижасида Б.Асаднинг президентлик лавозимига келиши Сурия ички ва ташқи сиёсатидаги янги босқич сифатида баҳоланади. Ушбу мулоҳазанинг тасдиғи сифатида Б.Асад давлат бошқарувига ёш янги кадрларни (технократлар) жалб қилгани, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг асосий параметрларига ўзгартишлар киритгани кўрсатилади. Ички сиёсат нуқтаи назаридан қараганда, Суриянинг Яқин Шарққа доир сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш механизми миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, мамлакат тараққиёти ва хавфсизлигини таъминлаш учун қулай шароит яратиш зарурати билан боғлиқ бўлиб қолмоқда¹.

Башшар Асад ҳокимият тепасига келганидан сўнг асосий эътиборини иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, коррупцияга қарши кураш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш каби муҳим масалаларга қаратди. Сурияда демократик ислохотлар тўлиқ амалга ошмай қолишига ташқи сиёсатдаги жиддий муаммоларни ҳал қилиш зарурати ҳамда “эски гвардия” билан мураса қилишга тўғри келгани эмас, балки давлат аппаратида коррупция кучайгани, мамлакатни янги иқтисодий ривожланиш моделига ўтказиш борасидаги уринишлар муваффақиятсизликка учраб, ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилгани сабаб бўлди. Сурияда диний-экстремистик гуруҳлар фаолияти тобора кучайиб бораётгани жиддий сиёсий қийинчиликларни келтириб чиқарди. Бундай шароитда иқтисодиётни янгилашга эътибор қаратилиб, мамлакатни сиёсий трансформация қилишга шароит яратилди. Хусусан, Б.Асад ёш мутахассисларга таянган ҳолда сиёсий ислохотлар ўтказиши натижасида Суриянинг ички ва ташқи сиёсатида либераллашув, фуқаролик жамиятини яратиш

¹ Аҳмад Худур. Сурияда 2011 йилда бошланган урушнинг келиб чиқиши сабаблари // “Катихун” тадқиқотлар маркази веб-сайти. – Ливан. Араб тилида: Ҳазиҳи асбаб қиям ал-ҳарб ал-мудаммира фий Сурия аъам 2011 // Марказ дирасаат “Катихун”, 16.10.2017



элементлари кузатилди. Сурия президенти модернизация тарафдори бўлса-да, бироқ йиллар давомида мустаҳкамланган давлат тузумини сақлаб қолган ҳолда жамиятни ҳозирги ташқи таҳдидларга мослаштиришга ҳаракат қилди.

Сурия ташқи сиёсатининг стратегияси мамлакатнинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилди. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун Сурия минтақа давлатлари, шу жумладан, Исроил билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишга интилди. Бироқ расмий Дамашқ Вашингтон маъмурияти билан амалий мулоқот ўрната олмагани, Яқин Шарқдаги геосиёсий ва геостратегик вазият ўзгариши натижасида Сурия раҳбарияти минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятга реал баҳо берган ҳолда асосий эътиборини Россия ва Хитой билан муносабатларни ривожлантиришга қаратди.

Суриянинг мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва диний шарт-шароитларни инобатга олмаган ҳолда сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширгани қатор хавфли тенденцияларни келтириб чиқарди. Давлат ташқи сиёсий курсини амалга оширишда муайян механизм мавжуд бўлиб, Дамашқ миллий манфаатларни таъминлаш йўлида ҳар қандай ташқи омилга нисбатан ўз сиёсатини исталган пайтда ўзгартириши ва ички муаммоларни ҳал этишга йўналтириши мумкин.

Сурия муаммоси натижасида юзага келган ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва диний жараёнлар динамикаси сақланиб қолаётган бир пайтда президент Башшар Асад давлат манфаатларига, хусусан, ички сиёсий вазиятга таҳдид солувчи турли ташқи омилларни эҳтиёткорлик билан четлаб ўтиш тактикасини кўллади. Бундай шароитда Сурия раҳбариятининг ташқи сиёсий стратегиясида минтақавий жараёнларга устунлик берилиши асослидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Яқин Шарқ муаммоси, Ироқ ва Ливан атрофидаги воқеалар ривожини Сурия миллий манфаатларига жиддий таҳдид солаётган бир вақтда расмий Дамашқ мамлакат атрофида хавфсиз ва барқарор муҳит яратиш мақсадида ушбу йўналишларни ўз ташқи сиёсий фаоллиги диққат-марказида ушлаб келди. Хусусан, Дамашқ маъмурияти мамлакатдаги ички сиёсий беқарорликдан хавфсираган ҳолда кўшни давлатларга нисбатан ўзининг ҳарбий-сиёсий имкониятлари доирасидаги чора-тадбирларни амалга оширишдан чекланди¹. Зеро, Сурия раҳбарияти ташқи ҳарбий-сиёсий воқелик мамлакатнинг миллий манфаатларига салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш учун юзага келиши мумкин бўлган минтақавий можарога ҳеч бир кўринишда қўшилмасликка муттасил равишда ҳаракат қилмоқда. Жумладан, Сурия халқаро ҳамжамият билан муносабатларини кескинлаштирмаслик мақсадида Ливандан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетгани, Исроилнинг Сурия худудидаги объектларга қарши авиаҳужумларига, АҚШ ва Туркиянинг ушбу худуддаги ҳарбий ҳаракатларига қарши жиддий муносабат билдирмаётгани ҳам буни тасдиқлайди.

¹ Щегловин Ю.Б. Размышления о сирийском конфликте. – М.: Институт Ближнего Востока, 2018. – 118 с.



Сурия муаммоси “араб баҳори” деб номланган воқеалар асносида таҳлил қилинар экан, Башшар Асаднинг мамлакатдаги фавқулудда ҳолатни бекор қилиши, Сурияда янги конституция юзасидан умумхалқ референдуми ўтказилиши, “Баас” партиясининг мамлакатдаги етакчилик роли бекор қилиниши, президентлик муддатига ҳамда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига ўзгартишлар киритилиши каби чора-тадбирлар вазиятнинг барқарорлашувига хизмат қилмади, деб қайд этиш мумкин.

Суриядаги демократик ислохотлар 2000 йилда Башшар Асад ҳокимият тепасига келиши билан бошланган. Ўшандан буён Сурия раҳбарияти жамиятдаги қатор долзарб муаммоларни ҳал қилиш чораларини кўрди. Булар, биринчи навбатда, сиёсий ва иқтисодий ҳаётни демократлаштиришга қаратилган чоралар эди. Башшар Асаднинг жамиятни либераллаштиришга қаратилган сиёсати натижасида мамлакатда миллий мулоқот форумлари шаклланди. Ислохотлар изчил бўлмагани, амалга оширилган ўзгаришлар Суриядаги ички сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилмагани боис давлат раҳбари бошлаган баъзи ташаббусларнинг амалга оширилиш имкониятлари мавжуд шарт-шароитлар нуктаи назаридан қайта кўриб чиқилди. Сурияда демократик ислохотлар тўлиқ амалга ошмай қолиши Ҳафиз Асад даврида шаклланган “эски гвардия”нинг сиёсий ўзгаришларга салбий муносабати ҳамда Дамашқ ташқи сиёсатдаги муаммолар билан ҳам боғлиқ эди. Зеро, президент раҳбарлигида амалга оширилган сиёсий-иқтисодий ислохотлар муҳолифатнинг деярли барча асосий талабларига жавоб берарди.

Шу боис Сурия инқирози ривожланишида қатор тенденциялар мавжуд деб қайд этилади: биринчидан, Башшар Асад инқироз бошида муҳолифат ва Ғарб давлатлари талаб қилган сиёсий ислохотларни қисқа вақт ичида ўтказишга интилгани; иккинчидан, Сурияда ҳукуматга қарши қуролли гуруҳлар фаоллашиб, аҳолининг кўпчилигида президентни қўллаб-қувватлаш кайфияти кучайгани; учинчидан, Сурия инқирозига ташқи кучлар аралашуви ҳамда можаронинг минтақа ва ҳатто жаҳон миқёсигача кенгайиб кетиши. Сурия инқирози араб жамиятларидаги сиёсий тенденциялар ўзанида таҳлил қилинса, халқ норозилиги ижтимоий-сиёсий инқирозни бошидан кечирган бошқа араб мамлакатларидагига ўхшаш сабабларга кўра келиб чиққани, бироқ Миср ва Тунис воқеаларидан ривожланиш йўналиши ва омиллари билан фарқ қилиши намоён бўлади¹.

Ҳозирда Яқин Шарқдаги можаролар тобора гибрид шаклда кечаётгани кузатилмоқда. Сурияда диний фон юқори бўлмаган мусулмон давлатларида сиёсий ҳокимиятни ўзгартиришнинг янги технологияларини синовдан ўтказишга уриниб кўрилди. Шу боис ташқи таҳдидлар Суриядаги вазиятни бекарорлаштирувчи асосий омил деб баҳоланади, чунки президентлик

¹ Трансформация в арабском мире и интересы России. Аналитический доклад / В.В.Наумкин, А.Г.Аксенок, И.Д.Звягельская, В.А.Кузнецов. – М.: Международный дискуссионный клуб «Валдай», 2012. – 92 с.



сайловлари мамлакат аҳолисининг катта қисми Башшар Асадни ва унинг сиёсатини қўллаб-қувватлашини кўрсатди. Ташқи бузғунчи кучлар Суриядаги қонуний ҳокимиятни ағдаришга уринаётан бир шароитда президент Башшар Асад ислохотлар ўтказиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга интилмоқда. Ҳозирги шароит Суриядаги ва умуман минтақадаги воқеа-ҳодисалар ахборот-коммуникация майдонини доимий кузатиб борадиган ҳамда давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир қилиши мумкин бўлган салбий тенденцияларни олдиндан аниқлаб, бартараф этиб борадиган тегишли тузилмалар ташкил қилиш ва миллий хавфсизлик стратегияси ишлаб чиқишни тақозо этмоқда¹.

Президент Башшар Асад 2000-йиллар бошида Ғарб давлатлари, биринчи навбатда, АҚШ билан хавфсизлик соҳасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш орқали Яқин Шарқда Суриянинг манфаатлари инobatга олинишига эришилади, деган хулосада эди. Расмий Дамашқнинг ўз ташқи сиёсатини бундай мулоҳазадан келиб чиқиб ўзгартиришига кўп жиҳатдан Миср президенти Ҳусний Муборак Сурия президенти Башшар Асад билан ўтказган мулоқотлари сабаб бўлганди. Сурия раҳбарияти АҚШ билан хавфсизлик соҳасида жиддий ҳамкорлик қилишга ва ташқи сиёсатига тузатишлар киритишга тайёрлигини турли воситалар орқали намоён қилди.

Суриядаги сиёсий элита узок йиллар давомида армия ва махсус хизмат вакиллари билан шаклланган бўлиб, улар тузумнинг таянчини ташкил этади. Сурия ҳукуматининг барқарорлигини таъминлашда қуролли кучлар ва хавфсизлик хизмати асосий ўрин тутди. Башшар Асаднинг қуролли кучлар таркибидаги ислохотлари ҳукумрон элитанинг барқарорлигига хизмат қиладиган тизимни яратиш, профессионал мувозанатни таъминлашга қаратилган бўлса-да, асосий ҳарбий лавозимларда алавийлар устунлик қилишда давом этди. Президент Сурияда террорчилик ташкилотлари йўқ қилинганидан кейин ҳам уларнинг қайта тикланиши хавфи сақланиб қолишини инobatга олиб, муҳолифатнинг мамлакатдаги барча махсус хизматларни тарқатиб юбориш ҳақидаги талабини рад этди. Башшар Асад буни махсус хизматларни тарқатиб юбориш мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида туб ўзгаришларни амалга ошириш жараёнини секинлаштириб қўйиши билан изоҳлади. Бундай шароитда Сурия раҳбарияти мамлакатда кучли армия бўлмаса, суверенитетни тўлиқ тиклаш, сиёсий ислохотлар ўтказиш учун қулай муҳит яратиш қийин бўлишини тушунган ҳолда қуролли кучларни ислох қилишга ҳаракат қилмоқда².

Суриядаги можаро мамлакат аҳолиси, инфратузилмаси ва иқтисодиёти учун зарур малакали меҳнат ресурсларининг йўқотилиши, иқтисоднинг ва

¹ Казанин В.М. Сирийский конфликт: оценки китайских специалистов. – М.: Институт Ближнего Востока, 2017. – 276 с.

² Щегловин Ю.Б. Размышления о сирийском конфликте. – М.: Институт Ближнего Востока, 2018. – 218 с.



давлат хизматларининг издан чиқиши, миллий валютанинг қадрсизланиши каби ҳалокатли оқибатларга олиб келди. Президент Башшар Асаднинг мамлакатни тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари эски ва янги элиталарнинг ҳукуматга садоқатини рағбатлантириш ҳамда Россия, Хитой ва Эрон каби халқаро ҳамкорларига Суриянинг табиий бойликларидан фойдаланиши учун рухсат бериб, сарф-харажатларини қоплашга қаратилган. Сурия президенти Башшар Асаднинг нуқтаи назарича, демократик ислохотлар ташқаридан олиб кирилиши эмас, балки араб жамятлари эволюцион ривожланишининг натижаси бўлиши керак. Уруш ҳолати ва сиёсий муаммолар мавжуд бўлган жамятда демократияни ривожлантириб бўлмайди. Демократик ислохотлар жамятда пастдан тепага чиқиши, босқичма-босқич амалга оширилиши ва бунинг учун аввало халқ уни қабул қилишга тайёр бўлиши керак.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни зикр этиш мумкин:

Суриядаги воқеалар Яқин Шарқдаги глобал ўзгаришларнинг таркибий қисми бўлмоқда. Ғарб давлатлари модели бўйича сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш талаблари барқарор ривожланиш йўлидаги Сурия жамятида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Сурия ички ва ташқи сиёсатида амалга оширилаётган чора-тадбирлар расмий Дамашқ мавжуд воқеликка жавоб берувчи сиёсий конъюнктура асосида ҳаракат қилишга мойиллигини кўрсатди. Сурия раҳбарияти ташқи сиёсий курсининг устувор йўналишларини ишлаб чиқишда ички сиёсий концепцияда белгиланган давлат хавфсизлиги ва барқарорлиги ҳамда Сурия жамятини либераллаштириш ва ислохотларнинг муваффақиятли кечишини таъминлаш каби асосий параметрларни амалга оширишда қатъиятсизлик қилган. Сурия сиёсий элитаси ҳозирги таҳдидларга муносиб ва самарали чора кўра олмаяпти. Бундай шароитда ҳарбийлар Сурия давлати барқарорлигининг таянчига айланиб, ички ва ташқи сиёсий қарорларни қабул қилишда ҳал этувчи субъект мақомни олди.

Жамятни демократлаштириш масаласи 2000-йиллардан буён Сурия ички ва ташқи сиёсатининг муҳим элементларидан бири бўлди. Сурияда сиёсий ислохотлар тайёргарликсиз, шошилиш равишда амалга оширилиши кутилмаган оқибатларга олиб келди, шу билан бирга, барча жамятларга бир хилда мос келадиган демократия модели мавжуд эмаслигини кўрсатди. Сурияда сиёсий ўзгаришлар изчиллашган бир шароитда мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги масалаларнинг ҳал этилиши иккинчи даражада қолиб кетгани сабабли мазкур йўналишдаги вазият мураккаблашди. Сиёсий эркинликлар ортиб борганига қарамай, аҳолининг турмуш даражаси пасайгани Сурия жамятида ижтимоий тангликни келтириб чиқарди.

Сурия Б.Асад президентлиги даврида жамятни демократлаштириш, иқтисодий ўсиш ва барқарорликни таъминлаш йўлида муайян ютуқларга эришди. Аммо 2008 йилдаги халқаро молиявий инқироз Сурия аҳолисининг



иктисодий ҳолатига сезиларли таъсир қилди. Мамлакатдаги мураккаб иқтисодий вазиятдан радикал гуруҳлар ўз ғояларини илгари суришда фойдаланди. Бундай шароитда Сурия раҳбарияти халқнинг билим даражасини ошириш мамлакатда турли радикал ғояларнинг тарқалишига тўсқинлик қилади, деган мулоҳазадан келиб чиқиб, мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш йўлида фаол саъй-ҳаракатлар қилди.

Сурия ички ва ташқи сиёсатида ўзгаришларни амалга оширишда, биринчи навбатда, миллий манфаатларини таъминлаш принциpidан келиб чиқади. Шу билан бирга, ушбу манфаатлар минтақавий ва халқаро миқёсда эътироф этилишига алоҳида эътибор беради. Бунда минтақадаги, биринчи навбатда, араб давлатлари билан дўстона ва шерикчилик алоқалари ўрнатилиши устувор йўналиш ҳисобланишидан келиб чиқиб, Сурия тажрибаси ҳар бир давлат ўзи жойлашган геосиёсий маконда қулай муҳит ва шарт-шароит ярата олиши ушбу мамлакат ички ва ташқи сиёсий концепциясини керакли ўзанда амалга оширишнинг асосий талабларидан бири эканлигини кўрсатмоқда.

БОБОХОНОВ АББОС

докторант, УМЭД

Технологическое развитие КНР как новый фактор формирования китайской «мягкой силы»

***Аннотация.** В статье анализируются динамика усиления технологического потенциала Китая, принятые государством меры по возвышению КНР как мировой технологической державы, механизмы выстраивания широкого партнерства со странами Центральной Азии в сфере ИКТ и цифровизации, в том числе возведение системы «безопасный и умный город», распространение известных китайских брендов и др. Технологическое развитие КНР рассматривается автором в качестве важнейшего инструмента «мягкой силы», стратегическим целям которой Поднебесная придает огромное значение.*

***Опорные слова и выражения:** Китай, Центральная Азия, цифровизация, технология, мягкая сила.*

***Аннотация.** Мақолада Хитойнинг технологик салоҳиятини мустаҳкамлаш динамикаси, ХХРни жаҳон технологик кучига айлантириш бўйича давлат томонидан қўрилайтган чора-тадбирлар, Марказий Осиё мамлакатлари билан АКТ ва рақамлаштириш соҳасида кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш механизмлари, шу жумладан, «хавфсиз ва ақлли шаҳар» тизимини барпо этиш, таниқли хитой брендларини тарқатиш ва бошқалар. Муаллиф ХХР технологик ривожланишини «юмиоқ куч»нинг энг муҳим воситаси деб ҳисоблайди, унинг стратегик мақсадлари Самовий империяга катта аҳамият беради.*



Таянч сўз ва иборалар: Хитой, Марказий Осиё, рақамлаштириши, технология, юмшоқ куч.

Abstract. *The article analyzes the dynamics of strengthening the technological potential of China, measures taken by the state to elevate the China as a world technological power, the mechanisms for building a broad partnership with the Central Asian countries in the field of ICT and digitalization, including the construction of a "safe and smart city" system, the distribution of well-known Chinese brands and others. The author considers the technological development of the China as the most important tool of "soft power", the strategic goals of which the Celestial Empire attaches great importance.*

Keywords and expressions: *China, Central Asia, digitalization, technology, soft power.*

Введение. Как известно, XXI век по праву считается эпохой высоких технологий, без которых повседневная жизнь становится невысказанной. В последние годы широкое применение ИТ-технологий приобретает более важное значение в условиях постпандемического восстановления и ускоренного перехода к четвертой промышленной революции. Подходы Китая в данном направлении представляют огромную ценность для республик Центральной Азии, только вставших на путь цифровизации. Наблюдается активизация взаимного сотрудничества между государствами Центральной Азии и Китая в сфере внедрения новых технологических решений в отраслях экономики, здравоохранения и образования, а также в строительстве «умных городов», изучение которых представляет особое значение.

Большое внимание технологическому росту Китая и его возвышению как одной из мировых держав в сфере ИКТ и цифровизации начали уделять после прихода к власти пятого поколения руководителей во главе Си Цзиньпина. Вследствие такой установки появились два важных стратегических плана: «Сделано в Китае-2025» и «Цифровой Шелковый путь», призванных вывести Китай на мировой уровень по технологическому развитию и цифровизации, приобрести технологическую независимость, создать собственные, альтернативные западным аналогам, технологические компании мирового уровня и интернет площадки.

Осуществление данных стратегических задач в будущем должны способствовать повышению привлекательности и позитивного имиджа КНР на международной арене, укреплению ее геополитического присутствия и становления ведущей глобальной державой, придавая первостепенное значение развитию отношений со своими ближайшими соседями. Значимость Китая как технологической державы в контексте глобального технологического развития способствует созданию возможности применения технологической «мягкой силы» в качестве одного из основных инструментов широкого распространения своего влияния по всему миру, в том числе в соседних регионах.



Стратегическим шагом Пекина стало принятие в 2015 г. программы «Сделано в Китае–2025», целеполагающей превратить КНР в гиганта мирового технологического уровня, составив достойную альтернативу доминированию Западных стран, особенно США, в этой отрасли. В рамках данной госпрограммы на развитие высоких технологий и промышленного производства государством выделено 300 млрд долларов. Технологическая революция в Китае направлена на развитие таких новых отраслей, как цифровая технология и искусственный интеллект (ИИ). Сегодня технологическая отрасль КНР оценивается в 4 трлн. долл. [1].

В том же году Пекин заявил о планах реализовать в рамках «Один пояс, один путь» «Digital Silk Road» программу (Цифровой Шелковый путь-ЦШП), акцентирующую основное внимание на отраслях, где Пекин имеет преимущества, то есть распространение сети 5G и центр обработки данных (Big Data) [2], а также строительство «умных городов». Как полагают западные эксперты, в будущем ИКТ и транспорт станут основными приоритетами, на которых Китай в рамках ОПОП будет делать упор, в том числе в направлении основного потока ПИИ [3, 9].

Если программа «Сделано в Китае-2025» призвана вывести китайские технологические гиганты на мировой уровень и создать китайские технологии нового поколения, то ЦШП ориентирована на открытие путей китайским технологическим компаниям, нацеленным на закрепление на зарубежных рынках и привлечение инвестиций для развития цифровой индустрии за пределами страны. С тех пор китайская сторона стремительно идет в сторону кардинального изменения технологической стратегии развития страны, показывая ошеломляющие результаты в данной сфере.

К концу апреля 2019 г. 16 стран подписали меморандумы (MoU) о сотрудничестве с Китаем в строительстве «ЦШП». В этом направлении Китай тесно работает со странами Азии и Африки. Китай сегодня участвует в проектах цифровой инфраструктуры примерно в 80 странах и уже инвестировал около 79 млрд. долл. США в рамках «Цифрового шелкового пути» по всему миру [4, 11-12]. Ведущая технологическая компания Huawei выиграла 104 проекта по созданию «умных городов» и установлению «5G» технологий, из них 84 расположены в странах, подписавших двусторонние соглашения в рамках ОПОП с Китаем [5].

Следует отметить, что благодаря «ЦШП», Китай позиционирует себя как основной конкурент в глобальной гонке инноваций и, следовательно, в мировой экономике [6]. Как отмечает эксперт Л.Музапарова, Пекин рассматривает «ЦШП» как инструмент, который позволит ему изменить глобальный цифровой порядок и стать мировой технологической сверхдержавой. В частности, Китай пытается достичь этой цели путем формирования технологических гигантов, таких как Alibaba, Tencent и Huawei и активным использованием финансовым преимуществом.



Реализация глобальных целей Пекина в рамках «ЦШП» больше всего направлена на усиление роли страны в развивающихся странах мира, где ограниченная конкуренция со стороны западных технологических компаний поможет легко закрепиться в этих регионах. В контексте одной из основных стратегических целей Пекина - использование инструментов «мягкой силы» во внешнеполитической деятельности в качестве одного из эффективных средств реализации стратегического курса на укрепление своего геополитического присутствия прежде всего в ближайших регионах – столь стремительное технологическое развитие, способствующее не только укреплению партнерских отношений со многими странами, но и значительному усилению совокупного влияния страны на партнеров, превращает его в ведущего игрока со стратегическими интересами.

Появление известных китайских брендов

Китай предпринимает меры по повышению имиджа в технологических и финансово-экономических отраслях, вытеснив из этих областей западные механизмы. В частности, с конца 1990-х гг. Китай подражал подходу Кремниевой долины (Silicon Valley) США к инновациям и создал собственный аналог (инновационный район Zhongguancun). Были созданы китайские версии eBay и Amazon (Alibaba), Facebook (Tencent) и Google (Baidu), а правительство в значительной степени защищало их от конкурентов. Набирая силу, китайские компании сегодня часто переигрывают конкурентов Кремниевой Долины в глобальной конкуренции [7].

Таким образом за относительно короткий срок эти компании превратились в гиганты в сферах электронной коммерции и ИТ, услугами которых широко пользуются не только в КНР, но и в Восточной, Юго-Восточной, даже в Центральной Азии и России. Наряду с этим в наши дни в США нет ничего сравнимого с китайскими супер-приложениями WeChat (1,2 млрд), Alipay и Tik Tok (более 1 млрд. пользователей). Apple, Facebook, Snapchat гонятся за тем, чтобы имитировать функции этих китайских приложений. В списке самых инновационных компаний мира – 2021 ТОП-50 имеются 5 китайских компаний (Huawei-8, Alibaba group – 14, Lenovo-25, Tencent – 26, Xiaomi- 31 место). Наличие этих фактов способствует повышению мировой значимости и привлекательности Китая в целом.

Сегодня такие технологические бренды Китая, как Alibaba group, Huawei, Lenovo составляют не только конкуренцию своим западным конкурентам, даже превосходят своих аналогов по многим параметрам. В частности, если в 2014 г. доля Huawei и Xiaomi в мировом рынке мобильных телефонов было всего лишь 1,3% и 0,7%, но спустя 8 лет в 2021 г. их доля вырос до 8,5% и 10,9% соответственно. За этот период с мирового рынка мобильных устройств вытеснены такие известные западные бренды как Nokia и Siemens.



Примечательно, что китайская сторона успешно создала собственные бренды в социальных сетях (WeChat - WhatsApp, TikTok - YouTube и Instagram, Weibo - Twitter), которые сегодня являются не только достойными альтернативами западных социальных площадок, но и ведущими мировыми брендами. Формирование данных альтернативных платформ способствует, *во-первых*, удовлетворению потребностей местной аудитории, не причиняя ущерб местным ценностям и традициям; *во-вторых*, взятию правительством под пристальный контроль интернет-пространство; *в-третьих*, формировать позитивный имидж и повышать доверия к КНР среди мирового сообщества.

По уровню развития технологий искусственного интеллекта (ИИ) Китай стоит сегодня на втором месте после США, а через десять лет намерен стать безусловным мировым лидером в этой области. В КНР принята стратегическая программа развития сферы ИИ до 2030 г. Выполнение ее гарантировано масштабным государственным финансированием, а также средствами частных технологических компаний. С точки зрения Пекина, технологии ИИ в ближайшее десятилетие будут главным драйвером развития национальной экономики и создадут для Китая уникальные преимущества при покорении новых рынков в глобальном разделении труда. Кроме того, развитие технологий ИИ считается важной внутривластной задачей [8]. Это стратегическая технология, которая будет определять будущее развитие, международную конкурентоспособность КНР, а также его национальную безопасность и уровень влияния в мире.

Вместе с тем стремительный рост технологии в КНР вызывает неоднозначные оценки. Во всем мире давно не только с интересом, но и с опасением относятся к технологическому развитию Китая, ибо в будущем влияние современных технологий последнего будет возрастать так же стремительно, как и технологии. По мнению экспертов, странам-участницам ОПОП необходимо быть осторожными, потому что это создаст новый набор рисков, обремененный более сильным эффектом привязки, чем физическая инфраструктура. При этом исследователи выявляют некоторые слабые места китайской цифровой дипломатии: чрезмерная политизация и низкое внимание к вовлечению пользователей за счет выбора нейтральных тем для более широкой аудитории [9, 1-117].

Коронавирусная пандемия, конечно, сыграла особую роль в возвышении КНР. Китай стал мощным и значимым мировым игроком, и конкурентом традиционным лидерам по большинству векторов глобальной экономики и политики. В экономике ожесточающаяся борьба за рынки связи пятого поколения (5G) и других новых стратегически значимых цифровых технологий изменила баланс сил в отношениях «партнерства и соперничества» между Китаем и Западом. Последний все больше



воспринимает Китай не столько как «мировую фабрику», а как опасного конкурента, создающего экономические угрозы [10].

Строительство «умных городов»

На сегодня такое явление, как умный город (smart city), – глобальный тренд. По данным отчета Департамента ООН по экономическим и социальным вопросам, в 2018 г. 55% населения мира проживает в городах, что составляет примерно 4,2 млрд городских жителей против 751 млн в 1950 г. А по прогнозным оценкам, к 2050 г. данный показатель достигнет 68% [11, 1998].

Правительство Китая активно поощряет развитие «умных» городов на своей территории. По данным 2019 г. в общей сложности 500 «пилотных проектов умных городов готовы и строятся» в КНР [12], из них только 8,4% достигли зрелого уровня, при этом более 43% остаются на предварительных стадиях. Количество «умных городов» в КНР составляет более половины от общего числа проектов в мире [13, 2]. По данным мирового индекса «Smart City Index 2022», в списке 30 самых лучших «умных городов» входят 2 города Китая (Шанхай-24, Шэньчжэнь-25). Сегодня значительную роль в развитии и внедрении решений «smart cities» в Китае сыграют такие китайские компании, как Huawei, Tencent, ZTE, Alibaba Cloud, Hikvision, Dahua и др. Успешное осуществление проектов на местном рынке способствует выходу этих компаний на мировые рынки.

Huawei позиционирует себя как «ведущий поставщик решений для безопасного города и умного города», и к концу 2019 г. компания подписала 73 соглашения о «безопасном городе» в 52 странах [14]. При этом Китай стремится экспортировать свою концепцию «умного города» в основном на развивающиеся страны и страны, участвующие в проекте ОПОП, так как на западе их влияние ограничено (*в 2019 г. Huawei запустила пилотный проект «умный город» в г. Ниш Сербии*).

Развитие «умного» города ставит не только нормативные задачи, но и проблемы безопасности и геополитические дилеммы, поскольку они охватывают значительные объемы критической инфраструктуры (от энергосистем до телекоммуникационных сетей). Геополитическое измерение стало более заметным после возникновения торговых и технологических противоречий между США и Китаем два года назад, поскольку многие из затронутых технологий являются ключевыми компонентами «умных городов».

При этом имеется ряд проблем, связанных с успешной реализацией «умных городов» в Китае. В частности, Цянь-мин Лу, управляющий директор DHI China, отметил, что некоторые местные органы власти выбрали проекты «умного города», которые являются просто «показухой», вместо того, чтобы решать реальные проблемы [15]. В этой связи следует отметить, что решение наиболее важных уже имеющихся и потенциально



возникающих в этой сфере проблем, и вопросов должно быть приоритетным при рассмотрении строительства «умных городов», нежели фокусирование внимания на их дизайне.

Центральная Азия в зоне особых интересов Китая

В последние годы цифровизация становится одним из важных направлений комплексного развития сотрудничества между странами Центральной Азии и Китаем. Следует отметить, что цифровая повестка дня в китайско-центральноазиатских отношениях имела стратегическое значение задолго до пандемии, и в результате кризиса ее значимость выросла в разы. Безусловно, COVID-19 высвободил беспрецедентный динамизм в сфере цифровых технологий. Достижения Китая в области цифровизации и внедрение различных новых технологий в повседневную жизнь, особенно создание платформы «безопасный город» («умный город») и сетей «5G» все больше привлекают внимание государств региона. Пекин с некоторыми странами региона подписал договор по внедрению данной системы и пока в этой сфере китайская сторона является единоличным крупным игроком, не имеющим конкурентов, особенно по установлению 5G технологии.

Привлекательность китайских технологий для стран Центральной Азии заключается в готовности китайских властей в предоставлении технологий на льготной основе, они относительно дешевле западных аналогов, и на основе кредита и субсидий на долгосрочной период в малых процентах. Помимо этого, с учетом важности вопросов обеспечения безопасности в 2017 г. Китай, в основном, в лице Huawei, бесплатно поставляет технологии наблюдения в страны Центральной Азии.

В пользу усиления намерений Китая в области цифровизации в странах Центральной Азии играет тот факт, что практически все страны (за исключением Туркменистана) приняли собственные программы по развитию цифровизации. В частности, в 2018 г. Казахстан утвердил программу «Цифровой Казахстан», целью которой является повышение «уровня жизни жителей страны за счет использования цифровых технологий». Узбекистан в 2020 г. принял Стратегию «Цифровой Узбекистан-2030», Таджикистан в этом же 2020 г. принял Концепцию развития цифровой экономики и т. д.

Приоритетность в странах региона трансформации национальной экономики и всей системы госуправления на цифровой вид дает огромную возможность китайской стороне активизировать переговоры со странами Центральной Азии и занять свою нишу в данной отрасли. Передовиком сотрудничества между Китаем и странами региона в области цифровизации является ведущий в этой отрасли технологический гигант Huawei, который имеют огромный пакет соглашений по внедрению технологических решений.



Стоит отметить, что Huawei сегодня является лидером рынка ИТ-сектора в трех странах региона: Узбекистане, Казахстане и Кыргызстане. Многосторонние платформы по цифровым вопросам, созданные и запущенные КНР, также позволяют китайским компаниям успешно продвигать свои товары и услуги и доминировать на рынках ЦА. Так, эксперты Huawei Technologies Kazakhstan в ходе прошедшего впервые мероприятия Huawei Media Talks поделились информацией о том, что более 60% населения Казахстана (РК) используют устройства и сервисы, работающие на базе оборудования Huawei. Компания разрабатывает и поставляет на отечественный рынок более 300 продуктов и технологий, предназначенных специально для РК [16].

В рамках запущенного компанией Huawei Technologies Kazakhstan уникального информационного сообщества журналисты, представители общественности и инфлюенсеры могут напрямую взаимодействовать и обмениваться опытом с лидером рынка технологий. Проект будет включать в себя мероприятия и программы по расширению и укреплению сотрудничества в ИКТ-индустрии, созданию контента и совместных проектов.

Сегодня компания Huawei Technologies в РК принимает участие в развитии важнейших государственных систем e-GOV/SmartCity/e-Health, внедряет технологии 4G/5G и готова строить на их основе высокотехнологичные решения для потребителей, создавать совместные программные проекты и инвестировать в образовательные инициативы, тем самым способствуя развитию казахстанской ИКТ-индустрии и цифровой трансформации важнейших отраслей.

По словам эксперта Л. Музапарова, Huawei активно проводит политику «мягкой силы» в регионе, организуя многочисленные культурно-образовательные мероприятия. С 2017 г. регулярно проводятся «Дни инноваций Центральной Азии» в каждой из столиц региона, с целью создания площадки для диалога по вопросам, связанным с развитием ЦШП в ЦА. Он также нанимает и обучает ИТ-специалистов из стран Центральной Азии. Так, с 2015 г. компания проводит конкурс «Гениальной молодежи» (Genius boys), в том числе с участием молодежи Узбекистана, Казахстана и Киргизии.

В Центральной Азии к китайским технологиям придают большое значение даже на самом высоком уровне. Так, Президент Казахстана К. Токаев в ходе госвизита в КНР в сентябре 2019 г. посетил китайскую технологическую компанию - Hikvision. Вернувшись в Казахстан, президент поручил перенять опыт Китая в области цифровизации данных о гражданах. А издание «The Diplomat» сообщает, что в Нур-Султане Huawei в сотрудничестве с несколько местными технологическими компаниями установил более 2000 камер. Также растет технологическая зависимость





Казахстана и в других областях. В частности, в документальном фильме китайской телекомпании CCTV утверждается, что 95% технологий, поставленных для модернизации нефтеперерабатывающего завода в Павлодаре (Казахстан) были произведены в Китае. А в Мойнаке (РК) 90% технологий на гидроэлектростанции является китайского производства [17]. Более того, Huawei занимается внедрением сетей 5G, а также цифровых проектов «Безопасный город», Smart Home, Astana Hub [18, 215].

В Кыргызстане «Китайская национальная корпорация по импорту и экспорту электроники» (CEIEC) устанавливает технологию распознавания лиц, которая поставляет свою продукцию в Кыргызстан бесплатно. Другая китайская компания, Shenzhen Sunwin Intelligent, займется в Киргизии вторым этапом проекта «безопасный город», который подразумевает установку новых камер в Бишкеке и по всей стране [19].

Отношения с Huawei у Таджикистана начались немного раньше. В 2013 г. правительство заключило сделку на 22 млн долл. на внедрение системы «безопасный город», предусматривающей установку сотен камер видеонаблюдения и дорожных камер в столице страны – Душанбе. Китайская компания в 2019-м объявила о модернизации данной системы [19].

При этом как отмечают специалисты, установление камер наблюдения вызывают неоднозначные чувства. В частности, если среди общества она все больше воспринимается негативно, то власти с удовлетворением принимают данную новизну, так как она облегчает работу правительства по многим направлениям (контроль населения и регулярное вливание прибили в госказну).

Активная работа китайской стороны в регионе наблюдается с Узбекистаном. Huawei совместно с правительством Узбекистана планирует реализовать ряд стратегически важных проектов для будущего развития республики. Huawei расширяет в Ташкенте инфраструктуру «безопасного/умного города», а также они принимают активное участие в предоставлении своих технологий в здравоохранение и образование.

Так, в 2019 г. Huawei приняла высокопоставленные делегации из Узбекистана, в том числе Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева и премьер-министра А.Арипова в штаб-квартирах компании в Пекине и Шэньчжэне, где эксперты смогли продемонстрировать им инновационные решения, которые могут способствовать дальнейшей цифровизации Узбекистана.

В частности, в рамках визита премьера А.Арипова в штаб-квартире Huawei в Шэньчжэне был подписан меморандум по реализации проекта модернизации работы служб скорой помощи. Он предусматривал поставку машин с инновационным медицинским и IT-оборудованием, укрепление инфраструктуры call-центра 103 в Ташкенте. Важным сектором в



двухстороннем сотрудничестве становятся телекоммуникации. В апреле 2019 г. Узбекистан подписал соглашение на 1 млрд долл. с дочерней компанией государственной группы компаний CITIC и с компанией Huawei, чтобы приступить к развитию цифровой инфраструктуры для правительственных агентств Узбекистана и трансформировать потенциал местных правоохранительных органов в области наблюдения. В 2019 г. Узбекистан также предоставил ссуду в 150 млн долл. на приобретения технологии Huawei для обновления существующих цифровых сетей [20]. Что касается образования, Huawei на ежегодной основе проводит глобальный обучающий проект «Seeds for the Future», участниками которого становятся студенты Узбекистана с IT направлениями, а победители проходят стажировку в головном офисе компании.

Наряду с этим был заключен ряд меморандумов между Huawei и Министерством по развитию информационных технологий, сотовым оператором UMS, Министерством народного образования, а также Университетом журналистики и массовых коммуникаций. В рамках подписанных документов был достигнут ряд договоренностей по реализации проектов модернизации IT-инфраструктуры республики, созданию проекта безопасного города и др [21].

В рамках проекта «Безопасный город», реализуемого китайскими компаниями CITIC Groups и COSTAR Group в сотрудничестве с Мининфоком, Huawei поставляет необходимое оборудование. Китайские инвесторы взяли на себя обязательство инвестировать 300 млн долларов на первом этапе проекта, но, по их словам, эта сумма может вырасти до 1 млрд долл. У властей имеются цель, что к 2023 г. проект «безопасный город» должен охватить всю страну.

Вместе с тем, по мнению эксперта ОБСЕ института в Бишкеке Нива Яу, установление и внедрение китайских технологий «умных городов» могут привести к нижеследующим негативным последствиям.

Во-первых, это основополагающая технология, в предоставлении которой правительства стран Центральной Азии зависят от Китая. Это означает, что в ближайшие годы правительствам стран Центральной Азии придется продолжать покупать у Китая, и они никогда не смогут контролировать свои собственные технологии и устанавливать для них собственные правила. Это будет иметь глубокие последствия для киберправа в ближайшие 10 лет. Во-вторых, это технология, имеющая военное значение: она, вероятно, даст Китаю доступ к демографической статистике и информации о перемещении в режиме реального времени. Кроме того, поскольку технология китайская, то они знают, как ее использовать, взламывать и контролировать. Страны должны иметь подобную базовую инфраструктуру, защищенную собственными ИТ-



специалистами, и иметь базовые возможности для самостоятельного управления ею [22].

Заключение. Многие годы Китай придерживался стратегии догоняющего технологического развития, оставаясь в тени бесспорного мирового лидера - США. Однако всесторонняя поддержка правительства и внимание к отрасли, быстрое развитие таких прикладных областей, как машинное обучение, основанное на больших данных, дали Китаю возможность совершить технологический рывок в ИИ и претендовать на мировое лидерство в этой стратегической области. Условным рубежом можно считать 2015 г., когда Китай принял программы «Сделано в Китае-2025» и «Цифровой Шелковый путь» в рамках ОПОП. В последующие годы цифровизация и современные технологии превращаются в ценные факторы как сегодня таковыми являются нефть и газ. Достижения намеченных целей, как отмечают эксперты, роль и значимость цифровой экономики будет только возрастать. Она станет важнейшим источником развития экономики Китая, главным инструментом в повышении совокупной фактурной производительности, двигателем комплексного развития сфер производства и услуг. Не случайно успехи КНР в этой области, ее модель развития цифровой экономики стали примером не только для стран ШОС, но и для всего мира [23].

Таким образом, Китай проводит многогранную политику по расширению своего влияния в Центральной Азии путем использования стратегии «мягкой силы», одной из важных составляющих которой в условиях глобального технологического развития мира является технологический аспект. Развитие ИКТ и цифровизации может облегчить КНР доступ к национальным интересам стран Центральноазиатского региона, обеспечивая при этом основу для общего расширения своего могущества на международной арене. В связи с этим архиважной задачей для властей и руководства стран региона является поиск альтернативных партнёров с целью недопущения усиления полного контроля китайских компаний над технологической отраслью, что может поставить эти государства в зависимое от Китая положение.

Доминирование Китая в сфере цифровизации, строительство smart сити, установление умных технологий (5G) в странах Центральной Азии может сделать менее привлекательным государства региона для привлечения инвестиций из других зарубежных стран. В данном случае важна диверсификация партнеров в этих отраслях, так как цифровые технологии на современном этапе способны оказать влияние на государственную политику. С учетом того, что страны ЦА не являются производителями высоких технологий, их зависимость от технологически развитых стран мира имеет тенденцию усиления, во избежание которого представляется важным отход от сырьевой ориентации и выработка национальной хозяйственной стратегии, способствующей созданию высокотехнологического производства в самих странах региона. Задача, безусловно, не из легких,



процесс – длительный и сложный, но осуществимый при консолидации сил и интеграции возможностей стран региона.

В целом, несмотря на имеющиеся проблемы, развивающиеся страны при отсутствии альтернатив и тем более текущей сложной ситуации, связанной с пандемией, будут заинтересованы в ускорении реализации проектов с участием китайских технологических компаний. При этом казахский эксперт О.Бейсенбаев отмечает, что государства ЦА осознают не только важность и в некоторых отношениях незаменимость сотрудничества с КНР в сфере цифровизации, но и определенные вызовы и риски, хотя еще слишком рано оценивать результаты этих мер в конкретном плане.

АБДУРАСУЛОВ ЖАВЛОН

тадқиқотчи, ЖИДУ

Афғонистон иқтисодиётини тиклашдаги тўсиқлар ва истикболлари

Аннотация. Қариб ярим асрдан буён Афғонистонда сиёсий беқарорлик давом этмоқда. Ушбу ижтимоий-сиёсий беқарорликлар натижасида Афғонистон иқтисодиёти оғир тушкунликни бошидан кечирмоқда. Бир неча йиллар давомида Халқаро ҳамжамият томонидан ушбу давлатнинг иқтисодиётини тиклаш ва сиёсий барқарорликни таъминлаш бўйича бир қанча ёрдам ва қўмақлар тақдим этилишига қарамай кўзланган натижага эришилмади ва 2021 йилнинг август ойида Афғонистон Толиблар назоратига ўтди.

Ушбу мақола Афғонистонда вужудга келган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммолар, уларнинг сабаблари ва оқибатлари ўрганилади ва таҳлил қилинади. Шунингдек, унинг ҳозирги иқтисодий ҳолати таҳлил қилинади. Тадқиқот ва таҳлиллار натижасида сифатида муаллифлар томонидан Афғонистондаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тўсиқларни бартараф этиш бўйича тегишли ечим ва таклифлар берилди.

Таянч сўз ва иборалар: иқтисодий вазият, давлат, зиддият, уруш, ҳамкорлик, стратегик, табиий ресурс, географик жойлашув, маданий ривожланиш, инсон омили, арзон ишчи кучи, миграция.

Аннотация. Политическая нестабильность сохраняется в Афганистане уже почти полвека. В результате этой социально-политической нестабильности афганская экономика переживает тяжелую депрессию. Несмотря на помощи и поддержки со стороны международного сообщества по восстановлению экономики страны и обеспечению политической стабильности, желаемый результат не достигнут и в августе 2021 года Афганистан перешел под контроль талибов.

В данной статье рассматриваются и анализируются экономические, политические и социальные проблемы, возникшие в Афганистане, их причины и последствия. В статье также анализируется текущую экономическую ситуацию. В результате исследования и анализа авторы предлагают актуальные решения и



рекомендации по устранению экономических, политических и социальных барьеров в Афганистане.

Опорные слова и выражения: экономическая ситуация, государство, конфликт, война, сотрудничество, стратегическое, природный ресурс, географическое положение, культурное развитие, человеческий фактор, дешевая рабочая сила, миграция.


Abstract. Political instability has persisted in Afghanistan for almost half a century. As a result of these socio-political instability, the Afghan economy is experiencing severe depression. Despite several years of assistance and support from the international community to restore the country's economy and ensure political stability, the desired result was not achieved, and in August 2021, Afghanistan came under Taliban control.

This article examines and analyzes the economic, political and social problems that have arisen in Afghanistan, their causes and consequences. It also analyzes its current economic situation. As a result of research and analysis, the author provides relevant solutions and recommendations for addressing the economic, political and social barriers in Afghanistan.

Keywords and expressions: economic situation, government, controversial, war, cooperation, strategy, natural recourse, geographical location, cultural development, human factor, cheap labor, migration.

Ҳозирги иқтисодий вазият. Деярли ярим асрдан буён Афғонистондаги зиддиятлар сурункали давом этмоқда. Ушбу нотинчликлар натижасида Афғонистон иқтисодиёти, сиёсий тизими, ижтимоий соҳалари ва ҳатто давлат тизими ҳам парчаланди. Собиқ ҳукуматнинг узокни кўзламай юритган сиёсати натижасида 2021 йил август ойида толиблар иккинчи марта Афғонистон устидан назорат ўрнатди. Тинимсиз иш ташлашлар, ҳукумат амалдорларининг тез-тез ўзгариб туриши, хорижий интервенциялар, беқарор қонунлар, беқарор иқтисодий вазият ва СОВИД-19 таъсири натижасида Афғонистон иқтисодиёти қийин аҳволга тушиб қолди.

Афғонистон ЯИМ (АҚШ доллари)и ва иқтисодий ўсиши % ларда





Жадвалда Афғонистон иқтисодий турғунлиги 2010-йилдан 2020-йилгача сақланиб турилганидек кўринади. Аммо, асосий иқтисодий манбалар хорижий давлатлар томонидан молиялаштириб турилган. Афғонистондаги беқарорликлар оқибатида иқтисодий секторлар бир жойда қотиб қолди. Технологик янгиликлар киритилмади, инсонларнинг иқтисодий маданияти деярли энг қуйи даражага тушиб қолди.

Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, 2021 йилда аҳолиси 38 млн нафарга яқин бўлган Афғонистон иқтисодиёти 19,8 млрд долларни ташкил этган. Бу 3,3 млн киши яшайдиган Босния ва Герсеговинаники билан тенг ва 30 млн кишилиқ Яман (23,5 млрд доллар) ёки 500 мингга яқин киши яшайдиган Исландияникидан (21,7 млрд доллар) кам.

Афғонистон аҳоли жон бошига ЯИМ бўйича энг қашшоқ давлатлардан бири бўлиб, 509 доллардан тўғри келади. Расмий маълумотларда кўра, Афғонистон ЯИМнинг 27 фоизини қишлоқ хўжалиги, 12,5 фоизини саноат ва 56 фоизини хизмат кўрсатиш соҳаси ташкил этади¹.

Афғонистон марказий банки маълумотида кўра, 2020 йил ўрталарида мамлакатнинг ташқи қарзи 2,14 млрд доллар атрофида бўлган. Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ), Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби институтлардан қарзи қарийб 1,2 млрд долларни ташкил этган².


Табиий бойликлар. Тинимсиз давом этаётган уруш Афғонистонга бир неча йиллардан бери табиий бойликларини тўлиқ ўрганишга имкон бермаяпти. Табиий ресурсларнинг қиймати мамлакатнинг иқтисодий кудратини белгиловчи омил бўлиб, Афғонистон ўзининг табиий ресурслар захираларини ҳали тўлиқ намоиш этмагани ҳақиқат. Агар мамлакатда тинчлик ўрнатилса, биз мамлакатнинг табиий ресурслар салоҳиятининг ҳақиқий ҳажмини билиб олиш имкониятига эга бўламиз.

Афғонистонда қиймати 1 триллион АҚШ долларидан ортиқ баҳоланган фойдали қазилмалар мавжуд. Минг йиллар давомида мамлакат ўзининг қимматбаҳо тошлари – ёқут, зумрад билан машҳур эди. Бу фойдали қазилмалар маҳаллий шароитда қонуний ва ноқонуний равишда, асосан кичик, чакана асосларда қазиб олинмоқда. Бироқ, мамлакатнинг темир, мис, литий, ноёб ер элементлари, кобальт,боксит, симоб, уран ва хромга эга бўлган захираларига эга³.

¹ Global EDGE.msu.edu “Afghanistan Economy” P-2

² Global EDGE.msu.edu “Afghanistan Economy” P- 1

³ “Afghanistan has vast mineral wealth but faces steep challenges to tap it” August 31, 2021 8.16pm BST Scott L. Montgomery Lecturer, Jackson School of International Studies, University of Washington P-4



Иқтисодий - географик жойлашуви. Афғонистон Осиёнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. Тахминан 600 мил шимолдан жанубга ва 800 мил шарқдан ғарбга чўзилган 264,000 квадрат мил ер майдони билан мамлакат тахминан Техаснинг ўлчамига эга. 29°N ва 36°N кенглик ва 61°E ва 75°E узунлик оралиғида жойлашган Афғонистон шимоли-шарқда Хитой, жануби-шарқда Покистон, ғарбда Эрон, шимолда Туркменистон, Ўзбекистон ва Тожикистон билан чегарадош. Бу кенг тоғли тизмалари бўлган денгизга чикмайдиган, чўл ва текислик худудларини ҳам ўз ичига оладиган мамлакат. Афғонистоннинг жойлашуви иқтисодий ривожланиш учун қулай географик жой. Денгиз портларига чиқиш учун Покистон ва Эрон билан чегарадош. Ички йўлларнинг логистика салоҳиятини ошириш Афғонистон ва қўшни давлатларга иқтисодий фойда келтиради.


Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури, бошқа минтақавий ташаббусларни изчил амалга ошириш савдо логистикасини янада самарадорлигини таъминлайди. Афғонистон ўзининг стратегик жойлашуви туфайли кўплаб минтақавий лойиҳа ва ташаббусларнинг марказига айланган. Улардан бири Афғонистонни тўлиқ минтақавий интеграция йўлига олиб бораётган, шу тариқа барқарор иқтисодий ўсишга замин яратаётган Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик(МОМИХ) дастуридир. МОМИХ га аъзо 10 та давлат томонидан ишлаб чиқилган 2020 йилга қадар Транспорт ва савдони осонлаштириш бўйича МОМИХнинг Транспорт ва савдони ривожлантириш стратегияси минтақадаги келажакда транспорт ва савдо ўсишининг асосий улушини ҳал қилиши кутилаётган 6 та стратегик мультимодал коридорни кенгайтириш ва яқунлаш муҳимлигини таъкидлайди. Афғонистондан ўтувчи олти



МОМИХ йўлакларидан тўрттаси автомобиллар, темир йўллар ва логистика марказларига катта сармоя киритилиши режалаштирилган¹

Қуйида Афғонистоннинг ЯИМ нинг таркибий қисми солиштириш усули орқали таҳлил қилинган. Бу ерда, ишлаб чиқариш ва саноат соҳаси қуйи поғоналарда турганини кўришимиз мумкин².

ЯИМ таркиби %ларда (2020)



- Қишлоқ хўжалиги
- хизмат кўрсатиш
- саноат
- ишлаб чиқариш

Халқаро заҳиралар. 2021 йил апрель ойи охирига кўра Афғонистоннинг халқаро резервлари 9,4 млрд долларни ташкил этди, дейлади ХВЖ ҳисоботида. Унинг 1,3 млрд долларга яқини заҳираси олтинда сақланади. Эндиликда бу резервлар «Толибон» ихтиёрига ўтиши кутилмоқда. Аммо толиблар хорижда сақланаётган резервларни олиш имкониятига эга эмас, чунки уларга нисбатан халқаро санкциялар жорий этилган³.

Экспорт ва импорт. 2019 йилда мамлакат товар экспортининг умумий ҳажми 870 млн долларни ташкил этган, деб кўрсатилган Жаҳон банки маълумотларида. Шу билан бир вақтда, импорт анчагина юқори 8,6 млрд долларга яқин. Энг йирик импорт ҳажми нефть маҳсулотлари, ўсимлик мойларига тўғри келади. Асосий савдо ҳамкорлари Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Туркия дан иборат.

Афғонистондаги иқтисодий ҳолатга илмий далиллар асосида баҳо бериш учун 2019-йилдаги асосий иқтисодий кўрсаткичлари сизга тақдим этилади.

Иқтисодий кўрсаткичлар	
Инфляция, истеъмол нархлари (йиллик)	2.302 % (2019)
Ташқи қарз заҳираси, жами жорий (DOD)(валюта, товарлар ёки хизматлар кўринишида тўланиши керак бўлган қарздир), АҚШ доллари	\$ 2,661, 685, 957 (2019)
Жами солиқ ставкаси (тижорат фойдасининг%)	71.4% (2019)
Ҳақиқий фоиз ставкаси (5 йиллик ўртача %)	12.141% (2017)

¹ AFGHANISTAN TRANSPORT SECTOR MASTER PLAN UPDATE (2017–2036) ASIAN DEVELOPMENT BANK 2017. P-14

² Global EDGE.msu.edu “Afghanistan Economy” P-3

³ International monetary fund report” 04.10.2021 P- 14-29



Жорий ҳисоб баланси (ВоР(товарлар ва хизматларнинг соф экспорти, соф бирламчи даромад ва соф иккиламчи даромадлар йиғиндиси) жорий АҚШ доллари)	\$ 3,136,120,115(2020)
Аҳоли жон бошига ЯИМ (АҚШ доллари)	\$ 508.81 (2020)
Аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад (АҚШ доллари)	\$ 2,110 (2020)

Афғонистон транспорт ва савдо логистикаси фаолиятини яхшилаши зарурати. Афғонистоннинг транспорт ва логистика секторининг самарали фаолият кўрсатишига оғир тартиб-қоидалар, заиф стандарт ва қоидалар, компьютерлаштиришнинг секин ривожланиши, савдони молиялаштиришда талабга жавоб бемайдиган омборхоналар кабилар тўсқинлик қилмоқда. Афғонистоннинг 12 та чегара ўтиш пунктлари (ЧЎП) тижоратни асосий бўғувчи нукталардир, чунки улар Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик (МОМИХ) коридорларининг ташкил қилиш бўйича музокаралар самарадорлигига тўсиқ бўлмоқда. Бунинг асосий сабаблари ёмон инфра-тузилма ва инфратузилма имкониятларидан самарасиз фойдаланиш, замонавий технологиялар ва тартиб-қоидаларидан паст даражада фойдаланиш ва чегара пунктларида моддий-техника таъминотининг етарли эмаслигидир. Баъзи тўсиқларни бартараф этиш чегара пунктлари инфратузилмаси ва ўтиш жараёнларини яхшилашни талаб қилади. Бош режани янгилаш чегара пунктларида операцияларига қўшимча равишда инфратузилмани халқаро стандартлар асосида баҳолаш тавсия қилинади.

Транспорт сектори бўйича таклиф этилаётган стратегияда аниқланган сектор муаммолари ва эҳтиёжларни ҳал қилишда изчил инвестициялар ва салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўплами орқали амалга оширилиши бўйича лойиҳа тақдим этилди. Унга кўра 2017-2036 йиллар режа даври учун инвестиция талаблари жами 25,9 миллиард доллар, қуйидаги тармоқлар бўйича кўзда тутилган бўлиб, таркиби қуйидагича:

Сектор	Қиймати (\$ миллион)	Ажратилди (%)
Темирўл	11,176	43.1
Йўллар	13,000	50.2
Шаҳар транспорти	853	3.3
Аерапорт	568	2.2
Тижорат мақсадида	300	1.2
Умумий	25, 897	100.0

Мамлакатда ҳукумат алмашганидан кейин бу лойиҳаларнинг келажаги номаълумлигича қолмоқда. Ушбу лойиҳа иқтисодиётни ривожлантириш учун энг муҳим қадамлардан бири эди.



Арзон ишчи кучи ва миграция инқирози. Афғонистондаги миграция сўнгги ўн йилликларда узоқ давом этган можаролар, озиқ-овқат хавфсизлиги, табиий офатлар ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг оқибатида боши берк кўчага кириб қолди. 2020 йил ҳолатига кўра расмий рўйхатдан ўтган 4,8 миллионга яқин афғон хорижда яшайди. Бу рақамлар Совид 19 ва Афғонистондаги ҳокимият ўзгаришидан кейин кескин кўпайганини кўришимиз мумкин.

Афғонистон аҳолиси кейинги ўн йилликларда кескин ўсиши кутилмоқда, сиёсий таҳлилларга кўра унинг миқдори 2010 йилдаги 28,4 миллиондан 2050 йилда 56,5 миллионга яъни икки баравар кўпаяди деб башорат қилинмоқда. Бу ҳар йили меҳнат бозорига ўртача 400 000 янги ишчи кучи келишига олиб келади. Ҳар йили меҳнат бозорига кирувчи 400 минг кишидан атиги 200 минг нафари Афғонистонда иш топа олиши мумкин. Бу қолган 200 000 кишида иккита йўл қолмоқда: Афғонистондан ташқарида иш топиш ёки ўзини-ўзи иш билан таъминлаш. Афғон миграцияси асосан норасмий, малакасиз ва кўпинча саводсиз бўлиб, кўшни давлатлар Эрон ва Покистонга боришади, бу ерда иш билан таъминланиш имкониятлари жуда паст бўлгани учун, афғон меҳнат муҳожирлари одатда соғлиқ учун хавфли ишларда ишлайдилар.¹

Молиявий жиҳатдан имкониятлари яхши бўлган афғонларнинг асосий қисми тижорий мақсадда Марказий Осё ва Европа давлатларидан кўним топишга уринишади.

Маданий тараққиётнинг иқтисодий оқибатлари ва инсон омили. Афғонистондаги иқтисодий беқарорликнинг асосий сабабларидан бири урушдир. Бироқ, биз сизнинг эътиборингизни иқтисодий беқарорликнинг бир нечта кичик кўзга кўринмайдиган ва кучли таъсирга эга омилларига қаратмоқчимиз. Афғон халқни яқиндан ўргансангиз, улар орасида юрсангиз, иқтисодиёт ва сиёсатга бевосита таъсир қиладиган қатор ижтимоий муаммолар мавжудлигини билиб олиш мумкин. Улар қуйидагилар: Уларда афғон қадрияти деган яхлит тушунча йўқ, яъни афғон халқни ягона қадрият асосида бирлашган эмас, асосан қабилалар, уруғлар ва миллатларга ажратган ҳолда кўрсатилади. Афғон халқи билан иқтисодий ҳамкорлик ёки тадбиркорлик қилиш жуда қийин. Чунки сиз алданиб қолишингиз мумкин ёки амалга ошиши эҳтимоли йўқ нарсага дуч келишингиз мумкин. Бундай ҳодисалар нафақат иқтисодий соҳаларда, балки сиёсий мулоқотларда ҳам учраб туриши амалиётда ўз исботини топган. *Узоқни кўзламай ақл билан иш юритмаслик*, алдов ва бир-бирига ишончсизлик бор жойда сиёсий барқарорлик ҳам, иқтисодий тараққиёт ҳам бўлмайди. Яна бир ижтимоий муаммо - иқтисодий ва сиёсий маданиятнинг қуйи даражада эканлиги. Бунда иқтисодий манфаатдорлик бирламчи даражага қўйиб ҳеч қандай

¹ “Labor migration can help boost Afghanistan growth” World Bank Report 2018 P-6



тубанликдан қайтмаслик ҳолатдари кузатилган. Шу билан бирга, аҳоли икки катта гуруҳга бўлинган, асосий зиёлилар ва қуйи қатламлар, давлат ривожига асосий ҳисса қўшадиган ўрта синф жуда озчиликни ташкил этади.

Бизнес муҳити. Афғонистонда бизнес юритувчи маҳаллий корхоналар ва тижоратчилар халқаро ташкилотлар томонидан ўрнатилган халқаро стандартли норма ва қоидаларга эга бўлган янги сиёсий муҳит асосида фаолият кўрсатишлари керак. Афғонистондаги беқарор қонунлар, ҳокимиятнинг вақти-вақти билан ўзгариб туриши нафақат четдан келаётган инвестицияларни, балки ички инвестицияларни ҳам чеклаб қўймоқда. Бунинг асосий сабаби *молиявий кафолатнинг йўқлиги*.

Бошқа томондан, Хитой ва Россия каби давлатлар билан янги алоқалар Афғонистон иқтисодиётига янги сармоя киритиш эҳтимолини оширади. Дарҳақиқат, Афғонистоннинг табиий ресурслари халқаро бизнес учун жозибадор бўлиши мумкин, аммо бу *фақат коррупция ва хавфсизлик масалалари назорат остида бўлганда*.¹

COVID-19 нинг Афғонистонга таъсири. COVID-19 Пандемиянинг энг экстремал оқибатларидан бу - Афғонистондаги қашшоқликка таъсирдир. 2020 йилда иқтисодиёт 1,9 фоизга қисқарди, қашшоқлик даражаси 41,6 фоиздан 45,5 фоизга кўтарилди, аҳолининг деярли яримдан кўпи қашшоқлик чегарасида яшайди. Ушбу юқори даражалар озиқ-овқат хавфсизлигининг сезиларли кўтарилишига етказиб берувчилар савдо чекловларига жавобан нархларни оширдилар. Бироқ Жаҳон банки ва АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги ташаббуслари афғон фуқароларига гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтиришни ваъда қилмоқда.²

Толибон ва Афғонистон иқтисодиёти. Ҳукумат даромадлари 2021 йил давомида бюджетда белгиланган даражадан кам бўлди. Июль ойи ўрталаридан бошлаб даромад кўрсаткичлари ёмонлашди, чунки Толибон асосий чегара ўтиш жойларини эгаллаб олди. Бюджет ижроси лойиҳани амалга ошириш учун хавфсизлик шароитлари сустрлашди (ривожланиш бюджети ижроси даражаси июль ойи охирида 28,4 фоизни ташкил этди, 2020 йилдаги 32,1 фоизга нисбатан, кейин эса кескин секинлашди). Август ойининг бошига келиб, Толибон божхона пунктлари устидан назоратни қўлга киритди, бу умумий божхона йиғимларининг қарийб 57 фоизини ташкил этди, бу давлат даромадларининг 27 фоизига тенг. Йил ўрталарида бюджетни кўриб чиқишда ҳукумат даромадлар бўйича режаларни 26 фоизга қисқартирди ва ривожланиш лойиҳаларига ажратмалар ва бошқа ихтиёрий харажатларни 45 фоизга (ёки 0,5 миллиард АҚШ доллари) қисқартирди. Толибон ҳокимиятни эгаллаб олганидан бери молиявий натижалар ҳақида чекланган маълумотлар мавжуд. Муваққат Толибон ҳукумати

¹ Afghanistan: Taliban takeover impact on businesses 18.08.2021

² "Impact of Covid 19 on poverty In Afghanistan bargonproject.org, 21. 07.2022



марказлаштирилган божхона йиғимларини қайта тиклади, кундалик йиғимлар 2020 йилдаги ўртача 50-60 фоизга тенг¹.

Ўтиш даври ҳукумати Афғонистон иқтисодиётини қутқара оладими? Бу масалада илмий асоссиз фикр билдириш жуда қийин. Ҳолбуки, давлат иқтисодиётини ривожлантириш ўз соҳаси бўйича тажрибали мутахассисларни талаб қилади. Шунингдек, режимнинг кескин ўзгариши, ташқи ёрдам ва халқаро молиявий алоқаларнинг кескин тўхтатилиши, техник, профессионал ва бошқарув ходимларининг мамлакатни тарк этиши, бошқалари эса иш ҳаққи тўланмаганлиги ёки ишсиз қолиши натижасида инсон салоҳиятини ва малакаси қуйи даражага олиб келди.

Бинобарин, Толибонда тажрибали иқтисодчилар, малакали ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар ва бошқа ўз касбининг усталари бўлмиш ўрта қатламсиз мамлакат иқтисодиётини сақлаб қолиш жуда қийин вазифа деб ўйлаймиз.

Афғонистон иқтисодиётини гуманитар ёрдам билан тиклаш. Афғонистон очарчилик ва иқтисодий таназзул ёқасида турибди. Миллионлаб одамлар қашшоқлик, очлик ва ҳатто ўлимга дучор бўлишлари мумкин. Сўнгги воқеалар улкан иқтисодий тушкунликни келтириб чиқарди, Афғонистон иқтисодиёти ЯИМ 30 фоизга пасайган ва келгуси бир неча йилда тикланиш кутилмаяпти. Афсуски, энг ёмони ҳали қиш фаслидан сўнг захиралар тугаган, инсонпарварлик ёрдамнинг кўплаб ҳудудларга этиб бориши, одамларнинг ёрдам олишлари мумкин бўлган жойга кўчиб ўтишлари ва муҳтожларга зарурий товарлар етиб боришини мураккаблашмоқда. Кўпгина қишлоқ афғонлари оғир вазиятга дуч келишади, чунки улар кейинги ҳосил олдида қўлларида бўлган барча озиқ-овқат ва молиявий ресурсларни тугатадилар. Шаҳарларда камбағал ва ўрта синф уй хўжаликлари ойлик маошлари тўланмай қолиши, қудалик меҳнат ва бошқа иш жойларисиз қолганлиги сабабли улар қийин вазиятда қолганлар.

Очликдан ўлим ўз-ўзидан озиқ-овқат таъминоти танқислигидан эмас, балки оч қолган аҳолининг озиқ-овқат сотиб олиши учун ресурслар ва харид қобилиятининг етишмаслигидан келиб чиқмоқда.

Гуманитар ёрдам муҳим бўлсада, Афғонистондаги иқтисодий ва гуманитар инқирозларни юмшатиш юкни ёлғиз ўзи кўтара олмайди. Муаммонинг кўлами жуда катта - мавжуд озиқ-овқат ёрдами дастурлари ҳозирда камбағал ва ҳаёти хавф остида бўлган афғонларнинг фақат бир қисмини қамраб олиши мумкин. Бундан ташқари, муҳтож афғонларнинг сони йилдан-йилга ошиб бориши гуманитар ёрдам кўрсатиш қиймати ошиб кетишига олиб келади.²

¹World bank report. 2021

² “How to Mitigate Afghanistan’s Economic and Humanitarian Crises” United states peace of institute 04.01.2022 p 26



Ижтимоий-сиёсий тендециялар. Толиблар ҳокимят тепасига келганидан буён сиёсий жараёнлар турли кўринишларда ривожланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Трансафғон темир йўлини яратишга киришди "Мозори Шариф–Кобул–Пешовар" темир йўли лойиҳасининг харитаси Покистон, Ўзбекистон ва Афғонистон томонидан келишиб олинди. Унинг узунлиги 600 км бўлади, тахминий қиймати – 5 млрд доллар. Темир йўл Марказий Осиё мамлакатлари учун Покистон портларига йўл очади. Бунинг эвазига минтақа товарлари жаҳон океанига тезроқ ва арзонроқ етиб боради. Шавкат Мирзиёевнинг сўзларига кўра, "бу темир йўл минтақаларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборади"¹.

Яна бир сиёсий ходиса, Хитой Афғонистон бўйича кенгайтирилган "учлик" йиғилишини 2022 йил 31 мартда ушбу мамлакатга қўшни давлатлар вазирлари конференцияси доирасида ўтказди.

Кенгайтирилган учликка Хитой, Россия, АҚШ ва Покистон вакиллари киради. Афғонистонга қўшни давлатлар (Хитой, Эрон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон) учинчи вазирлар конференцияси шу йилнинг 31 март куни Хитойда бўлиб ўтди. Афғонистонга қўшни мамлакатлар вазирлари учрашувида "афғон масаласи"ни ҳал қилиш бўйича келгусидаги ҳамкорлик йўллари муҳокама қилинди. Тадбирда Ўзбекистон номидан бош вазир ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умрзоқов иштирок этди.

Конференцияда сўзга чиққан Сардор Умрзоқов Афғонистонга мавжуд муаммоларни бартараф қилиш, миллий иқтисодий қайта жонлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш ва мамлакат ҳаётини нормаллаштиришда кўмаклашишга қаратилган минтақавий ҳамкорликни мувофиқлаштиришни кучайтириш зарурлигини таъкидлади. *Афғонистон муваққат ҳукуматини халқаро миқёсда тан олишининг механизми ва мезонларини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.* Ушбу чоралар мамлакатнинг минтақавий макон ва халқаро ҳамжамиятга интеграциялашувини тезлаштириш имконини беради. Шунингдек, Ўзбекистон томони минтақа давлатлари, ҳамкор мамлакатлар ва Афғонистон билан барча устувор йўналишларда, жумладан, иқтисодий жиҳатдан тиклашни тезлаштириш ва афғон халқининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган йирик инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорликни давом эттиришга содиқлигини билдирди.

Анжуман якунида тарафларнинг қўшма баёноти ва Афғонистонни иқтисодий жиҳатдан тиклашни қўллаб-қувватлаш бўйича "Тунъси ташаббуси" қабул қилинди.²

¹ Ш. Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Трансафғон темир йўлини яратишга киришди"га бағишланган нутқи 28.03.2022

² С. Умрзоқовнинг "Афғонистонга қўшни давлатлар (Хитой, Эрон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон) учинчи вазирлар конференцияси" даги нутқи 31.03.2022



Афғонистондаги сиёсий жараёнларга боғлиқ яна бир ходиса, Аҳмад Масъуд кўмондонлигидаги Қаршилик fronti кучлари тарафдорлари Покистонда АҚШга мойиллиги кучли бўлган янги раҳбариятга умид боғлашмоқда

Афғонистон Миллий Конгресси партияси раҳбари ва Миллий Қаршилик fronti тарафдори Абдул Латиф Педрам Покистоннинг янги ҳукумати толиблар билан ҳамкорлик қилиш ва уларни расман тан олиш ўрнига инклюзив ҳукумат ва федерал тузилмани шакллантириш йўлида афғон халқига кўмак беришига умид қилмоқда.

Унинг сўзларига кўра, афғон муҳолифати минтақадаги ва айниқса, Афғонистоннинг қўшнилари билан муносабатларида барқарорликка интилади.

Маълумот учун, яқинда Покистон собиқ Бош вазири Имрон Хон парламентини тарқатиб юборишга уринди, бироқ Олий суд бунга рухсат бермади. Депутатлар Хонга нисбатан ишончсизлик вотумини қабул қилиб, уни лавозимидан четлаштиришди. Бугунги маълумотларга кўра, Покистон мусулмонлар лигаси (Навоз фракцияси) раҳбари Шаҳбоз Шариф Покистоннинг янги бош вазири этиб сайланди.

Хулоса. Амалга оширилиши керак бўлган иқтисодий чоралар:

Хусусий бизнес ва тижорий операцияларни қамраб олувчи санкцияларни енгиллаштириш;

Афғонистон даромадлари ва ёрдам маблағлари комбинациясидан фойдаланган ҳолда тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар ва бошқа муҳим хизматларни етказиб берувчиларнинг маошларини тўлаш йўлларини топиш;

Афғонистоннинг 900 миллион долларлик валюта захираларини актив ҳолатга келтириш ва афғон банкларининг ўз валюта захираларига тўғридан тўғри тасарруфига олиш имконини бериш (АҚШ президенти бу борада бир қанча баёнотлар билан чиқди). Бу банк тизимини мустаҳкамлайди ва унинг яқинлашиб келаётган инқирозининг оқибатларини енгиллаштиради;

Иқтисодий зарбани юмшатиш ва тўлов балансини қўллаб-қувватлаш учун вақт ўтиши билан қўшимча валюта захираларини босқичма-босқич фаоллаштириш Афғонистон иқтисодиёни мослаштиришга ёрдам беради;

Толибонга бевосита алоқадор бўлмаган захиралар ҳисобидан Ўзбекистон ва Тожикистондан электр энергияси импорти учун тўловларни тўлаш ва халқаро молия институтлари олдидаги аввалги ҳукумат томонидан олинган давлат қарзлари ва мажбуриятларини бажариш учун ҳам ишлатилиш имконини яратиш;

Ниҳоят, Афғонистон ҳукумати ўз ролини ўйнаши керак. Толибон Молия вазирлиги мустақиллик даражасини тиклаши ҳамда асосий лавозимларга малакали, тажрибали технократларни тайинлаши керак. Жаҳон банки ва бошқа ташқи агентликлар томонидан баҳоланиши мумкин бўлган бу йил учун ишончли, оммага очиқ бўлган миллий бюджетни устуворлигини таъминлаш;



Афғон халқи ва тижратчилар ўртасидаги ишончнинг ёмонлашувига барҳам бериш - бу кўп жihatдан Афғонистон ҳукуматига боғлиқ, бу - иқтисодий барқарорликнинг муҳим таркибий қисмидир;

Табиий бойликларни ўзлаштириш ва қазиб олишда замонавий хорижий технологияларни жорий этиш орқали иқтисодий ривожланишни таъминлаш;

Ички Йўллар логистика салоҳиятини ошириш ва тартиб қоидаларни халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқиш;

Барча давлат соҳаларида технологик инқилобни амалга ошириш;

Аҳолини илмий саводхонлиги, инсон капитали индекси, малакали ва арзон ишчи кучи орқали хорижий инвесторларни жалб қилиш чора тадбирларини кўриш ва энг муҳими ички инвесторларни сақлаб қолиш (Албатта молиявий кафолат зарурати билан);

Аҳолини молиявий, сиёсий, ижтимоий маданиятни ошириш чора тадбирларини кўриш;

Давлатчилик инситутларини ташкил қилиш;

Афғонистонда қандай ҳукумат тузилишидан қатъий назар юқорида тақидланган тақлифларни амалга ошириш давлат ҳокимиятини ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга.



ФАЛСАФА // ФИЛОСОФИЯ // PHILOSOPHY

АХМЕДОВА САНАМ

кандидат философских наук, ТГУВ

Специфика проблемных аспектов теории познания в китайской философии

Аннотация. В статье актуализирована специфика проблем теории познания китайской философской мысли, при определении важнейших аспектов в учениях известных мыслителей. Показывается, что особенности познавательной деятельности занимали одно из важнейших мест в философской проблематике Китая. И главной особенностью учений являлось то, что исходный принцип познания был символическим воплощением идеи единства и гармонии всего мироздания. Отмечается, что теория познания в учениях философов, смогла осуществить претворение особых идей в жизнь, сформировав образ мысли китайцев, и сохранившийся вплоть до настоящего времени. При этом обозначенные идеи стали для китайского общества не просто философией, но и руководством в жизнедеятельности во всех её проявлениях. Автор надеется, что представленное исследование способно предоставить для осознания личностью важных особенностей в отношении сложившихся в китайской философии актуальных воззрений по поиску истины и возможных путей преодоления сложных жизненных ситуаций.

Опорные слова и выражения: китайская философия, теория познания, Дао, знание, Конфуций, Мо Ди, Мэн-цзы, Сюнь-цзы, Ван Янмин, Хэ Линь, мир, человек, гармония, жизнь.

Аннотация. Мақолада хитой фалсафий тафаккурининг билиши назарияси муаммоларининг ўзига хослиги, машхур мутафаккирлар таълимотидаги энг муҳим жиҳатларни аниқлаида долзарблик ёритилган. Когнитив фаолиятнинг хусусиятлари Хитой фалсафий муаммоларида энг муҳим ўринлардан бирини эгаллаганлиги кўрсатилган. Ва таълимотнинг асосий хусусияти шундаки, билимнинг асл тамойили бутун оламнинг бирлиги ва уйғунлиги гоёсининг рамзий тимсолидир. Қайд этилишича, файласуфлар таълимотида билиши назарияси хитойликларнинг тафаккур тарзини шакллантириб, ҳаётга алоҳида гоёларни амалга оширишига муваффақ бўлган ва ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Шу билан бирга, кўрсатилган гоёлар Хитой жамияти учун нафақат фалсафа, балки унинг барча кўринишларида ҳаётда қўлланмага айланди. Муаллиф, тақдим этилган тадқиқот ҳақиқатни излаш ҳақидаги ҳозирги қараишлар ва Хитой фалсафасида ривожланган қийин ҳаётий вазиятларни бартараф этишининг мумкин бўлган усуллари билан боғлиқ ҳолда шаҳсга муҳим хусусиятларни беришига умид қилади.

Таянч сўз ва иборалар: Хитой фалсафаси, билим назарияси, Тао, билим, Конфуций, Мо Ди, Мэн-цзы, Сюнь-цзы, Ван Янмин, Хэ Лин, тинчлик, инсон, уйғунлик, ҳаёт.

Abstract. The article actualizes the specifics of the problems of the theory of knowledge of Chinese philosophical thought, in determining the most important aspects in the teachings of famous thinkers. It is shown that the features of cognitive activity occupied one of the most important places in the philosophical problems of China. And the main feature of the



teachings was that the original principle of knowledge was a symbolic embodiment of the idea of unity and harmony of the entire universe. It is noted that the theory of knowledge in the teachings of philosophers, was able to implement the implementation of special ideas in life, forming the way of thinking of the Chinese, and preserved up to the present. At the same time, the indicated ideas have become for the Chinese society not just a philosophy, but also a guide in life in all its manifestations. The author hopes that the presented study will be able to provide an individual with important features in relation to the current views on the search for truth and possible ways to overcome difficult life situations that have developed in Chinese philosophy.

Keywords and expressions: Chinese philosophy, theory of knowledge, Tao, knowledge, Confucius, Mo Di, Mencius, Xunzi, Wang Yangming, He Lin, peace, man, harmony, life.

Введение. Исследование специфических проблемных аспектов теории познания в китайской философской мысли вбирает в себя довольно сложный целостный комплекс социокультурных, духовно-нравственных и религиозных областей в жизни человека и общества.

Китайские мудрецы, формулируя принципы в отношении построения познавательного процесса, основываются на сочетании различных аспектов бытия личности, при необходимости следования пути Дао. Обозначенное положение проецирует мысль именно о том, что «познать самого себя, познать сущность вещей, достичь высшей мудрости, включая умение точно употреблять слова, наименования, и есть путь Дао, ведущий к овладению Поднебесной».¹ При этом «постичь Дао - значит вступить на Путь познания истины. И где-то в конце этого трудного путешествия человеку откроется истина, и он сможет сказать себе - мой жизненный путь окончен».² Становится очевидным, что «Дао беспредельно для познания, как и любая истина. Дао — норма социальной справедливости и правильного поведения: тех, кто лишён Дао, следует перевоспитывать...».³ Следовательно, многие особенности китайских философских учений основываются на пути Дао, что провозглашает характерную взаимосвязь с гносеологическими аспектами, и тем самым, способствуя расширению у человека представлений о важнейших жизненных приоритетах.

Обзор литературы по теме.

В настоящее время имеется большое количество научной литературы по китайской философии, авторами которых являются известные учёные-исследователи (Бао Оу, В.Г. Буров, Л.С. Васильев, М. Гране, К. Гросс-Ло, А.И. Кобзев, А.Е. Лукьянов, А. Масперо, Л.С. Переломов, М.Т. Степанянц, М.Л. Титаренко, М. Томпсон, Фэн Ю-лань и др.), и которые особое значение

¹ Васильев Л.С. Проблемы генезиса китайской мысли (формирование основ мировоззрения и менталитета). – М.: Наука, 1989. – С. 174.

² Переломов Л.С. Конфуций: жизнь, учение, судьба. - М.: Наука, 1993.. – С. 188.

³ Васильев Л.С. Проблемы генезиса китайской мысли (формирование основ мировоззрения и менталитета). – М.: Наука, 1989. – С. 53.



придавали изучению проблемных аспектов теории познания. Учёные, разрабатывая основные социально-философские и культурные критерии различных учений китайской философии, акцентировали внимание на соотношении духовно-нравственной и эстетической жизни, сопровождая тексты переводами самих источников.

Методология исследования.

Рассмотрение и анализ теории познания в китайской философской мысли позволяет использовать историко-культурный и компаративистский подходы, а также методы описания, синтеза и обобщения.

Анализ и результаты.

